


42.16
p.18

А.РАЗЗОҚОВ
**ЎЗБЕКИСТОН
ПАХТАЧИЛИГИ
ТАРИХИ**



ЎЗБЕКИСТОН

АБДУМАЛИК РАЗЗОҚОВ
тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистонда пахтачилик тарихи

(Ўтмиш ва ҳозир)

16046



Тошкент
«ЎЗБЕКИСТОН»
1994

Мухаррир С. Мирзааҳмедова

Тақризчилар: тарих фанлари докторлари, профессорлар Р. С. Сангиров, А. Набиев, тарих фанлари номзодлари, доцентлар З. Р. Мухамедова ва Э. Ғойибназаровлар

0503020904—145
P—94
M 3511047—94

ISBN 5-890-01356-7

© «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 й.

КИРИШ

Пахта... У нима ўзи? Оддий ўсимликми, тирикчилик манбаими, яшаш шартими ёки сиёсатми?

Бу саволлар фақат бугун пайдо бўлгани йўқ. Улар азалдан мавжуд бўлиб, кишилар фикри-зикри ва ақли-хушини ўзига ром этиб келган.

Пахта Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Бу катта ҳудудда яшаб, истиқомат қилиб келаётган миллион-миллион кишилар тақдири, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, бу туркий ва форсий тилда сўзлашувчи халқлар руҳияти — буларнинг барчаси пахта билан боғлиқдир.

Пахта — халқ тақдири, унинг тарихи, фаровон ва вайрона кунларининг шоҳидидир. Агар унда забон бўлганида ўзбек халқининг минглаб йиллардан иборат тарихини саҳифама-саҳифа сўзлаб берган, ўтмишга оқилона, одилона баҳо берган бўларди.

Афсуски, бундай бўлмади...

Пахта биз — ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, тожиклар ва озарбайжонлар яшаб келаётган қадимий халқ тақдиридир. Тарихий, ёзма, археологик тадқиқотлар далолат беришича, ўзбеклар диёри пахтанинг ватанидир.

Ҳозиргача пахта аввал Хитойдан Яқин Шарққа кўчганлиги, кейинчалик эса у ердан Ўрта Осиё ҳудудига олиб келинганлиги таъкидланар эди. Аммо, янги маълумотлар V асргача пахта Хитойда маълум бўлмаганлигини, кейинчалик эса у ерга пахта Ўрта Осиёдан олиб борилганлигини кўрсатмоқда¹. Демак, пахтанинг ватани Хитой эмас, бизнинг ҳудудимиз эканлиги тўғрисида ҳам баҳс юритиш пайти келди.

Аммо, шу билан бирга яна бир нарсага эътибор бериш лозимки, пахта бирданига бир неча давлатларда етиштирилган бўлиши ҳам мумкин. Гап шундаки, бизнинг тасаввуримизда пахта энг аввало ёввойи ўсимлик сифатида пайдо бўлган ва Осиё қитъасининг табиий шароити қулай бўлган барча жойларида ўсаверган. Шунинг учун ҳам, биз пахта ўсимлигининг Ватанини, бир томондан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди эканлигини рад этмаган ҳолда, у яна бир қанча жойларда, жумладан Яқин Шарқ ва араб

¹ «Туркистон», 1992 йил 3 сентябрь.

давлатларида, Хитой ва Ҳиндистон, кўшниларимиз Эрон ва Афғонистонда ҳам биринчи бўлиб пайдо бўлганлигини инкор эта олмаймиз. Нима бўлганда ҳам, пахта шу заминда яшаётган инсоният ақл-иродасининг меваси ва, энг аввало, табиат инъомидир.

Биз юқорида пахта тарихи билан ўзбек халқи тарихи чамбарчас боғланиб кетганлигини айтган эдик. Дарҳақиқат, шундай. Маълумки, ҳар бир халқнинг фахрланишга, ғурурланишга арзийдиган неъматини, ишлаб чиқариш усули бўладики, ўшалар орқали у ёки бу миллатнинг тақдири, тарихини осонгина билиб олиш мумкин. Ўзбек халқининг фахрланишга арзийдиган ишлаб чиқариш соҳаси — пахтачиликдир. Аммо шу билан бирга пахта туфайли бизнинг ўлкада тўхтовсиз урушлар, қон тўкишлар, вайронагарчиликлар ҳам бўлди. Пахта — давлатлар ўртасидаги низоларга сабаб бўлди, чегаралар бузилди — гоҳо тораёди.

Пахта — аста-секин йирик-йирик давлатларнинг сиёсатида стратегик — бош ролни ўйнай бошлади. Бойлик орттириш, пахта истеъмол қилиш иштаҳасини қондириш — буларнинг барчаси Ўрта Осиёнинг Россия давлати томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Бир сўз билан айтганда, пахта — сиёсатга, сиёсатни амалга оширишнинг энг асосий воситаларидан бирига айланди.

Чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасида юргизган сиёсати натижасида бу ерда пахта яккаҳоқимлиги пайдо бўлди, озиқ-овқат муаммоси вужудга келди. Пахта майдонларининг кенгайиши, аста-секин дон, мева-сабзавот экиладиган ерларнинг қисқаришига, боғу роғларнинг яқсон бўлишига олиб келди.

Афсуски, мазкур сиёсат 1917 йил октябрида бўлиб ўтган большевиклар давлат тўнтаришидан кейин ҳам ўзгармади. Бошқача сўз билан айтганда, подшо ҳукуматининг Туркистондаги сиёсати большевиклар раҳбарлиги шароитида янги шаклларда намоён бўлди. Аммо, бу иккала давлат (Чор ҳукумати ва большевиклар диктатураси) сиёсатининг бош мақсади — мустамлака ўлкаларни тобора кўпроқ ва тезроқ қашшоқлаштириш, ўзларига яна ҳам мустаҳкамроқ қарам қилиб олиш бўлиб қолаверди.

30- йилларга келиб Ўзбекистон собиқ СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлади. Аммо худди шу билан бирга, у ўзининг қарамлигини, мустақилсизлигини ҳам «таъминлади». Жумҳуриятимиз пахтачилиги қанчалик тез ривожланган бўлса, бу ерда яшаётган халқларнинг

қашшоқланиши, иктисодий қарамлиги, маънавий ўпирилиши ҳам шунчалик кучайиб бораверди.

Маъмурий-бўйрукбозлик сиёсати амал қилган бизнинг собиқ мамлакатларимизда қишлоқ хўжалигини юксалтиришга эрк, эркинлик берилмади. Тадбиркор деҳқонлар, ишбилармон пахтакорларнинг ташаббуслари бўғилди, уларнинг ҳаракатидан «капиталистик» ишлаб чиқариш усулини чиқариб ташлаш ҳаракати бошланди. Барча соҳаларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам «тенглаштириш» сиёсати амалга оширилди, оммавий равишда коллективлаштириш бошланди. Оқибатда деҳқонларнинг, пахтакорларнинг ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдорлигига чек қўйилди.

Пахта жумҳуриятимиз экологиясини бузди, табиат қонунларига кўр-кўрона аралашиш пайдо бўлди. Натижада ерларимиз «қашанда», «порахўр» бўлиб қолди, одамлар орасида турли хил касалликлар пайдо бўла бошлади, боғларимиз камайиб, дарёларимиз, Оролимиз қурий бошлади. Тугилаётган болалар орасида соғломларини топиш амримаҳол бўлиб қолди, жисмоний жиҳатдан «ҳам бўйимиздан, ҳам энимиздан» қисқара бошладик, маънавий томондан эса манқуртлашишимиз кучайди. Аҳоли орасида ўлим кучайди. Агар, 1980 йилда жумҳуриятимиз бўйича 118,9 минг киши вафот этган бўлса, 1990 йилга келиб бу рақам 124,5 мингга етди¹. Бу жараён қишлоқда айниқса авж олди.

Маданият ривожланган барча давлатларда фан-техника тараққиёти туфайли қишлоқ меҳнати осонлашиб, «маданийлашиб» бориши натижасида шаҳар аҳолиси сони кўпайиб борган бўлса, бизда буларнинг барчаси бўйича тескари жараён юз берди. Агар 1979 йилда Ўзбекистон қишлоқларида 9047 минг аҳоли яшаган бўлса, 1991 йилги маълумотларга кўра уларнинг сони 12 364 мингга етди².

Тўғри, биз юқоридаги жараённи бошидан охиригача ҳато, тарихий тараққиётга ёт ходиса, деб билмаслигимиз лозим. Гап шундаки, ўзбеклар азалдан қишлоқ билан узвий равишда боғланган ва бу нарса бизнинг руҳиятимиз, турмуш тарзимиз, тарихимиз билан боғлиқдир. Аммо шу

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистик йилнома. Тошкент: «Ўзбекистон», 1991, 17- бет.

² Ўша жойда, 14- бет.

билан бирга фан-техника тараққиёти гуркираб ривожланаётган, кишиларнинг фаровонлиги яхшиланиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг халқаро тараққиёт даражасидан ортда қолиши ҳам афсусланарли ҳолдир.

Собиқ Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ меҳнатини енгиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар режасиз ва тутуриқсиз равишда олиб борилгани оқибатида ўзбек пахтакори ўз кетмонидан ажрала олмади. Ўзбек деҳқони пахта етиштиришни февраль ойининг охиридан (ариқларни тозалаш, йўлларни очиш) бошлаб, то декабрь ойигача (пахта териш, шудгорлаш, яқоб бериш) амалга оширарди. Кунда, бирор-бир дам олиш кунисиз, тонг саҳардан то кўз кўрмай қолгунга қадар ишлаш (баъзан 45—50 даража иссиқда) — ўзбек пахтакорининг иш жадвали эди.

Дунёда бирор-бир мамлакатда, ҳаттоки қуллик даврида ҳам инсон боласи бундай қийинчиликларни кўрмаган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда пахта чопигининг бир кунлик нормасини бажариш учун оғирлиги бир килограммдан зиёдроқ бўлган кетмонни 50 минг марта ердан кўтариб, бир маромда ерга ташлаб, ер чопиш керак бўлган. Олтин танга эмас, балки мисдан ясалган бир **тийин** учун пахтакор кетмонни ердан кўтариб 159 марта ер чопиши керак эди¹.

Марказ «Оқ олтинни олтин қўллар яратади», деган шиор билан ўзбек пахтакорини алдаб келди. Аслида эса, бу қўл — қадоқ қўл, меҳнатда адо бўлган, куч-қувватдан қолган қўл эди. Ноябрь, декабрь ойлари... Ҳаво совуқ, изғирин совуқ шамол. Қоп-қора ғўзапоялардан иборат бўлган дала. Бу ерда совуқдан жунжикиб, оғир этикни кийиб олиб, келиши кутилаётган ўрис комиссиядан кўрқиб-писиб пахта теришмоқда. Улар — мактаб болалари, аёллар, нуроний чол-кампира... Улар бу ердан қош қорайганда кетадилар — бир қўлда бола, бир қўлда эса тўйишга улгурмаган сигир. Хўш, бу пахтакорни уйда нима кутмоқда? Суюқ шўрва ва тотли нондан бошқа ҳеч нарса йўқ, дастурхон бўм-бўш. Бундай ачинарли ҳолнинг сабаби нимада?

Сабаби шуки, ўзбек халқининг миллий ифтихори деб аталган пахта ҳосилининг 90 фоизи Марказга (Москва, Ленинград, Иваново...) олиб кетилиб, ундан келадиган

¹ «Дружба народов», 1990, № 1, 205-бет.

фойда қайта ишлайдиган ташкилотларда соат 9.00 дан 18.00 гача ёруғ, кенг, иссиқ хоналарда ишлайдиган «катта оғаларимиз» чўнтагига тушар эди.

Бундан ташқари, ўша «катта оғаларимиз» бизнинг пахтамизни сифатсиз, хом деб, қайта ишлашдан бош тортиб, неча марта бизни чўчитиб қўйишмади. Натижада, Марказ томонидан Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон «зарар» келтирувчи жумҳурият, Москва учун «бўйинтурук», деган асоссиз ғоя вужудга келтирилди.

Аслида-чи... Аслида, бизнинг пахтамиз ўз сифатига, обрўйига, халқаро нуфузига эга эди. Покистоннинг «Табани» тижорат фирмасининг Бош директори Екуб Табани шундай дейди: «Фирмамиз пахта сифатини аниқлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида узок йиллик тажрибага эга. Энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган лабораторияларда йирик мутахассислар иш олиб боришаётганига ўзингиз гувоҳ бўлгансиз. Шунинг учун фирмамизнинг ички «сири» бўлса ҳам айтиб қўяй: Ўзбекистон пахтасининг энг охирги нави ҳам биздаги олий нав пахта ўрнини боса олади. У ҳар қандай жаҳон стандартига мос тушади. Унга паст назар билан қараш — окни қора деб баҳолаш билан тенгдир. Шунинг учун ҳам биз пахтагизнинг доимий харидоримиз. Чегараланмаган миқдорда сотиб олишга тайёрмиз»¹.

Бундай яхши хулосалар, тилак, истаклар ҳозирги кунда талайгина. Эндиги бизнинг вазифамиз, янги, мустақиллик шароитида ўз пахта сиёсатимизни амалга оширишдан иборатдир. Мақсадимиз, оқ пахтагизнинг биз юқорида таъкидлаган «қора ишларидан» араз қилмасдан, уни тўғри режа асосида, бошқа экинлар билан нисбатини мувофиқлаштириш асосида ривожлантиришдан иборатдир.

Бу вазифани бажариш эса биз, тарихчи олимлардан, мазкур соҳани ўрганиш ишини жадаллаштиришни, уни илмий жиҳатдан ва оммабоп равишда таҳлил қилишни талаб қилмоқда. Тўғри, пахтачилик тарихи собиқ СССР шароитида ҳар ҳолда ривожланди, кўплаб мақолалар, монографиялар эълон қилинди, диссертациялар ҳимоя қилинди.

Аммо, бу тадқиқотлар Марказнинг илмий соҳани, жумладан тарих фанини ёритиш борасида олиб борган сиёсатига мослаштирилди. Тарих илмини ривожланти-

¹ «Ўзбекистон овози», 1992 йил 26 июнь.

ришдаги объективлик, ростгўйлик, одиллик, илмийлик мезонлари кўпол равишда бузилди, фанда бир ёкламалик пайдо бўлди. Жумладан, тарихда фақатгина ижобий ходисаларга эътибор бериш, ҳаётнинг салбий томонларини эса «эсдан чиқариб» колдириш, аҳамият бермаслик ҳолати юзага келди.

Бу билан, биз собик СССР даврида яратилган барча асарларни тафтиш қилиш, қайтадан назоратдан ўтказишни талаб қилмаймиз ва бунга бизнинг маънавий ҳуқуқимиз ҳам йўқ. Зеро, ўша турғунлик деб аталган даврда ҳам кўплаб олимлар илмий пишиқ, фактларга бой асарлар ёзиб, масалаларни ёритиш, муаммоларни ҳал этишда тўғри, одилона йўлдан боришганки, уларнинг айрим илмий ишларини таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас. Бу ишга Р. Х. Аминова («Аграрная политика Советской власти в Узбекистане» (1917—1920 гг.). Тошкент, 1963; «Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу». Тошкент, 1965; «Осуществление коллективизации в Узбекистане» (1929—1932 гг.). Тошкент, 1977; «Победа колхозного строя в Узбекистане» (1933—1941 гг.). Тошкент, 1981); А. Ю. Ибрагимова («Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане» (1929—1933 гг.), Тошкент, 1969); Г. Р. Ризаев («Аграрная политика Советской власти в Узбекистане» (1917—1965 гг.). Тошкент, 1967; «Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана», Тошкент, 1978); Х.С. Саидов («Борьба за осуществление ленинских идей в развитии Советского хлопководства». Тошкент, 1966); Ф. Б. Джумабаев («Трудящиеся Узбекистана в борьбе за развитие хлопководства в годы до военных пятилеток». Тошкент, 1973) ва бошқа кўплаб тарихчи олимлар катта хисса қўшдилар.

Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, «Фан» нашриётида эълон қилинган «История развития хлопководства в Узбекистане» (Тошкент, 1983) ва пахтачилик бўйича эълон қилинган икки жилдли қомус ҳам пахта тарихини ёритишда катта аҳамиятга эга.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам бир неча йиллар давомида мазкур муаммони ҳал этиш устида камтарона меҳнат қилмоқда («Из истории борьбы трудящихся Туркестанской АССР за восстановление хлопководства». — Тошкент: Ўз. Дав. нашр. 1957; «Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР» — Тошкент, «Фан», 1968).

Қўлингиздаги китобни ёзишдан ва уни ўқувчиларга тақдим қилишдан мақсад, Ўзбекистон пахтачилигининг энг қадимги даврдан то ҳозирги кунларгача бўлган тараққиётини, унинг ютуқ, камчиликлари, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларини холисона равишда баён этишдан иборат.

Биз, ушбу вазифани ҳал эта бориб, уни тўлиқ, ҳар томонлама ва тугал тарзда ёритиш масъулиятини ўз бўйнимизга олмаймиз. Зеро бу — бир китоб ҳажмида ва бир тадқиқотчи томонидан бажарилиши мумкин бўлмаган ишдир.

Бундан ташқари, мазкур изланиш айрим хато, камчиликлардан холи эмаслиги ҳаммага аён ва шунинг учун ҳам, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни биз ушбу муаммони тўлиқ ҳал этиш йўлидаги бир кадам, деб тушунаемиз.

УТМИШДАН ДАРАҚЛАР

Қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачилик тарихи инсоният тарихи, унинг ижтимоий келиб чиқиши, маданияти билан бевосита боғлиқдир. Худди шу маънода Ўзбекистон пахтачилиги тарихи ҳам шу ҳудудда яшаган энг қадимий халқлар тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўзбек пахтачилик тарихини ўрганиш умуман шу халқ тарихини ўрганиш асосидагина амалга ошиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Ҳозиргача нафақат ўзбек пахтасининг, қолаверса бутун жаҳон пахтачилик тарихининг ибтидоси аниқланмаган. Яъни ҳозиргача пахта ватанининг ҳудудий жойи ва келиб чиққан муддати аниқланиши лозим бўлган илмий муаммолигича қолиб келмоқда. Айрим маълумотларга кўра, пахта бизнинг ўлкамизга Александр Македонский юришлари пайтида Эрондан келтирилган. Шу хулосага асосан пахта ҳосили энг аввало Ҳиндистонда пайдо бўлиб, кейинчалик аста-секин ғарб томонга қараб — Эрон, Арабистон, Фаластин, сўнгра эса Шарққа — Хитой ва Японияга тарқала бошлаган¹. Юқорида таъкидлаганимиздек, пахта етиштиришнинг аниқ бошланган вақти ҳозиргача маълум эмас. Шу ўринда грек юришлари давридаги ёзувларда Эрон ва Арабистонда пахта етиштириш ишлари амалга оширилаётганлигининг таъкидланиши ҳам пахта тарихи жуда қадимий ва кўхна эканлигидан далолат бермоқда. Кейинчалик эса Ўрта ер денгизи қирғоқлари бўйлаб пахта етиштирила бошланганлигига оид маълумотлар ҳам етарли. Яна шу нарсани алоҳида қайд қилиш лозимки, пахта маҳсулотини қайта ишлаш, мазкур хом ашёдан инсон ҳаёти учун зарур бўлган керакли кийим-кечак, озиқ-овқат турларининг ишлаб чиқарилиши ҳам айни шу даврга тўғри келади. В. И. Юферовнинг

¹ В. И. Юферов. Хлопководство в Туркестане.— Ленинград, 1925, 11-бет.

фикрича, Ўрта Осиёда пахтачиликнинг келиб чикиши шу ҳудудга грек босқинчиларининг бостириб кириши ва ягона грек-македон давлатининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, биз юқоридаги ва шунга ўхшаш бошқа барча фикрларни илмий жиҳатдан асосланмаган, тарихий жараёнлар оқими остида умумлаштирилган, аммо конкрет асосга эга бўлмаган хулосалар деб биламиз.

Бунинг учун бизнинг айрим асосларимиз бор. Жумладан, ҳозиргача биринчи одамнинг қаерда пайдо бўлганлиги тўғрисида аниқ фикр йўқ, мавжудлари эса бир-бирига шу даражада қарама-қаршики, масаланинг моҳиятига етиш ҳали узоқ илмий ишларни, тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилади. Айрим олимлар биринчи одамнинг илк ватани Марказий ва Шарқий Осиёнинг тоғли ва тоғолди районлари деб таъкидласалар, баъзи тадқиқотчилар бу ватанни Африкадан қидирадилар, яна бировлар эса, бу ҳудуд Осиёнинг жанубий ярми (Кавказорти ва Ўрта Осиё), Европа ва Африканинг катта қисмини ўз ичига олади, деб ҳисоблайдилар.

Маълумки, 800 минг йилча аввал бошланиб 100 минг йил аввал тугаган илк палеолит даврида, яъни музликка қадар, одамларнинг Ер юзининг катта ҳудудига тарқалиб кетиши учун қулай имкониятлар пайдо бўлган. Тўғри, илк палеолит даврида яшаган одамларнинг қолдиқлари ҳанузгача топилгани йўқ, аммо ўша даврда бу ўлкаларда одамларнинг яшаши учун қулай шарт-шароитлар бўлганлиги аниқланган. Бунга Фарғона водийсидаги Анорча деган жойда — Қайроғоч қишлоғи атрофидаги Бақирғонсой дарасида, Шўркўл ва Қайроққумда, Зарафшон дарёси водийсида ва Ўш тогининг жанубий ёнбағридаги Учтут қишлоғида топилган ашёлар далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Палеолит даврида одамлар яшаган маконлар Самарқанд шаҳар парки ҳудуди, Бухоро вилояти Қоратов тогининг ёнбағри, Оҳангарон устахоналари, Тўйтепадаги Қўқбулоқ маконлари ва Оқтош ғоридан топилган ашёларга хосдир.

Бундан тахминан 12—15 минг йиллар илгари Ўзбекистон ҳудудида ибтидий жамият тарихида янги давр бўлган, музликлар эса батамом эриб, иқлим деярли ҳозирги замон иқлимига яқинлашганлигини исботловчи далилларнинг пайдо бўлиши, кейинги пайтда археологлар томонидан қўлга киритилган энг катта ютуқлардандир.

Текшириш ва тадқиқотлар натижасида эрамиздан аввалги беш минг йилликларнинг бошларига келиб Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қабилалар орасида **маданий ўсимликларни** ўстиришга ўта бошлагаглари ҳам бўлганлиги аниқланган.

Бу тадқиқотларнинг хулосаларини эса Қадимги Хоразм ҳудудида Жонбосқалъадаги текширилган 4 макон, Замонбобо манзилгоҳидаги аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Демак, юқоридаги фикрлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Оксус (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) дарёлари қирғоқларидаги унумдор ерларда музликлар давридан илгари ҳам, ундан кейин ҳам маданий ўсимликлар, жумладан пахта етиштириш йўлга қўйилган. Бу айрим тадқиқотчиларнинг пахта ватани Ҳиндистон ёки Эрон деган тахминини ҳали ўрганилиши лозим бўлган муаммо эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, бундай айрим, жузъий фикр ёки илмий (балки ғайриилмий) хулосалар пахтанинг ватани бир жойда, деган фикрга ҳам олиб келмаслиги лозим, зеро пахта ҳосили энг аввало ёввойи ҳолда пайдо бўлган ва бундай кўчат ер юзининг қулай иқлим шароити мавжуд бўлган ҳар бир бурчагида ҳосил беришига шубҳа билан қарайвермаслик лозим.

Яна шу нарсага алоҳида урғу беришимиз лозимки, Ҳиндистон ва Эроннинг пахтанинг биринчи ватани эканлиги ҳақидаги фикр исботланмаганлиги каби Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг пахтанинг биринчи она юрти эмаслигини исботловчи далил, ашёлар ҳам ҳали йўқ.

Шундай қилиб, биз пахта маҳсулотининг келиб чиқиши, унинг ҳудудий тузилишини аниқлашда бу масалага яна ҳам кенгроқ ёндашиб, унинг ватани кишилик жамияти яшаб турган замин эканлиги, унинг мавжудлиги эса шу замин фарзанди бўлган ҳазрати инсон бахт-саодати учун хизмат қилажагидан иборат бўлган ғояга суянишни маъқул кўрдик. Зеро, мозий илмидан шу нарса яққол кўзга ташланиб турибдики, замин томонидан яратилган ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларни тарихий ҳудудларга бўлган ҳолда ўрганиш ҳамда уларни у ёки бу халққа, миллатга мансуб ёки номансублигини аниқлашга қаратилган ҳаракат кўп ҳолларда шу заминда яшаётган инсонлар тақдири билан ўйнашиш, уларнинг тақдирини тарихий беқарорликдан ҳудудий маҳдудликка бошловчи салбий восита эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Ўрта Осиё халқлари орасида ўтроқ ҳаётнинг бошланиши ва деҳқончилик маданиятининг юзага келиши масаласини илк бор эътироф эта бошлаган ёзма манбалардан бири эрамиздан аввалги VIII — VII асрларда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»дир. Мазкур асарда Ўрта Осиёдаги табиий бойликлар, воҳалардаги дарё, тоғ ва бошқа табиат инъомлари деҳқончилик, кишлоқ хўжалигининг бу ўлкаларда кенг ёйилганлиги тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Жумладан, «Қаердаки, дон кўпроқ экилса, емиш кўкатлари, мева берувчи дарахтлар кўпроқ экилса, қаердаки курук тупроқни суғоришса, ортиқча серсув (ботқоқ) ерларни куритишса, ўша жойда (ер) қувонади».

«Ердан экин ўсиб чиқиши биланоқ, девлар титрай бошлайди, экин ўриб олинганда улар (девлар) инграй бошлайди, хирмон кўтарилганда девлар қочади, хамир қорилганда девлар ҳалок бўлади... ғалла унуми кўп бўлганда девлар худди қиздирилган темир билан лабига ургандек қочади»¹, — дейилади асарда.

Бу китобда Ўрта Осиёнинг ўша давридаги жуғрофий қиёфаси — шаҳарлари, Хоразм, Марв, Сўғд каби воҳалари, барча моддий ҳамда маънавий маданияти ҳақида қимматли маълумотлар бор. Шунингдек, милоддан аввалги VI асрда Эрон аҳмонийлар давлати ҳукмронлари Доро ва Қсеркс томонидан Беҳиштун тоғида тошга ўйдирилган суратлар, ёзувлар ҳам Ўрта Осиё халқларининг маданияти ривожланганлигидан шохидлик беради.

Буюк юнон муаррихлари Геродот, Квинт Курций Руф, Плутарх, Арриан, Риодор, Страбон, Помпей Трог, Юстин, Аристотель, Ксенофонтлар ҳам милоддан аввалги V — I асрларда Ўрта Осиё ҳақида, унинг маданияти, тарихи, иқтисодий аҳволи тўғрисида ажойиб асарлар битганлар. Ўша замон манбаларига кўра, Ўрта Осиёда қуйидаги ўлкалар машҳур бўлган:

Хоразм — Амударёнинг қуйи оқимидаги ерлар;

Бақтрия — ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистоннинг Амударёга яқин ерлари;

Сўғдиёна — Зарафшон воҳаси;

Марғиёна — Марв ўлкаси, Мурғоб дарёси атрофлари;

Паркана — Фарғона водийси;

Парфия — ҳозирги Туркменистоннинг Каспий денгизи-

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент: 1958, 25-бет.

га туташ ерлари ва Эрон давлатининг шимолий қисми;

Ария — Ҳирот вилояти¹.

Ўрта Осиёда ижтимоий, иктисодий тараққиёт аҳмонийлар даврида яна давом этди. Бу даврда аҳолининг ўтrockлашуви давом этди ва аста-секин аҳоли яшайдиган йирик-йирик пунктлар пайдо бўла борди. Бу пайтда кишиларнинг озик-овқат билан таъминланиши ҳам марказлашган бўлиб, улар умумий тарзда амалга оширилган. Ирригация ва сув иншоотларини қуриш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишлари ҳам жамоа асосида олиб борилиб, уларга жамоа оксоколи раҳбарлик қилган. Тўғри, бу пайтда ҳам ижтимоий адолатсизликлар бўлганлиги маълум ва улар биринчи навбатда озик-овқат маҳсулотларини тақсимлашда кўринади. Аммо шунга қарамасдан, умуман жамоа орасида кишиларнинг тинч ва хотиржамликда яшаши таъминланган.

Шу нарсага алоҳида аҳамият бериш лозимки, Ўрта Осиё ўша пайтда ирригация, ерни ишлаш ва уни сунъий йўл билан суғориш масаласида дунёдаги етакчи ўринларни эгаллаганлигига тарих гувоҳлик бериб турибди.

Профессор Г. А. Ҳидоятонинг таъкидлашича, ирригация ва ерни сунъий равишда суғориш, Ўрта Осиёдаги йирик дарёлар қуйиладиган текис ерларни ўзлаштириш, экин экиладиган ерларни қайтадан ишлаш борасидаги режали тадбирлар энг аввало эрамиздан аввалги VI — IV асрларда бошланган². Аммо бу ўринда яна шу нарсага эътибор бериш керакки, Ўрта Осиё ҳудудида ирригация ва бошқа сув иншоотларини қуриш айнан юқорида кўрсатилган даврдан бошланган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги даркор, зеро ўлкамизда бундай ишлар бундан анча илгари (нихоятда ибтидоий бўлишига қарамай) бошланган.

Бундай иншоотлар Хоразм, Марғиён, Қафирниган, Фарғона, Сўғд, Тошкент воҳаларида кўпроқ учрайди. Йирик дарёларнинг қуйи қисмларида сувни тўсиб қоладиган ва аҳолини ҳар хил тошқинлардан ҳимоя қиладиган иншоотлар ҳам қурила бошланди.

Ирригация иншоотлари қурилишида тўпланган бой

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 23-бет.

² Г. А. Ҳидоятон. Моя родная история. Тошкент: «Ўқитувчи», 1990, 34-бет.

тажриба кейинчалиқ бу ўлкада дехқончилик, умуман қишлоқ хўжалигининг гуркираб ривожланишини таъминлади, ҳосил олишда барқарорликни рўёбга чиқарди.

Шунинг учун ҳам аҳоли жойларда сув иншоотларини қуришга алоҳида эътибор бера бошлади. Ўрта Осиёдаги давлатларда эрамиздан аввалги VI — IV асрларда интенсив равишда ерни сугориш тажрибаси тўпланди. Жумладан, Термиз ва унинг атрофидаги бой, ҳосилдор ерларни сугориш мақсадида Сурхон дарёсидан Занг канали қурилди. Зартепа шаҳарчасида эса мазкур катта ирригация тизимини бошқариш маркази ташкил этилган. Мазкур каналнинг эни 10 метрдан иборат бўлиб, уни ҳимоя қилиш учун махсус истехкомлар қурилган. Вахш водийсида эса 40 минг гектар ерни сугориш имкониятига эга бўлган иккита йирик иншоот қурилган.

Археологик қазилмалар ва ёзма манбаларнинг дарак беришича, ўша даврда энг ривожланган давлат бўлган Бактрия (ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистоннинг Амударёга яқин ерлари) айнан шу даражага фақатгина ирригация иншоотларини устун даражада ривожлантирганлиги ва қишлоқ хўжалик маданиятини такомиллаштирганлиги оқибатида эришди. Халчаян, Зартепа, Саксонокурдаги монументал иншоотлар юқоридаги фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

«Ўзбекистон тарихи ва маданияти» рисоласида¹ таъкидланишича, қишлоқ хўжалиги Ўрта Осиёда айниқса Кушон давлати даврида янада ривож топган. Кушонлар подшолигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти турфа ранг мазмун касб этган бўлиб, бунинг натижасида эрамизнинг II асри охирида «Буюк ипак йўли» орқали Хитой билан бошланган савдо алоқаларининг янада ривожланиши учун қулай шароит яратилган эди. Шарқда — шарқий Туркистон шаҳарларининг қўшиб олинган воҳалари орқали Хитой билан, жанубий Кушонлар бўйсундирилган Ҳиндистоннинг шимолий қисми билан, ғарбда Эрон ва Миср, шунингдек Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан, шимолда — Хоразм, Уралбўйи ва улар орқали Шарқий Оврупо мамлакатлари билан мунтазам савдо-сотик алоқалари олиб борилган.

Кушонлар подшолиги даврида жамият асосини қадимдан дехқончилик қилиб келган уруғ ёки қишлоқ жамоала-

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 39-бет.

ри ташкил этган. Ҳар бир жамоа ҳукуматга солиқ тўлаш билан бирга аскарликда хизмат қилиш, ариқ қазиш, қалъа қурилиши учун ўз хўжалигидан одам ажратиши лозим бўлган. Афғонистон, Покистон, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ҳудудларида олиб борилган археологик қазилмалар бу ерларда кўплаб иншоотлар қурилганлигини, суғориш ва ҳунармандчилик ишлари ривож топганлигини кўрсатади.

Кушонлар империяси охирида сув тегирмон, ерларга сув чиқарадиган чархпалак (чиғир) кашф этилган. Бу даврда ижтимоий ҳаётда қишлоқ хўжайини бўлган деҳқонларнинг мавқеи баланд бўлган. «Деҳқон» сўзи «деҳ» — қишлоқ, «қон» — хўжайин, яъни қишлоқ хўжайини демакдир. Ерни ўз тасарруфига олган деҳқонларнинг қуллари, «чоракорлари», катта боғ-роғлари, чорва моллари бўлган. Ҳатто улар шаҳарларда савдо-ҳунармандчиликка ҳам бош-қош бўлганлар. Кушонлар даврида деҳқонлар экин майдонлари ўртасига баланд-баланд кўшқлар қуриб олганлар. Бу кўшқларнинг харобалари — «октепалар» ҳамон сақланиб қолган.

Эрамизнинг биринчи асрларига келиб Ўрта Осиё ҳудудида аста-секинлик билан ўтроқ ҳаёт таъсири кенгая борди. Бу нарса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг жамият умумий жараёнида тутган ўрнини мустаҳкамлаб борди. Қишлоқ хўжалигини эса ўлкамиз заминини оби ҳаёт — сув билан таъминлаш билангина жонлантириш мумкин эди. Шунинг учун ҳам эрамизнинг биринчи ўн йилликларидаёқ Қарши воҳасини ўзлаштириш, уни гуллаб-яшнатиш мақсадида Дарғом ва Эски Ангор каналлари (узунлиги 200 км дан ортиқроқ) қурилди. Бухоро воҳасида қурилган айрим каналларнинг узунлиги 30 км гача бўлиб, уларнинг эни 11—20 метргача этган. Айрим маълумотларга кўра, бу пайтда Бухоро воҳасининг ўзида 60—80 минг гектардан зиёд ерда сунъий суғориш ишлари олиб борилган. Суғориш иншоотларини қуриш борасида Тошкент воҳасида олиб борилган ишлар ҳам ҳайратланарлидир. Масалан, эрамизнинг биринчи асрида қурилган Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги Зах канали ўша даврдаги энг катта каналлардан бири бўлиб ҳисобланган. 20 км дан ҳам узунроқ бўлган бу суғориш иншооти ёрдамида Шош (Тошкент)нинг шарқий ҳудудларидаги унумдор ерлар суғорилган. Қорасув — Салор — Жўн сув иншоотлари тизими ташкил этилиб, бу ерларда аҳолининг ўтроқ пунктлари пайдо бўла бошлади.


Ўша пайтда Хоразм воҳаси Ўрта Осиёда аҳоли энг зич жойлашган худудлардан бири ҳисобланган. Бу ерда катта-катта уруғ-аймоқлардан ташкил топган жамоалар бўлиб, улар катта-катта уйларда истикомат қилганлар. Бундай уйларда, масалан 150 дан 200 тагача хона бўлиб, уларда 500 дан 1000 гача аҳоли яшаган. Бундай аҳоли пунктлари асосан ўша пайтдаги юксак дид ва санъат даражасигача кўтарилган суғориш иншоотлари атрофида жойлашган бўлиб, улар кишиларнинг тўқ, тўқис ва фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаган. Ўша пайтда Хоразмда қурилган энг машҳур каналлар жумласига Қалтаминор, Яккамарсон, Гавхор сув иншоотлари кирган. Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида бўлгани каби бу ерда ҳам ҳар бир ирригация иншоотини ҳимоя қиладиган ҳарбий ва фуқаро истехкомлари мавжуд бўлган. Эрамизнинг III асрида эса воҳанинг ғарбий қисмида Қиёт канали бунёд этилган.

Амударёнинг қуйи қисмида суғориладиган ерларнинг умумий майдони бу пайтда 1,3 миллион гектарни ташкил қилган. Агар бу рақам ҳозирги Хоразм худудидаги суғориладиган ерларга нисбатан 4 марта кўп эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ўша пайтдаги суғориш ишлари қанчалар тараққий этганлигини аниқ тасаввур этиш мумкин.

Қадимги даврдаги аجدодларимиз ўз фаровонликлари ва яхши яшаш манбаини энг аввало сувда деб билганлар. Суғориш иншоотларининг бекаму кўст, яхши тартибда сақлаб турилиши эса, ўн, юз минглаб кишиларнинг фидо-корона меҳнати туфайлигина амалга ошиши мумкин эди. Ибтидоий жамоа эса, ўз навбатида, шундай тадбирларни амалга оширишда муҳим восита ва кафолат ролини ўйнар эди.

Айни шу пайтлардаги археологик қазилмалар ва ёзма манбаларда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга пахта ҳосили ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Араблар истилоси даврида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида ҳам сифат ўзгаришлари пайдо бўла бошлади. Тўғри, барча истилолар каби араблар босқинчилиги ҳам бизнинг ўлкамизга вайроналик, бузилишлар, очлик, қийинчиликлар келтирди. Зеро, буюк мутафаккирларимиз, жумладан Муҳаммад Наршаҳий, Абу Райхон Беруний кабиларнинг маълумотларига кўра, араблар истилосига қадар Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ва маданий ҳаётнинг, иқтисодий турмушнинг турли соҳаларида ғоят катта ютуқ ва муваффақиятларга эга бўлганларки, босқинчи сарҳайи араблар ҳам бунга ҳавас билан қараганлар.



Ўлкамизда ирригация ва бошқа суғориш иншоотлари қуриш технологиясини яхши биладиган, экиш техникасини мукамал, илмий негизда амалга ошира оладиган маълумотли, билимли кишилар кўп бўлган, бу ерда қадимдан деҳқончилик жадвалини билганлар.

Ўша пайтларда Хитойнинг кўплаб саёҳатчилари Ўрта Осиё ҳудуди, унинг табиий ва иқлим шароити, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ҳаёти билан қизиққанлар. Жумладан, ўша саёҳатчилардан бирининг қолдирган маълумотларига кўра, ҳозирги Авлиё ота ва Пишпек атрофида яшаган аҳоли мунтазам равишда деҳқончилик билан шуғулланган. Бу ердаги аҳоли ўртасида айниқса пахта толасидан тўкилган ҳар хил матолар ниҳоятда оммалашган. Бошқа бир манбада эса пахтадан тўкилган кийим-кечаклар Термиз атрофидаги аҳоли орасида ҳам жуда кенг тарқалганлиги таъкидланган. Шуниси диққатга сазоворки, юқоридаги саёҳатчининг эътироф этишича, қаерда пахтадан тўкилган кийим-кечак кўп бўлса, худди шу ерда жун матоларга бўлган эҳтиёж пасайиб борган.

Араблар истилоси арафасида ўлкамизга саёҳат қилган яна бир Хитой саёҳатчиси Сон Юн ҳам ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида деҳқончилик маданиятининг гуркираб ривожланганлигини эътироф этган. Унинг таъкидлашича, Тохаристонда (ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти) ирригация иншоотлари жуда раванқ топган, деҳқончилик маданияти эса юксак даражага кўтарилган. Бу вақтда ер ниҳоятда оддий, содда усулда ишланган. Масалан, ер четлари темир билан қопланган ёғоч омовлар ёрдамида ҳайдалган бўлиб, бундай меҳнат қуроли Ажина тепада олиб борилган қазилмалар пайтида топилган. Яна бир меҳнат қуроли темирдан ясалган кетмон ва куракдан иборатдир. Бундай асбоб-ускуналар, жумладан, Сурхондарё вилояти ҳудудида кўп топилган. Археологик қазилмалар натижасида бу ерларда пахта маҳсулотидан тайёрланган кўплаб матолар мавжудлиги аниқланган¹.

Археологик тадқиқотлар ёрдамида шунга ўхшаш маълумотларни ҳозирги Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиёнинг барча бурчакларидан топиш мумкин. Демак, VII — VIII асрлар арафасида ўзаро урушлар, қарама-

¹ Б. Г. Гафуров. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. I китоб. Душанбе, «Ирфон», 1989. 292-бет.

қаршилиқларга қарамасдан ўлкамиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлана борган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, араблар истилоси бошланган бир пайтда Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўла бошлади. Араблар ўз манфаатларини кўзлаб, Ўрта Осиё ҳудудларидаги қишлоқ жамоаларини йўқ қилмадилар, аксинча бу жамоаларни қўллаб-қувватладилар; улар қўли билан ўз мавқеларини мустаҳкамладилар. Араблар ерли халқнинг урф-одатлари, анъаналари билан ҳисоблашдилар, бунёд этилган ирригация иншоотлари, яйловлар, экин майдонлари, меҳнат қуроолларини қишлоқ жамоасининг мулки эканлигини тан олдилар.

Қишлоқ ижтимоий ҳаётида араблар истилоси туфайли пайдо бўлган ўзгаришлар шулардан иборат бўлдики, агар улар келгунга қадар деҳқон сувдан фойдаланганлиги учун ирригация иншоотларида ишлаб берган бўлса, улар келгандан кейин эса вазият аста-секин ўзгариб борди.

Энди араблар мавжуд тартиб-қоидалар асосида деҳқонларни аста-секинлик билан феодалга қарамликка маҳкум эта бошладилар. Еки бошқача сўз билан айтганда, қишлоқда феодал муносабатлари шакллана бошлади.

Тарихий манбаларга кўра, араблар ўз истилолари давомида бизнинг ўлкамизнинг ранг-баранг иқлим ва табиий шароити, бой, серунум ер майдонларига дуч келдилар, гуллаб-яшнаб ётган шаҳар ва қишлоқларни кўриб ҳайратга тушдилар. Жумладан, Ибн-Хауқалнинг таъкидлашича, Мовароуннаҳрда кўплаб микдорда шойи, жун ишлаб чиқарилади, унинг ери кумуш, олтинга ниҳоятда бой. Сўғд, Фарғона, Шошда эса мева ва сабзавотлар шу қадар мўл-кўлки, улар билан қўй-қўзи, сигир-моллар боқилади. Бу ерда саёҳатчилар учун қулай дам оладиган жойлар, уйлар бўлмаган бирор-бир шаҳар, қишлоқ, саҳро, чўлни кўрмайсиз¹.

Араблар Мовароуннаҳрдан кўплаб озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларини ташиб кетиш давомида бу ўлкадаги энг қимматбаҳо, харидоргир нарсаларга алоҳида эътибор бердилар. Ташиб чиқиб кетилаётган товарлар ичида айниқса пахтадан, унинг толасидан тайёрланган маҳсулотларга бўлган қизиқиш ниҳоятда катта бўлган. Юқорида номи зикр этилган муаллифнинг эътироф этишича,

¹ В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. 1983.

кўчманчилар, чорвадорларнинг товар айирбошлашга бўлган қизиқишлари, ўз навбатида, Ўрта Осиёда пахтачиликни катта тезлик билан ривожлантиришни талаб қилган. Зарафшон дарёси ва унга туташ бўлган ерларда етиштирилган пахтанинг юқори сифатли эканлиги эса бу ўлканинг ижтимоий обрўйини янада оширган.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, шу кунларда араблар истилосининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий оқибатлари тўғрисида турли, баъзан бир-бирига умуман қарама-қарши бўлган фикрлар билдириляётган экан, унга ҳеч қандай ҳис-ҳаяжонсиз, эҳтирослар исқанжасидан фориғ бўлган бир вазиятда қандай баҳо бериш мумкин? Гап шундаки, айрим тадқиқотчилар арабларнинг юришлари, жумладан, уларнинг Ўрта Осиёдаги ҳаракатларини тамомила ижобий ҳодиса сифатида ёқлаб чиқаётган бўлсалар, бошқа бирлари эса бу ҳаракатни бошидан-оёқ реакцион ҳолат деб баҳоламоқдалар.

Бизнинг фикримизча, бу масалага ижобий ва салбий ҳодисалар диалектикаси, уларнинг бир-бирига нисбати нуқтаи назаридан баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Тўғри, араблар истилосининг барча ижтимоий-сиёсий оқибатлари масаласини ҳал қилиш бизнинг вазиғамизга кирмайди ва бу муаммони ҳал этиш ижтимоий фанлар соҳаси билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг ҳамкорлиги туфайлигина ҳал этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборимизни араб истилоси оқибатида авлодаждодларимиз яшаб ўтган ҳудудда деҳқончилик маданияти соҳасида, жумладан ирригация иншоотлари қуриш борасида рўй берган ўзгаришларни ўрганишга қаратамиз.

Араблар истилоси давригача Ўрта Осиё ҳудудида кўплаб майда, мустақил ер эғаликлари, давлатлари мавжуд эди. Араблар истилосидан кейин эса араб амалдорлари қўл остида Ўрта Осиё бирлаштирилди ва шу нуқтаи назардан ҳам бу ўлкада йирик ирригация иншоотлари қурилиши, деҳқончилик маданияти янада ривож топиши лозим эди. Афсуски, бундай ҳол рўй бермади. Ўлкамизда сув иншоотлари қуришда IX — X асрлар араблар истилосигача, масалан VI — VII асрларга нисбатан ташланган йирик кадам бўлди, деган фикрни исботловчи конкрет ҳулосалар ҳалигача топилгани йўқ. Айниқса араб амалдорлари томонидан бу борада амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда кам.

Мазкур соҳада амалга оширилган ўзгаришлардан шу нарса маълумки, бу даврда мавжуд суғориш иншоотлари устидан қилинадиган раҳбарлик шакли ўзгарди, холос. Яъни бундай раҳбарлик марказлаштирилди. Масалан, Мурғоб суғориш тизими ва Зарафшон сув ҳавзасида раҳбарлик бир киши томонидан амалга оширила бошланди.

Аммо, айрим фактларнинг ўзи юқоридаги икки даврни бир-бирига таққослаш ва хулоса чиқариш имконини бермайди. Кейинги пайтларда археология фани томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда топилаётган ёзма манбаларгина бу икки давр ҳақида холисона хулоса чиқариш имконини бериши мумкин.

Яна шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, ўша даврдаги манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўлканинг энг йирик дарёлари бўлмиш Сирдарё ва Амударё сувларидан ҳар доим ҳам тўлиқ фойдаланилмаган. Бизнинг фикримизча, бунинг айрим сабаблари бўлиши мумкин. **Биринчидан**, у пайтларда сувнинг ниҳоятда сероблиги, кўплаб каналлар, ариқларнинг мавжудлиги икки буюк дарё сувидан фойдаланишга ҳожат қолдирмаган бўлса керак. **Иккинчидан**, ҳали ирригация иншоотлари қуриш борасида тажрибанинг такомиллашмаганлиги оқибатида Аму ва Сир дарёларидаги сувни экин майдонларига кўтариш имкониятлари чекланган бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бўлса керак, юқорида зикр этилган икки буюк дарё суви тўлиғича Орол денгизига қуйилган. Бундан ташқари, бу даврда қишлоқ хўжалигининг устун даражада ривожланганлиги оқибатида Ўрта Осиёдаги айрим канал, майда дарёлар, ариқлар суви ҳар доим ҳам Аму ва Сир дарёларигача етиб келмаган. Жумладан, Араб ёзувчиси Макдисининг гувоҳлик беришича, Сурхон дарёси суви шу даражада кенг истеъмол қилинганки, кейинчалик бу сувдан бирор томчиси ҳам Амударёга етиб бормаган¹.

Худди шундай ҳолни Фарғона водийсида ҳам учратиш мумкин. Сирдарё сувларидан ҳам ниҳоятда кам фойдаланилган, бу ердаги мавжуд канал, кичик-кичик дарёлар сувлари эса бош дарёга келиб қуйилмаган. Араб географларининг Фарғона водийсида олиб борган кузатишлари ҳам бу ўлка сувга сероб, мевага бой, аҳолиси фаровон деган хулосага келиш имконини беради.

¹ Б. Г. Гофуров. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история, 59- бет.

Қадимги ёзма маълумотлар Х асрдаги Илак (Ангрен) ва Парак (Чирчик) дарёлари қирғоқларидаги манзилгоҳлар Ўрта Осиёдаги энг гуллаган, аҳолиси тўқ ва фаровон яшаган диёр бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Зарафшон воҳасидаги ирригация тизимлари араблар истилоси давригача ҳам тараққий этган эди, кейинчалик бу ерда катта ўзгаришлар рўй бермади. Зарафшон дарёсидан бир неча каналлар орқали воҳанинг унумдор ерлари суғорилар эди. Ерининг ҳосилдорлиги жиҳатидан Зарафшон ҳавзасига тенг келадиган ернинг ўзи йўқ эди. Араб ҳарбий саркардаларидан бири ҳаттоки душманни таъқиб этиб Сўғдга бормасликни, бу ерда гуллаб-яшнаб ётган боғу роғларни барбод қилмасликни буюрган эди.

Ўрта Осиёда суғориш иншоотларини қуриш санъати шу даражада тараққий этган эдики, бу пайтда фақат ер устидан сув олиб боришгина эмас, аксинча ер ости каналлари (коризлар) қуриш тажрибаси ҳам тўпланган эди.

IX — X асрлардаги манбаларга асосан Ўрта Осиё худудида айниқса дон маҳсулотларини экиш ниҳоятда кенг тарқалган. Шу билан бирга, бу ерда пахтачилик ҳам жуда яхши тараққий қилган. Бу борада бизнинг ўлкамиз Яқин ва Ўрта Шарқда энг асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Шунинг учун бўлса керак, айнан Ўрта Осиёдан Араб халифалигининг бошқа вилоят ва шаҳарларига пахта толасидан тайёрланган катта миқдордаги маҳсулотлар тез-тез жўнатиб турилган. Бу пайтда айниқса Марвда етиштирилган пахта ўз сифатининг яхшилиги билан машхур бўлган.

Пахтачиликни ривожлантириш эса, ўз навбатида, сув муаммосини ҳал этишни талаб қилар эди. Академик С. П. Толстов ва Я. Ф. Ғуломов маълумотларига қараганда, қадимдан Хоразм воҳасида суғориш ва ирригация техникасига оид жуда қимматли ишлар амалга оширилган. Зарафшон ва Чирчик, Сурхондарё ва Оҳангарон, Қашқадарё ва Вахш дарёлари водийларида, Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимларида ҳамда тоғ ёнбағирликларида ирригация ишлари олиб борилди. Иқлим шароитлари ва кўпдан-кўп суғорилмай ётган ерларнинг мавжудлиги ана шу қурғоқчил ўлкада истиқомат қилаётган халқларни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сув чиқариш йўллари қидиришга мажбур этган эди. Ерларни суғориш борасидаги машаққатли меҳнатда ирригация қурилишининг ажойиб халқ усталари етишиб чиқди. Уларнинг бой

тажрибалари авлоддан-авлодга ўтиб келди. Бу кишилар тоғдаги дарёлардан сув олишнинг жуда ҳам содда, лекин самарали усулларини қўллар, йирик дарёлардан суғориш каналлари ўтказишар, тўғонлар қуришар, каналларда тақсимловчи узеллар ясашар эди. Ҳали цемент ихтиро қилинмаган (бундан 1000 йил аввал) бир пайтда сув омборлари қурилган (қолдиқлари ҳали ҳам сақланган), ер ости каналлари орқали тоғ ёнбағирларидан сувлар юзага чиқарилиб, экинлар суғорилгани айниқса диққатга сазовордир.

Ўрта Осиёдаги қулай табиий иқлим, бой, серунум ерлар, боғу роғлар — буларнинг барчаси қадимдан қолган тарихий ёдгорликлар ва ёзма манбаларда ўз аксини топган. Шу ўринда 943—944 йилларда Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий томонидан ёзилган «Бухоро тарихи» асари бизнинг диққатимизни айниқса ўзига тортди.

Бу асар асосан, Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида ислом динининг тарқалиши (VIII аср) ва ундан бевосита олдинги даврлардаги ҳамда IX — XII асрлардаги Бухоро ва унга яқин шаҳар-қишлоқлар халқларининг иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий тарихига оид муҳим маълумотларни ўз ичига олган. Бу ҳол «Бухоро тарихи»нинг қимматли бош манба сифатида тарих фанида зўр шуҳрат топишига сабаб бўлган.

Асарнинг XIII боби «Бухоро ва унинг атроф ерларидаги анҳорлар» деб аталган бўлиб, биз бу ерда шу бобдан парча келтирмоқчимиз, зеро бу ниҳоятда муҳим бўлиб, уни ўқиб, ўрганишга барчанинг имконияти бўлмаслиги ҳам мумкин. Демак: «Биринчиси Қармина анҳори: бу катта анҳор. Иккинчиси Шопуркон анҳори. Бухоронинг овом халқи уни Шофуркон дейишади. Ҳикоятда келтирилишича, сосонийлар сулоласидан бўлган Қисронинг фарзандларидан бири ўз отасига аччиқ қилиб, бу вилоятга келган, унинг номи Шопур эди. «Пур» эрон тилида «ўғил» демақдир. У Бухорога келганида Бухорхудот уни яхши қабул қилди. Шопур ов қилишни яхши кўрар эди. Бир куни овга чиқиб у (Шопуркон) томонига бориб қолди. У вақтларда ўша ерда ҳеч бир қишлоқ ва обод жой бўлмади, яйлов ва ов қилинадиган жой бўлган. Бу ер Шопурга ёқиб қолиб, уни обод қилиш учун улуш йўсинида ўзига берилишини Бухорхудотдан сўраган. Бухорхудот бу мавзени Шопурга берди ва Шопур у ерда катта анҳор қазитиб, уш ўз номи билан «Шопирком» деб атади ва бу анҳор (бўйлаб)

кишлоқлар ва қаср бино қилди. Бу теваракни «Обавия кишлоқлари» дейдилар. Шопур яна Вардона кишлоғини бино қилди ва қаср қуриб, уни ўзи учун тураржой қилиб олди. (Шундай қилиб) у ерда катта бир мулк пайдо бўлди ва Шопурнинг вафотидан кейин кишлоқлар унинг авлодига мерос бўлиб қолди. Қутайба ибн Муслим Бухорога келган вақтда Шопур авлодидан Вардонхудо ҳукмрон эди ва у улуғ подшоҳ бўлиб, Вардона кишлоғида турар ҳамда Тағшода Бухорхудо билан низолашар эди. Қутайбага Вардонхудо билан кўп жанглар қилишга тўғри келди ва охири Вардонхудо ўлиб, Қутайба Бухоро мулкни Тағшодага берди...

Учинчи анҳорни Ҳарқонат ул-Улё, тўртинчисини Ҳарқонруд, бешинчисини Овхатфар, бу ғоят кенг ва катта анҳордир, олтинчиси — Самжан, еттинчиси Бойкунруд ва саккизинчисини Фаровизи Улё дейдилар; бу (саккизинчи) анҳор бўйлаб кўп кишлоқлар жойлашган. Тўққизинчисини Фаровуз ис-Суфло ёки Коми Даймун ҳам дейдилар. Ўнинчисини Арвон, ўн биринчисини Қайфур, ўн иккинчисини Руди Зар дейдилар. Бу шаҳарни (суғорувчи) анҳордир. Биз айтиб ўтган анҳорларнинг ҳаммаси серсув бўлиб, улар (ёқаси бўйлаб) кўп кишлоқлар ўрнашган. Айтишларича, ҳамма анҳорларни халқ қазиган, аммо Овхатфар анҳорининг қазилишида у ернинг халқи заҳмат чекмаган, уни сувнинг ўзи ўйиб қазиган. Ҳозир бухороликлар уни Руди Нафар дейдилар»¹.

Демак, асарда юқорида Бухоро худудида ирригация ишлари кенг йўлга қўйилганлиги, кишлоқ хўжалиги яхши тараққий қилганлиги алоҳида таъкидланадики, бу нарса Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти гуркираб ривожланганлигидан далолат беради.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўзининг мазкур асарининг V бобини «Бухорода бўлган «Байт ут-тироз» — «Тўқимачилик корхонаси»нинг баёни. У хануз ўз жойида турибди» деб номлаган. Ушбу боб унда Ўрта Осиёда қадимий тўқимачилик корхонаси мавжудлиги тўғрисида хабар берилганлиги учун ҳам диққатимизни ўзига тортди. Жумладан, Наршахий шундай дейди: «Бухорода — Ҳисор билан Шаҳристон ўртасида, масжиди жоме яқинида бир корхона бор эди; унда палослар, дарпардалар, яздий кийимликлар, ёстик жилдлари, фундуқий жойнамозлар ва уст кийимларни халифа учун тўқир эдилар; битта дарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос туркумидан. 110—111-бетлар.

бўларди. Боғдоддан ҳар йили алоҳида бир омил келиб, Бухоро хирожининг эвазига шу кийимликлардан олиб кетар эди...

Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлар эдилар: вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар занданийчини олиб кетганларидек, у кийимликлардан Шом ва Миср, Рум шаҳарларига олиб кетар эдилар. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай (матони) тўқий олмас эдилар. Шуниси кизиқки, бу хунар эгаларидан баъзилари Хуросонга бордилар ва бу иш учун керакли асбобларни шайлаб шу кийимликдан тўқидилар, лекин Бухородагидек сифатли бўлиб чиқмади. Бу кийимликка эга бўлмаган бирорта ҳам подшоҳ, амир, раис ёки бошқа мансаб эгаси йўқ эди. Унинг қизил, оқ ва яшил ранглиси бўлар эди. Бугун ҳамма вилоятларда у кийимликдан кўра занданийчи машхурроқ»¹.

Бизнинг юқоридаги асардан кенгроқ фойдаланишимизнинг боиси шуки, унда бизнинг ўтмишдошларимиз барча соҳаларда бўлгани каби халқ истеъмоли учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришда, жумладан тўқимачилик корхоналаридан фойдаланишда катта тажрибага эга бўлганликлари, бу тажриба эса дунёнинг кўп жойларида, масалан Якин Шарк, Оврүпо мамлакатларида ҳам кенг ёйилганлиги кўрсатиб берилган.

Ўрта Осиё халқлари азалдан тарихнинг аёвсиз синовидан ўтдилар, давр сабоғини ўз гарданларида тортиб кўрдилар. Ўлкамизнинг гуллаб-яшнаган, фаровончилик замони чет эллик босқинчилар ҳаракатлари туфайли вайронагарчиликлар, кишиларнинг азоб-укубатлари ва кўз ёшлари билан алмашиб турди.

Шу ўринда 1219 йилдан Мовароуннаҳр ҳудудига мўғул босқинчиларининг бостириб киришларини, бу ерда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган вайронагарчиликларни қилганликларини, юртга инсон зоти дош бера олмайдиган қийинчиликларни олиб келганликларини тилга олмасдан бўлмайди.

Маълумки, Чингизхон ниҳоятда қисқа муддат ичида Шарқий Оврүпогача бўлган катта ҳудудни босиб олиб, ўз салтанатини ташкил қилди. У бу салтанатни идора қилиш мақсадида уни ўғилларига бўлиб берди. Масалан, Волгабўйи, Жанубий Сибирь, Ўрта Осиё даштлари ва

¹ *Наршахий*. Бухоро тарихи, 101- бет.

Шимолий Хоразм катта ўғли Жўжигга берилди. Шарқий Туркистон, Еттисув ва Ўрта Осиёни идора қилиш иккинчи ўғли Чигатойга, Хитой ерлари учинчи ўғли Ўктойга тегди. Мўғулистонни бошқаришни эса Чингизхон бевосита ўз тасарруфига олди.

Мўғул босқинчилари Ўрта Осиёда шаклланган ижтимоий тузумни тубдан ўзгартириб юбора олмадилар. Ўлкадаги савдогарлар ва айниқса йирик ер эгалари тезликда босқинчиларнинг таянчи, ёрдамчиларига айландилар. Тарихчи Рашид ад-Дин XIII — XIV асрлардаги Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеаларни шарҳлаб, Чингизхон ва унинг ўғиллари маҳаллий бойлар, амалдорларни ўз томонларига огдириб олиш учун энг унумдор, серхосил ерларни уларга инъом қилар эдилар, деб таъкидлаган эди.

Дехқонлар давлатга топширадиган солиқларидан ташқари яна кўплаб инъомлар тўлашлари лозим эдики, буларнинг барчаси жамият аъзолари орасида ижтимоий бўлинишни янада кучайтирар эди. Мўғуллар истилоси натижасида деҳқонларга солинадиган солиқлар миқдори шу даражада ошиб кетдики, натижада деҳқонларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан ҳеч қандай манфаатдорликлари қолмади. Айниқса пахтачилик маданияти катта зарар кўрди. Азалдан қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачилик кам ривожланган Мўғулистондан келган истилочилар бир томондан, Ўрта Осиёнинг бой пахтачилик, деҳқончилик маданиятини тушуниш, уни юксалтиришни рағбатлантириш каби муҳим омилларни эътиборга олмаган бўлсалар, иккинчи томондан, мавжуд бойлик, пахта захираси ҳам ташиб кетилди, деҳқончилик майдонлари эса вайрон қилинди.

Мўғуллар истилоси Ўрта Осиё халқлари учун ғоят қимматга тушди. Улар халқлар бошига мислсиз кулфатлар ёғдирдилар. Бой шахарлар таланди, суғориш иншоотлари бузиб ташланди. Аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда Ўрта Осиё ҳудудида бу даврда 1 миллион 200 минг киши қирилиб кетган. Турмуш ва маданиятда ғоятда паст бўлган кўчманчи мўғуллар маҳаллий маданият обидалари ва ёдгорликларни хароб қилдилар, халққа зулм ўтказдилар, уни солиқлар, ўлпонлар солиб қийнадилар¹.

Тарихий солиштириш, таққослаш мўғуллар истилоси ўз ҳажми, ваҳшийликлари жиҳатдан араблар босқинчили-

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 70-бет.

гидан анча аянчли бўлганлигидан далолат беради. Тўғри, араблар ўз истилоси даврида ислом динини ёйиш билан бирга, иқтисодий мақсадларни ҳам кўзлаганлар ва шу туфайли ўлканинг катта бойлиги тортиб, олиб кетилди. Аммо улар хўжаликни юритиш, жумладан кишлок хўжалигининг аҳволини мўътадил равишда ушлаб туришга эришдилар. Шунинг учун ҳам, улар хўжалик масалаларида маҳаллий амалдорлар фаолиятига ҳар доим ҳам тўғаноқ бўлавермадилар, аксинча бу фаолиятнинг такомиллашувига раҳнамолик қилдилар. Мўғул босқинчилари эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ўлкани, унинг халқини хароб қилдилар, вайронагарчиликларни кучайтирдилар.

Ўрта Осиёда деҳқончилик, жумладан пахтачиликнинг аста-секин ривожлана бориши, уни мўғуллар истилосидан аввалги даражага кўтариш жараёни XIV асрнинг бошларидан кўзга ташлана бошлади. Бу борада айниқса Кебек томонидан 1321 йилда ўтказилган пул ва маъмурий ислохотлар катта роль ўйнади. Ўтказилган маъмурий ислохотга биноан Ўрта Осиё энди майда маъмурий бирликларга — туманларга бўлина бошланди.

Ўрта Осиё худудида кишлок хўжалик маданиятини, жумладан пахтачиликни ривожлантириш Темур номи билан бевосита боғлиқдир. У мўғул босқинчилари томонидан вайрон қилинган ирригация иншоотларини тиклаш, ернинг ҳолатини яхшилашга қаратилган ишларга ҳам раҳнамолик қилган. Темур томонидан олиб борилган солиқ тизими кишлок хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эди.

Темур Марв воҳаси ва Мурғоб дарёси водийсида ўз даврининг энг такомиллашган ва машҳур суғориш тизимини қурдирганлиги ҳам тарихдан маълумдир. Унинг бевосита фармойиши туфайли фақатгина Мурғоб дарёсининг ўзида катта-катта 20 та канал қазилган. Шу билан бирга Амир Темур бўш, қаровсиз ётган ерларни боғу роғларга айлантириш, у ерда деҳқончилик маданиятини яхшилашга қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлаган, ташаббускорларга эса турли хил имтиёзлар берган¹.

Темур даврида ҳайдаладиган ерлар майда деҳқон хўжаликларига бўлиб берила бошланди. Феодал эса

¹ Б. Г. Гофуров. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. II китоб — Душанбе, «Ирфон», 1989. 227-бет.

бундай дехконларга ердан ташқари омов, уруғ берган, шу билан бирга унга сув ҳам тақсимлаб берган. Бу пайтда ер солиғи асосий солиқ ҳисобланган ва у пул ёки натура шаклида тўланган бўлиб, унинг ҳажми баъзан ҳосилнинг ярмидан кўпроғини ҳам ташкил қиларди. Сувдан фойдаланилганлиги учун эса алоҳида солиқ тўланар эди. Сув «Аллоҳнинг инъоми» бўлишига ва ҳеч ким унинг мутлақ эгаси бўлолмаслигига қарамадан, феодаллар сувга эгалик қилар ва уни тақсимлар эдилар. Давлат хазинаси томонидан белгиланган солиқдан ташқари барча бойлик феодаллар қўлида қолдирилган. Хазинага тушаётган пулнинг миқдори ҳам ниҳоятда катта бўлган. Манбаларга кўра, масалан, 1398 йилда ҳокимлардан бирининг олиб келган йиллик солиғини сарой назоратчилари уч кечаю уч кундуз санаган эканлар¹.

Пахтачиликни юксалтириш Ўрта Осиё халқларининг яшаш ва фаровон турмуш учун олиб борган курашининг ўзагидир. Халқимизнинг сув учун кураши ҳаёт учун курашга айланган эди. Қадимги алломаларимизнинг асарларида ҳамда халқимиз тўплаган буюк қадрли афсоналарда бу кураш ўзининг ёрқин тимсолини топган. Элни сувга сероб қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган «Фарҳод ва Ширин» каби дoston ва афсоналарнинг яратилиши ҳамда уларнинг халқ орасида ҳанузгача севиб ўқилиши ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, тасодифий эмас.

Кўп минг йиллардан буён халқимиз дарёларни бўғиб, далаларга сув чиқарган, экин эккан, тегирмонлар юргизган. Дарёларда балиқ кўп бўлган, тўқайзорларда ҳар хил қушлар, ҳайвонлар, ҳатто йўлбарслар яшаган. Айниқса, балиқ овлаш ва истеъмол қилиш кенг тарқалган. Масалан, Хоразмда «Кунда катик, ҳафтада балиқ» деган ажойиб удум мавжуд. Бунинг соғлиқ учун нақадар фойдали эканлиги шифокорлар томонидан исботлаб берилган.

Экинларни қовжиратиб турадиган қурғоқчиликларни, эл-юртни қарийб йил сайин хонавайрон қилган сел ва сув тошқинларини қарияларимиз ҳали-ҳали ҳасрат билан эслашади. Ҳали табиат кучлари олдида ожиз халқ «Сув — қонхўр, у жон қурбон қилинишини талаб қилади», деган маъшум гапларга ишонишган. Тўхта, Турғун, Турсун, Турди, Тошпўлат исми ўнлаб йигитларнинг жони беҳуда кетган. Улар дарё тўғонларига тириклайин ташланган.

¹ Г. А. Хидоятлов. Моя родная история, 174-бет.

Уларнинг фикрича, гўёки шу йигитларнинг жони дарё қаҳрини қайтаради-ю, кейинчалик дарё тўғонларни олиб кетмайдиган бўлиб қолар эмиш. Лекин дарёлар ўз «ғазабидан» тушмаган.

Бу даврда кўп минг йиллардан буён давом этиб келаётган «инсон — сув» кураши, асосан, сув фойдасига ҳал бўлаверган. Аммо инсон бу курашда даврдан энгилган ҳолда чиқиб кетишни хаёлига ҳам келтирмаган.

Айниқса, табиий сув манбалари (дарё ва сойлар)дан нисбатан четда ёки юқорироқ жойлашган районларда аҳвол мушкул эди. Шу сабабли географик жиҳатдан ноқулай жойлашган ерларда халқ ақл-заковати билан сувни топиш, уни маълум манзилга етказиш ғоялари ва усуллари, суғоришда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш йўллари кашф қилинди. Шунга мос равишда деҳқончилик, жумладан пахтачилик тармоқлари вужудга келди.

«Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ», аммо бир нафас сув бўлмай қолса қанча қийинчилик, ташвиш туғилади. Давлат, хон, беклар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий муносабатларда бу ҳолатдан кенг фойдаланилди. Масалан, Зарафшон сувидан баҳра олувчи Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув масаласида қанчадан-қанча низолар келиб чиққанлиги тарихдан маълум. Дарёнинг юқори, нисбатан қулай қисмида жойлашган Самарқанд ҳокимлари бу ҳолатдан усталик билан фойдаланганлар. Сув тақсимлаш қондаси, сувдан фойдаланиш навбатига кўра қуйи ерлар кейинроқ ва камроқ сув олган. «Отанг мироб бўлмаса ҳам, еринг қулоқ бошида бўлгани яхши» деган нақл шу даврлардан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Кўпгина урушларда шаҳар ва қишлоқларга борадиган сув шохобчалари беркитиб қўйилиб, ғалабага эришилган.

Маълумки, Ўрта Осиёдаги дарёларнинг манбалари ҳар хил, бир қисми юқори тоғлардаги абадий қорлик ва музликлардан, қолган қисми нисбатан пастки қор ва ёмғир ҳамда ер ости сувларидан тўйинади. Шундай дарёларимиз борки, ундаги асосий сув микдори тошиб оқиш даври эрта баҳорга тўғри келса, айримлари чилла ёз (июль — август) фаслида тўлиб-тошиб оқади. Оқибатда баъзи жойларда айни экинлар сувга чанқоқ бўлган паллада дарёларда сув етарли бўлмайди. Шуларни эътиборга олиб, дарё, сой сувларини тартибга солиш, уни маълум вақт сақлаш учун турли-туман ҳовуз, сув омборлари (бандлар) қурилган. Муҳими шундаки, ҳозирги фан-техника та-

раққиёти даврида ҳам бу оддий, содда усуллар жуда қўл келмоқда (ҳозирги вақтда қурилган йирик сув омборлари бундан мустаснодир). Сув етишмаслиги ва тақчиллиги туфайли айрим районларнинг иқтисодий ва маданий ривожланиши бир маромда бўлмаган. Кўпгина жойларда сув сатҳи ер юзасидан паст бўлган. Сувдан фойдаланиш учун уни юқорига кўтарадиган қурилма — чиғир кашф этилган, чиғир ёрдамида кичик дарё, арик, қудук сувлари анча баландга кўтарилган ва керакли жойларга етказилган. Айниқса, Хоразм, Зарафшон водийсининг қуйи қисмида бундай қурилмалар яхши самара берган (от, туя ва бошқалар ёрдамида ҳаракатга келган).

Чиғирикларнинг қўлланилиши деҳқончилик маданияти ва самарадорлигини ўстиришда муҳим қадам бўлди, у фақат ирригацияда эмас, балки мелиорацияда ҳам йирик ўзгаришларга олиб келди. Табиий оқадиган дарё ва сойлардан маҳрум бўлган чўл ва саҳроларда сув тўплаш ва саклашнинг ўзига хос усули — сардобалар қуриш кенг тарқалган эди. Бу қурилмалар туфайли баҳорги ёғин-сочинлар пайтидаги сувлар нишаб жойда тўпланган ва энг муҳими узоқ вақт давомида ўз сифатини сақлаган, аҳоли, чорва, дов-дарахтлар учун оби-хаёт бўлган («сардоба» — тожикча сувхона ёки музхона). Умуман, М. Е. Массон маълумотларига кўра, жумҳуриятимиз ҳудудида 44 та сардоба бўлган, уларнинг айримлари ҳали ҳам сақланиб қолган ва халққа хизмат қилмоқда. Одатда сардобалар атрофида рабоблар ёки карвонсаройлар бўлган. Тузилишига қараб сардобаларни усти ёпик ҳовузлар дейиш мумкин, улар пишиқ ғишдан ўтовга ўхшаб гумбаз шаклида қурилган. Бу иншоотлар XV—XVI асрлар давомида барпо этилган. Улар карвон йўллари бўйлаб қурилган ва улардан ичиш учун ҳам фойдаланилган. Сардобалар чорвачиликда молларни сув билан таъминлашда ҳам бирдан-бир муҳим восита бўлиб хизмат қилган¹.

Ўрта Осиё ҳудудида сунъий равишда суғориш ишларининг моҳирона равишда олиб борилиши, ирригация иншоотларини тобора такомиллаштирилиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг, биринчи навбатда, пахтачиликнинг гуркираб юксалишига ижобий таъсир кўрсатди.

¹ А. Раззоқов. Сув ва ҳаёт.— Тошкент: «Меҳнат», 1991, 16-бет.

Бу ҳол айниқса Амир Темур пайтидан бошланиб, кейинчалик давом этди. Жумладан, «Самарқанд тарихи»-да эътироф этилишича XV — XVI асрлардаги ҳужжатларда ва бошқа манбаларда Самарқандда ишлаб чиқарилган ип газлама ва шойи газламалардан анча-мунчаларининг номлари учрайди, жун газламаларнинг номлари эса жуда кам учрайди. Масалан, Самарқандда турли хил газламалар — олача, парча, духоба ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар бўлган. Шунингдек, газламаларга гул солувчи усталар ҳам бўлган¹.

Мазкур маълумот Ўрта Осиё қадимдан ип-газлама ишлаб чиқаришда ниҳоятда машҳур бўлганлигидан, унинг нуфузини эса кўпинча бу ерда тайёрланган турли хил газламалар сифати белгилаганидан дарак беради.

Шу билан бирга Ўрта Осиёда XV аср охирларида феодал табақалар билан меҳнаткаш халқ оммаси ўртасидаги тенгсизлик ва синфий зиддиятларнинг кучайиб бориши оқибатида темурийлар давлатининг иқтисодий ва сиёсий таназзули ҳам ортиб борди. Бунинг устига катта-кичик бекликлар ва амирликларга тобора бўлиниб бораётган собиқ салтанат ҳудудида ўзаро феодал урушлар, тожу тахт учун сулолалар курашлари авж олиб бордики, бу темурийлар салтанатини чуқур инқирозга олиб келди. Оқибатда мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетиши ҳамда майда ҳокимлар ўртасидаги доимий қонли урушлар тижорат ишларининг, карвон савдосининг деярли тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Шаҳарлар ўртасидаги савдо алоқалари бутунлай бузилди, янги ҳокимлар ўз фойдалари учун ҳар гал халқни товон тўлашга мажбур қилардилар.

Бу ўзаро урушлар оқибатида айниқса деҳқончилик, жумладан пахтачилик тармоғи жуда катта зарар кўрди. Уруш сиёсати туфайли деҳқонлар, ўз навбатида, лашкарлар сафига зўрлаб олиб кетилар ва бундай ҳол бир йил ичида бир неча марта такрорланар эди. Буларнинг ҳаммаси деҳқончилик ҳўжалигини янада кўпроқ издан чиқарар, деҳқонлар эса бусиз ҳам чекланмаган солиқлар ва мажбуриятлардан азият чекардилар.

Бу урушлар туфайли XVI асрга келиб экин экиладиган майдонларнинг ҳажми тобора камайиб борди, пахтачилик

¹ Самарқанд тарихи. I том, 200- бет.

маданияти инкирозга юз тута борди, сув иншоотларидан фойдаланиш эса яроксиз ҳолга кела бошлади.¹

Бу даврга келиб, деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи анча ночор бўлган. Кўпчилик ерсиз бўлиб, ижарага ер олиб деҳқончилик билан шуғулланган. Қишлоқ жойларидаги сингари шаҳарларда ҳам ер, асосан феодалларнинг ихтиёрида бўлган. Мулк ерлари эса эгалик ҳукуқи жиҳатидан икки гуруҳга бўлинарди:

1) феодаллар мулки (бу мулкларни бевосита ишлатиш ҳукуқи ер эгаси қўлида бўларди);

2) хусусий мулк (деҳқонларга қарашли мулк).

Темурийлар даврида тузилган мураккаб солиқ, тўлов ва мажбуриятлар кейинчалик ҳам ўз шакли ва тузилишини ўзгартирмай сақланиб қолди.

Айрим тадқиқотларга қараганда, XVI асрда экилган экинлардан олинадиган ҳосилнинг 30—40 фоизи солиқ ва тўловларга тўланар эди. Бундай миқдордаги солиқни тўлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермас эди. Муҳаммад Юсуф Муншининг шайбонийлардан Абдумўминхон фаолиятига оид маълумотларида, агар солиқ тўловчи ялқовлик қилса, хоннинг фармони билан уни лой ғишт ўрнига деворга ётқизиб суваб юборишлари таъкидланган эди.

Мамлакат аҳолисидан 90 дан зиёд турли солиқ ва тўловлар ундириб олинар эди. Айрим зодагонлар, феодаллар, ҳокимлар давлатга тегишли ариқларни тузатиш, янги ариқ қазиш ҳамда уларни тозалаш ишларини солиқ фармони асосида амалга оширганлар. Масалан, Абдуллахон II нинг 1579—1580 йилларда ва 1585 йилда чиқарган фармонига биноан, Вахш дарёсида канал қазиш учун Ҳисор, Қабодиён ва бошқа жойларнинг ҳокимлари 10 минг нафардан мардикор беришлари талаб этилган. Бу ишлар 6 йил давом этиб, вилоятлар ҳар йили мардикорликка маълум миқдорда одам бериб турганлар. Агар оила мардикор беролмаса, ўз улушини пул ёки буюм билан тўлаган.

Муҳаммад Толибнинг сўзларига қараганда, Жуйбархўжа Тожиддиннинг ерларини сугориб турган Ҳасанобод каналини ва тўғонни тузатиш учун 1000 га яқин мардикор ишлаган ва 10 минг эшакда шох-шабба келтириб босилган².

¹ М. А. Абдураимов. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI — первой половине XIX века. I том. Тошкент; 1966, 260-бет.

² Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 97—98-бетлар.

Абдуллахон II даврида ўзаро урушларга маълум вақт чек қўйилди, ҳокимиятни марказлаштиришда олға қадам ташланди. Булар ўз навбатида XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё хўжалик тизимининг бироз бўлса-да барқарорлашишига олиб келди. Тарихдан Абдуллахон II анча қобилиятли ва шаддод, хўжалик ишларида тадбиркор, сиёсатда доно ва жасур ҳукмдор бўлганлиги маълум. Шунинг учун бўлса керак, халқ орасида у ниҳоятда катта ишларнинг ташкилотчиси, йўлбошчиси сифатида тилдан-тилга ўтиб келган. Шу сабабли, ўлкада қурилган кўплаб иншоотлар, ирригация, йўл, кўприклар, сардобалар, карвонсаройлар, савдо расталарининг қурилишлари ҳам юқорида тилга олинган ҳукмдор номи билан бевосита боғлангандир. О. Р. Чехович маълумотларига кўра, Абдуллахон II нинг бевосита фармонида биноан Нурота тўғони қурилган ва ундан кўзланган мақсад сел сувларини тўплаш бўлган. Шу билан бирга Абуллахон II Кушка дарёсида сув тўплаш жойларини, Ёждувон яқинида Зарафшон дарёси устида кўприк қурдирган.¹

Буларнинг барчаси, сўзсиз, халқ фаровонлигини оширишга, жумладан, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, пахта етиштиришни яхшилашга қаратилган тадбирлардир.

Ерга ишлов бериш, қишлоқ хўжалигининг ҳолати XVII — XVIII асрларда ҳам кескин ўзгармади. Бунинг сабаби шундан иборат эдики, Ўрта Осиёда минг йиллар илгари бўлгани каби ерга мулкчилик шакли ўзгармай қолаверди. Гап шундаки, бу ерда ерга азалдан бош ҳукмдор эгалик қилар, ер эса феодалларга ва мачитларга бўлиб берилар эди. Демак, Ўрта Осиёда ерга шахсий мулкчилик шаклининг жорий этилмаганлиги феодалларни мазкур ернинг ҳолатини яхшилашга маблағ сарфлашдан тўхтатиб турар эди. Яъни, бизнинг ўлкада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан манфаатдорлик принципи амалда қўлланилмаган эди. Бундан фарқли ўларок, Оврупода ерга шахсий мулкчилик ҳукм сураб, натижада бу ерда деҳқончилик маданияти гуркираб ривожланган эди.

XVIII асрдан бошлаб эса Ўрта Осиёда ҳам ерга хусусий мулкчилик аста-секин жорий этила бошланди, энди ерни

¹ О. Д. Чехович. Вопросы о периодизации истории Узбекистана (XVI — XVIII вв.). ЎзФА нашриёти, 1954, № 5. 106-бет.

сотиш, совға килиш, мерос килиб қолдириш мумкин бўла бошлади.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёда 2 миллион гектар суғориладиган ерлар мавжуд эди ёки ҳар бир кишига ярим гектардан экин майдонлари тўғри келар эди. Бундан ташқари, ерлар энди бой деҳқонлар, феодаллар қўлида тўплана борди. Мироблар эса сувни асосан бойларга бера бошладилар. Натижада шу ернинг эгаси эртага ўз ерида бойга батрак бўлиб ишлаши ҳоллари ҳам учрай бошлади.

Пахтачилик ривожда ҳам айрим ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу пайтда ўлкадаги ҳар бир деҳқон хўжалигида пахта экила бошланди. Пахтанинг бир қисми шу оила эҳтиёжига сарф қилинса, бошқа бир қисми эса сотилар эди.

Аҳоли аҳволнинг ниҳоятда оғирлиги, зулмнинг зўрлигига қарамасдан ўз кунини кўрар эди. Бунинг икки сабаби бор эди:

1. Ўлкамиз ерининг унумдорлиги, ҳосилдорлиги. 2. Маҳаллий халқнинг меҳнаткашлиги, кийинчиликларга бардош бера олишидир.

Халқ эрта тонгдан то қоронғу кечгача ишлар, аммо ҳеч қандай ҳасратсиз эртасига саҳардан яна ишга отланаверар эди.

Суғориш иншоотлари ҳам такомиллашиб борди. Ўлкадаги суғориш каналлари, ариқларнинг умумий ҳажми ўн минг километрларни ташкил қилар эди. Чирчик дарёсининг ўзидан 45 та канал сув ичар, факатгина Захарикнинг ўзигина 70 км ни ташкил қиларди. Бўзсув эса 60 км эди. Фарғона водийсида йирик ариқларнинг узунлиги 2 минг км бўлса, Самарқандда бу 4 минг км ни, Сирдарё вилоятида эса 21 минг км ни ташкил қиларди.

Суғориш иншоотлари қуришда айниқса Фарғона водийсида анчагина ишлар қилинди. XVIII — XIX асрларда бу ерда Шаҳрихонсой (100 км), Андижонсой (100 км), Янгиариқ (100 км) каби сув иншоотлари қурилди.

Бухоро амирлигида эса XVIII асрнинг охирида Зарафшон суғориш тизими қайтадан тикланди, Анҳор, Нарпай, Қомимил каналлари қайтадан ишга туширилди.

Бу пайтга келиб Ўрта Осиёнинг бой ва амалдорлари актив равишда чет эл билан иқтисодий алоқалар қилишга ўтдилар. Тўғри, бундай алоқалар ҳеч қачон ҳам тўхтамаган. Аммо XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб бундай алоқалар Ўрта Осиёнинг шимолидаги қўшниси бўлмиш Россия билан айниқса кучайди.

Россия билан иқтисодий алоқаларнинг кучайиши энг аввало уларнинг Ўрта Осиё пахтасига бўлган қизиқиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, бу икки ўлканинг иқтисодий алоқалари айниқса Петр I давридан анча кучайди. Бухоро ва Хива хонликлари Орск ва Оренбург орқали, Қўқон хонлиги эса Семипалатинск орқали савдосотик ишларини олиб бордилар. 5 мингтагача туяси бўлган карвонлар Ўрта Осиё хонликларидан Россияга пахта ва бошқа товарлар олиб бориб, у ёқдан энгил саноат ва кундалик эҳтиёж молларини олиб келганлар.

Масалан, 1844 йилда Хива хонлигидан Россияга 137 минг сўмлик товар, асосан пахта жўнатилган бўлса, 1867 йилга келиб бу рақам 1,5 миллион сўмга етган. Россиядан эса шу йилларда мос равишда 276 ва 486 минг сўмлик товар келтирилган ёки 23 йил давомида Хивадан жўнатилган товарлар миқдори 10 марта ошган бўлса, келтирилган товарлар миқдори эса бор-йўғи 1,5 марта ошган, холос.

Бухоро амирлигидаги аҳолининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган. Суғориладиган ерларнинг 75 фоизига фақатгина пахта экилган бўлиб, бу ҳол кўпинча маҳаллий ер эгаларининг бойлик орттириш мақсадида Россия билан иқтисодий алоқа қилишларининг кучайиши билан боғлиқдир. 1848—1868 йилларда Россиянинг Бухорога экспорти 12 марта ошган бўлса, импорт — тахминан 20 марта ошган.

Бухоро ҳар йили ўртача 14 миллион сўмлик товарни Россияга сотган. Буларнинг ичида энг асосийси — сўзсиз пахта эди. Рус тўқимачи-фабрикантлари Осиё пахтасининг Америка пахтасидан афзаллигини билиб олганларидан сўнг, асосий эътиборни Ўрта Осиёга қаратдилар. Улар учун энг муҳими, Осиё пахтаси ниҳоятда арзон эди. Масалан, 1867 йилда бир пуд Бухоро пахтаси 10 сўм турар эди, холос. Шу сабабли рус амалдорлари ва бойлари Ўрта Осиёда пахтачилик маданиятини ривожлантиришдан манфаатдор эдилар. Ҳар йили Россияга 16 минг тонна Бухоро пахтаси келтирилар эди. Шу билан бирга Россиядан пахтадан тайёрланган кийим-кечак келтириш ҳам яхши йўлга қўйилди ва бунинг миқдори ҳар йилига 2 млн. сўмни ташкил қилар эди.¹

Ўрта Осиё хон ва беклари ҳам Россия билан иқтисодий алоқалар олиб боришдан ниҳоятда манфаатдор эдилар.

¹ Г. А. Ҳидоятлов. Моя родная история, 226—252- бетлар.

Чунки Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги чегаралар рус қўшинлари томонидан қўриқланар эди. Бундан ташқари, Россия йўлида йирик тоғлар, сувликлар, ўтиб бўлмас жойлар йўқ эди.

Эрон, Афғонистон билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги низолар, йўлдаги қийинчиликларнинг барчаси Шарқ билан бўладиган муносабатларда эҳтиёткор бўлишни талаб қилар эди. Энг асосийси эса, Россия Шарқ мамлакатларига қараганда анча тараққий этган бўлиб, Ўрта Осиё хон, бекликлари ундан жаҳон бозорига чиқишда фойдаланишлари мумкин эди.

Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги алоқалар, жумладан, пахта савдо-сотиғи масаласи XVI асрнинг иккинчи ярмидан, яъни Астрахан хонлигининг Россияга қўшилиши билан бошланган эди. Аммо бу даврдаги йўл қийинчиликлари, хавфнинг кўплиги, кўчманчи халқларнинг савдогарларга қарши уюштирган хужумлари бу алоқаларни ривожлантиришга йўл бермади.

Шу билан бирга, XVII асрнинг бошларидан Россияда бошланган алғов-далғов, ташвишли давр ҳам бу алоқаларнинг гуркираб ривожланишига йўл қўймади. Бундай алоқалар XVIII асрдан бошлабгина барқарор тус ола борди.

Жумладан, 1758—1760 йилларда ҳар йили Ўрта Осиёдан Россияга ўртача 2730 сўмлик (350 пуд) пахта толаси олиб келиб сотилган бўлса, 1768—1772 йилларда эса бу кўрсаткич ўртача 3437 сўмга (492 пуд) га етди.

Кейинчалик бу рақам яна ҳам ошди. Масалан, 1820—1821 йилларда Россияга 34 минг сўмлик ёки 4500 пуд пахта толаси етказиб берилди. XIX асрнинг ўрталаригача Ўрта Осиёдан Россияга пахта асосан ярим тайёр ҳолда жўнатилган бўлса, энди хом ашё сифатида ташиб кетила бошланди.¹

1851—1853 йилларда Ўрта Осиёдан Россияга олиб кетилган 58 минг пуд пахта толасидан 25,2 минг пуди Бухородан, 25,7 минг пуди Хивадан, 7,1 минг пуди эса Фарғона ва Тошкентдан олиб кетилган эди.² Бу ҳол рус фабрикантлари энди нима қилиб бўлса ҳам пахтани кўпроқ ва тезроқ ташиб кетиш пайига тушганликлари

¹ В. И. Юферов. Хлопководство в Туркестане. 14—15-бетлар.

² А. Семенов. Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле и промышленности. СПб, 1859.

билан характерланади. Ўлкамиз рус ҳукумати томонидан тўлиқ босиб олингандан кейин бу сиёсат янада ривожланди ва расмий тус олди. Туркистон ўлкасининг рус ҳукмдорлари назарига тушганлигининг боиси ҳам, бу ерга кўпроқ эътибор бераётганликларининг бош сабаби ҳам — пахтадир. Қуйида ана шу ҳақида фикр юритамиз.

ПАХТА — ЎРТА ОСИЕНИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИНING БОШ САБАБИ

Маълумки, Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олиниши фақатгина XIX асрнинг ўрталарига, унинг иккинчи ярмига тўғри келмайди. Аксинча, бу жараён анча олдин, XVI асрдаёқ бошланган бўлиб, XVIII асрнинг бошларидан мунтазам режали тус олди.

Рус ҳукуматининг иқтисодий жиҳатдан, айниқса замонавий саноатни ривожлантириш борасида бошқа капиталистик давлатлардан орқада қолиши, хом ашёга бўлган талаб-эҳтиёжнинг ниҳоятда кучлилиги, ўз навбатида, XIX асрнинг ўрталаридан бизнинг ўлкамизни босиб олиш, унинг бебаҳо бойликларини ташиб кетиш, ўзлаштириш ишини тезроқ амалга ошириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши жараёнининг ниҳоятда тезлашиб кетишининг бошқа сабаби ҳам бор эди. Гап Ўрта Осиёнинг бой табиати, иқлими, иқтисодий жиҳатдан бақувват захираларга анчадан буён хуштор бўлган инглиз капиталистларининг хатти-ҳаракатлари устида кетмоқда. Бундай ҳаракатлар XIX асрнинг бошлариданоқ бошланган бўлиб, англиялик буржуйлар томонидан рағбатлантирилган жосуслар ўлкамиз шароитини тинимсиз ва батафсил ўрганиб чиқа бошладилар, хонликларнинг ижтимоий-сиёсий тузилишини, иқтисодий аҳволини таҳлил қилдилар.

Улар ҳаттоки, Бухоро ва Хива ҳукуматлари билан биргаликда Рус ҳукуматига қарши ҳарбий зарба бериш режаларини ҳам ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар. Бундан асосий мақсад Ўрта Осиё бозорларидан рус савдогарларини сиқиб чиқариш ва бу ерларда ўз таъсир доирасини ўрнатишдан иборат эди. Инглиз агентлари, жосуслари мазкур мақсадга эришиш учун ҳинд ва эрон савдогарлари хизматидан ҳам фойдаланишга киришдилар.

Юқоридаги сабаблар эса рус ҳукуматидан дадил чоратадбирларни кўришни талаб қилар эди. Шу туфайли бўлса керак, XIX асрнинг ўрталарига келиб бу ҳукумат энди Ўрта Осиёни босиб олиш учун вақт келганлигини, имкониятлар мавжудлигини эътироф этди.

1847 йилда Сирдарёнинг қуйи қисмида Орол ҳарбий қалъаси барпо этилгандан кейин бевосита бу ишга киришилди ва 1864 йилда Туркистон, Чимкент, Авлиё ота, 1865 йилда Тошкент, 1868 йилда Самарқанд, 1876 йилда Фарғона вилояти, 1884 йилда Марв Рус ҳукумати қўл остига ўтди. Шундай қилиб, 1864—1885 йиллар давомида рус ҳукуматининг босқинчилик урушлари натижасида Ўрта Осиё халқлари мустамлакачилик бўйинтуруғини тақишга мажбур бўлдилар, бу жараёнга эса 1867 йилда Кўкон ва Бухородан тортиб олинган ерлар ҳисобига тузилган Туркистон генерал-губернаторлиги қонуний тус бериб турди.

Шу ўринда икки оғиз гап Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганми ёки у ўз ихтиёри билан қўшилганми, деган баҳс устида. Гапнинг тўғриси, ҳозир бу нарсани илмий баҳс деб аташ ҳам хато бўлар эди. Чунки, ҳозирги Ўзбекистон давлатининг том маънодаги мустақиллиги шароитида ўлкамиз рус ҳукумати томонидан **босиб олинганлигига** ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди; кейинги 5—6 йил ичида олимларимиз томонидан олиб борилган катта илмий изланишлар шундай хулосага келишга ундамоқда. Аммо шундай шароитда ҳам айрим асарлар, мақолаларда босиб олиниш жараёнини ҳаспўшлаш, унга прогрессив ҳолат сифатида қараш ҳар қандай виждонли одамни хис-ҳаяжонга солиши турган гап.

30- йилларгача эълон қилинган илмий асарларда, айниқса рус муаллифлари рисоалари ва мақолаларида бу муаммо асосан тўғри ҳал этилган, Рус ҳукуматининг Ўрта Осиёни босиб олиши жараёни тўғри ва аниқ далиллар асосида исботлаб берилган.

Демак, Ўрта Осиёнинг Рус ҳукумати томонидан босиб олинганлиги энди исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат, факт. Эндиги вазифа эса, бу босқинчилик ўлкамиз ҳаётида, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий турмушида қандай из қолдирганлигини аниқлашдан иборатдир. Биз ўз имкониятларимиз даражасида бу жараённи ўлкада пахтачиликнинг аҳволини ва умуман чор ҳукуматининг аграр сиёсатини ўрганиш асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

ЕР МАСАЛАСИ — АГРАР СИЁСАТИНИНГ АСОСИ

Маълумки, ҳар доим, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумда ва ҳар қайси мамлакатда мазкур давлат аграр сиёсатининг асосини ер масаласи ташкил қилади. Туркистон ўлкаси рус давлати томонидан истило қилинганидан сўнг ҳам шу масала мустамлакачиларнинг аграр сиёсатидаги бош масалага айланди. Бунда иккита вазифани ҳал этиш керак эди: а) чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бориш; б) ўлканинг бой табиий ва иқтисодий захираларидан рус помещиклари ва капиталистлари манфаатлари йўлида фойдаланиш.

Барча ерлар қонуний йўл билан давлат мулки деб эълон қилинди. Маҳаллий бойлар эса ерларни деҳқонларга турли хил шартлар асосида, турли муддатга ижарага бердилар.

Вақф мулклари, ерлари диний идоралар, муассасалар ихтиёрида қолдирилди. Янги вақфларни ташкил этиш эса энди фақатгина Туркистон генерал-губернаторининг алоҳида рухсатномаси асосида амалга ошириладиган бўлди.

Чор ҳукумати ерга мулкчиликни жорий қилишда капиталистик йўлдан боришда бироз олға қадам ташлади. Аммо, Туркистон шароитида бу жараён анча секинлик билан давом этди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди: а) Ўрта Осиё дунёнинг бошқа мамлакатларига караганда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари билан кечроқ танишди, шу туфайли бўлса керак аграр муносабатларда эскича дунёқараш, муносабатлар ўлка кишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожланишига салбий таъсир қила бошлади; б) айрим ҳолларда ержойларни сотиш ва сотиб олиш кузатилган бўлса ҳам, умуман бу жараён жуда секин ва тўхтаб-тўхтаб амалга оширилди. Бунга турли хил ҳуқуқий актларнинг ниҳоятда кўплиги, амалга оширилган жараённи расмийлаштиришдаги ҳаддан ортиқ маъмуриятчилик, ерни қарзга беришни тақиқлаб қўювчи қонуннинг мавжудлиги ва бошқалар сабаб бўлди.

Чоризм аграр масалада гўёки Туркистон ўлкасида минглаб йиллар давомида шаклланиб келган ер, аграр муносабатларни бузмоқчи эмасдек сиёсат олиб борди. Аслида эса уларнинг сиёсати — бу ердаги аграр сиёсатда кескин ўзгаришларни амалга ошириб, унинг ҳуқуқий асосларидан ўз ҳукумати сиёсатини юргизишга хизмат қилдирувчи восита сифатида фойдаланишдан иборат эди.

Бу нарсага улар маълум даражада эриша бошладилар ҳам. Жумладан, маҳаллий феодал зодагонлар ерлари аста-секин ижарачилар қўлига ўтиб борди, вақф мулкнинг таъсир доираси эса камая бошлади, айрим ҳолларда уни давлат тасарруфига олиш имкониятлари берилди.

Бундан ташқари, Ўрта Осиё шароитида ерга шахсий мулкчиликнинг янгича бир шакли пайдо бўлдики, бу Ўрта аср феодал ер эгалигидан ҳам, капиталистик муносабатлардан ҳам фарқ қилар эди. Бу — буржуа феодал мулкчилигининг алоҳида шакли бўлиб, унга асосан ер фақат феодаллар эмас, қулоқлар ҳамда шаҳар ва қишлоқ буржуазияси қўлида ҳам тўпланиши мумкин эди.¹

Юқорида таъкидлаб ўтилган ерга мулкчиликдаги айрим ўзгаришлар натижасида солиқ тизимида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, ўтроқ қишлоқ хўжалик соҳаси билан шуғулланувчи аҳолидан ҳосилнинг ўндан бири миқдорида хирож ва таноб пули олинарди. Қўчманчи турмуш тарзи билан шугулланувчилардан эса ҳар бир ўтов бошига 3 сўм 50 тийиндан ўтов пули деб аталган солиқ олинар эди.

Аҳолидан солиқ олиш умуман тартибга солинмаганлиги, уни маҳаллий маъмурият томонидан суиистеъмол қилиниши, аҳолидан солиқларни ундириб олиш топширилган собиқ хон амалдорлари солиқларнинг анчагина қисмини ўзлари олиб қолаётганликлари сабабли давлат хазинасига солиқ тариқасида тушаётган даромад муттасил камайиб кетди. Шунинг учун бўлса керак, 1870 йилдан бошлаб ўлкада аҳолига солинадиган солиқ миқдори кўпайтирилди. Натижада ердан олинадиган солиқлар миқдори фақат Сирдарё вилоятининг ўзида 1869 йилдаги 288 минг сўмдан 1882 йилда 505 минг сўмга етди. Шу билан бирга, чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмурияти ўлкадаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишиб чиққанидан сўнг, аҳолининг ички турмушига аралашмаслик принциpidан воз кечди, ер муносабатларини ўзгартиришга киришишга қарор қилди.

1886 йилда ер тузилиши жорий қилиниши билан бир қаторда солиқ солиш тартиблари, маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқлар ва бошқаларнинг характери ва миқдори белгилаб берилди. Бу тартиблар бироз ўзгартишлар киритилган ҳолда 1917 йилгача сақланиб қолди.

¹ А. М. Аминов. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). Тошкент. Ўздавнашр, 1959, 89- бет.

Суғориладиган ва лалмикор ерларда деҳқончилик қилаётган ўтроқ аҳолидан ўртача ялпи даромаднинг 10 фоизи миқдорида ер солиғи олиниб турилди. Бундан ташқари, ўтроқ ва кўчманчи аҳолидан доимий «земство» ўлпонлари ҳам олинарди. Ниҳоят, қишлоқ аҳолиси маҳаллий идора (земство) бошлиқлари учун ҳар хил мажбуриятлар беришга, жумладан, доимий ёки вақтинча бўлган натура ва пул солиқлари тўлаб туришга мажбур эди.

Шунингдек, шаҳар аҳолиси ўзининг ҳовли-жойи ва шунга ўхшаш мулклари учун давлатга солиқ тўлаб туришга мажбур эди. Савдо-сотик қилиш ҳуқуқига эга бўлиш ва ҳунармандчилик касблари билан шуғулланиш учун ҳам 1885 йилдан бошлаб солиқ жорий этилди. 1899 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасида давлат касб солиғи белгиланди.

1886 йилдаги ер тузилиши жорий этилиши билан мавжуд ҳарбий феодал ер эгалигини тугатишда муҳим кадам қўйилди. Шу вақтгача маҳаллий бойлар ўз ерларининг ўндан тўққиз қисмини майда деҳқонларга ижарага бериб келган бўлсалар, энди бундай ерларнинг анчагина қисми шу ерлик деҳқонлар қўлига ўтди ва улар бу ерлардан мерос мулк ҳуқуқига эга бўлган ҳолда фойдаланадиган бўлдилар.¹

Подшо ҳукуматининг Ўрта Осиёни забт этиши, ўзининг иқтисодий ҳамда сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун қилган ҳаракатлари ўлкада пахтачиликни тез суръатлар билан ривожлантиришни талаб қилар эди. Рус савдогарлари учун Туркистондан пахта сотиб олишнинг афзалликлари тобора кўпроқ кўрина бошлади. Маҳаллий бойлар, амалдорлар ҳамда шаклланиб келаётган кулоқлар энди асосий эътиборни пахта етиштиришга қарата бошладилар, зеро пахтадан келадиган бойлик уларнинг иштаҳасини очиб юборган эди. Бундай ҳол эса ўлкамиз табиий ҳолатига, ўсимликлар, мева-сабзавот етиштириш даражаси ва сифатига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Катта-катта дарахтзорлар, мевали боғлар, сабзавот, мева майдонлари ўрнини пахта эгаллаб, аҳоли меҳнати оғирлашиб, қашшоқлашиб кета бошлади. Шу билан бирга маҳаллий бойларнинг хазинаси эса тобора кенгайиб борди.

Ўлкадаги пахтачиликни юксалтиришга бўлган интилиш

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. II том. Тошкент: «Фан», 1971. 50—53- бетлар.

ва ташаббусни кўрган чор ҳукумати пахта ер майдонини кенгайтирганлиги учун ҳам алоҳида солиқ тизимини ишлаб чиқди. Бунга асосан, ҳар бир десятина янги ўзлаштирилган ер учун 7 сўмдан солиқ жорий қилинди. Бу пайтда пахтанинг ўртача ҳосил нормаси ҳар бир десятина ердан 30 пуд хом ашё ёки 9 пуд тоза пахта толаси қилиб белгиланди.¹

Пахта маҳсулотини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган чор ҳукумати XIX асрнинг 80- йилларидаёқ бу маҳсулотни етиштирадиган деҳқонларга турли хил имтиёзлар яратишга киришди. Шу мақсадда бундай деҳқонларга кам фоизли қарзлар берила бошланди, уезд бошқармалари қошида эса қарз кассалари ташкил этила бошланди. Аммо бундай қарзлар кам миқдорда бўлганлиги учун ҳам деҳқонларнинг эҳтиёжларини қоплай олмас эди. Масалан, Каттакўрғон уезд бошқармасининг маълумотига кўра, 1893 йилда 4129 та хўжаликка ҳаммаси бўлиб 7102 сўм ёки ҳар бир хўжаликка 1,7 сўмдан қарз ажратилган, холос. Бу эса талабнинг ўндан бирини қондирад эди, холос.² Бундан ташқари, Чимкент, Қўқон, Хўжанд, Жиззах, Наманган уезд бошлиқлари ҳам қарз кассаларини кўпайтиришни илтимос қилган хужжатлар тайёрлаганлар.

Кам фоизли давлат қарз тизимининг етишмаслиги натижасида пахтакор деҳқон хўжаликлари судхўр, фойдахўр пулдорларга мурожаат қилишга мажбур бўлганлар. Бундай пулдорлар деҳқонлар талабини иложи борица тўлароқ қондиришга ҳаракат қилганлар ва шунинг учун ҳам уларнинг бу борадаги ҳиссаси давлат қарз кассаси миқдоридан анча кўпни ташкил қилар эди.

Бундай судхўрлар деҳқонларни қон қақшатар эдилар, улардан ниҳоятда катта процент (фоиз) олишар эди. Шунинг учун ҳам, баъзан уларнинг таъсир доирасига бутун-бутун қишлоқлар, баъзан эса бир неча волостлар ҳам тушиб қолар эди.

Шу билан бирга, давлат томонидан белгиланаётган солиқлар сони ва миқдори ҳам доимо ошиб борарди. Қарз, кредит асосида майда деҳқонларнинг қашшоқланиб бориши, қарзга ботиши оқибатида уларнинг ерлари, ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик буюмлари бой-қулоқлар ҳамда судхўрлар қўлида тўплана борди. Кейинчалик эса

¹ Туркестанское сельское хозяйство, 1911, № 6, 350- бет.

² Ўша жойда.

юкорида таъкидланган ер ва бошқалар шу деҳқонларнинг ўзларига **шартли битим** асосида берилди. Бундай шартли битимлардан қутулиш, тирикчилик ўтказиш, оила боқиш учун эса деҳқонлар бошқа уездлар ва вилоятларга кетишга мажбур бўлдилар.¹

Чор ҳукумати ўз истилоси ва мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкасини янада кўпроқ ва каттиқроқ эзиш, бойлик орттириш мақсадида турли хил баҳоналар, уйдирмалар ва афсоналар тўкиб чиқара бошлади. Айниқса, XIX асрнинг 80—90-йилларида рус давлатининг Туркистонни Россия учун «бўйинтурук» эканлиги, зарар келтирувчи, хазинани қашшоқлаштирувчи ўлка, деган афсонани тўкиб чиқарганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, 1875 йилда Россияда эълон қилинадиган «Голос» рўзномасида Туркистон ўлкаси тўғрисида, унинг имкониятлари ҳақида «батафсил» ҳикоя қилувчи мақола эълон қилинди. Унда таъкидланишича, 1868—1872 йилларда Россия ҳукуматининг даромадлари Туркистон туфайли доимий равишда пасайиб, камайиб борган, харажатлар салмоғи эса кўпайиб борган. Аммо шу мақоланинг ўзидаёқ Туркистон ўлкасидан келаётган даромадларнинг юкорида биз кўрсатган беш йил ичида 1204906 сўмдан 2008374 сўмга ошганлиги эътироф этилган.

1882 йилда Гирса раҳбарлигидаги тафтиш-текшириш маълумотларига биноан, 1868—1881 йиллар мобайнида Туркистон ўлкаси бўйича камомад, қарз 100 миллион сўмни ташкил қилган, 1881—1891 йилларда эса бу рақам гўёки яна 30 миллион сўмга кўпайган. Шундай қилиб, юкоридаги маълумотларга кўра, ўлкамизнинг ўрис давлати олдидаги қарзи 130 миллион сўмни ташкил қилган экан.²

Шу ўринда қонуний савол туғилади: агар ҳақиқатан ҳам Туркистон Россия давлати учун зиён келтирувчи «бўйинтурук» экан, камомад ва қарз экан, унда ўрис ҳукмдорлари, бойлари, буржуй-капиталистлари нима учун бундай «зарар» келтирувчи ўлкадан қадамларини узиб қўя қолмадилар? Нима, улар бизнинг XIX аср иккинчи ярмидаги «қашшоқ» халқимизнинг қорнини тўқ, устини бутун қилиш каби «олижаноб» масъулиятни ўз гарданла-

¹ К. К. Пален. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. СПб, 1911, 116-бет.

² Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. Тошкент: «Фан», 1973, 19-бет.

рига олганларми? Ёки, бизнинг «ҳимоясиз», «кучсиз» халқимизни инглиз ва бошқа мустамлакачилар истилосидан ҳимоя қилишдек байналмилал вазифани бажаришга халқаро жамоатчилик олдида қасамёд қилишганми?

Афсуски, яқин-яқингача юқоридаги каби саволларга нотўғри жавоб бериб, жамоатчилик, биринчи навбатда, оддий халқ оммаси алдаб келинди. Ўрис давлатининг «зарар ҳисоби»га Туркистон ўлкасини мустамлакада ушлаб туришининг боиси бойлик, ўлкани талон-торож қилиш, ўзларининг сиёсий мақсадларига эришишдан иборат эди.

Аслида, улар ўзларининг аниқ мақсадларини сир сақлаш учун юқоридаги каби афсоналарни тўкиб чиқарган эдилар. Бундан ташқари, бу афсоналар аҳолидан олинадиган солиқлар турини ва ҳажмини ошириш, ўлкада улар олиб бораётган адолатсиз иқтисодий сиёсатни оклаш учун ниҳоятда зарур эди.

Академик А. М. Аминов ҳисоб-китобларига қараганда, Туркистонга ўрис давлати томонидан қилинган харажатларга ўлкада турган босқинчилар армиясининг харажатлари ҳам кирган. Агар бу ерда сақланаётган 50 минг кишилик аскарларни боқиш, кийим-кечак, қурол-аслаҳа билан таъминлашга сарфланаётган 75 миллион сўми ҳисобдан чиқариб ташланса, унда ҳозирги Туркистон бюджети нафақат камомад келтирувчи ўлка, балки ҳар йили 7 миллион сўм фойда келтирувчи бойлик макони бўлган.¹

Ўрис ҳукуматининг юқоридаги каби бўҳтон ва тухматлари эса бу ерда солиқлар тури ва салмоғини янада кўпайтириш учун «асос» берар эди. Шунинг учун ҳам, улар ўтrock дехқонлар ва чорва билан шуғулланувчи аҳолидан оладиган солиқларни чидаб бўлмас даражада ошириб юбордилар. Булар эса, ўз навбатида, дехқонларнинг қаҳр-газабини янада оширди, уларни бой-феодаллар ва эксплуататорларга қарши курашга ундади. Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари бўйича бундай ҳаракатлар баъзан эзувчи синфларга қарши ҳужумлар шаклида ҳам кўринди ва уларнинг сони 668 тага етди. Кўпинча амалдорлар ўлдирилди, уларнинг бойликлари галон-торож қилинди, камбағаллар ўртасида бўлиб олинди.²

¹ А. М. Аминов. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). 1959, 100—101-бетлар.

² А. Г. Галузо. Туркестан — колония. Тошкент, 1935, 90—91-бетлар.

Подшо ҳукуматининг Туркистонда олиб борган ер-солик сиёсатидан кўзланган бош мақсад — Россия ва маҳаллий миллат бой-амалдорларининг манфаатларини кўзлаб, уларнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш ва бойликларига бойлик кўшишдан иборат эди. Демак, олиб борилган бу сиёсат ўз моҳияти, мақсади жиҳатидан кенг меҳнаткаш халққа қарши қаратилган бўлиб, уларни янада хонавайрон қилиб, қашшоқлантиришдан иборат эди.

Чоризм сиёсатининг қоқоқлиги ва реакцион аҳамиятга эга эканлиги, унинг халқ оммаси манфаатларига мос келмаслиги ўлкада сув хўжалигини ривожлантириш ва янги ерларни суғориш борасида олиб борилган чоратадбирларда ҳам ўз аксини топди.

Баъзан, айрим илмий тадқиқотларда ўлкада олиб борилган ирригация ишларининг барчаси Туркистон Россия томонидан кўшиб олинганидан сўнг бошланганлиги, ҳақиқий маънодаги сув иншоотларини илмий жиҳатдан жойлаштириш ва қуриш эса фақатгина ўрис муҳандислари ва олимларининг номи билан боғланади. Аммо илгари ҳам яхши, амалга оширса бўладиган, дарё хавзаларидан анча узоқда жойлашган ва нисбатан баланд бўлган ерларни суғоришни ташкил этиш ғоялари ҳам бўлганлигига кўпинча эътибор бермаймиз. Масалан, бундан юз йил илгарироқ Амударё сувидан Бухоро ва Қашқадарё чўлларни ўзлаштириш учун фойдаланиш мумкин деган ғоя илгари сурилган. Сув танқислигидан доимо қакраб ётган Қарши чўлини ўзлаштириш ва Бухорода суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш учун Амударё суви ҳозирги кунда кенг қўлланилаётганлиги ҳаммамизга маълум. 100 йил муқаддам бу чўлларга сув чиқариш лойиҳасини мутафаккир олим, ёзувчи ва астроном Аҳмад Дониш (1827—1897 йиллар) чизиб берган.

Бухорода яшаган Аҳмад Дониш ўзининг амирга ёзган мурожаатномасида тоғларда ёғин-сочин ва дарёда сув кам бўлиш эҳтимоли борлиги туфайли Бухоронинг етти туманидаги бир таноб (таноб — 0,3—0,5 гектарга тенг) ердан икки тангадан (40 тийин) жъул солиғи (фавқулодда солиқ) йиғиш лозимлиги, йиғилган маблағдан икки лак (200 минг) танга харж қилиб, Керки ёки Келиф яқинидаги Амударёдан сув чиқариб, Бухоро, Қарши ёки Миёнколга ўз оқими билан (насос йўқ) келтириш мумкинлигини билдиради. У 1872 йили Аму — Бухоро канали (ариғи)нинг илк лойиҳасини чизди (бу лойиҳанинг асл

нусхаси авлодлар учун сақланган). Лекин бу таклифлар ўз даврида амалга оширилмади. Маълумки, ҳозирги пайтда Амударё суви насослар ёрдамида 150 метрга кўтарилиб, Қарши ва Бухоро ерларини суғормоқда. Унинг оқибатлари қандай бўлганлиги тўғрисида кейинроқ фикр юритамиз.

1912 йили Фарғона водийсининг уста мироби Мулла Бобоёр Мирза Салимбоев дадил бир ғояни илгари сурди: «Фарғона музофотида Марғилон ниҳоятда камёбдир. Анга тобе сувсиз ерлар кўпдир. Марғилон уезди Учқўрғон қишлоқ сой бошисида, Олой тоқ канори тарафинда Қизилсув деган дарё бор. Шуни тоғ ичиндан қирқиб Исфайром сойига туширса, кўп яхши бўлар эди».

Мироб таклифи текшириб кўрилди ва қуйидагича хулосага келинди. Қизилсувни тоннель билан Исфайрамсойга ташлаш, маблағ бўлса, назарий жиҳатдан амалга оширса бўладиган иш, бироқ у анча қимматга тушиши мумкин. Миробнинг дадил ғояси кейинчалик, бизнинг давримизда амалга оширилди ва халқ хўжалиги учун жуда катта фойда келтирмоқда.¹

Яна тарихга қайтамиз. 1878 йилгача ўлкада сувдан фойдаланиш эски тартибда амалга оширилар эди. Фарғонанинг Россияга қўшилиши билан эса «Туркистон ўлкасида ирригация тўғрисида вақтинчалик қоида» қабул қилинди ва унга биноан барча ариқ, канал, дарёлар давлат мулки деб эълон қилинди. Шу билан бирга, бу ерда ариқ оқсоқоли ва мироблар сайлашда анчагина орқага кетиш ҳоли учради. Гап шундаки, агар илгари уларни ишга тайинлашда демократик воситалардан бири бўлган сайловдан фойдаланилган бўлса, энди, яъни ўрис ҳокимияти қарор топган бир шароитда бу усулдан воз кечилди ва бу масала маъмурий-бўйруқбозлик усули асосида ҳал этила бошланди.

Бу даврдаги муҳим масалалардан яна бири — янгидан очилган, ўзлаштирилган ерларга биргаликда ишлов бериш шартлари эди. Маълумки, чор ҳукумати ўлкада иложи борича кам харажат қилиб, кўпроқ бойлик орттириш пайида бўлди. Шунинг учун бўлса керак, Туркистондаги суғориш ишларига чет эл капитали иложи борича жалб этилмади. Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлардаги акционерлик компанияларнинг Туркистонда олиб бориши мумкин бўлган барча таклифлари баъзан

¹ А. Раззоқов. Сув ва ҳаёт, 17-бет.

улар лойиҳаларининг сифатсизлиги, айрим ҳолларда эса олиб бориладиган ишнинг Россия давлати чегараларига яқинлиги рўқач қилиниб, рад этилаверилди.

Ирригация соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва сугориш бўйича кенг миқёсда тузилган лойиҳалар — Туркистон ўлкаси табиати ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганишда, табиийки, катта қадам бўлди. Аммо, бу тадбирлар сезиларли даражада амалий натижалар бермади. Ярим асрдан зиёд вақт давомида ўлкада ҳаммаси бўлиб 40 минг десятинага яқин ерда сугориш ишлари амалга оширилди, Мурғоб водийси ва Мирзачўлда иккита канал қазилди, холос.

Натижада, илгаригидек, ўлкада сув танқис бўлиб қолаверди, сугориш тизимларини батартиб сақлаб туриш эса ниҳоятда катта миқдордаги маблағни талаб қиларди. Бундай маблағлар эса деҳқонлардан турли хил солиқлар шаклида олинарди. Шундай қилиб, деҳқонларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлигича қолаверди.

Россия ўзининг мустамлакачилик сиёсати ва Туркистондаги аграр муносабатларини олиб боришда ўрис деҳқонларини бу ерларга кўчириб келтиришга алоҳида эътибор берди. Бу жараёни амалга оширишнинг асосий сабаблари шулардан иборат эдики, XIX асрнинг 60- йилларига келиб Россияда ижтимоий қарама-қаршиликлар авжига чиққан, қишлоқларда капитализмнинг ривожлана бориши билан деҳқонларни ер билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келинар эди.

Шунинг учун ҳам, 1860 йилларнинг иккинчи ярмидан режали равишда ўрис деҳқонлари Туркистон худудига ҳам келиб ўрнаша бошладилар. 1869 йилдаёқ ўрис деҳқонлари учун қулай иқлим шароитига эга бўлган Семиречьега уларни кўчириб келтиришнинг қоидалари ишлаб чиқилган эди. 1868—1882 йиллар мобайнида бу ерда 25 минг киши яшайдиган 29 та ўрис қишлоқлари пайдо бўлди. 1891 йилга келиб Сирдарё вилоятида 1300 кишини бирлаштирган 19 та шундай қишлоқлар шаклланди. Ўрисларни Ўрта Осиёга оммавий равишда кўчириб келтириш жараёни Россияни 1891 йилда ўз домига тортган ҳосилсизлик, қурғоқчилик даврида айниқса авжига чиқди.

Кейинчалик, Туркистон ўлкасида ҳам капиталистик муносабатларнинг шаклланиши, ўз навбатида, ўрис деҳқонларининг ўз ерларини катта пул ҳисобига маҳаллий аҳолига топшириб, ўзлари саноат, жумладан, темир йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш соҳасига ўтишлари билан характерланди.

Россиядан деҳқонларни кўчириш Туркистоннинг бошқа вилоятларидагига нисбатан Фарғона вилоятида анча кейинроқ авж олди. Чунки бу ерда аҳоли анча зич жойлашган бўлиб, суғориладиган бўш ерлар йўқ эди. Шунинг учун ҳам ўрис посёлкаларини тоғ оралиқларидаги текисликларга жойлаштириш мўлжалланди. Бундай ерларда лалмикор ерларга экин экиш мумкин эди.

Фарғона вилоятида биринчи ўрис посёлкаси 1893 йилда Ўш уездида ташкил этилди. Марғилон уездининг 1898 йилдаги Андижон кўзғолонида анча талафот кўрган Мингтепа, Қашқар ва Тожик қишлоқлари ўрнида 1899 йилда рус посёлкаси вужудга келди. Бу ерга 200 га яқин оила кўчириб келтирилди. 1911 йилга келиб Фарғона областларидаги рус посёлкалари сони 23 тага етди.

Россиядан келган деҳқонларнинг таркиби бир хил эмас эди. Улар орасида камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонлар билан бир қаторда қулоқлар ҳам бор эди. Рус деҳқонлари кўпинча маҳаллий аҳолининг ерларига зўрлаб жойлаштирилди. Рус қулоқлари маҳаллий аҳолини ҳам, ўрис камбағал деҳқонларини ҳам бирдек эксплуатация қилардилар.¹

Туркистон ўлкасидаги суғориладиган унумдор ерлар кўпинча кўчириб келинган ўрис деҳқонларига берилар эди. Бу ҳол эса уларнинг ўз хоҳишлари билан пала-партиш равишда бу ерга кўчиб келишларига сабаб бўлди. Давлат уларга бериладиган ёрдам пулларини бермай кўя бошлади. Аммо шунга ҳам қарамасдан ўрис деҳқонларининг ўлкамизга кўчиб келиши оммавий тус ола бошлади. 1910 йилга келиб Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 70 минг киши яшайдиган 124 та ўрис посёлкалари пайдо бўлди. Туркистоннинг ўша пайтдаги шаҳарларида яшаётган барча ўрис аҳолиси билан бирга улар 200 минг кишини ташкил қиларди. Буларнинг орасида темир йўл ишчилари, қурувчилар, фабрика ишчилари, муҳандис-техниклар, савдо ва саноат буржуйлари, маориф ва бошқа зиёли табақа вакиллари айниқса кўпчиликни ташкил қиларди.²

1916 йилга келиб Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида ҳаммаси бўлиб 330 та ўрис посёлкаларида 16257 хўжалик истиқомат қиларди. Умуман, шу йилга келиб Туркистон ўлкаси бўйича жами 336 минг ўрис

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. II том, 56-бет.

² Г. А. Хидоят. Моя родная история, 288-бет.

оилалари кўчириб келтирилди, улар ўлка аҳолисининг 4,5 фоизини ташкил этарди. Уларнинг қўлида 2659 минг десятина ер тўпланган бўлиб, ниҳоятда унумдор бу ерлар кўп ҳолларда маҳаллий дехқонлар қўлидан тортиб олинган эди.¹

Шундай қилиб, Туркистон ўрис давлати томонидан босиб олинганидан сўнг бу ўлкада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб боришига қарамасдан, ер-сув масаласи тўлиқ ҳал этилмади ва бундан эксплуататорларнинг ўзлари ҳам биринчи навбатда манфаатдор эмас эдилар. Чор ҳукуматининг ўлкада олиб борган аграр сиёсатидан кўзлаган бош мақсади — маҳаллий аҳолини қаттиқ эзиш эвазига имкони борица кўпроқ бойликни Россияга ташиб кетиш, Туркистонни эса ўзининг хом ашё базасига айлантиришдан иборат эди. Улар ўзларининг бу мақсадларига эришдилар. Катта-катта боғ-роғлар бузиб ташланиб, улар ўрнига Россия саноати учун ниҳоятда зарур ва арзон ўзбек пахтаси экила бошланди. Шу йўл билан пахта монокультураси (якка ҳокимлиги) ўрнатила бошланди, ўлканинг ўрис давлатига қарамлиги эса кучая борди.

ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН ҚИМ МАНФААТДОР ЭДИ?

Ўрта Осиёда пахтачиликни янада юксалтиришдан кўзланган бош мақсад, юқорида таъкидланганидек, ўлкани талаш, мавжуд бойликларни тезроқ Россияга олиб кетишдан иборат эди. Аммо, мазкур соҳани юксалтиришдан фақат рус амалдорлари ёки маҳаллий бойларгина манфаатдор эдилар, десак хато бўлар эди. Зеро бу сиёсат (яъни бойлик орттириш) миллий характерга эга бўлмай, у байналмилал хусусиятга эгадир. Шунинг учун ҳам, пахтачиликни ривожлантиришдан иккала миллат вакиллари ҳам манфаатдор эканликларини таъкидлаш билан бирга бу ерда асосий даъвогар ўрис савдо саноат буржуёлари эканликларини эсдан чиқармаслик лозим. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёда пахтачилик тарихи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, энг аввало масаланинг баъзи томонларига эътибор бериш лозим. Гап шундаки, ўрис истилоси бошланган бир даврда ўлкамизда пахтачилик илгариги пайтга нисбатан анча

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти. 140-бет.

гуркираб ривожланаётган эди. 60- йилларнинг бошларида Шимолий Америкада бошланган фуқаролар уруши туфайли Америка пахтасининг Россияга келтирилишини камайиши, ўз навбатида, Туркистон пахтасининг салмоғини оширишни талаб қиларди. Ўрис пахта саноати бу даврда катта қийинчиликларни бошидан кечирав эди. Шунинг учун ҳам чор Россияси тезроқ Ўрта Осиёни босиб олиш ва ўз саноатини пахта каби қимматбаҳо хом ашё билан таъминлашга алоҳида эътибор берди.

Пахта толасига қўйилган нарх-навонинг ошиши эса маҳаллий бойларни пахта майдонларини кенгайтиришга ундади. Айниқса Россиядаги тўқув фабрикалари сонининг 659 тадан 338 тага тушиб қолиши, ишсизликнинг кўпайиши, ижтимоий кескинликнинг кучайиши — буларнинг барчаси Ўрта Осиё пахтасини тезроқ ўзлаштиришни талаб қилар эди.¹

Маълумот ва манбалар Ўрта Осиёда пахтачиликнинг кескин равишда ривожланиши 1862 йилга тўғри келишини кўрсатади. Бу даврга келиб, Россияга жўнатилаётган пахтанинг миқдори илгариги даврга караганда икки марта ошиб кетди.

Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги чегара назорати 1868 йилдагина тугатилди. Шунинг учун ҳам, бу давргача бўлган алоқаларни назорат хизмати маълумотлари бўйича ҳам тасаввур қилиш мумкин бўлади. Маълумотларга кўра, шу йилларда ҳар йили ўртача 400 мингдан 750 минг пудгача пахта Россияга ўтказилган бўлиб, бунинг 30 фоизга яқини Эрондан келтирилган. Шундай қилиб, ўша даврда ҳар йили Қўқон, Хива, Бухородан 350—500 минг пуд пахта олиб чиқиб кетилган.²

1878 йилда Фарғона вилоятининг ўзида экин экиладиган майдонларнинг 10 фоизигагина пахта экилган бўлиб, ундан келган фойда эса барча экинлардан келадиган даромаднинг 5—7 фоизини ташкил қилар эди, холос. Баъзи ҳужжатлар, Ўрта Осиё Россияга қўшилганидан сўнг ўлкамизда пахта етиштириш кескин равишда кўпайиб кетганлигидан далолат берса, бошқа бир маълумотларда эса бу ҳолнинг аксини кўриш мумкин.

Масалан, XIX асрнинг 70- йилларида Фарғонадан Россияга 300 минг пуд пахта толаси жўнатиладиган бўлса,

¹ В. И. Масальский. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СПб, 1892, 10- бет.

² В. И. Юферов. Хлопководство в Туркестане, 17- бет.

1883 йилга келиб бу рақам ҳаммаси бўлиб 20 минг пудни ташкил қилди, холос.¹

АҚШдан келтириლაётган пахта микдорининг кескин камайиб кетиши, Ўрта Осиёда эса пахтачиликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги оқибатида 1861—1865 йиллар Россия тарихида жуда огир давр бўлди.

Шуларни эътиборга олган чор ҳукумати энди ўзининг мустақил ва алоҳида пахта базасини ташкил этиш лозим деган фикрга келди. Шунинг учун ҳам ўрис мустамлака маъмурияти ўлкада пахтачиликни ривожлантириш борасида талайгина чора-тадбирларни кўрди. Жайдари (маҳаллий сорт) ўзанинг сифати яхши бўлмаганлиги сабабли Америка (ўша даврда маҳаллий халқ тилида «амиркон» деб юритиларди) пахта навларини кенг жорий қилиш масаласи муҳокама қилина бошланди. Тошкент яқинида пахтачилик фирмаси, кейинроқ эса пахта тажриба даласи ташкил қилинди.

1884 йилдан бошлаб Туркистонда кўплаб амиркон пахтаси экила бошланди. Ўша йили Тошкент пахтачилик фирмаси мудиридан дастлаб 8 тоъ пахта толаси сотиб олиниб, Москвадаги Кудрин Конинг савдо уйига юборилган эди.

1884 йилда Тошкент атрофида 3 минг десятинага яқин ерга Америка пахтаси экилди. Шундан сўнг ўлкада амиркон пахтасини экиш кенг тус олди. Буни I-жадвалда берилган маълумотлардан ҳам билиш мумкин.

I-жадвал

Йиллар	Десятина	Йиллар	Десятина
1884	300	1887	14338
1885	1000	1888	37228
1886	12000	1889	44550

1889 йилда Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида 58859 десятина ерга Америка пахта нави экилган бўлса, 31958 гектар ерга маҳаллий жайдари пахта нави экилди.

Фарғона вилояти пахта экиладиган муҳим районлардан ҳисобланиб, Туркистонда етиштирилаётган жами пахта-нинг қарийб 80 фоизини бера бошлади. Бу ерда 1892 йилда 1015687, 1894 йилда 1800 минг, 1900 йилда эса 3896 минг пуд пахта толаси ишлаб чиқарилган.

¹ В. И. Масальский. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее, 16-бет.

Улкамизда пахтачиликнинг бунчалик тез юксалганлигининг сабаби, аввало бу экиннинг сердаромадлигида эди. Бундан ташқари, чор ҳукуматининг рус саноати манфатларини кўзлаб пахта етиштиришни кўпайтириш хусусида кўрган бир қатор тадбирлари ҳам бунинг муҳим омили бўлди. Четдан келтирилаётган пахтадан бож олишнинг жорий қилинганлиги ҳам бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. АҚШда граждандар уруши бошланиб кетганлиги сабабли 1864 йилдан Америкадан келтирилаётган пахтадан бож олиш бекор қилинди. Шу сабабли, 15 йил давомида Россияга келтирилаётган пахтадан бож олинмади. 1878 йилда пахтанинг бир пудидан олтин ҳисобида 40 тийин миқдорида бож олиш жорий қилинди. 1882 йилда бу 5 тийинга кўпайтирилди. 1887 йилнинг охиридан бошлаб денгиз йўли билан олиб келинаётган пахтанинг ҳар бир пудидан олинадиган бож бирданига кўпайтирилиб, олтин ҳисобига 1 сўмга, қуруқликдаги чегаралар орқали олиб ўтилаётганда эса 1 сўм 25 тийинга етказилди. 1894 йилнинг охирида пахтадан олинадиган бож 3 сўм 15 тийин (олтин ҳисобида 2 сўм 10 тийин) га етди. Кейинги йилларда пахтадан олинадиган божнинг миқдори яна ҳам ортди.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўлдики, подшо ҳукуматининг бож олиш сиёсати Туркистон ўлкасида пахтачиликнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб берди. Америка пахта нави экилган ерларга ҳам шу мақсадда солиқ солинарди. Бу ерларга солинадиган солиқлар миқдори буғдой, беда, маккажўхори экиладиган ерларга солинадиган солиқлар миқдори билан баробар эди. Пахтанинг бир десятинадан олинадиган ялпи даромад мазкур экинларнинг даромадидан 4—5 марта кўп бўлганлиги сабабли солиқ тўлашдаги имтиёзлар деҳқонларнинг пахта экишга бўлган қизиқишини кучайти-

2-жадвал

Йиллар	Вилоятлар			Ҳаммаси бўлиб
	Фарғона	Сирдарё	Самарқанд	
1888	34,7	25,8	8	68,5
1893	85,3	31,5	21,5	138,3
1898	106,2	14,7	17,1	138
1903	149	11	9,8	169,8
1908	190,9	28	21,7	240,2
1913	274,9	76,7	31,8	383,4
1915	336,5	74	55,6	466,1

риб юборди.¹ Буни 2-жадвал маълумотларидан ҳам кузатишимиз мумкин (минг десятина).

Яна шу нарсага ҳам алоҳида эътибор бериш лозимки, XIX асрнинг 70—80-йилларидан бошлаб ўлкада Америка пахтасини экиш кенг тус ола бошлади. Масалан, 1889 йилга келиб, Ўзбекистондаги барча пахта майдонларининг ярмидан кўпига Америка пахта навлари экила бошланди, ҳосилдорлик бўйича эса бу нав биринчи ўринга кўтарилди. 1888—1913 йиллар мобайнида Фарғона вилояти бўйича Америка пахтаси экиладиган экин майдонлари 34,7 мингдан 274,9 минг десятинагача ёки 700 фоиз, Сирдарё вилояти бўйича эса 25,8 мингдан 76,7 минг десятинагача, яъни 139 фоизга ошди. Фарғона вилояти бўйича бутун суғориладиган майдонларнинг 31 фоизига Америка пахтаси экилган.

Айни пайтда яна шунга эътибор бериш лозимки, бу пайтга келиб, Туркистон ўлкасида пахта экиладиган майдонларнинг салмоғи фақатгина амиркон пахтаси эвазига эмас, шу билан бирга ўлкамизда азалдан экиб келинаётган пахта навлари ҳисобига ҳам кўпайиб борди.

1916 йилга келиб Туркистон ўлкасида пахта экиладиган майдонларнинг миқдори энг юқори даражага (680811 десятина) етди ва суғориладиган барча ерларнинг 31 фоизини ташкил қиларди.

Маълумотларга кўра, пахтага бўлган талаб-эҳтиёжнинг кучлилиги, ўз навбатида, унга ажратилган ер майдонларининг ҳам кенгайиб боришига таъсир кўрсатди. Жумладан, Бухоро амирлигининг Зарафшон водийсидаги вилоятларида 1909 йилда пахта экилган майдон жамики суғориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилган бўлса, Хива хонлигида бу 16 фоизни ташкил қилди.

3-жадвал

Экинлар	Йиллар		
	1885	1905	1915
Пахта	14	17	44
Дон экинлари	26	47	27
Оқ жўхори	22	16	11
Беда	15	8	8
Шоли	16	8	7
Бошқа экинлар	7	4	3

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. II том, 57—58-бетлар.

Хуллас, Ўзбекистоннинг суғориладиган райнлари пахта етиштиришни мўлжаллаб кенгайтириб борилди.

3- жадвалда 1885 йилдан то 1915 йилгача Фарғона вилоятида айрим экинлар майдонининг нисбатида содир бўлган ўзгаришлар берилган (яқунларга нисбатан фоиз ҳисобида).¹

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, экин экиладиган ерларнинг катта қисми аста-секин пахта етиштириш учун берилди бошланди. Бошқа экинлар, айниқса буғдой, беда, мева-сабзавот етиштириладиган майдонлар эса йилдан-йилга камайиб кета бошлади. Пахта экин майдонларининг кўпайиши эса ўрис амалдорлари ва маҳаллий бойлар мол-мулкининг янада ошишига сабаб бўла бошлади. Бундан ташқари, XIX аср 80- йилларининг охирларидан ўлкада чоризм томонидан ўтказилган чуқур мустамлакачилик характеридаги ер ислохоти ўлкадаги суғориладиган ерларнинг кўп қисмини яна бойлар, заминдорлар қўлида тўпланишига сабаб бўлди. Натижада деҳқонлар янада кўпроқ хонавайрон бўла бошлади. Биргина Самарқанд вилоятида 1889—1893 йилларда хонавайрон бўлган деҳқонлар томонидан 15588 десятина ер сотиб юборилди. Хўжанд вилоятида эса XX аср бўсағасида деҳқонларнинг 23 фоизи ерсиз қолди.

Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилга келганда Туркистондаги 2 десятина атрофида ерга эга бўлган ўтрок деҳқон хўжаликлари 64,5 фоизни, 2—5 десятинагача ери бор ўртаҳол деҳқонлар 22,4 фоизни, 5—25 десятинагача ерга эга бўлган бойлар 13 фоизни ва ниҳоят, 25 десятинадан зиёд ер-мулки бўлган помешчик сифат заминдорлар эса 0,1 фоизни ташкил этардилар. Бунинг устига ўлкада деҳқончилик маданияти ниҳоятда паст бўлиб, ерларни ишлаш, тартибга солиш ишлари ибтидоий усулларда бажариларди.²

Чорикорлар ёки ёлланма қишлоқ меҳнаткашларининг сони йил сайин ортиб борди. XX аср 10- йилларининг охирларига қадар ҳам ўлканинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий кўч — чорикорлик ҳисобланиб, улар

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. Тошкент: «Фан», 1973, 29—30- бетлар.

² Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 141- бет.

ерларни асосан бойлардан ижарага олиб ишлашга мажбур эдилар.

Чорикорлик билан асосан кам ерли ҳамда ерсиз деҳқонлар шуғулландилар ва бу асосан пахта экиладиган жойлардагина амал қилди. Чорикорликнинг ўзи бир неча шаклларда намоён бўлди. Оддий чорикорлар одатда уй ҳайвонлари йўқлиги, яшаш учун шароитнинг етарли даражада бўлмаганлиги туфайли ҳамда ерсиз ва кам ерли бўлганликлари сабабли ўз меҳнатларини бой ер эгаларига таклиф қилганлар. Шу билан бирга, яна шундай чорикорлар ҳам бор эдики, улар уй ҳайвонларига эга бўлган ҳолда, ерсиз эдилар. Чорикорларда уй ҳайвонларининг бор-йўқлиги айниқса етиштирилган ҳосилни тақсимлашда аниқ-равшан билиниб қоларди. 1917 йилда Фарғона водийсида олиб борилган қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Андижон пахтакор хўжаликлардаги 32,2 (Скоблев — 24,8, Наманган — 20,1, Қўқон — 12,7) фоиз аҳоли чорикорлардан бўлган. Умуман, чорикорлик Туркистон ўлкасидаги барча экин майдонларининг 23,1 фоизига тарқалган бўлиб, пахта экиладиган майдонларда унинг салмоғи 82,3 фоизни ташкил қиларди.

Туркистон ўлкасида пахтачилик тарихи масаласини ёритишда биринчи жаҳон урушининг бу жараёнга таъсири тўғрисида албатта гапириш лозим. Айни шу пайтда ўлка пахтачилигида кескин орқага кетиш сезила бошланди. 1917 йилга келиб экин майдонлари 339,4 минг десятинагача камайиб кетган бўлса, келгуси йилда у 80 минг десятинага тушиб қолди. Агар бу пайтда пахта ҳосилдорлигининг ҳам кескин равишда камайиб кетганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унда биз таъкидлаб ўтган икки йилда Туркистон пахтачилиги тахминан 30 йилларга орқага суриб ташланди. Пахтачиликни ривожлантиришда салбий оқибатларнинг пайдо бўлишига бир қанча омиллар сабаб бўлган эди.

Энг аввало бу 1915 йилда пахта толасига қўйиладиган «қаттиқ нарх-наво»нинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Маълумки, бундай тадбирни Москвада ташкил этилган «Пахта таъминлаш қўмитаси» жорий қилган эди.

Уруш бошланган бир шароитда чет эл пахтасининг Россияга келиши қисқара бошлаган эди. Қўпчилик буни Туркистон ва Кавказорти пахта етиштирувчиларининг фойдасига ишлайдиган ҳол, деб ўйлай бошлади. Гап

шундаки, чет элдан пахта келмаганидан сўнг Россиядаги тўқимачилик фабрикаларини пахта хом-ашёси билан таъминлаш факатгина Туркистон ва Озарбайжон пахта эгалари кўлида бўлиши лозим эди. Улар ўрис фабрикантлари ва капиталистларига ўз шартларини ўтказишлари мумкин эди. Аммо, аслида бунинг акси бўлиб чикди.

Ўрис фабрика эгалари ва капиталистлари уруш туфайли вужудга келган вазиятни тўғри англай олдилар ва пахта хом ашёси камайишини олдиндан билиб, ишлаб чиқаришни шунга мослаб олдилар. Шундай қилиб, бу «ўйин» пахта етиштирувчиларнинг эмас, аксинча пахтани қайтадан ишловчи рус фабрикантлари мақсадларига хизмат қила бошлади.

Демак, биринчи жаҳон уруши даврида Россиядаги барча капиталистлар бирлашиб, пахтага кўйиладиган нархни бир хил қилиб олдилар ва шартни, илгаригидек, пахта етиштирувчилар эмас, аксинча хом ашёни ишловчилар, фабрикантлар кўя бошладилар.

Аммо, шу билан бирга ўрис давлати пахта ўқ-дори, озик-овқат, кийим-кечак эканлигини ва урушда буларсиз ғалаба қозониш мумкин эмаслигини яхши билар эди. Шу сабабли давлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ҳам кўра бошлади. Шунинг учун ҳам ҳукумат ўрис фабрика эгаларининг хоҳиш иродасига қарама-қарши равишда урушнинг биринчи йилида пахтанинг нархини икки баравар, 1915 йилга келиб эса уч марта оширди.

Натижада, маҳаллий бойлар бойиб кета бошладилар, улар уруш вақтида Туркистон улкан империянинг саноати учун деярли монопол пахта манбаи бўлган вақтда юзага келган фавкулудда юқори нарх-наводан фойдаланиб, кредит, пахта маҳсулотлари сотиб олиш, уларни қайта ишлаш ва сотиш соҳасида ўрис фирмалари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб турдилар.

Натижада, ўлкамизда ҳам турли хил фирмалар ташкил этила бошланди. Масалан, Фарғона фирмалари ўлкадаги барча пахта тозалаш заводларининг 53 фоизига, совун пишириш заводларининг 60 фоизига эгалик қилар эдилар. Яна шу нарсага эътибор бериш лозимки, бу маҳаллий фирмалар ўрис пахта саноати ширкатларининг акцияларини зўр бериб сотиб олар, маҳаллий йирик «Беш бош», «Андреев ширкати» синдикатларига кирар эдилар.

Ўлкада пахтачиликни ривожлантириш туфайли ўрис

бойларидан ташқари маҳаллий буржуазия орасидан чиққан миллионерлар ҳам (Тошкентда Орифхўжа Азизхўжаев, Самарқандда Юсуф Давидов, Андижонда Миркомил Мўминбоев) пайдо бўла бошлади.

Қишлоқ хўжалиги бир ёклама ривожлана бошлади, пахта майдонлари суғориладиган ерларни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки пахтачилик районларида дон ва ем-хашак экинларини сиқиб чиқариш йўли билан кўпайиб борди. Жумладан, Фарғона вилоятининг бир қатор волостларида экинлар орасида пахтанинг салмоғи 75—80 фоизга ва ундан ҳам кўпроққа етди. Кўп хўжаликлар бутунлай пахта хўжалигига (90—100 фоиз) айлантирилди. Пахтачиликнинг бундай ривожланиши дон, озиқ-овқат ва ем-хашак нархларининг ошиб кетишига, дон билан пахта нархлари нисбатининг бузилишига (1—3) олиб келди. Бу ҳол пахтакорларнинг уруш вақтидаги ғоят беқарор бозорга қарамлигини кучайтирди, деҳқонларнинг мулкий ва синфий табақаланиши жараёнини жадаллаштирди. Ўлканинг пахтачилик районларида дон ва ем-хашак нисбатининг умумий ёмонлашуви бошланди.¹

Пахта маҳсулотига «ихтисослашув», ўз навбатида, дончилик, чорвачиликнинг ҳам ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб борди. 1908 йилда Фарғона вилояти бўйича тузилган ҳисоботга асосан, пахтачиликни ривожлантиришга бўлган интилиш оқибатида маҳаллий чорвачилик зарар кўра бошлади. Вилоятдаги чорвачилик шу даражада сиқиб чиқарила бошландики (пахта томонидан), оқибатда шу ерлик аҳолининг ўзини гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилмасдан қола бошлади. Натижада, фақатгина Фарғона вилояти ҳар йили тахминан 150 минг бош чорва молларини қўшни Семиречьедан олиб келишга мажбур бўлар эди.²

Бундай вазият Туркистон ўлкасининг барча вилоятларида давом этди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг бошланиши, охир-оқибатда чорвачилик, дончилик, мева-сабзавот етиштиришдаги кийинчиликларнинг пайдо бўлиши сабабларини айнан шу — биз ҳозир ўрганаётган даврдан бошлашимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Россия ҳукумати ўз иктисодий-сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун ўлкада бир қанча тадбирларни амалга оширди. Шулардан бири — 90-йилларда ташкил

¹ Ўзбекистон ССР тарихи, II том, 539—540-бетлар.

² Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, 40-бет.

этилган Пахта ишлари бўйича Департамент (ПИД) дир. ПИД ўлка қишлоқ хўжалигида пахтанинг тутган ўрнига ниҳоятда катта эътибор берди, шунинг учун ҳам бу ердаги табиий шароитни, пахта етиштиришни илмий жиҳатдан кузатишга алоҳида эътибор берди. 1890 йилда ўлкага келган В. И. Масальский ўзининг «Ўрта Осиёда пахта иши» деган илмий ишида Туркистон пахтасига биринчи бор кенг, батафсил тавсиф берган эди. Унинг тавсиялари подшо ҳукуматининг бундан кейин олиб борган сиёсатига, пахтачиликни ривожлантириш бўйича олиб борилган тадбирларга кенг йўл очиб берди.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ташкилотнинг пахтачиликни юксалтириш борасида амалга оширган биринчи тадбирлари ниҳоятда камтарона ва кам таъсирли бўлган. Бунга ПИДга берилаётган маблағлар, кредит — қарзларнинг миқдори оз эканлиги сабаб бўлган эди. ПИД ўзининг диққат-эътиборини энг аввало Туркистон пахтачилигининг энг жанубий районлари бўлмиш Каспий бўйига қаратди. Мазкур ҳудудларда пахта экиш, уни ривожлантириш имкониятларини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш мақсадида 1896 йилда Марв уездида пахтачилик бўйича инструктор (йўриқчи) тайинланди. Шу ернинг ўзида кўргазмали, намунали пахта майдони ташкил этилди.

Туркистон ўлкасида ўзига хос иқлим, табиий шароитлар бу ердаги экин экиш хусусиятларини батафсил ўрганишни талаб қила бошлади. Шу мақсадда, 1897 йилда Ашгабат шаҳрида тажриба майдони ташкил этилди. Кейинги йилда эса Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ҳам айнан шундай майдонлар ташкил этилди. Андижон шаҳрида ташкил топган тажриба майдони Фарғона водийсидаги биринчи майдон бўлиб, у 1900 йилдан ўз ишини бошлади.

Тошкент яқинида Туркистон қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг ташкил этилиши ҳам худди шу даврга тўғри келади.

Кейинчалик Туркистон ўлкасининг барча бурчакларида, пахта ҳосили етиштириладиган ноҳияларда ҳам кўргазмали майдонлар ташкил этила бошланди. Уларнинг мақсади — пахта эгаларини пахтанинг янги навлари билан таништиришдан, ғўзага ишлов беришнинг янги усулларини тарғиб қилишдан иборат эди.

Яхши, сифатли уруғлар, пахта навлари чет элдан

келтирилари, маҳаллий жайдари навлар эса тажриба станцияларида синовдан ўтганидан сўнг аҳолига тарқатилар эди.

ПИДнинг фаолияти аста-секин кенгайиб бориши натижасида ўлкада деҳқончилик маданиятини юксалтириш истиқболлари кўрина бошлади. Аммо бу ташкилотнинг (ПИДнинг) моддий-техника базаси ниҳоятда ночор аҳволда эди. Айниқса, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари сакланадиган омборлар масаласи оғир, давлат томонидан шу мақсадларга берилаётган маблағ эса ниҳоятда кам эди.

Бундай омбор фақатгина 1900 йилга келиб Тошкентда, унинг филиаллари эса Авлиёота ҳамда Сирдарё вилоятларида очилди. Кейинчалик маҳаллий маъмурият бу ишнинг фойдасини сезиб, давлат кассаларидан фойсиз қарзлар бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу эса, ўз навбатида, ўлкада савдо-сотик ишларини жонлантиришда, пахтачиликни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этди.

ПИД, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, асосий эътиборни хўжаликлар, пахтакорларга агрономик ёрдам кўрсатиш бўйича иш олиб борди. Шу мақсадда, 1899 йилда йирик пахтакор районларда ишни жадаллаштириш учун учта йўриқчи лавозими жорий қилинди.

Департамент Туркистонда пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг сифатини яхшилаш мақсадида ўлка шарт-шароитларини ўрганиш билан бирга мазкур соҳани яхши биладиган ва шу ишга алоқадор шахсларни тажриба ўрганиш учун чет элга ҳам жўнатди. Натижада, бир неча Америка навлари Ўрта Осиёга, унинг маҳаллий шароитига мослаштирила бошланди. Масалан, шундай навлардан бири ўзининг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, толасининг узун ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган кинг навидир.

Бундан ташқари, чет элдан пахтани парвариш қилиш, унга ишлов бериш каби жараёнлар ҳам ўрганилиб, маҳаллий шароитга тадбиқ қилина бошланди. Булар орасида қаторлаб экиш, ҳар бир қаторга механик ишлов бериш, ўлкамиз шароитида қишлоқ хўжалик машиналари — сеялкалар, культиваторларни ишлатиш масалалари ҳам бор эди.

XX аср бошларида Россияда пахтани қайта ишловчи саноат анча ривожланди. Шу билан бирга, Америка пахталарининг баҳоси кескин ошиб кетди. Шунинг учун

хам ПИД маҳаллий шароитда, Туркистонда пахтачиликни жуда тез суръатда юксалтириш лозимлигини таъкидлади. 1903 йилда Тошкентда, кейинчалик Кавказ ортида (Озарбайжонда) бўлиб ўтган пахтакорларнинг қурултойлари ҳам юқоридаги вазифани амалга оширишга қаратилган эди.

1903 йили Тошкентда бўлиб ўтган қурултойда ўлка пахтачилигини юксалтириш учун энг аввало пахта хўжаликларида кенг равишда интенсивлаштиришни жорий қилиш, сувдан фойдаланишни тартибга солиш, шоли экишни иложи борича қисқартириш, тажриба участкалари сонини кескин равишда кўпайтириш, пахтачилик бўйича йўриқчилар сонини кўпайтириш, уруғларни имтиёзли шартлар асосида тарқатиш каби тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, қурултойда ўлкада пахтачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири — янги ерларни ўзлаштириш ва уларда суғориш тизимини яхшилашдан иборат эканлиги таъкидланди.¹

Айниқса Туркистонда ирригация иншоотлари ва суғориш тизимларини ишга туширишда анча қийинчиликларга дуч келинди. Маълумки, экинлар узок йиллар давомида асосан бостириш усулида суғорилган. Бостириб суғориш (масалан, шolini суғориш каби) шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларда бу жараённинг янада кучайишига олиб келган. Чунки бундай суғориш усулида кўп сув талаб қилинган ва ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланиши тезлашган.

Бундай ерлар деярли ҳамма суғориладиган районларда мавжуд эди. Айниқса, дарё водийларининг қуйи қисмида бундай ерлар кўпроқ, тоғ олди ва қирларда эса камроқ бўлган. Бундай ерлар Фарғона водийсининг ҳозирги Фарғона вилояти Қўқон зонасида бутунлай, Бухоро вилоятининг Зарафшон дарёси қуйи қисмида, Тошкент воҳасида, Хоразмда кўп жойни эгаллаган эди. Сунъий суғориш натижасида жойнинг мавжуд табиий сув мувозанати бузилган, айниқса, ер ости сувлари сатҳи кўтарилган ва уларни ташқарига олиб чиқиб кетиш қийинлашган (ер ости ёки буғланиш орқали чиқиб кетган) эди.

Маълумки, ер ости сувлари ер юзаси сувига нисбатан юқорироқ даражада минераллашган бўлади, буғланиш оқибатида фақат тоза сув буғлари атмосферага чиқиб

¹ В. И. Юферов. Хлопководство в Туркестане, 30—31-бетлар.

кетиб, тузлар тупроқ сиртида тўпланади, натижада ер шўрланади ва маълум вақтдан кейин ишдан чиқади.

Агар ер ости сувлари чучук бўлса, ер ботқоқланади, зах босади. Натижада ернинг мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашади. Бундай ерларда қўшимча тадбирлар қўриш йўли билан деҳқончилик қилиш мумкин. Бу ҳолат ижтимоий шароитни ҳам ёмонлаштиради, захдан касалланиш, бегона ўтлар, айниқса қамишзорлар туфайли безгак чивини ва касаллиги кўпаяди, ичимлик суви муаммоси кучаяди, биноларга зиён етади, атроф-муҳит ёмонлашиб, талабга жавоб бермай қўяди.

Бундай жойларда ернинг захини қочириш ва шўрини ювиш тадбирлари олиб борилган. Бундай шароитда шўр ювиш ва яхоб бериш ишлари муҳим роль ўйнаган. Аммо бу тадбирлар чекланган ерда ва зовурлар йўқ жойларда ўтказилиб, айрим ерларнинггина шароитини яхшилаган. Бу қўшни жойларда ер ости сувлари сатҳини кўтарган, шўрланиш майдонини кенгайтирган ва кучайтирган. «Шунда — деб ёзган эди таниқли мелиоратор Л. П. Розов, — шўр босган шудгорларни бирин-кетин ташлаш даври бошланади ва ерлардан фойдаланиш коэффициенти шу микдоргача пасаядики, ташланган партов ерлар майдони ортиқча филтрланган сув ва шўрни ўзига қабул қилиб оладиган даражада ошмоғини талаб этади. Шундай қилиб, экин майдони ва партов майдонлар ўртасида аста-секин маълум нисбат вужудга келади, бу нисбат тахминан 50 фоизга яқин ёки ундан ҳам юқори бўлади».¹

Бундан суғорилган экин майдонларининг деярли ярми ёки ундан ҳам кўпроғи партов (ташландиқ) ерлар бўлиб, ер ости сувларини буғлатувчи «иншоот» родини ўйнаган, деган хулосага келиш мумкин. Фанда бунини «куруқ» дренаж ҳам дейилади. Бу жараённинг физик моҳияти шундан иборатки, шўри ювилиб, яхоб берилган майдонлардан минераллашган сувлар вақтинча қўшни районга сиқиб чиқарилади ва буғлантирилади (бу жойларга экин экилмайди, яъни атрофдаги ташландиқ ерлар ҳисобига маълум майдон шароити яхшиланади). Бу усул ер майдони катта бўлган районларда қўлланилган ва ҳар ҳолда самара берган (ердан фойдаланиш коэффициенти 0,5 дан ошмаган), лекин хўжалик интенсив усулда ўсган. Юқорида айтиб ўтилган мелиорация тадбирлари қандай оқибатларга олиб келишини қуйидаги мисолдан қўришимиз мумкин.

¹ Л. П. Розов. Мелиоративное почвоведение. Москва, 1939, 58-бет.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, Мир-зачўлга биринчи бўлиб кўчиб келганлар (уларнинг кўпи оврўполиклар эди) дастлабки йиллари ҳеч қандай ўғитсиз ва мелиорациясиз пахтадан гектаридан 30 центнергача ҳосил олганлар (ерлар унумдор эди). Аммо улар бу ерларнинг «қилиғи»ни (шароитини) яхши билмас ва ерларга кўп сув қуяр эдилар. Оқибатда йил сайин ерлар шўрланиб, ҳосилдорлик ҳам кескин камайган (9 центнер ва ундан ҳам кам). Шўр босган ва ботқоқ ерлар кўпайгач, уларни ташлаб янги кўшни ерларга ўтилган, шундай қилиб «кўчманчи» деҳқончилик (худди чорвачиликка ўхшаб) вужудга келган. Натижада, 1914—1919 йиллар давомида суғорилган 95 минг гектар ернинг 60 минг гектари, яъни деярли учдан икки қисми ташландик бўлиб қолган эди. Фақат мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, айниқса ирригация билан таниш маҳаллий аҳоли кўчиб кела бошлаганидан кейингина, ташландик (партов) ерларни қайтадан ўзлаштириш ишлари бошланди ва янгитдан экин экилди.

Суғориладиган ерлари чекланган (сув танқислиги мавжуд) районларда, масалан Хоразм ва Бухорода мелиорациянинг бундан бошқа, жуда оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган усуллари қўлланилган. Олимларимизнинг аниқлашича, бу районлардаги шўрланган ерларда тупроқнинг устки қатлами — энг кўп туз тўплаган қисми чорак аршин (16,8 см) олиниб, бир ерга уйилган; 2—3 йилдан сўнг, яъни тупроқнинг шўри ёмғир-қор сувлари ёрдамида ювилгач, бу тупроққа гўнг ва қум, эски деворлар чиқиндиси аралаштирилиб, яна ўша — олиб келинган ерга ёйилган ва экинлардан мўл ҳосил олинган. Шўрга қарши курашнинг ўзига хос бу ноёб усулида ҳар гектар ердан 1500 арава тупроқни олиб кетиш керак бўлган. Бу усул майда деҳқонларнинг якка хўжалиги даврида жуда кўп меҳнат ва ишчи кучи талаб этган.

Ҳозирги пайтда ҳам баъзан мелиорациянинг бу усули қўлланилади (жуда кучли шўрланган ерларни ўзлаштиришда), бироқ барча ишлар замонавий қудратли техника ёрдамида бажарилади.

Таниқли тарихчи М. В. Сазонованинг ҳисоб-китобларига қараганда, бир таноб ердан (ўртача 0,25—0,40 гектар) бир вершок (4,4 сантиметр) тупроқни олиб кетиш ва олиб келиш учун 600 аравадан ортиқ юк ташилган, агар ҳар гал 25 пуд юк чиқарилган бўлса, жами 30 минг пуд юк

чиқарилган. Шунча юкни ташиш ниҳоятда машаққатли иш эди. Бунда арик ва зовурларни сурункали қазиш ва тозалаш давомида чиққан (рош дейилади), бузилган, қулаган эски девор ва уйлардан чиққан тупроқлардан кенг фойдаланилган. Ҳозирги пайтда ҳам дехқончиликнинг бу усули кенг қўлланилса, яхши самара бериши мумкин. Айниқса, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан рошни аралаштириб, ерга ёйиш катта самара беради. Ҳосилдорликни оширишда бу усул яхши омил бўлиб ҳисобланади.

Маълум шароитларда мелиорациянинг агротехника усуллари ҳар доим ҳам керакли натижа бермаслиги мумкин. Бу ҳолни экин майдонлари кенгайиб, партов ерлар камайган вақтда кузатиш мумкин. Бундай пайтда бободехқонларимиз мелиоратив иншоотлар қурганлар. Умумий номи «зовур» деб бизгача етиб келган бу иншоотлар — ётиқ кўринишдаги очик ёки ёпиқ дренажлар барча суғориладиган районларда, шу жумладан бизда ҳам кенг тарқалган (дрена — инглизча сўз бўлиб, қуритиш деган маънони билдиради).

Таниқли мелиоратор Г. Гельцер маълумотларига кўра, шўрланган ерлар Туркистон ўлкасининг барча районларида бўлган. Аммо тарихий маълумотларга қараганда, бу ерда шўрланиш қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кескин тўсиқ бўлолмаган. Бунинг биринчи сабаби, юқорида айтилганидек, юксак қишлоқ хўжалик маданиятининг сақланганлиги ва Г. Гельцер қайд этганидек, шўр ерларда очик зовурлар кенг қўлланилганлигидадир.

Фарғона водийси, хусусан, Кўқон атрофида очик зовурлар 1,5—2, баъзида 2,5 аршин (1 аршин 71,1 сантиметр), яъни 1 — 1,8 метр чуқурликда қазилган, ўртача ҳар десятина (1,1 гектар) ерга 80—120 сажень (1 сажень — 2,13 метр) узунликда зовур тўғри келган (ҳар гектарига ўртача 200 метр, таққослаш мақсадида шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда жумҳуриятимиз бўйича ҳар гектар ерга 30 метрга яқин зовур тўғри келади, унинг чуқурлиги 2,5—3 метр). Яна бир муҳим томони шундаки, зовурлар, асосан ҳар бир дехқоннинг ер участкаси чегарасидан (участка майдони одатда 0,2—0,5 ва қисман 1—1,5 десятина бўлган) ўтказилган. Фақат айрим ҳолларда (участка катта бўлганда), унинг ўртасидан зовур қазилган. Зовурнинг бундай ўтказилиши участка чегараларини аниқ белгилаган ва у камида икки қўшни хўжалик томонидан (ярим зовур кенглиги қўшнига

тегишли) тозаланган ва тузатилган, зарур пайтларда зовурдаги сувлардан суғориш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Умуман, зовур сувлари суғориладиган ариқларга оқизилган, шунга карамай, экинларнинг шўрланишдан қуриб қолиши ҳоллари ёки ҳосил камайиши учрамаган. Демак, ҳосилнинг юқори бўлишига зовурларнинг яхши ишлаши ва агротехника туфайли эришилган.

Яна бир муҳим томони шундаки, зовур бор участкалардаги ерлар бутун қиш давомида бостириб ювилган (кам шўрланган ерлар бир-икки марта, кучли шўрланган ерлар 5—6 мартагача), баъзи ерлар умуман ювилмаган, чунки қишки ва баҳорги ёгин-сочинлар ва экин экишдан аввал сув бериш натижасида тупроқ шўри ювилган. Қиш ва баҳор фаслларида (суғориш кам бўлган пайтда) пастдаги қишлоқларда ичиш учун ҳам зовур сувларидан фойдаланилган (балки шунинг учун ҳам Қорасув деб номлангандир), чунки бу пайтда дарё сувлари (Сўх ва Исфара кўпроқ музлик ҳисобига тўйинади) кам бўлиб, юқори қишлоқларнинг эҳтиёжидан ортмаган.

1880—1881 йиллари Фарғона водийсида илмий изланишлар олиб борган Россия Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, академик А. Ф. Миддендорф водий деҳқонларининг тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишига қарши олиб борган ишларини ўзининг «Фарғона водийси очерклари» китобида ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, бундай ерларда унча чуқур бўлмаган (80—100 сантиметр), аммо анча кенг тарқалган зовурлар тизими ўтказилган бўлиб, куз-қиш даврида яқоб берилиб, мунтазам равишда шўр ювилган. Ундан ташқари, сув оз миқдорда берилган, ортиқча ташлама бўлмаган, деҳқончилик маданияти анча юксак ривожланган.

А. Ф. Миддендорф деҳқонларнинг тупроқ шўрига қарши олиб борган ишлари ҳақида шундай деган эди: «Инсон тупроқдаги ортиқча туздан сира кўркмаслиги ва чекинмаслиги даркор: туз тупроқдан осон, ҳатто жуда осонликча қочади». У ўз замондошларини Фарғона водийси деҳқонлари тажрибасини ўрганишга ва амалда ундан фойдаланишга чақириб: «Биз аввало минг йиллар давомида амалда синалган бой ютуқларга эришганларнинг издоши бўлмоғимиз керак», — деган эди.

Жумҳуриятимиз ҳудудида олиб борилган кўпгина археологик қазилмалар давомида кўмма (ёпик) зовур — тазар қолдиқлари аниқланди.

Фарғона вилоятининг Тошлок ноҳиясидаги Тошлок қишлоғи яқинидан тахминан 150—200 йил аввал қурилган кўмма зовурлар қолдиғи топилди. Бу зовур бир оз

тозаланиб, ишга туширилган ва hozир ҳам ишлаб турибди. Бу ёпиқ зовурнинг замонавий зовурлардан фарқи шундаки, у ерда ер остига қувурлар ўрнига тошлар ёрдамида кичик хандаклар қилинган ва усти тупроқ билан қўмилган. Бундай иншоотлар, айниқса, Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида кўп учрайди. Улар заҳ, ботқоқликка қарши кураш, канализация вазифаларини бажарган. Масалан, археологларимиз томонидан Тошкент шаҳрида (Соғбон кўчасида) XIX асрда қурилган ана шундай зовур топилди. Шуниси муҳимки, бу ерда, Фарғонадагидан фарқли ўлароқ, қурилиш материаллари сифатида сопол қувурлар ишлатилган. Қувурларнинг оғзи воронка шаклида бўлиб, бир томонга бир оз қисқариб борган, четида (охирида) валик бор; узунлиги 49—50, ички диаметри 10—13 сантиметр ҳамда узунлиги 37—45 ва диаметри 7—8 сантиметр бўлган қувурлар топилган.¹

В. В. Бартольд, С. П. Толстов, Я. Ф. Ғуломов, Б. В. Андрианов каби машҳур олимлар Туркистонда ирригация ва суғориш иншоотлари қурилиши ўзининг қадимги тарихига эга эканлигини асарларида исботлаб берганлар. Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, сунъий равишда суғориш ўлка қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бирга бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқарди, экологик ҳолат ёмонлашувига олиб келди. XX аср бошларида Мирзачўлдаги экин майдонларини суғоришда йўл қўйилган шошма-шошарлик ва уқувсизлик оқибатида мазкур ерларнинг агротехник ҳолати ҳали ҳам нормал шароитга етгани йўқ. Умуман, бошқа барча соҳаларда бўлгани каби, ерни суғориш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам ўрис ҳукумати ўзининг тор, мустамлакачилик фикри доирасидан четга чиқа олмади.

Бу нарса Ўрта Осиёда темир йўллар қурилишида акс этди. Россия давлати ўз мустамлакачилик сиёсати даврида истило қилинган ўлкаларни ҳар томонлама ўзлаштиришга, уларнинг табиий, иқтисодий бойликларини тезроқ ташиб кетишга катта аҳамият берди. Улар ўз мақсадларига эришиш учун турли йўллар, усуллардан фойдаландилар. Шундай йўллардан бири — мустамлака ва мустамлака қилувчи давлатлар ўртасида қурилган «қон томири» — темир йўллардир.

Ўрис давлати ҳам Туркистон ўлкасини темир йўлларсиз ушлаб тура олмаслигига кўзи етди, зеро бу икки давлатни

¹ А. Раззоқов. Сув ва ҳаёт, 24—30-бетлар.

боғлаб турадиган масофа ниҳоятда узун бўлиб, шу билан бирга, у чўл-сахролар, юриш қийин бўлган дашту ботқокликлардан, дарёю сойлардан иборат эди.

Бундан ташқари, Россия билан Туркистон ўртасида товар алмашинувининг кучайиши, айниқса ўрис капиталист-фабрикантларининг пахтага бўлган «иштаҳа»сининг ошиши, бизнинг ўлкамизнинг иқтисодий жиҳатдан тезроқ забт этилиши сиёсати — буларнинг барчаси тезроқ темир йўл қурилишини бошлашни талаб қиларди.

Ўрта Осиёда темир йўл қурилиши бўйича лойиҳалар XIX асрнинг 50- йиллариданоқ пайдо бўла бошлаган эди. 70—80- йилларда Россия марказларини Туркистон билан боғловчи 40 дан зиёд лойиҳалар тақдим этилди. 1874 йили Оренбургда тузилган махсус темир йўл комиссияси Оренбургдан Тошкент томон Ўрта Осиё темир йўли қуришни зарур деб топди. Лекин, ўша вақтда бу лойиҳа маъқулланмади. Туркменистоннинг истило қилиниши Каспий денгиз соҳилидан бошлаб темир йўл қуришнинг янги лойиҳасини вужудга келтирди.

Савдо-сотиқни, саноатни ривожлантириш ва айниқса пахта етиштиришни кўпайтириш ҳамда ҳарбий мақсадларни кўзлаб, энг аввал Каспийорти темир йўли қурилди. Ўлканинг ичкарасига олиб кирилган биринчи темир йўл чоризмнинг ўлкадаги ҳукмронлигини мустаҳкамлади, чекка ўлкаларнинг Россия марказий саноат районлари билан иқтисодий алоқаларини кучайтирди ва мустаҳкамлади.

Ахалтака ҳарбий экспедицияси Михайлов кўрфазидан Қизил Арвотгача темир йўл қуришни зарур деб топди. 1891 йил кузида бу темир йўлнинг 217 чақиримлик биринчи қисми Қизил Арвотга етказилди. Темир йўл 1885 йилнинг 30 ноябрида Ашгаботга, 1886 йилда эса Марвга етказилди. 1886 йилнинг охирида темир йўл Чоржўй шаҳрига ва Амударёгача чўзиб борилди. Бу темир йўл Қорақум чўлидан ўтказилгач, унинг энг қийин қисми битказилди. Амударё устида вақтинчалик ёғоч кўприк қурилиб бўлинганидан кейин, 1888 йилнинг бошида темир йўл Самарқанд шаҳригача олиб борилди.

Темир йўлнинг охири Самарқандга етказилганидан кейин бу йўлни Фарғона водийси ва Тошкент томон янада узайтириш масаласи қўйилди. Янги, «Самарқанд — Андижон темир йўлини, унинг Тошкентга ва Янги Марғилонга олиб борадиган шохобчаларини» қуриш

1895 йилда бошланиб, 1899 йилда муваффақиятли тамомланди.¹

Бу темир йўллар ўша йилларда жуда катта аҳамият касб этди ва 1888 йилда Каспийорти темир йўли, кейинчалик эса Ўрта Осиё темир йўли номини олди.

Аммо, кўп ўтмай, Каспийорти темир йўли тобора ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларни қондира олмаётганлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам, ўрис капиталистлари ва тобора ривожланиб бораётган Ўрта Осиё буржуазияси вакиллари подшодан ишлаб турган темир йўлни ўлка пахтачилигининг маркази — Фарғона водийсигача чўзишни илтимос қилдилар.

Аммо мамлакатдаги оғир молиявий аҳвол подшога бу таклиф, илтимосларни бажариш имконини бермади. Бундан ташқари, ўрис капиталистлари Каспийорти темир йўлининг қурилиши билан ўзларининг бу ердаги асосий мақсадлари амалга оширилди, деб билдилар. Самарқанд — Андижон темир йўли қуришга эса аввал Сибирда шундай йўл қуриб бўлинганидан сўнггина рухсат берилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Россия ва ўлкамиз бой амалдорлари Туркистонда кенг тармоқли темир йўл қурилишидан манфаатдор эдилар. Шунинг учун ҳам 80—90-йилларда ўлкамиздаги ва Россиядан келган тадбиркорлар Туркистон генерал-губернаторига бир неча маротаба мурожаат қилиб, бу ерда темир йўл иншоотларини қуриш учун турли хил акционерлик жамиятларини ташкил қилиш учун рухсат сўрадилар. Аммо, ҳукумат қурилажак бу йўлнинг Россия учун жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, бу ишни ўз ҳисобидан амалга ошириш кераклигини тан ола бошлади.

Туркистон ўлкаси маъмурияти, ҳарбий вазирлик, ўрис ва маҳаллий буржуазиянинг каттиқ илтимослари ва талаблари туфайли чор ҳукумати ўзининг илгариги қарорини ўзгартирди ва 1895 йил 27 майдаги қарорига биноан Самарқанд — Андижон темир йўлини қуриш ишларини ўрганди ва йўл қурилиши ишларини бошлаб юборди. 1899 йилда эса Тошкент Самарқанд ва Андижон билан темир йўллар орқали боғланди.

Худди шу йили Каспийорти ҳарбий ва Самарқанд — Андижон темир йўлларининг номи Ўрта Осиё темир йўли деб номланди. Аммо бу ҳам чоризм ва ўрис капиталистла-

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. II том, 62-бет.

ри томонидан қўйилган вазифани тўлиқ ҳал эта олмади. Чунки булар ҳам Россия билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконини бермас эди. Шунинг учун ҳам, XIX асрнинг охирларида Тошкент — Оренбург темир йўлини қуриш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди ва бу 1901—1906 йилларда амалга оширилди.

Бу пайтда Фарғона водийсидаги ўрис ва маҳаллий бойларнинг талабларини бу ердаги мавжуд темир йўл иншоотлари кондира олмаётганлиги маълум бўлиб қолди. Чунки, бу темир йўл водийга фақатгина жанубдан хизмат қиларди. Фарғонанинг асосий пахта экиладиган ерлари эса қулай транспорт воситасидан маҳрум эди.

Шунинг учун ҳам, 1913 йилга келиб, Кўкон — Наманган темир йўли, 1911 йилда эса Наманган — Учқўрғон — Ҳаққулобод ва Ҳаққулобод — Куйганёр — Андижон — Жалолқудук — Қорасув йўналишлари бўйича поезд ҳаракатлари бошланди.

Ўрта Осиё темир йўли Туркистоннинг жанубий чегараларигача (Эронгача) бориб, у ердан шимолий-шарқ томон бурилди ва Бухоро хонлигининг жанубий-ғарбий ҳамда жанубий-шарқий ҳудудларини четлаб ўтди. Маълумки, хонликнинг бу ерлари чор ҳукумати учун иқтисодий ва ҳарбий-стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам, ҳарбий вазирлик XX асрнинг бошлариданок Бухоро ёки Самарқанддан Бухоро хонлигининг жанубий ҳудудларига — Термизгача темир йўл қурилишини амалга оширишни талаб қилиб келди. 1902 йил 30 январда ҳарбий вазирлик Бухоро темир йўли қурилишини бошлаш учун изланишлар олиб боришни талаб қилиб чиқди. Аммо, иқтисодий қийинчиликлар туфайли бу ишлар 1904 йилдангина бошланди.

Ҳукуматнинг бу ишларни амалга ошириши қийин бўлганлиги, иқтисодий танглик, рус — япон уруши, биринчи рус инқилоби — буларнинг барчаси энди айрим шахсларни (бой-амалдорлар) Бухоро темир йўлини қуриш учун Йўллар вазирлигидан рухсат сўрашга ундади. А. Ковалевскийга ушбу йўлни ўрганиш учун рухсат берилди. 1912 йил баҳорида Бухоро темир йўли тўғрисида батафсил ахборот тузилди ва йўл қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қурилишни амалга оширишдан Бухоро амирлиги, маҳаллий бой-амалдорлар ва савдо-сотик доиралари жуда манфаатдор эдилар. Шунинг учун ҳам 1912 йил 16 июнда амир А. Ковалевскийнинг шу қурилишга бош-

кош бўлишига рухсат берди. 1913 йилда ҳукумат томонидан йўл устави тасдиқланди, 1914 йил 20 апрелдан тайёргарлик ишлари бошланди ва 1916 йилда йўл қуриб бўлинди¹.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган Ўрта Осиё темир йўл қурилиши Октябрь инқилоби арафасида асосан тугалланди, у ўлканинг жуда кўплаб бурчакларини бир-бири билан боғлади. Натижада ўлкада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ёйилиши учун кенг имконият яратилди. Темир йўл ўлканинг бой ишлаб чиқариш кучларини уйғотди, уларни нисбатан илғор Россия давлати, чет эл билан боғлади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Туркистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятда кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Аммо, шу нарсани унутмаслик лозимки, Россия ҳукуматининг Туркистон ўлкасида темир йўл қуриш учун қилган ҳаракати ўз-ўзидан бўлмади ва бу чор Россиянинг ташқи ва ички сиёсатидан келиб чиқган эди. Чунки Россияда капитализмнинг таракқиёти, тўқимачилик санотининг ривожланиши, чет элдан келтириляётган пахта ҳажмининг камайиши — буларнинг барчаси Туркистон пахтасига бўлган қизиқишни кучайтириб юборган эди. Демак, ўлкамизда подшо ҳукумати томонидан темир йўл қурилишини амалга оширишдан бош мақсад — пахта хом ашёсини у ердан иложи борица кўпроқ ва тезроқ ташиб кетишдан иборат эди.

Бундан ташқари, подшо Туркистонда темир йўл қуриш билан ўзининг стратегик мақсадини ҳам амалга оширмоқчи эди. Бу мақсаднинг моҳияти эса ўлкани янада қаттиқроқ ва мустақкамроқ ўз қўлида сақлаб туриш, жанубий чегараларни мустақкамлаш, инглиз давлатини доғда қолдириш, ўз сиёсатини узоқроқ давом эттиришдан иборат эди.

Туркистондаги темир йўл ҳеч қачон маҳаллий аҳоли манфаатларини кўзлаб қурилмаган, аксинча, улар яратган моддий бойликка тезроқ эга бўлиш, уни ўз мулкига айлантириш — ҳар қандай мустамлакачи давлатнинг бош сиёсатидир.

Аммо, тарих ҳақиқатнинг бутун бўлишини талаб қилади, ҳис-ҳаяжон эса бундай ҳақиқатни очишга халақит

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, 66—67- бетлар.

беради. Шунинг учун подшо ҳукумати томонидан ўлкада амалга оширилган катта иқтисодий тадбирларни ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Айнан ўша сиёсат туфайли Туркистонда темир йўл, завод-фабрикалар қурилганини ҳам эсдан чиқариш ҳақиқатга зиддир.

Шундай қилиб, Туркистонда кенг тармоқли темир йўл тизими қурилганидан сўнг, бу ерда иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар юзага келди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё пахтасини ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга чиқариш кучайди. Агар 1880 йилда бу темир йўллар орқали 300 минг пуд хом ашё ташилган бўлса, 1900 йилга келиб уларнинг ҳажми 5846 минг пудга етди¹.

Маълумки, XIX аср 80- йилларининг бошларигача Ўрта Осиё моллари шимолга асосан қарвон йўли орқали олиб борилар ва Оренбург бозорида сотилар эди. Аммо, аҳоли пунктлари орасидаги масофанинг ниҳоятда катталиги, йўлнинг оғирлиги савдо-сотик ишларини кескин равишда ривожлантиришга халақит берар эди. Шунинг учун ҳам, 1883—1889 йиллар мобайнида Оренбург йўналиши бўйича қарвон йўллари орқали 3 689 406 ёки йилига ўртача 614 901 пуддан пахта ташилди, холос.

1914 йилги маълумотларга кўра, ўлкамизда 100 минг

4-жадвал

Умумий юк обороти бўйича темир йўл станцияларининг тақсимланиши

Вилоятлар	Юк обороти бўйича станциялар сони						
	100—500 тонналар	500 тоннадан 1 миллион пудгача	1—2	2—4	4—6	6—8	14—22
			Миллион пуд				
Сирдарё	6	11	2	4	—	—	1
Фарғона	—	—	2	2	3	1	2
Самарқанд	5	1	2	2	—	1	—
Туркман	16	2	3	—	2	1	—
Бухоро	3	3	—	1	2	—	—
Жами	30	17	9	9	7	3	3

¹ А. М. Дмитриев — Мамонов. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге. СПб, 1903, 127-бет.

пуддан ортиқ юк оборотиға эға бўлган 78 та станция ташкил қилган¹.

Каспийорти темир йўли қурилиши билан бундай юк ташиш кескин равишда ошиб кетди. 1888—1893 йилларда бу йўл орқали юк ташиш 5,5 миллион пуддан 11,5 миллион пудга етди.

Туркистон ўлкасида темир йўл қурилиши фақат пахтачиликнигина эмас, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантириш учун туртки бўлди. Ўз навбатида Россиядан ҳам бизнинг ўлкага қишлоқ хўжалик техникаси кела бошлади. Масалан, 1891—1898 йилларда темир йўллар орқали ўлкамизга 39 521 пуд қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, 1 119 432 пуд темир келтирилди. Бундай ишлар айниқса Оренбург — Тошкент темир йўли қурилганидан сўнг авж олди.

Бу тадбирлар, ўз навбатида, ўлка пахтачилигини янада юксалтириш имконини берди. Инқилобгача бўлган даврда энг кўп пахта 1916 йилда етиштирилди. Шу йили пахта майдонларининг умумий ҳажми 533 661 десятинага етиб, у ерлардан 360 минг тонна пахта толаси олинди². Етиштирилган пахтанинг каттагина қисми Россия шаҳарларига олиб кетилар эди. Аммо шу билан бирга, Туркистон шаҳарларида ҳам аста-секин пахта билан

5-жадвал

Ўрта Осиё пахтасининг турли йўналишлар бўйича ташиб кетилиши (пудда)

Йиллар	Оренбург орқали	Красноводск орқали	Жами
1907	5.240.000	5.308.000	10.548.000
1908	4.694.000	3.811.000	8.505.000
1909	6.041.000	4.029.000	10.070.000
1910	3.981.000	4.836.000	8.817.000
1911	5.184.000	6.553.000	11.737.000
1912	6.136.000	7.173.000	13.309.000
1913	6.783.000	5.527.000	12.310.000
1914	6.986.000	7.345.000	14.331.000
1915	10.559.000	4.919.000	15.478.000

¹ Курс лекций по хлопковой промышленности.— Тошкент: «Советский Восток», 1924, 100—101-бетлар.

² Из истории развития хлопководства в Узбекистане.— Тошкент, «Фан», 18-бет.

боғлиқ бўлган завод, фабрикалар ташкил этила бошланди. Шу ўринда, бу корхоналар кўпроқ ярим фабрикат ҳолатида махсулот чиқарганини ва бу — чор ҳукумати сиёсатининг асосини ташкил қилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўлкада етиштирилаётган пахтанинг энг катта қисми ва ундан келадиган фойда Россияга ташиб кетиларди¹. Буни 5-жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

Туркистон пахтасининг нархи ўша пайтда Америка Қўшма Штатларидан келтириладиган пахтадан анча арзонлиги сабабли ўрис капиталистларининг Ўрта Осиё пахтасига бўлган қизиқиши юқори эди. Бундан ташқари, йўл харажатининг камлиги, ишчи кучининг арзонлиги, бож масалаларнинг анча оддий ва соддалиги ўрис капиталистларининг иштаҳасини тобора очиб борар эди.

1917 йил 21—31 июнь кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтган II Бутун Россия мусулмонлар курултойида Туркистон жадидлари йўлбошчиси Убайдулла Хўжаев таъкидлаганидек, бизнинг ўлкамиз Россия учун, унинг капиталист-буржуйлари учун соғин сигирдек бир нарса эди. Туркистон пахтасининг аҳамияти, айниқса биринчи жахон уруши йилларида янада ошди, чунки у урушда порох, ўк-дори тайёрлашда асосий хом-ашё ҳисобланарди.

У. Хўжаевнинг таъкидлашича, урушгача бўлган даврда Америка пахтасининг бир пуди Россияга 18 сўмга олиб келинар эди.

Барча товарлар нархи 3 бараварга ошган бир шароитда, Россия Ўзбекистон пахтасининг бир пудини 7—10 сўмга сотиб ола бошлаган. Шу нарсани эътиборга олиш керакки, бу пайтда Туркистон пахтасининг бир пуди 20 сўмни ташкил қилар эди. Демак, Туркистон пахтакорлари ҳар бир пуд пахтадан 10—12 сўм зарар кўрар эдилар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, агар ўлка бўйича йилига ўртача 10—12 миллион пуд пахта етиштирилса, пахтакорларимиз етиштираётган пахтадан келаётган 100 миллион сўм пул ўрис капиталистлари ҳамёнига келиб тушган².

Демак, Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши — тасодифий эмас, аксинча, ўйлаб қилинган, подшонинг, ўрис капиталистлари-буржуйларнинг иқтисодий ва ҳар-

¹ Справочная книжка по хлопководству в СССР.— М., Бош пахта кўмитасининг нашри. 1925. 164-бет.

² «Хуррият», 1917 йил 15 август.

бий-стратегик мақсадларидан келиб чиққан иш. Пахта — бу мақсаднинг асосини ташкил қиларди.

Мазкур мақсадга эришиш учун эса ўрис амалдорлари ўлкамизга тобора кўпроқ кириб кела бошладилар. Натижада, пахта майдонлари кенгайиб, мавжуд боғу роғлар, яйловлар ўз ўрнини пахтага бўшатиб бера бошлади.

Айрим тадқиқотчилар таъкидлаганидек, пахта яккаҳокимлиги Совет ҳокимияти йилларида эмас, аксинча, анча илгари, XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ бошланган эди. Пахта яккаҳокимлиги оқибатида унумдор ерлар яроксиз ҳолга келтирилди, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда эса четга тобора кўпроқ қарам бўла бошладик.

Пахта — ўлка экологиясига таъсир қилди. Ерларнинг агротехник ҳолати ёмонлашди, катта-катта мевазорлар, узумзорлар бузилиб, ўрнига пахта экила бошланди. Натижада турли хил касалликлар пайдо бўла бошлади. Аммо булар тобора кўпроқ фойда олаётган подшо ҳукумати, унинг амалдорларини ташвишга солмади ва солиши ҳам мумкин эмасди. Чунки бу — мустамлакачиликдан кўзланган ягона мақсад эди.

Тўғри, пахта — ўзбек халқининг энг қадимий экинларидан ҳисобланади, биз у билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо, XIX аср иккинчи ярмида уни кескин равишда кўпайтириб юборишдан энг аввало ўрис ҳукумати манфаатдор эди. Унинг натижасида пайдо бўлган салбий ижтимоий-иқтисодий, экологик оқибатларни эса бир зарб билан, дарҳол, бир неча ўн йилларда тугатиб бўлмаслигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

ЧОР ҲУҚУМАТИНИНГ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН СИЕСАТИНИНГ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ

ЎЛКА ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИНИНГ АҲВОЛИ ВА ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ ПАХТАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРГАН ТАДБИРЛАРИ

Маълумки, 1917 йил 25 октябрь куни В. И. Ленин бошлик большевиклар партияси Россияда давлат тўнтаришини амалга оширди. Подшо ҳукумати ағдарилди, ҳукумат тепасига ишчи-солдат, деҳқонлар вакилларидан иборат ҳокимият келди. Россия бу даврда энди капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини ўзлаштира бораётган, жумладан, кишлоқда ҳам капиталистик муносабатлар шаклланаётган эди.

Россиядаги воқеалар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудига ҳам тезда етиб кела бошлади. Асрлар давомида шаклланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар бузиб ташланиб, Россияда бўлгани каби, бизнинг ўлкада ҳам, назарий жиҳатдан пухта ва пишиқ ишлаб чиқилмаган, жаҳон тарихида тажрибадан ўтмаган синов-эксперимент амалга оширила бошланди.

Бу тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишда маҳаллий халқнинг хоҳиш-иродаси, унинг руҳияти, анъаналари эътиборга олинмади. Инқилобни амалга ошириш, унинг йўл-йўриқлари, фойдаланилган услуб ва шакллarning барчаси Россиядан андоза қилиб олинди.

Бундан ташқари, Ўрта Осиёдаги маҳаллий аҳоли инқилоб учун тайёр эмас эди. Оддий халқ ҳали социалистик инқилоб, унинг ленинча назарияси тўғрисида оддий тасаввурга ҳам эга эмас эди. Хўш, унда бу инқилобни ким амалга оширди? Унга ким раҳнамолик қилди?

Юқорида таъкидлаганимиздек, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия ҳукумати энг ашаддий инқилобчилар, давлат сиёсатига қарши бўлган шахслар, турли хил марксистик ва социал-демократик тўғараклар аъзоларини чекка ўлкаларга, жумладан Ўзбекистонга ҳам сургун қилган эди. Бундан ташқари, Россиядаги ер ислохотлари ва Туркистон ўлкасида темир йўл қурилиши ҳамда саноатнинг ўрис капиталистларига фойда келтирадиган

турларини ташкил этиш даврида минг-минглаб рус деҳқон ва ишчилари Ўзбекистонга кўчирилган эди.

Уларнинг кўпчилиги аҳолининг расмий ўрис давлати сиёсатидан норози табақаси эди. Шунинг учун ҳам улар 1917 йил 25 октябрь инқилобини хурсандлик билан кутиб олдилар ва Туркистонда ҳам уни амалга оширишга киришдилар. Ўрис аҳолиси эса бу пайтда Туркистон ўлкасидаги умумий аҳолининг 5 фоизини ташкил қилар ва бу катта куч эди.

Сиёсий жиҳатдан онги етарли даражада ривожланмаган маҳаллий аҳолининг бир қисми эса большевикларнинг «фаровон ҳаёт», «тўқчилик», «бахт-саодатли тузум», «бойларсиз жамият қуриш», «ҳаммани тенглаштириш» тўғрисидаги ғайри илмий чақириқларига учиб, уларнинг ортидан бордилар. Тарихчилар олдида турган яна муҳим бир муаммо борки, уни ҳал этмасдан ўтмишимизга тўғри баҳо бериб бўлмайди. 1917, 1918 йиллардаги халқ ҳаракати (бошқача айтганда — социалистик революция) асосан кимга қаратилган эди: маҳаллий ва ўрис бойларига, мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тузумгами ёки Россиянинг мустамлакачилигигами?

Бу саволларга жавоб бермаслик — тарихни объектив равишда ёритмасликдир. Бизнинг фикримизча, юқоридаги халқ ҳаракати (маҳаллий, ўзбек халқи ҳаракати) кўпроқ ўрис мустамлакачилигига қарши ҳаракат тусини олди. Аммо ҳозиргача бу ҳаракат марказ тарихчилари томонидан хас-пўшлаб келинди, гўёки халқ мустамлакачиликдан эмас, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумдан безган эмиш.

Тўғри, биз маҳаллий аҳолининг ўзбек бой, амалдорларига, уларнинг ўрис капиталистларига қилган малайликларига қарши кураш олиб борганликларини инкор этмаймиз. Лекин, шу билан бирга ўзбек маҳаллий халқининг ҳаракати ўрис мустамлакачилигига қарши қаратилганлигини ҳам рўйирост айтиш, уни исбот қилиш пайти келди деб биламиз.

Ўзбек тарихчиларининг вазифаси бу инқилобий ҳаракат даврида омманинг кўпроқ кимга қарши курашганини, унинг нисбатини аниқлашдан иборат. Бу нисбат аниқланмаса, биз келгуси авлодни ҳам ота-боболаримизнинг 1917 йилдаги ҳаракатлари мустамлакачиликка қарши кураш эмас, аксинча, ўрислар кетидан кўр-кўрона, социалистик инқилоб учун қилинган кураш, деб алдайвершимизга тўғри келади.

Хозирги, эркин фикр юритиш, мушоҳада қилиш шароитида, Ўзбекистон мустақилликка эришган бир пайтда Совет давлатининг марказдан бошқарилган сиёсати подшо Россияси сиёсатининг, мустамлакачилигининг давоми, унинг янги шаклларида бири эканлигига иқроф бўляпмиз.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими шундаки, 1917, 1918 йилларда ва ундан кейинги даврда Совет давлати томонидан олиб борилган сиёсат кўп ҳолларда маҳаллий халқлар хоҳиш-иродасига қарама-қарши равишда қабул қилинарди. Бунга Шўроларнинг 1917 йил 15—21 ноябрда бўлиб ўтган III қурултойида Туркистон халқ комиссарлари кенгашининг ташкил этилганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унга большевик ва максималист, 8 сўл эсер сайланди. Аммо энг фожиалиси шунда эдики, ҳукумат таркибида маҳаллий миллатлар вакилларида бирорта ҳам киши йўқ эди, уларнинг барчаси Россиядан Туркистонга юборилган шахслар эдилар. Улар маҳаллий халқнинг тилини ҳам, динини ҳам, маданияти ва урф-одатини ҳам, анъаналарини ҳам, бу ерда асрлар давомида таркиб топган тарихий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларини ҳам билмас эдилар. Шунинг учун ҳам улар подшо ҳукумати давридаги мустамлакачилик сиёсатини яна давом эттирдилар.

Туркистон ўлкаси Шўроларининг III қурултойида қабул қилинган қарорда «Маҳаллий аҳоли ўртасида синфий ташкилотлар бўлмаганлиги сабабли» улар вакилларининг ўлкадаги ҳокимият органларида ишлашларига йўл қўймаслик кераклиги таъкидланди. Шу ўринда Туркистон ўлкаси Шўролар ҳукуматининг аъзоси, ўта шовинист, сўл эсерлар партиясининг бошлиқларидан бири К. Я. Успенскийнинг ўлка Шўроларининг 1918 йил январда бўлиб ўтган IV қурултойида сўзлаган нутқидаги қуйидаги жумлалар жуда ҳам характерлидир: «Ўртоқ мусулмонлар! Шунинг билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак»¹.

Жаноб К. Я. Успенскийнинг юқорида келтирилган фикрларига ҳеч қандай изох ҳам, илова ҳам керак эмас. Улуғ рус шовинизми сиёсатининг мохир назоратчиси ва амалга оширувчиси бўлган К. Я. Успенский чор Россияси ва Совет ҳукумати мустамлакачилик сиёсатларини уйғунлаштириб, уларга бир хил сиёсий ранг берувчиларнинг типик вакили сифатида ўзини кўрсатди.

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 170-бет.

Совет ҳокимияти йилларида марказнинг миллий ўлкалардаги иқтисодий сиёсати ҳам чор ҳукумати сиёсатидан фарқ қилмади. Бу нарса айниқса Туркистон ўлкасида олиб борилган пахта сиёсатида яққол кўзга ташланади.

Подшо ҳукумати каби Совет давлати ҳам асосий эътиборни Туркистонда пахта яккахокимлигини бутунлай қарор топтиришга, бутун мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини бизнинг ўлкамиз ҳисобига қондиришга, бу ерда саноатнинг фақат айрим енгил турларинигина ривожлантиришга, Ўзбекистонни асосан хом ашё базасига айланттиришга қаратди. Аммо, бу тадбирлар туфайли ўлкада пайдо бўлаётган иқтисодий муаммолар, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, турли хил касалликларнинг кўпайиши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, ижтимоий ҳолатнинг кескинлашуви — буларнинг барчаси уларни кизиқтирмади.

Москванинг Туркистон ўлкасида пахтачиликни юксалтиришидан кўзлаган асосий мақсади — марказнинг эҳтиёжларини қондириш, мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлашдан иборат бўлди.

Большевикларнинг ўлкада амалга оширган энг биринчи тадбирларидан бири — 1917 йил 9 декабрда Туркистон ўлкасида ерни сотиш ва сотиб олишни тақиқлаш тўғрисидаги қарор бўлди. 1918 йил 26 январда эса ўлкада ер қўмиталарини ташкил этиш тўғрисида махсус фармон чиқди. Кейинчалик эса, барча эски ер қўмиталари тарқатиб юборилиб, улар ўрнига Советлар қошида янги ер қўмиталари тузила бошланди.

Шунга асосан, 1918 йил февраль-март ойларида «Қоплонбек», «Кенсой» боғ-хўжаликлари, «Владимир Алексеев савдо-саноат ўртоклиги», Мурғоб подшо мулкчиликлари тарқатиб юборилди¹.

1918 йилдан бошлаб режа асосида Туркистон ўлкасида пахтачиликни юксалтириш учун кураш бошланди. Пахта ишлари бўйича Халқ Комиссарлигининг 1918 йил 10 мартдаги фармонида асосан пахта етиштирадиган деҳқонларга ёрдам кўрсатиш тадбирлари кўрила бошланди. Бунга асосан пахта етиштирадиган деҳқонларга чигитни имтиёзли шартларда сотиб олиш имкони берилди. Бундан ташқари, ёғ-мой заводларининг маъмуриятига пахта

¹ Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Хужжатлар тўплами. Ўздавнашр. Тошкент. 1947, 168—179-бетлар.

майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш учун уларни минерал ўғитлар ва корхонадан чиқарадиган чикитлар билан таъминлаш вазифалари юкланди.

Ўлкада етиштириладиган пахта устидан тезроқ ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, мавжуд пахта ҳосилини иложи борича тезроқ марказга ташиб кетиш мақсадида 1918 йил 12 январда Совет давлати пахта тайёрлаш, уни сотиш, сотиб олиш устидан давлат монополиясини ўрнатди. Тўғри, бир томондан бу тadbир пахта майдонларини ишлаш, агротехникани ривожлантириш, пахтачилик моддий-техника базасини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этди. Аммо, шу билан бирга, бу тadbирнинг жорий этилиши оқибатида пахта маҳсулотини етиштиришга бўлган шахсий моддий манфаатдорлик сусайди. Пахта ҳосилини сотиш ва сотиб олишнинг таъкикланиши натижасида ўлка савдо-тижорат ишларини ривожланишига, ўлкада минг йиллардан бери давом этиб келаётган миллий анъаналарга зарба берилди. Оқибатда пахта экиладиган майдонлар ҳажми, унинг ҳосилдорлиги пасайди, пахта толасининг сифати бузилди.

6-жадвал

1913—1920 йилларда экин майдони ва пахта ҳосилдорлиги

Йиллар	Пахта етиштириладиган майдон (десятинада)	Бир десятина ердан териб олинган пахта (пудда)	Толанинг чиқиши (фоиз ҳисобида)
1913	422726	95	30
1918	80000	55	29
1919	103172	35	28,5
1920	87622	25	28

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 1920 йилда пахта етиштириладиган майдон ҳажми 1913 йилдагига нисбатан тахминан беш марта камайиб кетган бўлса, бир десятина ердан олинадиган ҳосил эса 70 пудга камайган.

Тўғри, пахтачиликда бундай кескин вазиятнинг юзага келишига биринчи жаҳон уруши, фуқаролар уруши, чет эл ҳарбий интервентларининг ёвузликлари ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бу даврларда бир томондан подшо ҳукумати, кейинчалик эса, большевиклар диктатураси Ўрта Осиёда пахтачиликни юксалтириш учун етарли даражада маблағ топа олмади.

Аммо, шу билан бирга бу даврда пахта етиштиришда

шахсий ва моддий манфаатдорликнинг сусайиши, кишиларда бу соҳани ривожлантиришга бўлган кизиқишнинг пасайиши ўлка пахтачилигининг барча соҳалар, кўрсаткичлар бўйича орқага кетишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, бу даврга келиб пахтачиликнинг кескин равишда орқага кетишининг яна бир сабаби чорвачиликнинг умумий ҳолати билан боғлиқ эди. Гап шундаки, фуқаролар уруши шароитида уй ҳайвонлари оммавий равишда қирилди. Бунга, бир томондан, давлатнинг қишлоқ хўжалигида юргизган нотўғри сиёсати таъсир қилган бўлса, иккинчи томондан ўша йиллардаги қурғоқчилик ҳам ўз таъйиқини ўтказди. Шу даврда мавжуд ҳайвонларнинг 50 фоизи нобуд бўлди. Бу эса ўша пайтдаги ниҳоятда содда, оддий қишлоқ хўжалик техникаси шароитида пахтачиликнинг ривожланишига жуда катта зарба берди, зеро бу даврдаги пахтачиликда айнан шу уй ҳайвонлари асосий куч эди.

Қишлоқ хўжалигини асбоб-ускуналар, техника билан таъминлашда ҳам катта қийинчиликларга дуч келинди. Бунга биринчи жаҳон уруши даврида Туркистон ўлкасига келтирилаётган металл ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг тўхтаб қолиши сабаб бўлди. Юқоридаги барча сабаблар эса фуқаролар уруши даврида Туркистон пахтачилигининг ривожланишида сезиларли даражада секинланиш бошланганидан далолат берарди. Давлат бу секинланишнинг олдини олиш, ўлкада пахтачилик соҳасини янада ривожлантириб юбориш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширди. Булардан бири — 1920 йилда Халқ хўжалиги олий кенгаши ҳузурида Бош пахта кўмитасининг тузилиши бўлди. Шу билан бирга, Туркистон пахта кўмитаси ташкил этилди ва бу ташкилот бевосита пахтачилик ишлари билан шуғулланди. Кўмигага алоҳида халқ комиссарлиги ҳуқуқининг берилиши эса унинг имкониятларини яна кенгайтириб юборди.

Фарғона водийси илгаригидек ўлканинг асосий пахта тайёрлайдиган маркази бўлиб қолаверди. Туркистон ўлкасида етиштирилаётган пахтанинг тақдири асосан Фарғона водийсидан олинаётган ҳосилнинг миқдори ва ҳосилдорликнинг ҳолатига боғлиқ эди, зеро бу ерда ўлкада тайёрланаётган барча пахтанинг 50 фоизи етиштирилар эди. Масалан, 1916 йилда Фарғона водийсида 348 469 десятина ерга чигит экилди. Бу бутун ўлкада экилган пахтанинг 40 фоизини ташкил этарди.

Тарихий ҳақиқат юзага чиқаётган ҳозирги шароитда яна бир нарсага одилонга баҳо бериш лозим. Бу ҳозиргача ижтимоий-сиёсий адабиётларда ва халқ орасида талқин қилинган босмачилик ҳаракатидан иборатдир.

Маълумки, ўрис амалдорлари, большевик мустамлакачилар маҳаллий аҳолига сиёсий онги паст оломон, деб қараганлар. Маҳаллий аҳоли давлат, хўжаликни бошқариш ишига жалб қилинмади, улар доимо ҳақорат қилинди. Оқибатда халқнинг орасида ўрислар сиёсатига, мустамлакачиликка қарши кураш кайфияти пайдо бўлди. Бу кураш миллий-озодлик ҳаракати шаклида намоён бўлди.

Лекин босқинчи-мустанлакачилар бундай ҳаракатни босмачилар ҳаракати, деб номладилар. Шу ерда ҳаққоний бир савол туғилади. Маълумки, босмачилик (ҳозирча шундай деб турайлик) ҳаракати ҳақиқатдан ҳам оддий, камбағал халқни қириш, уларнинг бойлигини (агар уларда шундай бойлик бўлса) талашдан иборат бўлса, унда нима учун бу ҳаракатга миллатнинг энг онгли, энг кучли, бақувват кишилари, халқ ғами, дардида турган йигитлари аъзо бўлиб кирдилар? Наҳотки, минг-минглаб онгли, бақувват ўзбек йигитлари бирлашган бундай отрядларнинг барчаси ўз ота-оналари, опа-сингиллари, ака-укалари, қариндош-уруғларига қарши қурол билан чиққан бўлсалар? Йўқ, бу ерда эски большевикча дунёқараш мавжудки, унга асосан марказ ўз ҳукмини, зўравонлигини мустаҳкамлаш учун халқнинг миллий-озодлик ҳаракатини босмачилик уруши, деган ном билан атади, омманинг кўзи олдида тўғридан-тўғри яхшидан ёмон, халоскордан босқинчи яратилди.

Тўғри, уларнинг барча ҳаракатларини оқлаб бўлмайди, бу фаолият давомида беғуноҳ одамлар жонига қасд қилишлар, турли хил объектларни вайрон қилишлар ҳам бўлган. Масалан, 1920 йил 23 июлдан 24 июлга ўтар кечаси Асакадаги 6- пахта заводида ёнгин чиқди. Натижада 26 589 пуд 34 фунт пахта, 500 пуд сифати ёмон пахта, 1740 пуд 15 фунт линтер пахта, 34 292 пуд 32 фунт олий сифатли пахта йўқ қилинди. Бундан ташқари, заводдан 144 номдаги турли хил предметлар ҳам йўқ қилинди¹.

Бундан ташқари, Андижон тумани бўйича — 22, Асака бўйича — 9, Қўқон бўйича — 6, Наманганда битта,

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви. 111- фонд, 1- рўйхат. 688- иш. 1—4, 30- varaқлар.

Фарғона бўйича — 17 та пахта заводига хужумлар уюштирилди. Умумий ҳисобда Фарғона вилояти бўйича 50 фоиздан ортиқ заводлар йўқ килинди¹.

Биз, юқоридаги рақамларни келтириш билан «босмачи»ларнинг бу ҳаракатларини оқлаб, уларни ёқлаб чиқмоқчи эмасмиз ва бундай қилиш ниҳоятда катта хатодир. Аммо, агар тарихий фактларга баҳо берадиган бўлсак, халқнинг анчагина онгли қисми бўлган озодлик курашчилари мустамлакачиликнинг бош сабабини айнан пахтадан кидирганлар. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда пахта билан боғлиқ соҳаларга қарши курашиш ниятида бўлганликлари ҳам бежиз бўлмаса керак.

Ўлкадаги оғир аҳвол 1918—1920 йиллардаги очарчилик, ҳосилсизликка қарамасдан ўзбек пахтасини тезроқ марказга жўнатиш ишлари амалга оширилаверди. Пахта толаси ҳаттоки энг оғир йил бўлган 1919 йилда ҳам Россияга жўнатилаверди. 1918—1920 йилларда Туркистонда 8566 вагонда 4283 минг пуд пахта толаси ўрис фабрика, заводларига жўнатилди².

Ўзбек пахтасининг юксак обрўйи, сифатининг яхшилиги ўрис маъмурларини аллақачон ўзига ром қилиб олганди. Шунинг учун ҳам, Россиянинг Туркистонда пахтачиликни юксалтиришга бўлган интилиши доимо ортиб борди. Бу соҳага ажратилган маблағ ҳажми ҳам кўпайиб борди. Масалан, 1919 йилда ўлканинг 3150 минг пуд пахтасини сотиб олиш учун 1 015 000 000 сўм ажратилган бўлса, 1920 йилда 2 728 000 пуд оқ олтинни сотиб олиш учун эса 3 300 000 000 сўм сарфланди³.

Бу рақамларга юзаки қараган киши ажратилаётган пулларнинг миқдорини кўриб, ўзбекнинг остонаси ҳам тиллодан бўлиб кетса керак, дейиши мумкин. Аммо аслида шундаймикин? Йўқ, асло. Гап шундаки, бу пулларнинг кўп қисми Туркистон пуллари эди. Чунки пахтага нарх асосан Москвадан қўйилар ва бу нарх-наво одатда ниҳоятда паст эди. Шунинг учун ҳам ўлкадан олиб кетилаётган пахталар марказ корхоналарига ниҳоятда катта фойда келтирар эди. Туркистонда пахтачиликни юксалтириш учун ажратилаётган маблағ эса ўша, юқоридаги фойданинг бир қисми эди, холос.

¹ Ўша жойда, 1—10- варақлар.

² ЎзССР Марказий Давлат архиви, 111- фонд, 1- рўйхат, 940- иш, 123- варақ.

³ Ўша жойда, 123- варақ.

Шунинг учун ҳам Москва Туркистон пахтакорларидан ўз «ёрдамни» ҳеч «аямади». Ўлкада пахтачиликни юксалтириш, соҳанинг моддий-техника базасини юксалтиришда эса Совет давлати турли хил усуллардан фойдаланди. Бойлар, йирик ер эгалари, кулоқлар қўлидаги меҳнат қуроллари, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини тортиб олиш ана шундай усуллардан бири эди. Масалан, 1921 йилгача шундай йўллар билан 1517 от-улов, 87 туя, 138 эшак, 1042 сигир, 562 та омов, 1271 та плуг, 341 та борона, 10 та культиватор, 170 та арава, 307 бўйинтурук, 1536 та кетмон ва белкураклар тортиб олиниб, ташкил этилаётган янги коллектив хўжаликларга берилди¹.

Россиядаги завод-фабрикаларни етарли равишда ҳам ашё билан таъминлаш мақсадида давлат пахтакорларнинг меҳнатини рағбатлантириш чораларини ҳам кўра бошлади. Жумладан, пахтага янги нарх белгиланди. Бир центнер Америка пахтасига ёки 7 пуд маҳаллий пахта учун 1000 сўм ёки шунга яраша натура билан ҳақ тўлаш жорий этилди. 50 пуддан ортиқ пахта ҳосили топширган пахтакорларга 7 пуд чигит, 24 фунт пахта мойи, 2 пуд 16 фунт кунжара, 30 аршим ип газлама, тикиш-бичиш учун 9 та ғалтак ип, 30 фунт керосин, мих, 60 фунт туз, 50 кути гугурт бериладиган бўлди.²

Марказ ҳокимияти Туркистон ўлкасида пахтачиликни ривожлантиришга жуда катта стратегик масала деб қаради. Турккомиссиянинг 1920 йил январь ойида пахтачиликни ривожлантиришга бағишлаб чақирилган махсус мажлисида мазкур соҳага пул маблағи ажратиш ҳарбий, темир йўл соҳасига пул ажратишдек муҳим ва истиқболли бўлиши лозимлиги, зотан пахта — ҳам бойлик, ҳам кийим-кечак, ҳам озиқ-овқат, ҳам қурол-яроғ эканлиги таъкидланди³.

Агар, 1920 йилгача Туркистонда пахта экиладиган майдонларнинг ҳажми ва ҳосилдорлик камайиб борган бўлса, 20-йиллардан бошлаб бу соҳада айрим силжишлар юз бера бошлади. Бунга айниқса 1920—1921 йилларда Туркистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти катта таъсир кўрсатди. Натижада жумҳуриятнинг давлат фондига

¹ «Ирригация, сельское хозяйство и животноводство» журналы, № 3, 1921, 42—43-бетлар.

² История развития хлопководства в Узбекистане. Тошкент: «Фан», 1983, 25-бет.

³ Марказий партия архиви. 122-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 1—2-варақлар.

238 831 десятина ер қўшилди ва у 12 826 нафар ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб берилди.

Кишлоқ деҳқонларини уюштиришда, уларни совет қурилишига фаол жалб қилишда «Қўшчи» уюшмалари айниқса катта иш олиб борди. 1921 йил ёзига келиб Туркистон кишлоқ ва овулларида 6 мингга яқин шундай уюшмалар мавжуд бўлиб, улар 9 мингга яқин аъзосига эга эди¹. Туркистон ўлкасида ер-сув ислохоти ўтказилиши натижасида бу ерда катта ҳажмда ирригация ишлари олиб борилди, суғориш иншоотлари тартибга келтирилди. 1922 йили Туркистонда ирригация тизимларини тиклаш учун 2647 ишчи куни сарфланди. Бундан ташқари, ирригация тизимларини таъмирлаш вақтида малакали ишчилар 8084 кун ишлашди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сунъий суғориш Ўрта Осиё шароитида деҳқончиликнинг асосидир. Ирригация ҳосилдорликни ошириш, пахта майдонини кенгайтириш ва ердан унумли фойдаланишнинг энг муҳим резерви ҳисобланади. Чор Россияси 1895 йилдан 1917 йилгача Туркистон ва Кавказортидаги катта ва кичик ирригация ишларига 34,9 миллион сўм сарфлаган бўлса, биринчи беш йилликнинг тўрт йили ичида бу мақсадлар учун Ўрта Осиё, Кавказорти ва Қозоғистонда 637,1 миллион сўм сарфланди¹.

Мамлакатда ирригация ишларини юксалтиришда айниқса 1918 йил 9 майда Давлат иншоотлари комитети бош бошқармаси таркибида ташкил топган Сув хўжалиги ва мелиорация қурилишлари бошқармаси муҳим роль ўйнади.

Белгиланган ишларга умумий раҳбарлик қилиш учун Туркистонда Ирригация ишлари алоҳида бошқармаси (ИРТУР) тузилган эди. Бу бошқарма вазифаси янги ерларни суғориш ва сувдан фойдаланишни тартибга солиб туришдан иборат эди. Туркистон пахтакорларининг 1921 йил 19 февралда очилган I қурултойи қатнашчилари барча деҳқонларни суғориш тизимларини тезда тозалаш ва жумҳуриятдаги бош ҳамда сув тақсимловчи иншоотларни тартибга солиш учун мумкин бўлган тадбирларни амалга оширишга чақирди.

1922 йил 5 сентябрда сувдан фойдаланиш қонуни жорий қилинганидан кейин, Туркистон Республикаси

¹ История развития хлопководства в Узбекистане. Тошкент: «Фан», 1983. 29-бет.

² Социалистическая реконструкция хлопководства. М—Л., 1934, 8-бет.

худудиди «Ердан меҳнат қилиб фойдаланишнинг асосий қонуни» ҳаракатга келтирилди. Бу қонунда Туркистон меҳнатқашларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

1923 йилда давлат ирригация тармоқларини тиклаш учун 6 миллион сўм маблағ ажратди. 1921—1923 йиллар давомида Туркистон ирригация тармоқларини тиклаш учун давлатдан 9 миллион сўмга яқин (тилла билан) пул олди. Туркистон ўлкасида хўжаликнинг барча соҳаларини юксалтириш мақсадида 1918 йил сентябрь ойида Москвада Туркистоннинг Марказий Ваколатхонаси очилди. У жумҳуриятнинг хўжалик-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилар эди. Ваколатхона ҳузурида қурилиш-саноат бўлими бўлиб, бу бўлим лойиҳалаш, ўлкани саноат, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалик учун қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлашнинг барча масалалари билан шуғулланарди.

1920 йилларда ўлкадаги ирригация иншоотларини тартибга келтириш, улардан фойдаланишни яхшилаш — шу даврдаги суғориш ишларининг асосини ташкил қиларди. Чунки бу пайтга келиб, ирригация тармоқларининг техник аҳволи жуда ачинарли даражага етган эди. 1922 йил баҳордаги сув тошқини асосий тўғонлар, сув иншоотларини яроқсиз ҳолга келтирган эди. Тошқин натижасида Қорадарёдаги Кампирравот сув таксимловчи тизимнинг ишдан чиқиши оқибатида Андижонсой ва Шаҳрихонсой каналларига сув келиши тўхтаб қолган эди. Зарафшон дарёсидаги Равотхожи ва Окдарё сув таксимловчи тизимлар эса тўлиқ ишдан чиққан эди.

Бу масалаларнинг барчаси ва ўлкада суғориш тизимларини тартибга солиш, янги каналлар қўриш муаммолари 1923 йил 6 мартда Тошкентда бўлиб ўтган ирригаторларнинг жумҳурият кенгашида қўриб чиқилди. Кенгашда фақат бузиб ташланган иншоотларни ишга солишгина эмас, бу борада илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини олиб бориш, малакали мутахассислар тайёрлаш, сув масаласи бўйича қонун ишлаб чиқариш масалалари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Мазкур кенгаш қарорлари асосида сув хўжалиги аппарати тўғрисида, ирригация ишларини режалаштириш, метеорология хизмати тиклаш, ҳунар таълим тизимини ташкил этиш, сувдан фойдаланувчиларнинг бирлашмасини барпо этиш, суғориш тизимини ривожлантириш учун махсус фонд тузиш ҳақида келишиб олинди.

Янги ҳукумат Туркистонда мелиорация ишларига ҳам алоҳида эътибор берди. Ўлкадаги бундай ишлар учун 1918 йилдаёқ олтин пул ҳисобида 50 миллион сўм маблағ ажратди, пахтачиликни тиклаш учун эса жами 500 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Техника билан таъминланиш эса кескин ортида қолаётган эди. Инкилобгача Россияда трактор ишлаб чиқарилмаган. У чет элдан сотиб олинар эди. Жумҳуриятимизда дастлабки тракторлар 1923 йилда пайдо бўлди (1923 йили АҚШдан 8 та «Фодзон» трактори келтирилди. 1924 йили — 130, 1925 йили — 495 трактор бор эди). Индустрлаштириш туфайли ишга тушган дастлабки совет тракторлари халқ хўжалиги ривожланишига катта ҳисса қўша бошлади.

Шу билан бирга, ўлкада мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам катта қийинчиликлар мавжуд эди. Инкилобгача ўлкада сув иншоотлари бўйича бирор-бир билим юрти мавжуд эмас эди. 1920 йили Тошкентда ташкил этилган дорилфунунда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация куллийетлари ҳам тузилди. Бу мутахассисликни битириб чиққанлар ўлкада деҳқончилик, жумладан пахтачиликни юксалтиришда катта ишларни амалга оширдилар. Шунга қарамасдан, давлат барча соҳаларни етарли маблағ, техника ва мутахассис кадрлар билан таъминлашга қодир эмас эди. Уруш, хўжаликдаги вайронагарчиликлар қўшимча захираларни излаб топиш ва ишга солишни тақозо-этарди.

Суғорма деҳқончиликни тиклаш ва ривожлантириш ишида мелиоратив кооперациянинг роли жуда катта бўлди. Деҳқонларнинг ташаббуси билан 1919 йилдаёқ дастлабки мелиоратив ширкатлар вужудга келди. 1921 йилнинг 3 августида давлат Меҳнат ва мудофаа кенгаши «Мелиоратив ширкатлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда мелиоратив ишлар ниҳоятда зарурлиги туфайли, мелиоратив ширкатларни тузиш муҳим давлат аҳамиятидаги вазифа деб белгиланган.

Қисқа вақт ичида Туркистон сув хўжалиги бошқармаси (Ер ишлари Халқ Комиссарлиги — Наркомзем қошида) тузилди ва бу ташкилот жумҳуриятдаги барча ирригация ҳамда мелиорация ишларига бош-қош бўлди. 1924 йили 29 та мелиоратив ширкат иш олиб борган бўлса, 1925 йили уларнинг сони 97 тага, 1926 йили эса 129 тага етди, уларга 100 мингдан зиёд деҳқонлар аъзо бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, ўз-ўзини бошқариш, молия билан таъминлаш,

яъни ўз-ўзини қоплаш асосида уюштирилган кооперация ҳозирги кунда ҳам қўл келмоқда. Бу усулда иш олиб бориш маблағларни иктисод қилишга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, демократияни ривожлантиришга, халқ оммаси меҳнат ташаббусини ўстиришга олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўлкада суғориш ишларини янада жонланишида, вайрон бўлган сув иншоотларини ишга туширишда Туркистон сув хўжалиги бошқармаси катта ишларни амалга оширди. Шу вақтдан бошлаб 40 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган Далварзин сув иншоотини қуриш ишлари бошланди. Фарғона вилояти Балиқчи туманида суғориш ишлари тикланди, Шаҳрихонда сув таксимловчи тармоқ ишга тушди, сувни тартибга келтирувчи 25 та иншоот қурилди, Норин дарёсидан сув ичадиган Янгиариқ канали қайта таъмирланди. Худди шундай тадбирлар Мирзачўлда, Чирчиқ — Ангрен сув хавзасида, жумладан Бўзсув — Зах йўналишида, Анҳор каналида ҳам амалга оширилди.

Амударёнинг қуйи қисмида ҳам катта миқдордаги ишлар амалга оширилди. Масалан, бу ерлардаги юзлаб чиғирлар ўрнига трактор насос қурилмалари ўрнатила бошланди. 1923 йилда бу ердаги 332 та объектни махсус насослар билан алмаштириш ишлари амалга оширилди. 1923 йил 1 октябргача 174 та суғориш объектида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди, 137 тасида эса иш тугаллаш арафасида турар эди¹.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш ҳамда ирригация тармоқларини такомиллаштиришда 1923 йил муҳим бурилиш йили бўлди. Суғориладиган ерлар майдони анча кенгайди. Бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида суғориш ишлари учун ажратилаётган пул маблағлари ҳажми ошиб борди. Масалан, Туркистон жумҳурияти сув хўжалигидан фойдаланиш учун 1918 йилда 6441457 сўм сарфланган бўлса, 1919 йилда — 45143903 сўм, 1920 йилда — 324 315 884 сўм, 1921 йилда эса 6 841 392 000 сўм сарфланди. Шу билан бирга ўлкада янги сув иншоотларини қуришга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Бу соҳа учун 1918 йилда — 7 000 000 сўм, 1919 йилда — 46 898 487 сўм, 1920 йилда — 280 417 500 сўм, 1921 йилда — 1 744 006 000 сўм маблағ ажратилди².

¹ И. Алимов. Узбекское дехканство на пути к социализму. Тошкент: 1974, 42-бет.

² Справочная книжка по хлопководству в СССР, 312-бет.

Бундан ташқари, ўлкада суғориш ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ва қидирув ишларига ҳам талайгина маблағ сарфланди. Масалан, 1920 йилнинг ўзида юқоридаги мақсадлар учун 77 миллион сўмдан зиёдроқ пул сарфланди¹.

Ўлкада деҳқончилик маданиятини янада ривожлантиришда энди пайдо бўла бошлаган мелиоратив кооперациялар катта роль ўйнади. Бундай кооперативлар Туркистонда 1923 йилдан пайдо бўла бошлади. Бунгача мелиоратив ширкатлар тузилган бўлиб, 1919 йилда улар атиги 7 та бўлса, 1921 йилга келиб 383 тага етди. Мелиоратив ширкатлар сони айниқса 1923 йилдан кейин (ўлка кишлоқ хўжалигидаги аҳвол бироз яхшилана бошлаганидан сўнг) тез кўпая борди, 1924 йилга келиб уларнинг умумий сони 1230 тага, аъзоларининг сони 63 661 кишига етди ва экин экиладиган майдонлари 100601 десятинани ташкил қилди. Ширкатлар асосан ернинг агротехник ҳолатини яхшилаш, яхоб бериш, ернинг захини қочириш каби ишлар билан шуғулланар эди. Масалан, ширкатлар пайдо бўлган пайтдан бошлаб 1923 йилнинг апрелигача 3014 десятина ернинг захи қочирилди, 3549 десятина ер ҳайдалди, 1577 десятина ер маданийлаштирилди, ҳаммаси бўлиб 9717 десятина ерга ишлов берилди. Бажарилган ишларнинг жами қиймати олтин пулда 581900 сўмни ташкил этди, бу пулнинг ҳаммаси меҳнаткаш аҳолининг маблағидан иборат эди, чунки мелиорация ширкатлари учун давлат ўз бюджетидан қарзга пул бермас эди.

Мелиоратив кооперациянинг вужудга келиши суғорма деҳқончилик шароитида ирригациянинг аҳамияти билан белгиланар эди. Мелиорация ширкатлари тўғрисидаги низомда мелиоратив кооперациянинг вазифалари белгилаб берилган эди. Мелиоратив кооперация ширкатлар ишлайдиган районнинг суғориш тизимларини ва улардаги барча гидротехника иншоотларини тўғри ишлатиш, соз ҳолда сақлаш, яхшилаш ва ривожлантириш, шунингдек ширкатга аъзо бўлган ҳамда амалдаги қонун ва қоидаларга биноан мазкур суғориш тизимлари сувидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган деҳқонлар ўртасида сувни тўғри тақсимлаш мақсадида тузилар эди. Ширкатларнинг аъзолари кўрсатиб ўтилган вазифалардан ташқари, ихтиёрий битим асосида янги ерларни суғориш, сизот

¹ Ўша жойда, 312—313-бетлар.

сувларни зовурга окизиш, сув оқимини тартибга солиш, дарёлар ва жарларнинг соҳилларини мустаҳкамлаш, қумларни бостириш ва шу каби мелиорация ишларини бажаришни ўз зиммаларига олар эдилар.

Демак, мелиорация ширкатларининг бош вазифалари — суғориш иншоотларини, тармоқларини тўғри ишла-тиш, яхшилаш ва такомиллаштириш, гидротехника иншо-отлари қуриш ва тузатиш, қаровсиз ва қўриқ ерларни ишга киритиш, сувни тежаш, шунингдек ўз аъзолари ўртасида сувни тўғри таксимлашдан иборат бўлди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, 1923 йилга келиб Туркистонда мелиорация ширкати таъсис этиш учун сувдан фойдаланувчи камида 50 дехқон хўжалиги бўлиши керак эди. Муайян ирригация тизими ёки тизимлар гуруҳида айрим мелиорация ширкатларини бирлашти-рувчи ширкатлар иттифоқи кооперацияни барпо этишнинг навбатдаги босқичи бўлди¹.

Юкорида таъкидлаб ўтилган тадбирлар натижасида ўлкада пахта етиштириш, уни сотиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Ҳукуматнинг 1920 йил 2 ва 27 ноябрда Туркистон ўлкасида пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарорлари айниқса сезиларли аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорларда пахтачи-ликни тиклаш ва ривожлантириш учун тезда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгилаб берилган эди:

— пахта экиш билан шуғулланувчи коллектив ва якка хўжаликлариغا ердан ва сувдан фойдаланиш имтиёзларини бериш;

— пахтакор районлардаги ҳамма давлат ва жамоа хў-жаликларида мажбурий алмашлаб экишни жорий қилиш, бу алмашлаб экишда экиннинг асосий қисмини пахта ташкил қилишига эришиш;

— илгари ишлаб келган тажриба далалари ва се-лекция станцияларини тиклаш ва янгиларини ташкил қилиш;

— пахтакорларни чигит билан таъминлаш;

— ирригация иншоотларини тартибга солиш йўлида биринчи галда қилинадиган ишларнинг ҳаммасини 1921 йил кўккламигача битказиш;

¹ Б. Минбаев. Кооперация: ўтмишда ва ҳозир. — Тошкент: «Ўзбекис-тон», 1991, 25—26-бетлар.

— пахтакор хўжаликларни қишлоқ хўжалик асбоблари ва ўғитлар билан биринчи галда таъминлашнинг мажбурий қилиб қўйилиши;

— пахтакорларни зарур буюмлар билан таъминлаш режасини ҳамда уларни рағбатлантириш чоралари тизimini ишлаб чиқиш ва шунга яраша товар фонди ажратиш;

— аҳолини шартнома асосида ва топширган пахтаси учун маҳсулот алмашлаб бериш тариқасида озик-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлашни уюштириш;

— пахтачилик соҳасидаги мутахассисларнинг ҳаммасини, улар ҳозир қандай муассаса ва ташкилотларда ишлаб турганидан қатъи назар, пахтачилик хўжалигини тиклашга сафарбар қилиш.

Юқорида биз зикр этган қарорлар ҳозирги кун нуқтаи назаридан ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Аммо, бу қарорларда, бизнинг фикримизча, аниқлик етишмайди ва қарор ўша даврдаги мавжуд вазиятни батафсил таҳлил қилмасдан қабул қилинганлиги кўриниб турибди. Китобхонларнинг диққатини айрим сонларга қаратмоқчимиз, зеро айнан шулар орқали ўлкадаги аҳвол, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси билан қандай таъминланганлиги хусусида фикр юритиш мумкин бўлади.

Масалан, 1918 йилда Туркистон жумҳурияти қишлоқ хўжалигини асбоб-ускуналар билан таъминловчи омбор томонидан деҳқонларга, уларнинг хўжаликларига давлат йўли билан қуйидагилар етказиб берилган: 189 та омов, 9 та мола, 22 та сеялка, 76 та культиватор, 334 та кетмон (бутун бир жумҳуриятга), 94 та курак ва бошқалар. Тўғри, кейинги йилларда бу асбоб-ускуналар бироз кўпайди. Жумладан, 1919, 1920, 1921, 1922 йилларда улар мос равишда қуйидаги рақамларни ташкил қилди: омов — 30, 156, 1468, 713; мола — 6, 49, 96, 58; сеялка — 63, 46, 94, 8; культиваторлар — 456, 38, 97; кетмон — 982, 265, 70, 8930; курак — 350, 14, 7152, 1250¹.

Шу билан бирга, Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалигини турли хил техника, асбоб-ускуналар билан таъминлашни пул ҳисобида оладиган бўлсак, бу борада ҳам ишлар мўътадил эмаслигини кўришимиз мумкин. Масалан, 1915 йилда бу мақсадлар учун 733833 сўм сарфланган бўлса, бу рақамлар 1917 йилдан кейин тез-тез

¹ Справочная книжка по хлопководству в СССР. М. Бош пахта қўмитасининг нашри, 1925. 318—319-бетлар.

ўзгариб турадиган бўлди (1918 йилда — 84 200 сўм; 1919—5000 сўм; 1920 йилда — 90000 сўм; 1921 йилда — 200000 сўм; 1922 йилда — 60000 сўм)¹.

Келтирилган рақамлар октябрь давлат тўнтаришидан кейинги биринчи йилларда ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачиликни ривожлантиришга қандай эътибор берганлигидан ёрқин далолат бериб турибди. Миллионлаб аҳоли яшайдиган ва асосий халқи деҳқонлардан иборат бўлган Туркистондек катта ўлка учун биз юқорида келтирган рақамлар даражасида қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг берилиши, гўёки, денгиздан томчидек гап эди.

Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, чор Россияси давридаги, яъни мустамлакачилик пайтидаги билан, 1917 йилдагидан кейин (мустамлакачилик янги шакл олганидан кейин) экин майдонларини кўпайтириш борасидаги сиёсатларда кескин фарқ йўқлигини кўриш мумкин. Гап шундаки, иккала даврда ҳам пахтачиликни асосан экстенсив йўллар билан, жумладан пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш билан оширишга ҳаракат қилинган. Тўғри, тарихнинг айрим даврларида, жумладан, 20-йилларнинг бошларида бундай ерларнинг миқдори кескин равишда камайиб кетди. Бу, асосан, ўша даврдаги иқтисодий қийинчиликлар, давлатнинг деҳқонларга нисбатан олиб борган нотўғри сиёсати билан боғлиқдир.

Энди конкрет рақамлар хусусида гаплашадиган бўлсак, агар 1905 йилда бутун Туркистон бўйича пахта экин майдонларининг ҳажми 209 730 десятинадан иборат бўлган бўлса, 1917 йил октябрь тўнтаришигача бўлган даврда энг юқори кўрсаткич 1916 йилга тўғри келиб, шу йили у 533 771 десятинани ташкил қилди.

Кейинчалик бу рақамлардаги изчиллик, мўътадиллик йўқолди. Масалан, 1918 йилда пахта экиладиган майдонлар ҳажми 80 минг десятинани ташкил қилган бўлса, 1919 йилга келиб у 403 172 десятинага етди. Аммо, 1922 йилга келиб пахта майдонлари кескин камайиб кетди ва 51 428 десятинани ташкил қилди, холос. Фақат 1924 йилга келиб у 283 669 десятинага етди².

Пахта толасини олиш ҳам юқорида биз келтирган

¹ Ўша жойда, 320—321-бетлар.

² Справочная книжка по хлопководству в СССР, 124-бет.

рақамларга мутаносиб равишда ошди. Октябрь инқилобига гача бўлган даврда бу борадаги энг юқори кўрсаткичга 1915 йилда эришилди. Шу йили 523 614 десятина ердан 14 035 минг пуд пахта толаси олинди. Аммо, кейинчалик бу борадаги кўрсаткичлар ҳам бир хил бўлмади. У 1919 йилда 725 минг пудни ташкил қилган бўлса, кейинчалик, масалан 1921 йилда ҳаммаси бўлиб 400 минг пуд пахта толаси олинди, холос¹.

Бизни ўша пайтларда ўлкада тайёрланган хом ашёни Россияга ташиб кетиш масаласи жуда қизиқтирди. Аммо, афсуски, бир қанча манбаларни кўришимизга, диққат билан ўрганишимизга қарамай бундай маълумотларни топишимиз қийин бўлди. Тўғри, 1916 йилгача Ўрта Осиё пахтасини Россияга олиб кетиш ҳақидаги маълумотларни топиш осон. Аммо, 1917 йилдан кейинги бундай маълумотларни топишнинг имкони бўлмади.

Бизнингча, бундай ҳолнинг пайдо бўлишини турлича изоҳлаш мумкин. Масалан, 1917 йилги октябрь давлат тўнтариши ҳақиқатдан ҳам ҳукумат ишларида, жумладан пахтачилик соҳасида ҳам пала-партишликларни, ҳисоб-китобдаги ноаниқликларни келтириб чиқарди. Балки шунинг учун ҳам юқоридаги каби рақамларни топишнинг имкони бўлмаган бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, мазкур муаммога бошқача ёндошиш ҳам мумкин. Яъни, янги ҳукумат, большевиклар диктатураси ўзларининг босқинчиликларини, мустамлакачилик сиёсатларини яшириш мақсадида онгли равишда бундай маълумотларни бермаган бўлиши, яширган бўлиши ҳам мумкин. Бундай мисолларни совет даври тарихидан кўплаб учратишимиз мумкин. Демак, юқоридаги мулоҳазалардан пахта совет давлати даврида сиёсатга айланган, большевиклар ҳукумати у тўғрисидаги ҳақиқатни айтишдан, уни очиқ муҳокама қилишдан чўчиган деган хулосага келиш мумкин. Агар подшо ҳукумати даврида мустамлакачилик сиёсати очикдан-очик, ҳеч кимдан яширмай олиб борилган бўлса, совет даврида бундай сиёсатнинг яширин шаклини кўришимиз мумкин. Нима бўлганда ҳам, мустамлакачилик ўз ишини қилди.

Янги, совет ҳукумати пахтачиликни юксалтириш учун Туркистонда бир қанча тадбирларни амалга оширди.

¹ Ўша жойда, 126-бет.

Тўғри, уларнинг барчаси ҳам кўзланган самарани бермади. Аммо пахтага бўлган қизиқиш, уни истеъмол қилиш истикболлари большевикларни Ўзбекистонни асосан пахта базасига айлантириш ҳиссидан, кайфиятидан тўхтата олмади. Ўлкамиз аста-секин собиқ СССРнинг хом ашё базасига айлана бошлади.

Бунда айниқса Бош пахта қўмитаси катта роль ўйнади. Маълумки, бу қўмита пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги муносабатӣ билан ва «Пахтачиликни, пахта тозалаш саноати ва пахта тайёрлашнинг давлат ташкилотлари тўғрисидаги Низом» асосида таъсис этилган эди. Бу қўмита марказий орган бўлиб, халқ хўжалиги Олий Кенгаши Президиуми қошида пахтачилик ва пахта саноати ишларини бошқариб турар эди.

Бош пахта қўмитаси ва унинг маҳаллий органларининг асосий вазифаси пахтачиликни ва пахта тозалаш саноатини тиклаш ҳамда ривожлантиришдан, пахтачиликни хўжалик ҳисобига ўтказишдан иборат эди.

Пахтачилик юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун Туркистон жумҳурияти Халқ Комиссарлари кенгаши қошида айрим комиссарлик ҳуқуқига эга бўлган Туркистон пахта қўмитаси таъсис этилди.

Жумҳуриятнинг пахтачилик билан боғлиқ ерлари, давлат хўжаликлари, уруғчилик ва тажриба далалари, селекция станциялари, сунъий суғориш иншоотлари, пахта тозалаш ва бошқа заводлар (ёғ ва совун ишлаб чиқарувчи заводлар, механика устахоналари ва бошқалар) ўзларига тегишли барча машиналари, асбоб-ускуналари, чорвалари, материаллар ва товарларнинг захираси, шунингдек уларга хизмат қилувчи барча муассасалар билан бирга Туркистон ихтиёрига берилди.

Оборот маблағлари учун давлат Туркистон пахта қўмитасига катта маблағлар ажратиб берди. Чунончи, 1921 йили жумҳурият пахтакорларига аванс бериш учун 28 миллион 880 минг сўм¹, ўша йили апрелда, чигит экиш кампанияси вақтида 6 миллион 712 минг сўм пул ажратди. Шу билан бирга, Москвадан Туркистонга 4 миллион

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви. 44- фонд, 1- рўйхат, 6- иш, 124—133- варақлар.

500 минг аршин мануфактура, 6 миллион калавага яқин ип, 4 миллион қути гугурт ва 6 вагон чинни идиш-товок, лампа шиша ва бошқа нарсалар келтирилди¹.

Бош пахта қўмитасининг фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар эътиборга лойиқ, зеро 20-йилларда Туркистонда пахтачиликнинг ривожланиши кўп жиҳатдан шу қўмита фаолияти, ишлари билан бевосита боғлиқдир.

Энг аввало шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Бош пахта қўмитаси ўз фаолиятини бошлашиданок ўлкада етиштирилаётган барча маҳсулотларга баҳони, нарх-навони ўзи белгилаб бериш масъулиятини зиммасига олди. Бу билан қўмита пахтага бўлган ўз монополиясини ўрнатди. Бошқа томондан эса, пахтакорларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга бўлган қизиқиши ҳам тўхта-тилди, зотан, пахтакор ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи нарх-наво белгилаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган эди.

Бош пахта қўмитасининг низомига биноан Россия истеъмол қилувчи объект сифатида, Туркистон, Озарбайжон, Арманистон эса ишлаб чиқарувчилар сифатида тан олинди. Шу сабабли қўмита таркибига юқорида санаб ўтилган жумҳуриятлардан ҳам вакиллар киритилди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Россия ва бошқа жумҳуриятлар ўртасидаги алоқалар «давлатлараро» муносабатлар характерида бўлишига алоҳида эътибор берилди ва у Бош пахта қўмитаси низоми билан қонунлаштириб қўйилди.

Шу нарсага ҳам эътибор бериш лозимки, Бош пахта қўмитаси билан бирга бошқа жумҳуриятларда ҳам Пахта қўмиталари тузилди. Лекин улар асосан Бош пахта қўмитасининг кўрсатмаларини бажарди, **маҳаллий мухториятчилик** ҳуқуқи ниҳоятда суст даражада, кўзга ташланарсиз ва самарасиз эди. Бундан ташқари, бу маҳаллий қўмиталар асосан хўжалик ишлари бўйичагина айрим ҳуқуқларга эга эдилар, холос. Маъмурий раҳбарлик ишлари бўйича, хўжалик механизмини такомиллаштириш борасида эса сезиларли таъсир қилиш ҳуқуқига эга эмас эдилар.

Маҳаллий пахта қўмиталари бу даврда ўзларининг мустақилликлари учун кураш олиб бордилар ва айрим ютуқларга эришдилар. Масалан, Озарбайжон ва Арманистонда Россиянинг пахта монополиясини амалга оши-

¹ «Известия», 1921 йил 7 апрель.

ришга бўлган ҳаракатини чеклашга бўлган интилиш кучли эди. Шунинг учун ҳам Озарбайжон ўз пахтасини тўлиқ равишда Бош пахта қўмитасига эмас, турли Халк Комиссарликлари бўйича тарқатиш ташаббуси билан чиқди. Кейинчалик эса Қавказорти Федератив жумҳурия-ти ўз пахтасини четга — валютага сотиш имконига эга бўлди.

Шу ўринда нима учун Туркистон ўлкасидаги Пахта қўмитаси ўз худудий мустақиллиги учун курашмади, пахта етиштириш, сотиш бўйича ўз мустақиллигини таъминламади деган саволларнинг туғилиши табиий. Аниқ далил-исботга эга бўлмасдан юқоридаги саволга жавоб бериш мумкин эмас. Ҳозиргача аниқ фактлар яшириб келинар ва юқоридаги каби ҳолнинг юзага келиши шу ерда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳолининг сиёсий жи-ҳатдан онгсизлиги билан боғланарди.

Аслида-чи? Аслида Туркистон Пахта қўмитасида ишлаётган ходимларнинг аксарият қўпчилиги маҳаллий миллат вакиллари эмас эди: қўмита раиси — И. М. Бирюшев, унинг ўринбосари Н. К. Кришталь, қўмита аъзолари — Ф. А. Дюжев, М. Н. Никольский, Иссакулов. Демак, қўмита асосан Оврўпадан келган кишилардан иборат бўлиб, бу ерда фақат биттагина одам (у ҳам бўлса «Қўшчи» иттифоқидан) Ўзбекистон вакили эди. Албатта, бундай шароитда Туркистон пахтачилиги тақдирини Россиядан келган мустамлакачилар белгилашига ҳеч шубҳа йўқ.

Бош пахта қўмитаси фақат пахтани сотиб олиш ва сотиш билангина эмас, балки чигитни экиш, уни ўстириш ишлари билан ҳам шуғулланарди. Илгариги йилларда чигитни экиш билан асосан Туркистон Пахта қўмитаси ва Дехқонлар иттифоқи шуғулланар эди. Бу қўмита ихтиёри-да завод ва фабрикалар мавжуд бўлиб, қўмита пул ва бошқа маблағларни Дехқонлар иттифоқига ўтказар эди. Аслида, бу икки ташкилот биргаликда ва аҳилликда иш олиб бориши, экиш компаниясини муваффақиятли ра-вишда амалга ошириши лозим эди. Аммо улар ўртасида ҳеч қандай фойдали алоқа бўлмади, алоҳида меҳнат қилаётган пахтакор дехқонлар билан эса шартномалар тузилмади.

Оқибатда ўн минглаб десятина ерга чигит эккан майда дехқонлар билан ҳеч қандай ҳисоб-китоб олиб борилмади,

уларнинг хўжаликларида эса ҳақиқий хўжасизлик, масъулиятни ҳис этмаслик ҳоллари ҳукм сурди.

1922 йилдан бошлаб вазият ўзгарди ва Туркистон Пахта қўмитаси ўлкадаги бу ишларга жавобгар ягона ташкилот сифатида иш олиб борди. Мазкур қўмитага бўйсунувчи завод ва фабрикалар қўмита номидан пахта етиштирувчи ҳар бир деҳқон билан алоҳида, махсус шартномалар туза бошлади.

Деҳқонлар иттифоқи эса Пахтакорлар қишлоқ хўжалик ширкатига (Туркхлопсоюз) айланди ва уларнинг вазифаси деҳқонларнинг Пахта қўмитаси билан тузган шартномаларининг бажарилишини текширишдан, экин майдонларини, пахта теришни назорат қилиб туришдан иборат бўлди. Пахтакорлар қишлоқ хўжалик ширкатлари топширилган ҳар бир пуд пахта учун Туркистон пахта қўмитасидан 17 тийиндан (олтин ҳисобида) маблағ оладиган бўлди.

Маълумотлар, Пахтакорлар қишлоқ хўжалик ширкатлари кўпинча Туркистон пахта қўмитаси бажариши лозим бўлган вазифани бажарганлигидан далолат бермоқда. Ёки, бошқача сўз билан айтганда, жумҳуриятда пахтачилик ишини ривожлантириш бўйича иккита бир хил, бир-бирининг фаолиятини такрорловчи ташкилот тузилган эди. Бундай ҳол эса, бир томондан, иккала ташкилотнинг ҳам масъулиятини сусайтирган, бирининг ишини иккинчисининг гарданига юклаш тажрибасини келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан, хўжаликка раҳбарлик қилишда маъмурий бўйруқбозлик тизими ўрнатила бошланганидан далолат берарди.

Туркистон Пахта қўмитасининг фаолияти натижасида ўлкада ҳисоб-китобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Илгари бундай ҳисоб-китоблар кўпинча натура шаклида амалга оширилар эди. Пахтакор пахта ўрнига турли хил озиқ-овқатлар, кенг истеъмол моллари (туз, темир, керосин, гугурт ва бошқалар) олар эдилар. Аммо, баъзан ўша натура фондлари марказдан жўнатилмас ёки ниҳоятда кеч жўнатиладиган эди, кўпинча эса, юбориладиган молларнинг сифати, нави ниҳоятда паст бўлардики, оқибатда бу халқнинг ҳақли равишда норозилигига сабаб бўларди.

1922 йил баҳоридан эса вазият ўзгарди, энди Бош пахта қўмитаси Туркистон деҳқон-пахтакорлари билан ҳисоб-китобда натура шаклидан пул билан муомала қилишга

ўтди. Натура билан ҳисоб-китоб қилиш эса энди фақатгина пахтакорларнинг хоҳишларига кўра амалга оширила бошланди.

Бош пахта қўмитаси 1922 йили баҳоридан бошлаб фаолиятига яна бир янгилик киритди. Унга биноан, чигитлар энди пахта экиши аниқ бўлган, қўмита билан аниқ шартномага эга бўлган деҳқонларгагина берила бошланди. Гап шундаки, илгари уруғлик чигитлар ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз кишлоқларга тарқатилар эди. Оқибатда чигитнинг кўп қисми экилмай қолар ва нобуд бўларди. Бу фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирарди. Масалан, 1920 йилги экиш компанияси даврида деҳқонларга 720 000 пуд уруғлик чигит тарқатилган бўлса, пахта териб олингандан кейинги тўпланган чигит 300 минг пуднигина ташкил қилди, холос. Бундай ҳол қўмитани молиявий жиҳатдан қашшоқлантирар эди. Шунинг учун ҳам юқоридаги тадбирнинг амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Бош пахта қўмитаси томонидан жорий этилган янгиликлардан яна бири — пахта хом ашёсига баҳо белгилашда 1904—1914 йиллардаги ўртача баҳодан 1922—1923 йилларда жаҳон бозорида ҳукм сурган пахта баҳосидан келиб чиққан ҳолда нарх белгилашга ўтишдан иборат бўлди. Нархлар олтин ҳисобида белгиланиб, жаҳон бозорига қарабгина ўзгариб туриши мумкинлиги таъкидланди. Буларнинг барчаси Бош пахта қўмитаси билан Туркхлоссоюз ўртасидаги келишувга боғлиқ қилиб қўйилди.

Пахтага нисбатан белгиланган баҳо, албатта, қаттиқ, ўзгармас баҳо бўлмай, келишилган баҳодир. Чунки пахта етиштириш ва уни тайёрлаш ниҳоятда оғир меҳнатдир. Масалан, бир десятина ердаги ғўзага ишлов бериш бир десятина ердаги буғдойга ишлов беришдан 3—4 марта кўп меҳнатни талаб қилади. Демак, пахта хом ашёсига белгиланган нарх буғдой нархидан ҳеч бўлмаганда 2,5 марта юқорироқ бўлиши лозим. Аммо, 20-йилларнинг бошидаги очлик, қашшоқлик даврида, буғдойга бўлган талаб-эҳтиёжнинг кучлилиги шароитида пахта нархини оширишнинг имкони бўлмади.

20-йилларнинг бошларида ўлкада ҳукм сурган оғир аҳвол, фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракати — буларнинг барчаси пахтачиликни юксалтириш истиқболларини чеклаб қўйди. Айниқса агрономик ташкилотлар ва

муассасалар кўп зарар кўрди. Натижада пахтакор деҳқонларни уруғлик чигит билан таъминлашда кийинчиликларга дуч келинди. Чунки чигитларнинг асосий қисмидан пахта ёғи ишлаб чиқарила бошланди. Суғориш тармоқлари айникса катта зарар кўрди. Натижада пахта етиштирувчи тажриба участкалари, янги, сифатли пахта навларини кўпайтиришга мўлжалланган катта-катта майдонларда иш тўхтаб қолди. Тажриба участкалари эса ишлаш учун шароит ва маблағ бўлмаганлиги сабабли ўзларининг асосий вазифаларини бажармай, кўпинча соф хўжалик ишлари, яъни тирикчилик ўтказиш билан бошладилар. Масалан, 1920 йилда Ашгабад пахта тажриба майдони ўзининг фаолиятини тўхтатиб, давлат хўжалиги шаклида ишлашга ўта бошлади. Зарафшон тажриба участкаси эса раҳбар-мутахассисларнинг йўқлиги туфайли ўз фаолиятини тўхтатди. Бундай ҳол Туркменистон, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида анча кучли эди.

Аммо, бундай ҳол айникса Фарғона водийсида кескинрок тус олди. 1919, 1920 йилларда Андижон тажриба участкаси ва Фарғона селекция участкалари станциялари ёндириб юборилди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, айникса суғориш тармоқларини соз равишда ушлаб туришда катта кийинчиликларга дуч келинди. Урушдан аввалги йилларда Туркистон ўлкасида 2 300 000 десятина суғориш майдонлари мавжуд бўлган бўлса, 1920 йилда эса шу рақам 1 400 000 десятинага тушиб қолди.

Туркистон ўлкасида пахтачиликни янада юксалтириш ишига айникса мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, борларининг эса малакаси пастлиги салбий таъсир қилар эди. Масалан, 1917 йилда ўлкада ҳаммаси бўлиб 4 та олий маълумотли агроном ишлаган бўлса, 1922 йилга келиб, уларнинг сони кўпайиш ўрнига камайиб кетди ва 3 тани ташкил қилди, холос¹. (Бутун бир катта Туркистон ўлкаси учун ҳаммаси бўлиб 3 та агроном!).

Шунинг учун ҳам, илгари пахтачиликда ишлаган агрономларни, мазкур соҳанинг яхши билимдонларини қишлоқ хўжалигига қайтаришга киришилди. Бундан ташқари, тажрибали пахтакорларни (аммо махсус таълимга эга бўлмаган) ва ўқувчиларни ўлкадаги пахта тажриба участкалари, муассасалари ишига жалб қилиш бошланди.

Ўлка пахтачилигини устун даражада юксалтириш —

¹ Справочная книжка по хлопководству в СССР, 317-бет.

марказнинг энг асосий мақсадларидан бири эди. Аммо улар ҳар доим ҳам ўз мақсадларига эриша олмадилар.

20-йилларнинг бошларида бу ерда ўтказилган бир қанча ташкилий, маъмурий ўзгаришлар тарих тажрибасидан ўта олмаганлиги ҳам бунга сабаб бўлди. Масалан, агротехник ишлар илгарилари Бош пахта қўмитаси ва Ер ишлари халқ комиссарлиги ўртасида тақсимланиб олинмаган эди. Аммо кейинчалик эса тажриба участкалари ва тажриба пахта майдонлари Бош пахта қўмитасидан Ер ишлари халқ комиссарлигига ўтказилди, сўнгра эса унинг аксича бўлди. Фақатгина 1922 йилга келиб бу ҳолга чек қўйилди ва пахта ҳосилини кўпайтириш, ҳосил навини, сифатини яхшилаш борасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ва тажрибалар Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан ўтказиладиган, Бош пахта қўмитаси эса яхшиланган уруғлик чигитларни кўпайтириш, уруғчилик фондини ташкил этиш, пахтакорларни чигит билан таъминлашдан иборат бўлган вазифалар билан шуғулланадиган бўлди.

Янги пахта навларини етиштириш, уларнинг сифатини яхшилаб, пахтакорларнинг талабини қондириш — шу даврдаги энг муҳим вазифалардан бири эди. Шунинг учун ҳам, 1922 йил баҳорида Тошкентда пахта уруғчилик далалари мудирларининг қурултойи бўлди. Бундан ташқари, деҳқончилик билан боғлиқ яна бир нечта кенгашлар бўлиб ўтди. Уларда Туркистонда пахтачиликни юксалтириш, уруғлар сифатини яхшилаш, ернинг ҳолатини тартибга солиш, пахтанинг ҳосилдор навларини етиштириш каби кўплаб масалалар кўрилди ва муҳокама қилинди.

Пахта қўмитаси Туркистон ўлкасидаги пахтачилик хўжаликларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, тажриба участкалари ва муассасаларининг аҳволини яхшилаш мақсадида талайгина тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Туркистон кишлок хўжалик тажриба участкасига 10 минг (олтин пул ҳисобида) сўм, Мирзачўл станциясига 7 минг сўм, Туркистон селекция станциясига 24500 сўм пул ажратди. Шунингдек, ўлкадаги барча тажриба станциялари, агропунктлар, машина прокат пунктлари, агробактериологик лабораторияларга ҳам шундай маблағлар ажратилди.

Бундай тадбирларни амалга оширишдан кўзланган мақсад — Россиядаги тўқимачилик фабрикаларини етар-

ли микдорда пахта хом ашёси билан таъминлашдан иборат эди. 1921 йилнинг 1 декабридаги маълумотларга кўра, шу пайтда Россияда эски пахта захираси 7 322 707 пудни, Туркистондаги захира омборлардаги хом ашё 2 216 261 пудни, йўлдаги пахта эса 202 минг пудни ташкил қилар эди. Аммо шунча пахта — Россиянинг бу хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондирмас эди. 1922 йилга келиб факатгина Россия тўқимачилик фабрикаларининг пахтага бўлган талабини қондириш учун 4 500 000 пуд пахта зарур эди¹. Аммо Туркистон ўлкаси шунча пахтани етказиб беришга ҳали тайёр эмасди. Шунинг учун ҳам, 1922 йилдан бошлаб Туркистонда пахта хом ашёсини ниҳоятда катта тезлик билан кўп микдорда етказиб бериш иши бошланди.

ТУРКИСТОН ПАХТАСИ ЯНГИ ШАРОИТДА

1921 йилдан бошлаб озиқ-овқат разверсткасидан озиқ-овқат солиғига ўтиш ва шу асосда янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишга киришилди. Шу йилдан бошлаб миллий масалани адолатли равишда ҳал этишга ҳаракат қилина бошланди. Аслида, миллий сиёсат бобида ишлаб чиқилган тадбирлар чекка ўлкаларда яшовчи халқларнинг ўз миллий давлатчилигини барпо этиш, уларнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий соҳалардаги асрий қолоқлигини тугатиш, бу халқларнинг миллий ўзлигини англаш, ўз миллий тили, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш кабиларни ўз ичига олар эди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ўтмишда қолоқ ва забун бўлган, мустамлакачилик асоратида эзилиб келган Туркистон халқлари учун чинакам истикбол йўлини очиб берарди. Шу боисдан ҳам Туркистон халқлари бундай қарорларга ишонган, уларни озодлик, эрққа эришишнинг муҳим манбаи, деб билган эдилар. Афсуски, собиқ мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги аҳволи, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, шунингдек чегаралар ва ҳудудлар дахлсизлиги, топталган адолатни тиклаш учун ҳали у ерда, ҳали бу ерда олиб борилаётган қуроли тўқнашувлар, сиёсий тортишувлар миллий масаланинг назарий жиҳатдан тўғри ҳал этилмаганлигидан, амалий томондан эса асрий анъаналар, урф-одатлар эътиборга олинмаганлигидан далолат бериб турибди.

Ўлка қишлоқ хўжалиги ҳам мана шундай мураккаб бир

¹ Отчет о деятельности Главного хлопкового комитета. (1-е ноября 1921 г. 1-е июля 1922 г) — М., 1923. 8—26-бетлар.

вазиятда ривожланиб борди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатни тиклаш, савдо ва пул муомаласини жонлантиришни ўз ичига олган амалий тадбирлар ишлаб чиқилди. Бироқ бу тадбирларни Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этиш анча мураккаб кечди. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Энг аввало, ўлкада бундай кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш учун етарли моддий-техника базаси йўқ эди. Бунинг сабаби Туркистон меҳнаткашларининг узок йиллар давомида ўрис бой-амалдорлари мустамлакасида яшагани эди. Шунингдек, ўлка аҳолиси бундай катта тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш учун тайёр эмас эди. Подшо ҳукумати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида оғир саноатни юксалтиришга эътибор бермаган эди. Бу оқибатда ишлаб чиқариш кучларининг кам тараққий қилишига олиб келди.

1921 йил февралдан Туркистон иктисодий кенгашининг иш бошлаши ўлканинг ривожланишида ниҳоятда катта қадам бўлди. У халқ хўжалиги барча тармоқларини бирлаштира бошлади. Туркистоннинг вилоят, уездларида ҳам режа органлари фаолият кўрсата бошлади. 1921 йилда йирик Хилково цемент заводи, Фарғонада энергетика станцияси қурилишлари бошланганига қарамай, саноатни тиклаш жараёни анча оғир кечди. Бунинг учун жуда кўплаб хом ашё, ускуналар етишмас, пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари ишламасди. Тўқимачилик саноати йиллик режанинг 39 фоизинигина бажараётган эди, холос. Бундай аҳвол саноатнинг бошқа тармоқларига ва шунингдек темир йўл транспортига ҳам хос эди. Кўрилган тадбирлар натижасида 1921—1925 йилларда Туркистоннинг бутун саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот урушдан олдинги даражанинг 79,7 фоизини ташкил этди¹.

Туркистон ўлкасида қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганаётганда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган масалалардан бири — кооперациялар масаласидир. Маълумки, кооперациялар турли хил бўлиб, Туркистонда у энг аввало қарз берувчи ташкилот сифатида пайдо бўлган. 1918 йилда бутун ўлкада қарз берувчи кооперацияларнинг 958 та қуйи бўғини мавжуд бўлиб, уларнинг 700 дан зиёди ҳозирги жумҳуриятимиз ҳудудида жойлашган эди.

Қишлоқ хўжалик кооперацияси вужудга келиши хусусиятларидан бири шундан иборат эдики, пахтакор

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти, 190- бет.

деҳқон қишлоқ хўжалик ширкати орқали Ўзбекистон Пахтачилик қўмитасидан аванс ёки қишлоқ хўжалик кооперацияси банкдан қарз олиши зарур бўлганлиги учунгина қишлоқ хўжалик кооперациясига кизиқиб қаради, бундан бошқа нарса уни кизиқтирмас эди. Иккинчи хусусият, қўпчилик ширкатлар аҳолининг ташаббуси билан эмас, балки Пахтачилик қўмитасининг ва қишлоқ хўжалик банкининг ташаббуси билан очилганида эди.

Хўш, мавжуд кооперацияларнинг вазифалари нималардан иборат эди? Ўзбекистон қишлоқ хўжалик кооперацияси қабул қилган низомга асосан кооперация унумдорликни ва даромадни ошириш учун ўз аъзоларига кўмаклашиш мақсадида аъзоларини яхши уруғликлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари, зотли чорва моллари билан таъминлаши, аъзоларининг хўжаликларидан чиққан маҳсулотни қайта ишлаши ва сотиши, қишлоқ хўжалик ишларини жамоа бўлиб бажаришни, маҳсулотни қайта ишлашни ва қишлоқ хўжалик анжомларидан фойдаланишни уюштириши, аъзоларига пул ва натура тарзида қарз бериши, маҳаллий аҳолининг жамғармаларини қабул қилиши, маҳаллий аҳоли орасида қишлоқ хўжалигига ва кооперацияга оид билимларни тарқатиши лозим эди.

Жумҳуриятимизда бу борада қилинган энг асосий ишлардан бири — 1919 йилда пахтакорлар кооперативларининг ташкил топиши бўлди. Қабул қилинган низомга мувофиқ улар тор ихтисослашган мақсадларни — чигит экиш, пахтани Пахтачилик қўмитасига топшириш ва шу мақсадда пахтакор деҳқонларни пул билан таъминлаш мақсадини кўзлар эди. Пахта етказиб берувчиларнинг кооперативларга кириши мажбурий эди. Мавжуд кооперативлар етти та ноҳия бошқармасига бирлаштирилди ва 20-йилларнинг охиридан бошлаб ўлка бошқармаси томонидан бошқариладиган бўлди. 1921 йилнинг охирларига келиб Туркистон жумҳуриятида 60 га яқин мана шундай кооперативлар бор эди.

1921 йилда пахтачилик кооперацияси қайта ташкил этилди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил 21 сентябрда чиқарган қишлоқ хўжалик кооперацияси тўғрисидаги 102-сонли қарори муносабати билан шу кооперативларни ихтиёрийлик асосида пахта ва тўқимачилик учун керакли бошқа экинлар етиштирувчи-

ларнинг қишлоқ хўжалик ширкатларига айлантириш имконияти туғилди. Уларга пахтадан ташқари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, пахтакор деҳқонларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида катта ҳуқуқлар берилди.

1919 йилда пахтачилик бўйича ширкатлар ташкил этилгунча пахта иши билан қишлоқ хўжалик тизимининг қишлоқ хўжалик ширкатлари шуғулланиб келган эди. Улар фаолиятида пахтачилик кўп ўрин олмас эди. Туркистоннинг пахтакор ноҳияларида дастлабки пайтларда бундай қишлоқ хўжалик ширкатлари давлат пахтачилик ташкилотлари томонидан чигит экиш ҳақида шартнома тузишда қатнашишга жалб қилинар эди. Бу ширкатлар кафиллик кооперативлари (биринчи даражали) номини олди. Ширкатларнинг бу ном билан аталишининг сабаби шундаки, чигит экувчиларнинг рўйхатларини тузиш, уларнинг зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилишини, тузилган шартномага мувофиқ равишда чигит экилишини, сўнгра шартномада кўрсатилган миқдордаги пахтанинг ҳаммаси топширилишини текшириш уларнинг энг асосий вазифаларидан эди.

Чигит экиш учун шартнома тузиш ва пахта харид қилиш соҳасидаги асосий ишни пахтачилик кўмитасининг завод бошқармалари бажарар, бунинг учун уларнинг махсус харид пунктлари бор эди. Пахтачилик кўмитасининг завод бошқармалари ўзларининг харид пунктлари орқали чигит экувчилар билан пахта етиштириш ҳақидаги шартномани имзолаб, уларга авансга пул, ғалла маҳсулотлари, уруғлик берар, кузда шартномада кўрсатилган миқдорда пахтани қабул қилиб олар эди.

Пахта ишлари бўйича ширкатлар ташкил этилиши арафасида иккинчи даражали ширкатлар деб аталган ширкатлар пайдо бўлди. Уларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат эди: пахтачилик кўмитасининг завод бошқармалари 1-даражали энг кучли кооперативларни танлаб олиб, етиштириладиган пахта учун уларга маблағ берар, шартномани эса ширкатларнинг ўзи чигит экувчилар билан бирга тузар эди.

Ҳақиқатда эса уларнинг ҳамма иши пахтачилик кўмитасининг назорати остида бўлар эди. Масалан, гарчанд пахтани ширкатлар қабул қилиб олиши лозим

бўлса ҳам, аслида пахтани пахтачилик кўмитасининг вакиллари қабул қилиб олар, чигит экувчилар билан ҳисоб-китоб ишларини эса пахтачилик кассирлари бажарар эди.¹

Биз юқорида мелиоратив кооперациялар хусусида алоҳида тўхталиб, Ўрта Осиё ширкатида унинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаган эдик. Кооперацияларнинг ва аъзоларининг сони кенгайиб борди. 1924 йилнинг бошига келиб Туркистон ўлкасида 29 та мелиоратив кооперативлар мавжуд эди. Уларнинг аъзолари эса асосан ирригация тармоқларини қайта қуриш, шлюзлар қуриш, машина-техника билан сугориш ишларини амалга оширар эдилар. Юқорида қайд қилинган 29 та мелиоратив кооперативлар 22161 та деҳқон хўжалигини бирлаштирган эди. Улар эса 54221 десятина сугориладиган ва 127850 десятина сугорилмайдиган ерларга ишлов беришлари, улардаги ирригация тармоқларининг ишларини назорат қилишлари лозим эди².

Қарз берувчи кооперативлар ишида ҳам анча олға силжишлар рўй берди. 1923 йилда жумҳуриятда 353 та ана шундай кооперативлар бор эди. Қарз берувчи кооперативлар вакиллари орқали 33658 деҳқонга олтин пул ҳисобида 778330 сўм қарз берди. Булардан ташқари, ўша вакиллар орқали деҳқонларга 26500 сўмлик хар хил товарлар тақсимланди. Шуниси диққатга сазоворки, бу товарларнинг харид нархи бозордаги нархлардан анча паст эди. 1500 та уй ҳайвонлари ҳам шу тарика деҳқонларга тарқатилди.

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан қараганда қишлоқ хўжалигида ўша даврда пайдо бўлган кооперативларнинг камбағал деҳқонларни моддий жиҳатдан мустаҳкамлашдаги роли ниҳоятда катта бўлган, улар ўзига хос инсонпарварлик хизматини бажарган. 20-йиллардан бошлаб аста-секин ҳаётимизга кириб келган бу каби янгиликлар, сўзсиз, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнади. Ҳозирги шароитда баъзи бир олимлар, публицистларнинг совет даври тарихи умуман инсон тараққиётига хизмат қилмаган тарих, уни тўлик равишда тафтиш қилиш керак деган фикрлари, бизнингча жуда катта хатодир. 20—30-йилларда ҳам ҳозир биз

¹ Б. Минбоев. Кооперация: ўтмишда ва ҳозир. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1991. 23—24-бетлар.

² ЎзССР Марказий Давлат архиви, 215-фонд, 1-рўйхат, 978-иш, 13-варақ.

ўрганишимиз, ҳаётга тадбиқ этишимиз лозим бўлган яхши, самарали, фойдали тадбирлар амалга оширилганки, уларни унутиш, ёддан чиқариш тарихга панжа орасидан қараш, унга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш билан баравардир.

Яна шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, биз юқорида қайд этиб ўтган кооперацияларнинг барчаси бир мақсадга — жумҳуриятда қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам асосий эътибор вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш билан бирга пахтачиликни юксалтиришга ҳам қаратилган эди. Энг асосийси — деҳқонларнинг ўзлари пахтачиликни ривожлантиришдан манфаатдор бўла бошладилар. Масалан, 1923 йилда Ўш ноҳиясида 600 десятина ерга пахта экиш мўлжалланган эди. Шу йилнинг 2 май куни деҳқон вакиллари Туркистон пахта комитетининг Фарғона вилояти бўйича пахта экиш компанияси раҳбарлари олдига келиб, улар билан шартнома тузишни ва пахта экилган майдонлар учун қарз беришларини илтимос қилдилар. Бундан ташқари, улар ўз пахта майдонларини текшириб кўришга ҳам розилик билдирдилар. Текшириш пайтида эса деҳқонлар ўз уруғлик чигитларидан ортиқча 1400 десятина ерга чигит экканлари маълум бўлди¹.

Жумҳуриятда пахтачиликни юксалтириш учун кураш қизиди. Бу масалаларни ҳал этиш, деҳқонларга тўғри маслаҳат бериш, деҳқон хўжаликларини етарли равишда уруғ — чигит, меҳнат қуроллари билан таъминлаш ҳам ниҳоятда муҳим эди. Шу мақсадда 1923 йил март ойида Самарқанд вилояти пахтакорларининг вилоят конференцияси бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бошқа вилоятларда ҳам шундай конференциялар бўлиб ўтди. Бу конференцияларда асосан пахта майдонларини кенгайтириш, кўпроқ чигит экиш масалалари кўрилди. Фарғона вилояти бўйича чигит экиш компаниясининг вакили томонидан «Қўшчи» иттифоқи Марказий Қўмитасига берилган ахборотга кўра кейинги пайтда бу ерда чигит экишга бўлган қизиқиш ниҳоятда ошган. Вилоятнинг барча қишлоқларида чигит экиш тахминан 20—25 фозга кўпайган. Айрим жойларда эса, масалан Андижон уездида, чигит экиш Туркистон Пахта комитети иштирокисиз ҳам кўпаяверди.

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви, 44-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 5-варақ.

1923 йилнинг 1 майдаги ахборотга кўра, Фарғона вилоятида 50 минг десятина ерга чигит экилган. 1923 йил 15 майгача фақатгина Сирдарё вилоятининг Тўйтепа пахта пункти пахта етиштирувчилар билан 242 та шартнома тузган. Уларнинг барчаси 1099,5 десятина ерга чигит экидилар. Пахтакорларга шу вақтга келиб 84107 сўм 50 тийин аванс, 9435 пуд 15 фунт уруғлик чигит, 9706 пуд 10 фунт буғдой берилди. Бутун жумҳурият бўйича эса 1923 йил 15 майгача 84674 пахтакор билан ўзаро шартномалар тузилди ва уларга ҳаммаси бўлиб олтин ҳисоби билан 5810050 сўм 92 тийин пул, 636168 пуд 13 фунт пахта уруғи, 639574 пуд 27 фунт буғдой тарқатилди¹.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўлкада турли хил ширкатлар, кооперациялар фаолияти жонланди. Улар, айниқса камбағал деҳқонларнинг жони-дили эди. 1923 йилда Туркистон ўлкасидаги 300 минг деҳқон қишлоқ хўжалик характериға эға бўлган кооперативлар ва ширкатлар аъзоси эдилар. Деҳқонлар бу ширкатларға мамнуният билан аъзо бўлдилар. Улар айни шу ташкилотларғина ўзларининг химоясини таъминлаб беришиға ишонч ҳосил қилган эдилар. 1923 йили фақат Фарғона вилояти бўйича 58 фоиз пахта майдониға чигит шу ширкат ва кооперативлар ёрдамида экилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳамда кенг истеъмол моллари ҳам аҳолиға имтиёзли баҳоларда сотила бошланди. Жумладан, жумҳуриятнинг барча ноҳияларида буғдой шу ердаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, аммо бозордагидан 15 фоиз арзон нархларда сотилди.

Туркистон пахтакорлари кўпинча оғир шароитда ишлар эдилар. Сув тошиши, жала, дўл ёғиши, курғоқчилик каби табиий қийинчиликлар ўзбек пахтакорларини кўпинча имтиҳондан ўтказар эди. 1923 йили деҳқонлар яна бир синовдан ўтдилар: жуда катта ҳудуддаги пахта майдонлари пахта ҳашаротлари остида қолди. 90830 десятина пахта майдонида ҳашаротларға қарши кураш олиб борилди. Ҳукумат бу ҳашаротларнинг зарарини олдиндан кўра билди ва уларни тугатиш мақсадида 143600 сўм маблағ, 44656 пуд дори ажратди.

¹ А. Раззаков. Из истории борьбы трудящихся Туркестанской АССР за восстановление хлопководства.— Тошкент: Ўздавнашр, 1957, 89- бет.

Зарарли ҳашаротларга қарши курашни кучайтириш, унинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш мақсадида Туркистон энтомологлар станциясида бу курашни олиб борувчи ходимлар тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Икки ҳафталик бу курсларни 44 киши битириб чиқди. Бу ишда Туркистон Пахтачилик қўмитаси ҳам актив иштирок этди. Туркистон Пахта қўмитасининг тарғибот бўлими томонидан зарарли ҳашаротларга қарши курашиш учун 8 та рисола чоп этилди. Олиб борилган ишлар ва қўрилган тадбирлар ёрдамида 1923 йилги ҳосил саклаб қолинди.

1923 йилдан бошлаб пахтакорларнинг манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди бошланди. Жумладан, шу йилдан бошлаб пахта етиштиришдан олиндиган қишлоқ хўжалик солиғи бекор қилинди. Буларнинг барчаси Россиянинг пахта мустақиллигини тезроқ таъминлашга қаратилган тадбирлар эди. Аслида, марказ томонидан берилётган имтиёзлар содда, оддий ўзбек пахтакорини арзимас пул ҳисобига тобора кучайиб бораётган қўллигини оширар, ўлкада пахта яккаҳоқимлиги кундан-кунга чуқурроқ илдиз отиб борар эди.

Ўлка зиёлилари, илғор кишилар бунинг аҳамиятини тушунар ва шунинг учун ҳам бундай ҳолга қарши курашни кучайтирар эдилар. 1923 йил июнь ойида РКП (б) Марказий Қўмитасининг миллий жумҳуриятлар ва вилоятлар масъул ходимлари билан тўртинчи кенгаши бўлиб ўтди. Унда миллий-оғмачилар деб аталган бир гуруҳ зиёлилар (улар аслида миллатпарвар халқ вакиллари ва ўлканинг тақдирини олдиндан билиб турган ватанпарварлар эди) Россиянинг Совет ҳокимияти йилларидаги сиёсати босқинчиликдан иборат эканлигини, унинг моҳияти чор Россиясининг мустамлакачилик давридаги сиёсатидан ҳеч фарқ қилмаслигини алоҳида таъкидладилар. Уларнинг ҳақли равишда эътироф этишларича, 1917 йилгача ҳам, ундан кейин ҳам Россия фақат бир нарса учун — пахта ва бошқа бойликларни ўлкадан тезроқ ва кўпроқ ташиб кетиш учун курашди.

Марказ ўз ниятларини яшириб ўтирмади. Мамлакат Меҳнат ва Мудофаа кенгашининг 1923 йил 4 августидagi қарорига биноан 10 миллион пуд пахта хом ашёсини, 3 миллион пуд толани марказга олиб кетиш Бош пахта қўмитаси зиммасига асосий вазифа сифатида юкланди.

Шунчалик кўп миқдордаги пахтани етиштириш ўлкадаги ҳосилдор ерларни асосан пахта учун ажратишни талаб қиларди. Бу эса, кўпинча ўлкада турли хил салбий

ҳолатларнинг вужудга келишига олиб келарди. Пахта майдонининг кўпайиши дон ва бошқа озиқ-овқат экинларининг камайишига олиб келди. Натижада, ўлкада очарчилик, қимматчилик юзага кела бошлади. Масалан, 1923 йилда Фарғона водийсида ҳақиқий қимматчилик, очарчилик юз берди. Водий аҳолиси учун ажратилган 500 минг пуд дон барчанинг эҳтиёжларини кондира олмасди.

Москва ўлкадан кўпроқ пахта олиш мақсадида турли хил тадбирларни кўра бошлади. Масалан, бир пуд пахтанинг харид нархи уч пуд бугдой нархида тенглаштирилди, аҳолига кийим-кечак, қанд-шакар, чой, идиш-товоклар, ёғоч-тахта етказиб бериш чоралари белгиланди. Лекин кўлдан берганга қуш тўймас деганларидек, бу товарлар халқнинг талабини кондира олмас эди. Бундан ташқари, бу озиқ-овқат ва саноат моллари асосан камбағал деҳқонларга ва дангаса, ялқовларга бериларди. Бу уларда аста-секин «факат истеъмол қилиш» психологиясининг пайдо бўлишига олиб келди.

Бундай тадбирлар пахтачиликдаги шахсий капиталга катта зарар етказди, улардаги пахта етиштиришга бўлган қизиқишни сўндирди.

Ўша йилларда Туркистондаги тажрибали, тадбиркор пахтакорлар етиштирган ҳосилларини қимматроқ нархларда сотишга ҳаракат қилдилар ва бу табиий эди. Аммо уларнинг бу интилишлари «душманлик кўриниши» сифатида қораланди. 1923 йил 20 сентябрда Туркистон Пахта комитети томонидан чиқарилган варақада пахтачилик кўмитаси билан тузилган шартномани бузиш жиноят эканлиги таъкидланди. Шундай қилиб, бир томондан Россия Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш лозимлигини, бу вазифани амалга оширмай туриб халқ фаровонлигини ошириб бўлмаслигини таъкидлаган бўлса, иккинчи томондан, пахтачиликни юксалтиришга қаратилган шахсий ҳаракатларни қоралади, унга йўл бермади.

Туркистонда пахтачиликни ва умуман кишлоқ хўжалигини тиклаш, кўп жихатдан, ирригация тармоқларини созлаш ва ишга солишга боғлиқ эди. Марказ буни яхши тушунганлиги учун ҳам бу масалага жиддий эътибор берди. 1923 йилда Туркистонда ирригация ишларини амалга ошириш учун 6 миллион сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, 1923 йилги ҳукумат қарорига асосан 750 минг сўм сув солиғи олинди. Бу маблағлар эса жумҳурият суғориш тармоқларини тиклаш, уларни соз ҳолатга келтиришга сарфланди.

Туркистон ҳукуматининг 1923 йил 14 февралдаги қарорида ирригация ишларини тартибга солиш режа асосида амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Собик СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ҳам Туркистонда суғориш ишлари ниҳоятда ёмон аҳволда эканлигини таъкидлаб, бунга асосан Ўлка сув хўжалиги бошқармасини айбдор деб топди. Унинг қарорига асосан Туркистон сув хўжалиги бошқармасига миллион сўм пул ажратилди ва уни ирригация иншоотларининг аҳволини яхшилашга сарфлаш йўл-йўриқлари белгилаб берилди.

Туркистон ўлкасида ирригация ишларини жонлантириш масаласи азалдан шу ерлик маҳаллий аҳолининг ташаббуси билан бажарилар эди. Бу ерда айниқса хашар йўли билан арик, каналлар қурилиши кенг йўлга қўйилган эди. Тарихий далиллар, архив ҳужжатлари 20- йилларда қўлаб ана шундай ишлар амалга оширилганини кўрсатади. Дехқонлар биргаликда ариқларни тозалаш, кенгайтириш, чуқурлаштириш ишлари билан шуғулланар эдилар. Масалан, 1923 йили фақат Фарғона вилояти бўйича 212876 сўм 23 тийинлик ирригация ишлари амалга оширилди.

1923 йилда ўлкада амалга оширилган энг йирик ирригация қурилишларига Кампирровот омбори, Фарғона вилоятидаги магистрал ариқлар ва унинг қирғоқларини таъмирлаш, Самарқанд вилоятидаги Қорадарё ва Мирзачўлдаги Иржар сув тақсимловчи иншоотларни кўрсатиш мумкин.

Халқ хўжалигини тиклаш даврида ҳукумат асосий эътиборни Туркистон жумҳурияти Ер ишлари Комиссарлиги қошидаги сув хўжалиги бошқармасини, унинг ташкилотлари ва идораларини керакли микдорда малакали мутахассислар билан таъминлашга қаратди. Ер ишлари бўйича комиссарлиқнинг 1923 йил 8 февралдаги (№ 29) қарорига асосан мазкур бошқарманинг 10 бўлим ва 71 ходимдан иборат янги штати тасдиқланди. Сирдарё ва Туркменистон вилоятларида 28 та ходим белгиланди. Бундан ташқари, яна 31 та округ гидротехниги, 9 техник, 34 арик оксоқоллари ҳамда Чу дарёси водийсида суғориш ишларини амалга оширадиган 19 кишидан иборат ходимлар таркиби ҳам тасдиқланди. Шундай қилиб, 1923 йилда сув хўжалиги бўйича бошқармада ҳаммаси бўлиб 216 ходим хизмат қилди.

Ер ишлари комиссарлигининг 1923 йил 5 февралдаги

фармонига биноан арик оксоқолларининг (район гидро-техниклари) ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилди. Бунга кўра сувдан фойдаланишда, иншоотларни соз ҳолда сақлаб туришда арик оксоқолларининг масъулияти оширилди.

Юқорида эътироф этганимиздек, ўзбек халқининг қадим-қадимдан сақланиб келаётган умумхалқ анъаналаридан бири ҳашардир. Бу усул айниқса ўлкада суғориш иншоотларини тартибга солиш ва уларни соз ҳолатда тутиб туришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Урушдан илгари фақатгина Самарқанд вилоятида 147 та биринчи гуруҳли, 33 та иккинчи гуруҳли суғориш иншоотлари мавжуд эди. Улар биринчи жаҳон уруши ва фуқаролар уруши даврларида катта зарар кўрган, айримлари эса ишдан чиққан эди. Шунинг учун ҳам, кўпинча бу ариқлардаги сувлар тошиб кетар, теварак-атрофдаги экинларни вайрон қилар, қишлоқ хўжалигига катта зарар етказар эди. Биргина 1923 йилнинг ўзида бу ердаги катта ариқлар 29 марта тошиб кетди. Бу аҳолидан бу ариқларни дарҳол таъмирлаб, асли ҳолига келтиришни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам шу йилнинг ўзида Самарқанд вилояти бўйича 145 548 сўм 83 тийинлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди, бу вилоятдаги барча ҳашар ишларининг 48,1 фоизини ташкил қиларди, холос. Самарқанд уездининг ўзидагина ҳашарларда 4880 уста, 97 333 ишчи иштирок этди, 2650 та аравадан фойдаланилди.

Халқ хўжалигини тиклашда, шунингдек қишлоқда йирик ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда мутахассис кадрларнинг етишмаслиги катта зарар етказар эди. Айниқса, маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш жуда оғир аҳволда эди. Масалан, фақатгина Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Туркменистон вилоятлари бўйича ҳаммаси бўлиб 3 та вилоят, 14 уезд агрономлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича 25 инструктор ишлар эди, холос.

Шу билан бирга маҳаллий ҳокимият органлари ўлкада агрономлик ишларини амалга оширишга ниҳоятда кам маблағ ажратарди. Масалан, Самарқанд вилояти бўйича бу рақам 10 759 сўмни, Сирдарё вилояти бўйича эса 13 минг сўмни ташкил қилар эди. Табиийки, бундай кам миқдордаги маблағ билан ўлка қишлоқ хўжалигида кенг қамровли тадбирларни амалга ошириб бўлмас эди. Айниқса ўлкада агрономия ишлари билан шуғулланадиган

ташкилот, муассасалар сони кам эди, уларда моддий-техника базасининг заифлиги эса жиддий иш билан шуғулланиш имконини бермасди. 1923 йил 1 октябрь маълумотларига кўра, Туркистон жумҳурияти бўйича ҳаммаси бўлиб пахтачилик билан шуғулланадиган 14 та агрономик муассаса бор эди, холос.

Шу вақтгача ўлкада кўпроқ Америкадан келтирилган пахта навлари экилар эди. Тиклаш даврининг биринчи босқичларида ўлкадаги мавжуд селекция станцияларида пахтанинг янги маҳаллий навларини етиштириш бўйича ишлар олиб борилди. 1922 йилда эса Америкадан келтирилган янги пахта навлари тезпишарлик, ҳосилдорлик бўйича ўзимизнинг жайдари навлардан 30 фоизга пастлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Туркистон пахта комитетининг топшириғига биноан Америка навлари бир қанча экин майдонларидан олиб ташланди.

Энди бизга маҳаллий, миллий агрономлар, селекциячи олимлар керак эди. Аммо, афсуски, 1917 йилгача бизнинг ўлкада кишлок хўжалиги бўйича билим берадиган бирорта олий ўқув юрти ҳам, ўрта махсус билим юрти ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам, 1920 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё давлат дорилфунуни катта ютуғимиз бўлди. 1921 йилда мазкур дорилфунундаги мавжуд саккизта куллиётдан биттасида кишлок хўжалик мутахассислари тайёрлана бошланди. Шу куллиёт қошида 1923 йили кишлок хўжалик машинасозлиги кабинети ташкил этилди ва у Туркистонни юқори малакали кадрлар билан таъминлашда катта роль ўйнади. Бу ерда яна пахтачилик, ер ишлари, шахсий ер, агрономлик, кишлок хўжалик иқтисодиёти, энтомология бўйича ҳам кабинетлар ташкил этилди.

Қоплонбек яқинида эса тажриба майдони ташкил этилди ва 948 десятина ерда катта микдордаги синов ишлари бошлаб юборилди. 1923 йилда бу ердаги 10 десятина ерга пахта, 20 десятина ерга маккажўхори экилди.

Пахтачиликни юксалтириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, сифатли хом ашё етиштириш, кўп жиҳатдан, шу соҳада олиб бориладиган илмий ишлар, уларнинг натижаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мазкур соҳага ажратилаётган маблағлар микдори доимо ошиб борди ва 1918—1922 йилларда 4,6 миллион сўмни ёки ирригация ишлари учун сарфланаётган харажатларнинг 5 фоизини ташкил қилди.

Тажрибалар кўпинча ниҳоятда қийин шароитда,

Ўзлаштирилмаган ерларда олиб борилар эди. 1922 йилининг 1 октябридан 1923 йил 1 октябригача ҳаммаси бўлиб 474 601 десятина суғориладиган ерлар текшириб чиқилди, шундан 79 221 десятинаси Мирзачўлда эди. Бу ишлар учун ҳаммаси бўлиб 55 560 сўм 85 тийин маблағ сарфланди.

Пахтачиликни тиклаш билан баробар янги чўл ерларини ўзлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Аммо шу нарсага алоҳида аҳамият бериш керакки, Ўзбекистон шароитида, суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар нисбати муътадил бўлиб турган ва ўлка аҳолисининг табиий ўсиши билан экин экиладиган ерлар ўртасидаги мувозанат сақланиб турган бир вақтда катта-катта чўл зоналарини ўзлаштириш, бизнинг фикримизча, унча тўғри эмас эди. Бунинг оқибатида табиатнинг муътадиллиги бузилди, унинг ички қонуниятларини рад этиш бошланди, инсон ва табиат ўртасида «душманлик» пайдо бўлди. Бу билан биз чўлни ўзлаштириш керак эмас, демокчи эмасмиз. Бу керак иш эди. Аммо пахта етарли равишда етиштирилаётган, озиқ-овқат, биринчи ўринда дон маҳсулотлари ҳамда мева-сабзавот етишмай турган бир замонда бундай катта ҳажмдаги ишни бошлаш — унчалик тўғри эмас эди.

Катта-катта майдонларни ўзлаштириш давлатдан, халқдан ниҳоятда кўп маблағ ва кучни талаб қиларди. Бошқача сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда асосан экстенсив йўллардан фойдаланилди, интенсив йўл эса аста-секин инкор этила бошланди. Ҳосилга катта миқдордаги маблағ, аҳолининг меҳнати ва соғлиғи эвазига эришилди эди. Тўғри, бу пайтга келиб, айрим ютуқларга эришилди: саноат ва савдонинг йиллик обороти 1922 йилдаги 59 миллион сўмдан 1923 йилда 133 миллион сўмга етди. Шу давр ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий баҳоси 130 миллион сўмдан 161 миллион сўмга кўпайди. Экин майдонлари эса бир миллион десятинадан 1 500 000 десятинага кенгайди ёки 50 фоизга ошди. Уй ҳайвонлари ва чорва 30 фоизга ортди.

Бир қарашда бу жуда катта, оламшумул ғалабага ўхшайди. Аммо бу рақамларни синчиклаб ўргансак, унда хўжаликнинг экстенсив йўлдан «гуркираб» ривожланганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунончи, экин майдонлари фақат бир йил ичида 50 фоизга кўпайгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажми 130 миллион сўмдан 161 миллион сўмга, яъни 23,8 фоизга

кўпайган, холос. Еки ҳосилдорлик йилдан-йилга камайиб борди.

Ўша йилларда партия ва ҳукуматнинг олиб борган сиёсатини, жумладан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борган фаолиятини кузатиш, мазкур соҳанинг орқада қолиб кетиши сабабини ўрганиш бизни шундай хулосага олиб келдики, аҳоли, энг аввало пахтакор деҳқонларнинг моддий ва шахсий манфаатдорлиги аста-секин сусайиб, кейинчалик бутунлай йўқолиб борди. Пахтачиликни ривожлантириш — халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим, асосий шарт деб эълон қилинганига қарамай, бундай бўлмади. Пахта, асосан, юқорида айтганимиздек, ортиқча харажат ҳисобига кўпайди. Унинг кўпайиши эса халқ фаровонлигини ошиши билан тенг равишда бўлмади. Пахта кўпайди, аммо меҳнатқаш халқнинг нонга, донга, мева-сабзавотга бўлган эҳтиёжи тула қондирилмади, уй ҳайвонларини боқиш эса қийинлашиб борди.

Энг асосийси, пахтачилик ривожланиши билан аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланиб бормади. Аҳолининг мактаб, болалар муассасалари, савдо шохобчалари, тиббиёт хизматига бўлган эҳтиёжи қондирилмади. Аксинча, бу жараён тобора кескинлашиб борди.

Ачинарлиси шундаки, бундай аҳволнинг олдини олиш учун ҳаракат қилинмади, марказ бу борадаги ҳар бир ҳаракат, уринишни миллатчиликка йўйди, қаттиқ танқид қилди. Пахта майдонлари эса тобора кенгайиб борди. 1923 йили Туркистон ўлкасида 147 022 десятина ерга чигит экилди, бу рақам 1922 йилдагидан 95594 десятинага кўп эди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, пахта ҳосилдорлиги ошмай қолаверди ва 1923 йилда 7 центнерни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахтачиликни юксалтиришда 1924 йил ҳам алоҳида ўрин тутади. Собик ҳукуматимиз бу йилда ҳам асосий эътиборни Туркистонни мамлакатга пахта етиштириб берувчи асосий ўлкага айланттиришга қаратди, пахта яккахокимлиги эса тобора ўзини кўрсата борди. Пахта етиштиришнинг муҳим манбаи суғориш эканлигини эътиборга олиб, давлат энг аввало ирригация иншоотларини қуришга катта аҳамият берди. 1924 йилда Туркистон жумҳуриятида ирригация тармоқларини таъмирлашнинг ўзига 5665 минг сўм маблағ сарфланди¹.

¹ «Правда Востока», 1924 йил 11 февраль.

Бундан ташқари, шу йили қишлоқ хўжалик банкида сугориш тармоқларини созлаш, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида алоҳида жамгарма таъсис этилди. Шу мақсадлар учун дехқонларга 945 минг сўм пул берилди. Шу билан бирга барча ирригация ишлари учун ҳукумат томонидан Туркистон ўлкасига 2660 минг сўм қарз берилди. Жумладан, 1924 йилнинг биринчи чорагида Сирдарё вилоятида шундай ишлар учун 307 906 сўм пул ва 32 518 сўмлик қурилиш материаллари, Самарқанд вилояти учун 118 817 сўм, Фарғона вилояти учун 344 145 сўм ва 97 411 сўмлик қурилиш материаллари берилди.

1924 йил Ўзбекистон тарихида янги, чўл ерларини ўзлаштириш йили бўлиб қолади. 1924 йилнинг май ойидагина бундай ишлар (асосан қидирув-тадқиқот ишлари) учун 220 минг сўм пул ажратилди.

Ўлкада аста-секин ирригация тармоқларининг тикланиши натижасида бу ерда сувдан фойдаланувчи (ҳам шахсий, ҳам коллектив)лар сони орта борди. Жумладан, 1923 йилда Туркменистон вилоятида шундайлар сони 82 666 та бўлган бўлса, бир йилдан сўнг улар 83 347 тага етди¹.

Чигит экиладиган ер ҳажмининг кенгайиши, пахта ҳосилини тезроқ ва кўпроқ олиш ўлкада транспорт ва техниканинг ривожланишини талаб қиларди. Аввало шунини айтиш керакки, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингунгача ўлкада от-улов ва бошқа иш ҳайвонлари етарли даражада эди. Аммо ўрисларнинг пахтага бўлган иштаҳасининг зўрлиги оқибатида иш ҳайвонлари, от-улов тобора етишмай қолди. 20-йилларнинг бошига келиб бу борада жуда катта қийинчиликларга дуч келинди. Бу Фарғона вилоятида айниқса яққол сезилди. Шунинг учун ҳам ҳукумат қарорига биноан 1924 йилдан жумҳурият пахтакор районларини, биринчи навбатда, Фарғона водийсини иш ҳайвонлари, от ва хўкиз билан таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Шу билан бирга, бундай ҳайвонларни Туркистон жумҳуриятининг пахтакор районларидан олиб чиқиб кетиш ҳам тақиклаб қўйилди².

Ҳукумат қарорига асосан ва қишлоқ хўжалиги банки ёрдамида фақатгина бир йилнинг ичида 7000 та шундай иш ҳайвонлари тайёрланди ва Фарғонага жўнатилди³.

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви, 215- фонд, 2- рўйхат, 968- иш, 34—35- варақлар.

² Бюллетень XII Всетуркестанского съезда Советов РД и КД резолюции. Тошкент, 1924, 245- бет.

³ «Правда Востока», 1925 йил 11 февраль.

Амалга оширилган бундай тадбирлар натижасида жумхурият қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачилик ривожлана борди. 1924 йилда Туркистон ўлкасида 92,5 фоиз майдонга чигит кооперациялар орқали, 1,3 фоизига давлат хўжаликлари орқали экилди. Биз юкорида пахтанинг Америка навлари ўз сифати билан Туркистон уруғларидан анча паст туришини таъкидлаб ўтган эдик. Шунинг учун ҳам энди маҳаллий, жайдари пахта навларини етиштириб чиқаришга катта эътибор берилди бошлади.

1924 йилда 14 минг десятина ерга уруғлик чигит олиш учун энг яхши навли пахта экилди. Бундай сифатли пахта навларини етиштиришга қишлоқ хўжалик ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ниҳоятда катта эътибор бердилар.

Хукумат қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачиликни ривожлантиришда солиқ тизимини янада такомиллаштиришга, уни пахтакор-деҳқонлар манфаатига мос қилиб белгилашга ҳаракат қилди. Шу мақсадда 1924 йилда пахта тайёрлаб, уни давлатга сотадиган деҳқонлардан олинадиган солиқлар анча тартибга солинди. Янги ўзлаштирилган ва суғорилган ерларда пахта етиштирувчилар чигит экишнинг биринчи йилида барча солиқлардан озод қилинди ва бу тартиб 1925 йилда ҳам сақлаб қолинди.

Хукумат амалга оширган бу тадбирлар натижасида деҳқонларда пахта етиштиришга бўлган қизиқиш кучайди. Бизнинг фикримизча, агар ўша йиллари пахтакор-деҳқонларга нисбатан қўлланилган солиқ сиёсати бошқа деҳқонларга ва чорвадорларга нисбатан ҳам қўлланилганда эди, пахта яккаҳоқимлигига бироз бўлса-да чек қўйилган бўлар эди. Афсуски, марказнинг пахтага бўлган талаби Туркистоннинг пахта омборига айланишига олиб келди. Бундан ташқари, хукуматнинг бу солиқ сиёсати ер ишларидан шахсий капиталнинг сиқиб чиқарилишига сабаб бўлди.

Хўжалик қурилишида шахсий секторнинг салмоғи канчалик камайса, давлат секторининг ўрни шунча кенгайиб борди. Аммо давлат сектори омманинг кенг истеъмол талабини таъминлай олмас, натижада меҳнаткаш халқ қийналарди. Шахсий секторнинг ҳар бир ҳаракати эса капитализмни тиклаш учун ҳаракат сифатида тарғиб қилинди ва у расмий давлат сиёсати ва мафкурасининг қаршилигига дучор бўлди. Марказнинг оммани керакли истеъмол ва саноат моллари билан таъминлашдаги фаолияти халқни қониқтирмасди. Маса-

лан, Ички савдо комиссарлиги маълумотларига кўра, 1923 йил 1 октябридан 1924 йил 1 апрелигача Туркистон меҳнаткашлари учун 33111099 сўм 33 тийинлик керакли товарлар келтирилди. Булар кийим-кечак, темир, идиш-товок, чой, керосин, чарм маҳсулотлари, нондан иборат эди¹. Аммо бу товарлар халқнинг тобора ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиролмас эди.

Давлат Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг алоҳида қарорига биноан 1924 йил сентябридан 1925 йил февралигача Туркистон меҳнаткашлари учун анча миқдорда товарлар келтирилиши белгиланди ва бу ишларни бажариш қуйидаги ташкилотларга топширилди: Бутунроссия тўқимачилик синдикатига — 330 вагон тўқимачилик товарлари; қанд трестига — 250 вагон қанд-шакар; чой бошқармасига — 1,5 миллион сўмлик чой; идиш-товок ва ойна материаллари тарқатиш ташкилотига — 2 миллион сўмлик маҳсулот; резина трестига — 48 та вагонда 1,5 миллион сўмлик калиш; 300 та вагон қурилиш материаллари². Бундай миқдордаги товарларни келтириш ва омма орасида тарқатиш Ички савдо халқ комиссарлигига ва Бош пахта қўмитасига топширилди.

Қўрилган бу тадбирлар натижасида ўлкадаги аҳвол бироз яхшиланиб, ижтимоий вазият барқарорлаша борди. Мамлакатда қишлоқ хўжалигини тиклаш борасида олиб борилган ишлар яхши натижалар бера бошлади. 1924—1925 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш урушдан аввалги даврдаги миқдорнинг 87,3 фоизини ташкил қилди.

Туркистон жумҳуриятида ҳам қишлоқ хўжалигини юксалтиришда анчагина ютуқларга эришилди. 1924 йилда бу ердаги экин майдонлари 1631 минг десятинага етди ва бу 1923 йилдагига нисбатан 123 минг десятинага кўп эди³. Пахта илгаригидек давлат ҳамда партиянинг асосий мақсади ва қишлоқ хўжалигидаги сиёсатининг моҳиятини ташкил қилар эди. Биз ўрганаётган йилда эса пахта етиштириладиган майдон ҳажми 283669 десятинага етди. Бу рақам 1922 йилда ҳаммаси бўлиб 51 428 десятинани ташкил қилар эди, холос. Шундай қилиб, фақат икки йилнинг ичидагина пахта экин майдонларининг ҳажми

¹ЎзССР Марказий Давлат архиви, III- фонд, I- рўйхат, 1348- иш, 105- варақ.

²Ўша жойда, 47- варақ.

³ЎзССР Марказий Давлат архиви, 25- фонд, I- рўйхат, 1848- иш, 89- варақ.

450 фоизга етди. 1924 йилда бу ерлардан олинган ялпи ҳосил 12 021 332 пудни ташкил қилар ёки ҳар гектар ердан ўртача 7,2 центнердан ҳосил олинар эди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми бошқа экинлар экиладиган майдонлар ҳажми билан мутаносиб равишда ошмади, асосий эътибор пахтага қаратилаверилди. Пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми ошаверди, янги ўзлаштирилган, суғориш ишлари бошланган ерларга чигит экилаверилди, кўп ҳолларда эса бошқа экинлар, биринчи навбатда дон экиладиган майдонлар, боғу роғлар ўрнини ҳам пахтачилик соҳаси эгаллай бошлади. Бизнинг фикримизча, пахтачиликдаги энг катта хатолардан бири — интенсив йўлларни инкор этиш, ҳосилни иложи борича кўпроқ ерга чигит экиш асосида кўпайтиришга ўрганиб қолиш шу даврдан бошланди.

Ҳосилдорлик эса энг паст даражада қолаверди, илғор йўллардан фойдаланилмади, илмий тадқиқот натижаларига кам эътибор берилди. Оқибатда пахта етиштирадиган деҳқонлар сони ортиб, озиқ-овқат, ғалла, чорвачилик, мева-сабзавотчилик соҳаси билан шуғулланадиганлар сони эса кескин равишда камайиб кета бошлади. Агар 1923 йилда 14 7022 десятина ерга чигит экишда 50 минг деҳқон иштирок этган бўлса, 1924 йилга келиб 283 669 десятина ерга чигит экишда 192 минг деҳқон иштирок этди. Бундай ҳолни турлича изоҳлаш мумкин. Масалан, ҳозиргача тарихчиларимиз буни партия ва совет ҳукумати-нинг пахтакорларга қилган ғамхўрлиги ва уларнинг моддий манфаатдорлиги ошганлигининг белгиси, деб хулоса чиқарар эдилар. Энди эса унинг сабабини тўғри изоҳлаш пайти келди. Пахтакор-деҳқонлар сонининг йилдан-йилга ошишининг энг асосий сабаби шундаки, чигит экиладиган ерлар ҳажми ошгани сари, бошқа экинларга ажратилган ерлар ҳажми қисқариб борди. Деҳқонлар пахтачиликнинг қанчалик оғирлиги, уни етиштириш учун жуда кўп вақт ва меҳнат сарфланишини, бошқа соҳалар, масалан ғалла, чорвачилик ҳамда деҳқончиликнинг бошқа турлари нисбатан камроқ меҳнат, оз вақт талаб қилиши ва энг асосийси, кўпроқ фойда беришини билсалар-да, тирикчилик ўтказиш, бола-чақани боқиш учун пахта етиштиришга мажбур бўла бошладилар.

Ҳукуматнинг сиёсати, марказнинг пахтага бўлган хохиши ва тобора ошиб бораётган иштаҳаси деҳқоннинг ўз йўлидан бориши учун имкон бермади, уни ўз сиёсатини

амалга оширувчи воситага айлантириб кўйди. 1924 йилда жумхуриятда нихоятда катта миқдорда пахта ҳосили етиштирилди. Аммо бу мамлакат тўқимачилик саноати эҳтиёжини тўлиқ қондира олмас эди. Шунинг учун ҳам, Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш, марказ талабини қондириш, пахта яккаҳоқимлигини мустаҳкамлаш давом этди.

**ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИНИНГ МАРКАЗ СИЕСАТИДА ТУТГАН
ЎРНИ. ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА СУВ
ИНШООТЛАРИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ — ПАХТАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ МАНБАИ**

Ўрта Осиёдаги ерларнинг нақадар унумдор эканлиги қадим-қадимдан маълум. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар бу ерларда минг йиллар давомида сунъий суғориш ишлари муваффақиятли равишда амалга ошириб келинганлигидан дарак беради.

Аммо яқин ва узоқ тарихимиздан шу нарса равшанки, унумдор, ҳосилдор ерларни сунъий равишда суғориш, ирригация иншоотларини қуриш ҳамда улардан усталик билан самарали фойдаланишга ҳар доим ҳам етарли даражада эътибор берилмаган. Туркистон ўлкасидаги феодал тарқоқликлар, мавжуд хонликлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, урушлар даврида бу нарсаларга кам эътибор берилди, баъзан эса азалдан фойдаланиб келинган сув иншоотлари бузиб юборилар, босқинчилар бу нарсалардан ўз сиёсий мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқаришда фойдаланар эдилар.

Шарқ мамлакатлари иқтисодий ҳаётида ирригация муҳим аҳамият касб этишига қарамай, Ўрта Осиёни ваҳшийларча босиб олган ўрис амалдорлари бу зарур ҳақиқатни тан олмадилар. Босқинчилар ўз мақсадларига етиш учун ҳарбий соҳага алоҳида эътибор бердилар. Ҳарбий соҳа эса ҳар қандай босқинчиларнинг сиёсий мақсадларига эришишларининг бош калитидир. Шу ўринда ўрис давлатининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олиб борган сиёсатини айрим рақамлар орқали таҳлил этилса, масала янада равшанлашади. Масалан, 1895 йилдан то 1917 йилгача бўлган даврда Ўрта Осиёда суғориш ишларини яхшилаш учун ўрис давлати 36 миллион сўм маблағ сарфлаган бўлса, 1895—1913 йилларда ҳарбий

мақсадлар учун 219,2 миллион сўм, яъни юқоридагидан 5 марта кўп маблағ сарфланди¹.

Шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, мазкур соҳага сарфланган маблағлар асосан шу ердаги маҳаллий бой ва амалдорлар манфаатларига хизмат қиларди. Минглаб, юз минглаб оддий кишилар — деҳқонлар томонидан қурилган сув иншоотлари хон ҳокимиятининг махсус эълон қилинадиган «Иноятнома»лари воситасида маҳаллий бойлар, феодаллар, муллаларга мерос сифатида фойдаланишга топширилар эди. Бу эса оддий халқнинг қаҳр-ғазабини кўзғатар эди.

Ўрта Осиёда сув учун кураш ҳеч қачон тўхтамагани маълум. Айрим амалдорлар бу масалани ижобий тарзда ҳал этишни ўлқанинг Россияга кўшиб олинishi билан ҳам боғладилар. Афсуски, асрлар, ўн минг йиллар давомида ўз такомилга етмаган ушбу муаммо ўрис амалдорлари ҳукм сурган даврда ҳам ҳал этилмади.

Бу даврда сув хўжалигини ҳам ўзига хос тарзда бошқариш тизими мавжуд эди. Жумладан, ҳар бир вилоятнинг ўз ирригаторлари бор эди. Техниклар, арик оксоқоллари, мироблар уларга бўйсунар эдилар. Сув ишлари бўйича умумий раҳбарлик генерал-губернатор хузурида ташкил топган икки кишилик бўлим томонидан олиб борилар эди. Бундан ташқари, ер ишларини яхшилаш ва бошқаришни такомиллаштириш бошқармасига бўйсунувчи текширув-қидирув ва қурилиш отрядлари ҳам мазкур соҳа бўйича иш олиб борар эдилар.

Бу пайтда Ўрта Осиё суғориш шохобчаси 98 та маҳаллий тармоқлардан иборат эди. Маҳаллий суғориш гармоғи ўрис ҳукумати томонидан маблағ билан таъминланмас эди. Бу ишларни ҳал этиш билан асосан маҳаллий аҳоли шуғулланар, улар сув иншоотларини таъмирлаш, яхши сақлаш, миробларни маблағ билан таъминлаш каби ишларни амалга оширар эдилар. Бу мақсадлар учун йилига 10—12 миллион сўм маблағ сарфланар, яъни ҳар бир гектар суғориладиган ер учун 30 сўмдан 34 сўмгача пул зарур бўлар эди². Бу рақам Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида турлича эди. Жумладан, Хоразм вилоятида бу рақам 190 сўмгача етар эди.

¹ Х. Р. Сабиров. Из истории финансирования ирригации в Узбекистане. Вопросы экономики и финансирования ирригации. № 16. Тошкент. 1963. 191- бет.

² МЛИ Ўзбекистон филиали партия архиви 62- фонд, 1- рўйхат, 426- иш, 802- варақ.

1915 йилги маълумотларга кўра, Ўрта Осиёдаги умумий сугориш майдонининг ҳажми 3425000 десятинани ташкил қилар эди, жумладан, собиқ Туркистон ўлкаси бўйича бу ракам 2400000 га тенг эди. Мазкур майдонларнинг аксарият қисмидан эса пахта етиштириш учун фойдаланилар эди. Масалан, Ўрта Осиё бўйича бу мақсадлар учун 690000 десятина ер ажратилган эди¹.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда XX асрда сезиларли ютуқларга эришила бошланди. Бу даврнинг характерли хусусияти шундаки, энди маҳаллий аҳолининг ирригация, сув иншоотларидан фойдаланишда тўплаган бой тажрибаси XX асрда қўлга киритилган гидротехника, ирригация ва мелиорация фанлари эришган ютуқлар билан мустаҳкам равишда боғлана бошланди.

Собиқ Совет ҳукумати ҳам бу соҳани ривожлантиришга ўз хиссасини қўшди. Кўп ҳолларда, бу ишлар марказлаштирилди, соҳани маблағ билан таъминлашда ҳам шу йўллардан фойдаланилди. Мазкур ҳукумат ирригацияни бутун қишлоқ хўжалиги соҳасини интенсивлаштиришнинг муҳим омили, деб билди.

«Ер — хазина, сув — олтин» деган ўзбек мақоли ўзининг аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмаган. Зеро, қандай об-ҳаво бўлишидан қатъи назар фақат сув ёрдамидагина унумдор ерларимиздан мўл-қўл ҳосил олиш мумкин.

Ирригация ишларини жадаллаштириш, унумдор ерларни сув билан таъминлашда 1920 йиллар айниқса алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фақатгина 1922—1924 йиллар давомида жумҳуриятимиз ҳудудида 50 йил давомида қурилганидан кўпроқ сув иншоотлари барпо этилди. Шу билан бирга, собиқ Совет ҳукуматининг бу даврда амалга оширган ишларини илоҳийлаштириш ҳам инсофдан эмас.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан пахтачиликда экстенсив йўлдан бориш, монокультурага ёпишиб олиш айнан 20—30-йилларнинг меваси эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик даркор.

Маълумки, 20-йилларнинг бошларида Ўрта Осиёда миллий давлатчилик ҳаракати туфайли амалга оширилган миллий-давлат чегараланиши натижасида бу ердаги мавжуд ирригация ва сувдан фойдаланиш сиёсатида ҳам айрим ўзгаришларни амалга ошириш лозим, деб топилди.

¹ Ўша жойда.

Бу сиёсатга асосан энг аввало эски суғориш тармоқларини тартибга келтириш ва янгиларининг тармоғини кўпайтириш, сувни исроф қилишни бартараф этиш, сувни асосан камбагал дехқон хўжаликларига бериш, жумхуриятдаги барча сув захираларини ҳисобга олиш, янги экин майдонларини сув билан таъминлаш, ирригация тармоқларини яхшилаш лозим эди.

1918 йилда Ўрта Осиёдаги суғориладиган ерлар 3743,1 минг гектарни ташкил қилган бўлса, шундан 1809,5 минг гектари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келар эди.

Баъзи бир асарларда, айниқса 60—70- йилларда эълон қилинган адабиётларда, Октябрь тўнтаришигача қурилган сув иншоотларининг техник савияси, самарадорлиги жуда паст деб таъкидлаб ўтилади. Аммо аслида эса, бу иншоотлар оддий ва содда бўлганига қарамай, суғориш маданиятининг ўн минг йиллар давомида тўпланган буюк тажрибасининг қонуний яқуни эди.

Шу билан бирга, бу иншоотларни илоҳийлаштириш ҳам инсофдан эмас. Зеро, оғир мураккаб саноат устун даражада тараққий этмаган бизнинг ўлкамизда йирик ирригация тармоқларининг йўқлиги ҳам қонунийдир.

Октябрь тўнтаришидан кейинги бир неча йиллар давомида ерсиз дехқонларга ер берилиши натижасида бу ерларда суғориш иншоотларини барпо этиш истиқболлари пайдо бўлди. Аммо афсуски, якка хўжалик шароитида ирригация иншоотларини қуриш, ундан самарали равишда фойдаланиш тажрибасининг етишмаслиги, миллий маҳдудлик психологияси ўз ишини қилди: сувдан алоҳида, мустақил равишда фойдаланиш сувни исроф бўлишига олиб келди.

Шунинг учун бўлса керак, 1918—1923 йилларда ирригация ва ерни суғориш ишларида орқага қетиш ҳоллари юз берди. Бу даврда фуқаролар уруши оқибатида ирригация тармоқларини йиллик таъмирлаш ишлари тўхтаб қолди, кўплаб гидротехник қурилмалар ишлатиб бўлмас даражага келиб қолди. Булар жумласига биринчи навбатда Хиндикуш тўғони ва Мурғобдаги сув тақсимлаш иншооти: Ровот — Хўжа тўғони, Зарафшондаги Оқ — Қорадарё сув тақсимлаш иншоотлари ва бошқа кўплаб иншоотларни киритиш мумкин. Зарафшонда Дарғом ва Нарпай ариқлари, Чирчикда Бўзсув, Зах, Қорасув, Бектемир, Искандар ариқлари анча талафот кўрди. Бир сўз билан айтганда, бутун Ўрта Осиёдаги барча иррига-

ция-суғориш иншоотлари янгидан тузатилишга муҳтож эди.

Мазкур гидротехник иншоотларнинг бузилиши оқибатида сувнинг 50 фоизигина ирригация тармоқларига келиб туша бошлади. Натижада суғориш майдонлари 1915 йилдаги 2395 минг гектардан 1922 йилда 1180 минг гектаргача камайди.

Айрим вилоятларда эса бу кўрсаткич ниҳоятда пасайиб кетди (7-жадвалга қаранг)¹.

7-жадвал

Вилоятлар	Суғориладиган экин майдонлари (минг га)		1922 йилда 1915 йилга нисбатан (фоиз ҳисобида)
	1915 й.	1922 й.	
Етгисой	360	229	63,6
Сирдарё	575	339	58,9
Фарғона	800	292	36,5
Амударё	65	36	55,4
Туркман	165	79	47,9
Самарқанд	430	205	47,7
Жами	2395	1160	49,2

Мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжи бу ҳолни жуда тез бартараф этишни талаб қилар эди. Сув иншоотларини тиклашнинг биринчи босқичида асосий эътибор кам маблағ талаб қиладиган, оддий, содда иншоотлар қуришга, кейинчалик эса, доимий, мураккаб инженерлик иншоотлари қуришга қаратилди.

Бу даврда Исфара, Сўх, Исфара-Шохимардон, Андижон сой, Улугнор, Оқ-Қорадарё, Дарғом, Дарғом-Шаудор, Бош шамол, Иртишар, Талиғулум, Эски Туя-тортар, Юмалоқ-тепа, Бердикулон, Тош-Булоқ, Жўн-Салор, Анор-Қалқауз каби сув иншоотлари қурилди ва таъмирланди.

Ирригация тармоқларини тиклаш билан бир пайтда янги ерларни суғориш ишлари ҳам амалга оширилди. Фақат 1926—1927 йилларнинг ўзида Ўзбекистон бўйича 72 275 гектар ерни суғоришга эришилди.

Шу билан бирга суғориладиган ерларни илмий жиҳатдан ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу

¹ Проблемы ирригации республик Средней Азии. Тошкент, 1934. 6-бет.

Ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий ҳамда амалий жиҳатдан Қорақум чўлларини ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга молик эди. Шунинг учун ҳам Амударё сув ҳавзаси, унинг қирғоқларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш жумҳурият бўйича юқоридаги ишларнинг 40 фоизи-ни ташкил этар эди.

Шу билан бирга, бу даврда суғориш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд бўлиб, булар кўпинча янги қурилиш объектларининг лойиҳалар билан ўз вақтида таъминланмаганида ўз ифодасини топар эди. Механизациялаштириш ва рационализаторлик ишларини жонлантиришга етарли даражада эътибор берилмас, кўплаб қурилиш ишлари эса қўл меҳнати билан бажарилар эди.

Аmmo мавжуд қийинчиликларга қарамай бу борада сезиларли ютуқларга ҳам эришилди. Хўш, бу ютуқларнинг асл манбаи нимада эди? Яқин-яқингача эълон қилинган адабиётларда ютуқларимизнинг манбаи сифатида КПСС ва Совет ҳукуматининг «доно» сиёсати кўрсатилар эди. Лекин, аслида бу галабаларнинг негизини халқнинг партияга, ёлғон мафкурага «ўзи тушунмаган ҳолда» қўйган меҳр-муҳаббати, яхшироқ яшашга бўлган интилиши ташкил қилар эди. Агарда суғориладиган ерлар майдони 1925 йилда 1098,2 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1928 йилга келиб бу рақам 1423,9 минг гектарни ташкил этди.

Шу билан бирга, айнан шу пайтдан бошлаб пахтачилик соҳаси жумҳурият хўжалигида етакчи ўринга чиқиб, ўзининг яккаҳокимлигини ўрната бошлади. Пахта етиштириладиган майдонлар ҳажмининг интенсив равишда ошиши Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятларида кўзга ташланди (8-жадвал).

8-жадвал

Жумҳуриятлар	Пахта майдони, минг гектар				
	1924	1925	1926	1927	1928
Ўзбекистон	268	372	409	483	599,2
Туркменистон	40,4	55,4	68,5	87,1	107,5
Тожикистон	17,2	10,9	15,9	27,4	50,1
Қирғизистон	12,5	25,7	26,4	29,2	38,1
Қорақалпоғистон	9,2	9,7	16,0	23,1	23,1
Ўрта Осиё бўйича	324,9	450,9	505,7	611,7	749,0

Ўзбекистонда ирригация тармоқлари асосан давлат томонидан бериладиган бюджет ҳисобига тикланди ва янада кенгайтирилди. Масалан, 1922 йил охирида давлат юқоридаги харажатлар учун 4,5 миллион сўм миқдорда пул ажратди, натижада суғориладиган майдонлар ҳажми 1535 минг десятинага ошди. 1923—1924 йилларда эса худди шу мақсадлар учун 6,5 миллион сўм маблағ сарфланди¹. Ирригация тармоқларини қайтадан тиклаш учун қилинадиган сарф-харажат ҳам тўхтовсиз ошиб борди (9-жадвал)².

9-жадвал

Йиллар	Иттифоқ ва миллий бюджет харажатлари	Деҳқонларнинг ишлаб бериши	Маҳаллий жамғармалар
1922—1923	4 500 000	5 500 000	250 000
1923—1924	6 500 000	7 258 106	165 584
1924—1925	13 214 675	11 709 973	129 860
1925—1926	21 262 960	13 000 000	150 000
Жами	45 477 635	38 468 079	695 444

Олиб борилган бу тадбирлар натижасида Ўрта Осиёда экин майдонларининг ҳажми йилдан-йилга ошиб борди (10-жадвал)³.

10-жадвал

	1921—1922	1925—1926	1934—1935
Умумий майдон	1 700 000	2 808 700	5 743 120
Жумладан, пахта майдони	70 000	599 255	737 410

Ўрта Осиё жумҳуриятларида ирригация тармоқларини ва суғориш иншоотларини яхшилашга ажратилган маблағлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бориб, 1928 йилда 32 миллион сўмга етди. Мазкур маблағнинг 43 фоизи эса шу соҳада олиб борилган қурилиш ишларига сарфланди.

Факатгина 1924—1928 йилларда Ўзбекистон бўйича ирригация соҳасини қайта тиклаш ва янада ривожланти-

¹ Марказий партия архиви. 62- фонд, 1- рўйхат, 426- иш, 802- варак.

² Уша жойда. 425- иш, 18- варак.

³ ИМЛ Марказий партия архиви. 62- фонд, 1- рўйхат, 426- иш, 802- варак.

ришга 61,4 миллион сўм маблағ ажратилди¹. Бу ўринда яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат маблағидан ташқари маҳаллий аҳоли томонидан берилган ёрдам ҳам мазкур соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. 1924—1928 йилларда Ўрта Осиё ва Козоғистон бўйича бу ишларга аҳолининг 32 224 минг сўмлик меҳнати сарф қилинди².

Бу маблағлар туфайли жумҳурият ирригация тармоқларини яхшилашда кўпгина ютуқларга эришилди. Масалан, 1926—1928 йилларда Тошкент вилояти ҳудудида Жун ариғи тармоғи қайта таъмирланди. Оқибатда суғориладиган ерларнинг ҳажми 2500 гектарга кўпайди.

Тошкент вилояти бўйича 1927—1928 йилларда ирригация соҳасига 3 544 593 сўм маблағ сарфланди. Натижада суғориладиган майдонлар ҳажми 217 969 гектардан 233 089 гектарга кўпайди³.

Фаргона вилоятининг Баликчи ноҳиясида 1925—1926 йилларда 15 265 гектар ерда суғориш иншоотларини қайтадан тиклашга 397 минг сўм сарфланди. Бундай тадбирлар Ёзёвон, Шахрихон, Бўз ҳудудларида ҳам амалга оширилди⁴.

Биринчи беш йилликда жумҳуриятимизда қурилган энг йирик ирригация иншооти Зарафшон дарёсидаги тўғон бўлди. Зарафшон дарёси кўтарилган пайтларда шу атрофдаги ерлар кўпинча сув остида қолар, баъзан эса сунъий ариқлар пайдо бўлар эди. Табиатнинг бундай инжиқликларининг олдини олиш мақсадида шундай тўғонни қуриш зарур бўлиб қолди.

1927—1932 йилларда Далварзин чулларини суғориш ишлари амалга оширилди. Натижада шу ерлардаги суғориш майдонлари ҳажми 11 марта ошди.

20-йилларда жумҳуриятимиз аста-секин собиқ СССРни пахта билан таъминлайдиган ўлкага айлана бошлади. Бу эса ўз навбатида давлатдан мазкур мақсадлар учун катта маблағ сарф этишини талаб қилар эди. Фақатгина биринчи беш йиллик даврида жумҳурият ирригация тармоқларини қуриш учун 140 677,8 минг сўм маблағ ажратилди. Ўрта Осиё минтақаси бўйича 1928—1933 йилларда ирригация соҳасини капитал маблағ билан

¹ Народнохозяйственный план Узбекской ССР на 1933 г. 6-бет.

² Ф. Шамсугдинов. Ирригация Узбекистана за 25 лет (1924—1949). Тошкент, Ўздавнашр, 1949, 31-бет.

³ Уша жойда, 34—35-бетлар.

⁴ Проблемы ирригации республик Средней Азии, 1934, 12-бет.

таъминлаш учун 312140,2 минг сўм сарфланди. Натижада сугориладиган ерларнинг умумий ҳажми жумҳурият бўйича 219 327 минг гектарга етди.

Жумҳуриятимизда сув ресурсларидан фойдаланиш, кишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришда 1925—1928 йиллардан бошлаб сувдан режали равишда фойдаланишнинг жорий этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу сувдан фойдаланишда бетартиблик, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолларига чек қўйди. Натижада ҳар йили жумҳуриятда 15—30 фоиз сув иктисод қилина бошланди.

Халқ хўжалигини тиклаш йилларида сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институти Анхор, Бўржар, Гадроган сув иншоотларида, Зарафшон дарёсида қурилган тўғонларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Жумҳуриятда ирригация фанини ривожлантиришга маҳаллий миллат вакиллари билан бирга Г. К. Ризенкамф, Н. А. Димо, Ф. П. Моргуненков, И. Г. Александров каби олимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ирригация ишларини юксалтириш бўйича ташкил этилган Бошқарма (ИрТур) бошлиғи, маҳоратли инженер-гидротехник В. Д. Журиннинг 1920 йилда Туркистонга келиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. В. Д. Журин 1926 йилда Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институтининг ҳам ташкилотчиси бўлди. Бу институт 1932 йилда Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтига айлантирилди. (САНИИРИ).

Сугориладиган ерлар ҳажмининг ошиб бориши билан сувга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб борди. Шунинг учун ҳам бу ишларга ажратилаётган сарф-харажатлар ҳажми ҳам ошиб борди. Агар 1929 йилда жумҳурият бўйича бундай харажатлар ҳажми 15 252 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1932 йилга келиб бу 25 961 минг сўмга етди¹.

Ирригация тармоқларидан фойдаланишда сув иншоотларини механизациялаштириш савияси ва даражаси ҳам алоҳида аҳамият касб этарди. Бу айниқса ерлари бир текис бўлмаган Хоразм воҳасида жуда зарур эди. Чунки бундай ерларда каналлар орқали келган сувларни кўтарма иншоотлар орқали юқорига узатиш талаб қилинади.

¹ Т. А. Старцев ва Я. К. Козел. Итоги советской ирригации в Средней Азии. Проблемы ирригации республик Средней Азии. Тошкент, 1934, 15-бет.

Бундай кўтарма иншоотлар сифатида қуввати 7 лит/сек бўлган от чигирларидан фойдаланилди. Биринчи беш йиллик даврида факатгина Амударё бўйларида 63 мингта ана шундай чигирлардан фойдаланилди ва улар ёрдамида 125 минг гектар ер суғорилди.

Кейинчалик эса бундай ибтидоий оддий чигирлар ва кўл меҳнатига асосланган механизмлар ўрнига юкори қувватли, мураккаб тизим орқали ишлайдиган машина, асбоб-ускуна, агрегатлардан фойдаланила бошланди. Биргина 1932 йилда 236 жойга 472 та сув узатиш насоси ўрнатилди. Хоразм вилоятининг 19 участкаси эса машина-механизмлар орқали суғорила бошланди. Натижада жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида сув иншоотларидан фойдаланишда кўзга кўринарли ютуқларга эришила бошланди.

Суғориладиган ерларнинг интенсив равишда кўпайиши биринчи навбатда Ўзбекистоннинг пахта етиштириш қувватини мустаҳкамлашга қаратилди. Ўрта Осиё бўйича биринчи беш йилликда пахта майдони 590,9 минг гектарга кўпайди.

Шу куннинг нуқтани назаридан бу жараёнга баҳо беришда янгича ёндошиш лозим. Ҳамма гап шундаки, ўша йилларда чигит экиладиган ерларнинг кенгайиб бориши аслида ижобий ҳол, партия ва совет давлатининг тўғри, изчил сиёсати сифатида баҳоланган эди. Аммо, бу жараён кейинчалик (яъни, ҳозирги кунда) Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида салбий роль ўйнашини ҳар ким ҳам тасаввур қилавермаган. Шунинг учун бўлса керак, пахта майдонлари асосан мева, сабзавот экиладиган ерлар, чорва учун зарур майдонлар ҳажмини қисқартириш ҳисобига кенгайтириб борилди.

Ўрта Осиёда ирригация иншоотларини кенгайтириш, сув хўжалигини юксалтиришда айниқса 20- йиллардан бошлаб ташкил этила бошланган «Мелиорация ширкатлари» катта аҳамият касб этди. 1923 йилда бундай ўртоқликлар сони 8 тани ташкил этган бўлса, 1927 йилга келиб, уларнинг сони 608 та га етди. «Мелиорация ширкатлари» ҳаракати туфайлигина 1923—1927 йилларда Ўрта Осиё бўйича 133065 гектар ер қайта тикланди, 80327 гектар ер эса суғориш учун тайёрланди¹.

¹ Т. А. Старцев ва Я. К. Козел. Итоги советской ирригации в Средней Азии. Тошкент, 1934, 111- бет.

1929—1931 йилларда Ўзбек мелиоратив иттифоқи жуда катта ишларни амалга оширди ва 1930 йил август ойидан Ўзбекистон пахта ширкатига кирди. 1930 йилнинг 1 октяб-ригача бўлган маълумотларга кўра жумҳуриятимизда 287 та йириклаштирилган мелиорация ширкатлари мав-жуд бўлиб, уларга 630522 киши ёки барча хўжаликларнинг 75 фоизи аъзо бўлиб кирган эди¹.

20- йилларнинг охири 30- йилларнинг бошларидан бошлаб жамоа хўжаликлари ҳаракатининг кучайиши натижасида мелиоратив ўртоқликлар ва кооперациялар тизимида ҳам ўзгаришлар бўлди. 1931 йил декабрида «Мелиорация ширкатлари» тугатилди, уларнинг маб-лағлари колхозлар ва ишлаб чиқариш ўртоқликларига берилди.

Колхоз қурилишининг жадаллашуви сабабли, 1929 йилдан бошлаб ирригация тармоқлари қурилишида кескин бурилиш бошланди. Агар шу йилгача ҳар йили ўртача 7 минг гектар янги ерларда суғориш ишлари олиб борилган бўлса, биринчи беш йиллик даврида бу рақам 28 минг гектарни ташкил этди². Бу даврда Ўзбекистонда Савай, Жун, Хонарик, Булунғур каби ирригация тизимла-ри ташкил этилган бўлса, Нарпай, Чирчик, Ангрэн, Шоҳимардон, Зомин каби тизимлар қайтадан таъмир-ланди.

Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида ҳаммаси бўлиб 250,7 минг гектар янги ерларда суғориш ишлари йўлга қўйилди³. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш лозимки, янгидан суғориш ишлари ташкил этилган жойларда асосий майдонлар пахта етиштиришни кўпайтиришга хизмат қилди, бошқа экинларнинг салмоғи эса йилдан-йилга камайиб борди. 1932 йилда пахта етиштириладиган майдонлар 1913 йилга нисбатан — 2,3, 1928 йилга нисба-тан эса 1,7 марта кўпайди. Тўғри, бошқа экинлар майдони ҳам йил сайин аста-секин ортиб борди. Аммо, уларнинг нисбатидаги фарқ пахта фойдасига сезиларли даражада ошиб борди.

Мазкур соҳани ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритиш билан бирга йирик камчилик ва хато-

¹ А. А. Тактаев. Мелиоративная кооперация в процессе восстано-вления и развития сельского хозяйства УзССР. Тошкент, 1962, 84-бет.

² В. Г. Железовская. Из истории социалистической реконструкции хлопководства в СССР. История СССР, № 4, 1962, 91-бет.

³ Ўзбекистан за XV лет. Тошкент, 1939, 45-бет.

ликларга ҳам йўл қўйилди. Ирригация иншоотлари қурилишларида ишлайдиган ишчи кучи, мутахассис кадрлар етишмас эди. Айниқса қурилиш материалларини топиш, уни етказиб беришда катта камчиликларга йўл қўйилар эди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун эса фуқаро ва йўл қурилишида ишлайдиган кўплаб қурувчилар ва у ердаги қурилиш материаллари ирригация тармоқларини тиклашга йўналтирилар эди. Оқибатда мазкур соҳалардаги ишларни ҳал қилишда ҳам бетартиблик, орқага кетиш ҳоллари учрар эди.

Бу даврда партия, давлат ташкилотлари томонидан ҳам катта камчиликларга йўл қўйилди. Жумладан, маҳаллий миллат вакилларида ирригация ва сув иншоотларида ишловчи кадрлар, айниқса муҳандис, механик, техник кадрлар тайёрлаш ўрнига бундай мутахассислар кўпинча марказдан чақиртирилар эдики, бу кейинчалик жумҳуриятда малакали миллий мутахассислар тайёрлаш ишига халақит қилди.

Маълумки, ўзбек қишлоқлари азалдан ўзига хослиги билан ажралиб туради: ҳамма ўзи учун ариқ казиб олар, ер майдонлари эса деворлар билан ўраб олинар эди. Бу эса, ўз навбатида, йирик техникадан, жумладан трактордан фойдаланишда қийинчиликлар тугдирар эди. Мазкур қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида 1930 йили СоюзНИХИ томонидан Зеленский ноҳиясида тажриба ўтказилиб, ерлардан фойдаланишда марказлаштириш амалга оширила бошланди. Бу механизмларнинг бемалол ишлаши учун кенг имконият ярата бошлади.

Ўтказилган тажрибага асосланган ҳолда 1931 йил баҳоридан жумҳуриятимиздаги 99 минг гектар суғориладиган ерда ерни қайта ишлаш тадбирлари амалга оширилди. Натижада, бу ишни икки босқичда амалга оширишга: қайтадан ишлаб чиқиладиган, тартибга келтирилаётган ерларни кенгайтириб, йирик карталар ташкил этиш ва ирригация тармоқларини режа асосида қайтадан ташкил этишга келишиб олинди.

Карталар узунлигини 1—2 км гача узайтириш оқибатида фойдаланилмаётган, кам самарали ерлар ҳажми 5—6 фоиздан 0,25 фоизгача камайди.

Биринчи беш йилликда ирригация тармоқлари қурилишларида ишлаётган қишлоқ хўжалик машиналарининг сони ҳам ортиб борди. Шу беш йиллик охирларига келиб Ўзбекистон ирригация тармоқларида 3 та экскаватор,

52 та грейдер, 269 та скрепер, 85 та канал қазувчи машина, 189 та «Фордзон» трактори, 35 та юк ва енгил машиналар ишлади. Ўрта Осиёда биринчи беш йиллик охирига келиб жами 3337 дона кишлок хўжалик техникаси ишлади¹. Натижада кўплаб жойларда иш механизациялаштирила бошланди. Масалан, Далварзин суғориш тармоқларида механизациялаштириш 40 фоизгача етди. Механизациялаштириш, ўз навбатида, деҳқонларни оғир қўл меҳнатидан халос қила борди. Ўрта Осиё сув хўжалиги идораси бўйича факатгина 1932 йилда амалга оширилган ишларда қўл меҳнати 4,7 миллион киши-кунга қисқарди. 20—30-йилларда собиқ мамлакатда олиб борилган ишлар натижасида майда деҳқон хўжаликлари аста-секин йирик хўжаликларга бирлаша бошлади. Албатта, бу ҳолнинг ижобий томонлари ҳам бор эди. Жумладан, сув, техника ва бошқа йирик механизмлардан фойдаланишда йирик деҳқон хўжалиқларининг (колхоз, совхоз) аҳамияти катта эди. Аммо бу тадбирнинг салбий оқибатлари ҳам бор эди. Деҳқончиликда азалдан шахсий сектордан фойдаланиб келган ўзбек халқи коллектив хўжаликларга дарҳол ўрганиб кета олмади. Шунинг учун бўлса керак, коллективлаштиришда ўз ихтиёри билан бирлашишдан кўра кўпроқ маъмурий йўллардан фойдаланилди.

Биринчи беш йилликдаёқ илгари шахсий мулк бўлган 80—90 фоиз деҳқон хўжаликлари йирик хўжаликларга бирлашиб бўлган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кишлок хўжалигида пахта яккаҳокимлиги ўша пайтдаёқ шаклланиб бўлган эди. Кўп жойларда умумий кишлок хўжалик экинлари орасида пахтанинг миқдори 85 фоизга етган эди. Ромитан ноҳиясида бу рақам 88,6 фоиз, Когонда 87,3 фоиз, Термиз ноҳиясида 87,4 фоизгача етди.

Пахта майдонларининг кенгайиб, ирригация тармоқларининг такомиллашиб бориши, ўз навбатида, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини янада жонлантиришни талаб қилар эди. Фақатгина биринчи беш йилликнинг ўзида бу мақсадлар учун 8 миллион сўм маблағ сарфланди².

Ирригация соҳасидаги қурилишларнинг авж олиши, ўз навбатида, сув хўжалиги ташкилотларида қайта қуришни амалга оширишни талаб қиларди. Шунинг учун

¹ Проблемы ирригации республик Средней Азии., 20—21-бетлар.

² Ф. Шамсутдинов. Ирригация Узбекистана за 25 лет (1924—1949) Тошкент, Ўздавнашр, 1949, 48-бет.

хам биринчи беш йиллик даврида ирригация-курилиш трестлари пайдо бўлди. Мураккаб ва йирик курилиш объектларини қуриш учун эса Ўрта Осиё сув курилиш идораси ташкил этилди.

Йирик ирригация курилишлари туфайли 1928—1929 ва 1929—1930 йилларда суғориладиган ерлар ҳажми 10772 гектарга ошди¹.

Пахта мустақиллигига эришиш, жумҳурият кишлок хўжалигини ривожлантириш, ўз навбатида, юқори малакали кадрларнинг савиясига, уларни тайёрлашдаги ютуқларга боғлиқ эди. Бунинг учун энг аввало тайёрлов курслари очилди. Ирригация тизими бошқармалари қошида эса гидро-ўлчовчилар, гидротехниклар, иншоотларни кузатувчилар курслари очилиб, уларда минглаб одамлар хунар ўргандилар. Натижада биринчи беш йилликдаёқ гидротехниклар сони 2,7 марта ошди.

Сув иншоотларида ишловчиларнинг малакаси оширила бошланди, жумҳуриятда сувдан фойдаланувчилар, ирригаторлар, мелиораторларнинг мажлислари ва съездлари мунтазам равишда ўтказиб турилди.

1925—1929 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ҳам жумҳуриятда замонавий техника асосида суғориш тармоқларини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу мақсадда Мирзачўл, Самарқанд, Фарғона тажриба станциялари қайтадан тикланди.

Илмий-тадқиқот ишларида айниқса ернинг шўрини ювиш катта аҳамиятга эга бўлди. Гап шундаки, биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида Ўрта Осиёдаги суғориладиган ерларнинг 50 фоизи шўр ерлардан иборат эди. Шунинг учун ҳам бу ерлардан жуда қийинчилик билан ҳосил олинар эди. Масалан, Мирзачўлда ердан фойдаланиш коэффициенти 35—40 фоиздан ошмас эди.

Шунинг учун ҳам сувдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида ерни дифференциал равишда суғоришга алоҳида эътибор берилди. Масалан, 1932 йилда барча пахта майдонларида биринчи ва иккинчи суғориш амалга оширилган бўлса, учинчи суғориш 97,5 фоиз майдонда, тўртинчи суғориш — 77, бешинчи суғориш эса 73 фоиз экин майдонида амалга оширилди.

² Два года социалистического строительства в Узбекистане. 1931, 24- бет.

30- йилларнинг бошида тўпланган тажрибалар ичида энг муҳимларидан бири — кечаси, тунги суғоришдир. Бу тадбирларни амалга ошириш учун 1930 йилларнинг бошидан гидрометрик тармоқлар ташкил этила бошланди. 1933 йилда шундай тармоқлардан 4571 таси муваффақиятли равишда иш олиб борди.

Биринчи беш йиллик даврида пахта майдонлари ҳажми асосан суғориладиган ерлардан дон экинларини сиқиб чиқариш ҳисобига кенгайди. Шу билан бирга дон экинлари экиладиган майдоннинг ҳажми суғорилмайдиган, лалми ерлар ҳисобига ошиб борганлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

11-жадвал

Дон экинлари экиладиган майдон ҳажмининг кенгайиб бориши

Йиллар	Суғорилмайдиган экин майдонлари, га	Суғориладиган экин майдонлари, га	Жами
1928	391 600	495 294	886 894
1929	509 500	464 900	974 800
1930	77 600	334 981	1110 981
1931	692 918	281 703	974 621
1932	807 307	204 379	1011 686
1933	987 969	192 557	1180 586

Ғаллакор районларда ишни тўғри ташкил этиш учун механизацияни яхшилаш зарур эди. Йирик ғаллакор зоналардан фақат Ғаллаорол, Ғузор, Чирокчи ноҳияларидагина МТСлар мавжуд эди.

Шунинг учун ҳам ерни тракторлар билан ҳайдаш, шудгор қилишда катта қийинчиликларга дуч келинди. Масалан, 1931 йилда ғалла экиладиган майдонларнинг 3,5 фоизи тракторлар ёрдамида ҳайдалган бўлса, 1932 йилда бу рақам — 4,5, 1933 йилда эса 5,9 фоизга етди, холос¹.

Биринчи беш йиллик даврида жумҳуриятда учта йирик ғаллакор ва шоличилик давлат хўжаликлари ташкил этилди.

Пахта мустақиллигига эришиш учун кураш, ўз навбатида, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам жумҳуриятдаги кўплаб

¹ «Узбекистанская правда», 1929 йил 12 декабрь.

камишзор ва тўкайзорлар ўзлаштирилиб, унумдор, ҳосилдор экин майдонларига айлантирилиб борилди. Масалан, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидаги қамишзор, ботқокли ерлар ўзлаштирилиб, у ерларда пахта, каноп ва шоли экила бошланди.

Ўзбек меҳнатқашларининг пахта учун олиб борган кураши қишлоқ хўжалигини юксалтириш билан бирга, ўлкадаги асрлар давомида ҳукм суриб келган безгак ва бошқа юқумли касалликларнинг йўқ бўлишига, қишлоқларнинг гуллаб-яшнашига, йирик-йирик аҳоли пунктларининг пайдо бўлишига ҳам олиб келди.

СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР ҲАЖМИНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшаган деҳқонларнинг аҳволи ҳар доим ҳам оғир бўлган. Октябрь тўнтаришигача бу ердаги халқ икки томондан: ҳам маҳаллий амалдорлар томонидан, ҳам рус ҳукмдорлари томонидан эзилиб, ўлкадаги унумдор, ҳосилдор ерларни олиб уларда ишлаш имкониятига эга эмас эди.

20-йилларда уларга ер бўлиб берилган бўлса-да, замонавий техниканинг йўқлиги, ерларни ишлашда агро-техник билимларнинг етишмаслиги, ирригация иншоотларининг қоқоқлиги оқибатида юқори ҳосил олиш имкони бўлмади.

Айниқса, бунга ўлкадаги қоқоқ моддий-техника база салбий таъсир қилди. Чор Россияси даврида ҳам қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш жуда қийин аҳволда эди. 1900 йилдан 1916 йилгача Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини машина-техника асбоб-ускуналари билан таъминлашга бор-йўғи 2400 минг сўм ажратилди, холос. Яна шунга ҳам алоҳида эътибор бериш лозимки, юқоридаги техниканинг 93 фоизи Россиядан келган босқинчилар томонидан сотиб олинган бўлиб, маҳаллий миллат вакиллари ҳаммаси бўлиб 7 фоиз техникани харид қилган эдилар, холос¹.

Туркистон пахтакор-деҳқонлари эса омоч, мола, кетмон, ўроқ каби ниҳоятда содда, оддий техника билан қуролланган эди. Кўпгина деҳқон хўжаликларида эса шу ҳам йўқ эди.

¹ Социалистическая реконструкция хлопководства. М.,— Л. 1934, 99- бет.

20-йиллардан бошлаб деҳқонларни техника билан таъминлашда айрим ютуқларга эришила бошланди (12-жадвал)¹.

12-жадвал

Инвентарлар, ўтган йилга нисбатан фойз ҳисобида	1925— 1926	1926— 1927	1927— 1928	1928— 1929	1929— 1930
1. Плуглар	8178 —	11586 141,1	22388 194,1	53074 237,1	85499 161,1
2. Бороначлар	5604	9270	15513	29794	44573
3. Пахта сеялкалари	1556 —	2581 165,9	4974 192,7	9915 199,3	23984 241,9
4. Культиваторлар	1360 —	2304 169,4	4152 180,2	10825 260,7	фактлар йўқ

Бу даврда жумҳуриятимизга аста-секин биринчи тракторлар ҳам кириб кела бошлади ва уларнинг сони тобора ортиб борди (13-жадвал)². 1929—1932 йилларда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини юксалтириш учун Ўрта Осиё жумҳуриятларига 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

13-жадвал

	1925— 1926	1926— 1927	1927— 1928	1928— 1929	1929— 1930
Тракторлар сони	484	1063	1200	1525	2301
Ўтган йилга нисбатан фойз ҳисобида	—	219,6	112,9	127,1	150,9

Қишлоқ хўжалигини устун даражада юксалтириш ва пахтачиликнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришда МТСлар муҳим роль ўйнади. 1930 йилда жумҳуриятда 6 та МТС бўлган бўлса, 1931 йилга келиб бу кўрсаткич — 48, 1932 йилда — 67, 1933 йилда эса 72 тага етди. 1931 йилда жумҳуриятдаги мавжуд МТСлар ёрдамида 343 минг гектар ер ҳайдалди.

Аммо шу билан бирга ерга экин экиш, культивация қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишда механизациянинг роли паст даражада қолаверди.

¹ Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезду Советов Узбекистана. 1929—1930 гг. Тошкент, 1931, 11-бет.

² Уша жойда.

Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиш лозимки, 1933 йилда барча колхозлар бўйича фақат 1730 гектар ердагина ёки барча пахта майдонларининг 0,2 фоиздагина экин тракторлар ёрдамида экилди, холос.

Трактор ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш даражаси пастлигининг ҳам сабаблари мавжуд эди. Улар қуйидагилардан иборат: а) малакали тракторчи кадрларнинг камлиги ва уларни ишдан тез бўшаб кетиши; б) тракторчи кадрларни тайёрловчи ўқув юртларида ўқув савиясининг ниҳоятда пастлиги; в) тракторни таъмирлаш сифатининг пастлиги; г) тракторчи кадрлар тайёрлаш ишидаги камчиликлар, тажрибанинг йўқлиги.

1937 йилга келиб жумҳуриятда 163 та МТС иш олиб борди, уларнинг ихтиёрида эса 18267 та трактор, 1080 та комбайн, 1461 та юк машиналари мавжуд эди. Колхозлардаги пахта майдонларининг 99,5 фоизига МТСлар томонидан ишлов берилди.

Аммо бу соҳада ҳали анча камчиликлар мавжуд эди. Жумладан, 1932 йилга келиб пахта майдонларини механизация ёрдамида қайта ишлов беришни 90 фоизга, машиналарда экин экишни эса 70 фоизга етказиш мўлжалланган эди. Афсуски, бу вазифалар бажарилмади: ерларнинг 42 фоизигагина механизация ёрдамида ишлов берилди, экиннинг 8 фоизигагина тракторлар ёрдамида экилди, 3 фоизигагина культивация қилинди. Бу камчиликларнинг энг катта, бош сабаби колхоз, совхоз, МТСларнинг янги техникани ниҳоятда кеч ва суст ўзлаштириб олишида эди. Ўрта Осиё бўйича 1932 йилда мавжуд барча тракторларнинг 60 фоизи, трактор сеялкаларининг эса бор-йўғи 2 фоизигагина ишлади, холос.

Бундан ташқари, пахтачиликда механизацияни ташкил этиб, уни ишлаб чиқаришга жорий қилишда ҳам камчиликларга йўл қўйилди, илмий-тадқиқот ишларига кам эътибор берилди. Жумладан, баъзи илмий ишларда дон экинларида механизациялаштириш тажрибасини шундайлигича пахтачиликда жорий қилиш ҳоллари ҳам учради.

Пахтачиликда янги техникани жорий қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришда Бутуниттифок пахтачилик илмий текшириш институти (СоюзНИХИ)нинг пахтачилик ва беда етиштиришда агротехника ва механизацияни яхшилаш марказий станциясининг (ЦСМАХ) ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. ЦСМАХ 1934 йилгача ВИМЭнинг

Ўрта Осиё филиали сифатида иш олиб борди, шу йилдан эса у қайтадан ташкил этилиб СоюзНИХИ таркибига киритилди.

ЦСМАХ ВИМЭ таркибида бўлган пайтида асосан трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини синаш, тажрибалар ўтказиш, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан шуғулланди. У СоюзНИХИ таркибига кирганидан сўнг эса ҳақиқий тажриба-тадқиқот ишлари олиб борилди.

1933—1938 йилларда ЦСМАХда турли хилдаги 214 машина синаб кўрилди ва шулардан 40 таси оммавий равишда ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.

Биринчи беш йилликда жумхурият қишлоқ хўжалигини юксалтиришга кўпгина маблағ ҳам сарфланди (14-жадвал).

14-жадвал

Қайси мақсадда пул берилганлиги	Капитал маблағ ҳажми, минг сўм				
	1930	1931	1932	1933	Жами
Ирригация	32322,5	49854,5	49523,8	19866,3	151567,1
Ерни тузатиш	1271	3029	3612	2591	11103
Янги ерларни ўзлаштириш	2365,3	4774,3	4247,1	4233,0	15617,2
Совхозлар	12114,7	24430,7	36011,2	10839,1	83295,7
МТС	—	11590,2	14977,4	6980,9	32548,5
Заводлар	—	—	—	—	37918,0
Узоқ муддатли қарзлар	10200	15224,4	27676,6	14228	67329
Жами					400278,5

Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида пахтакор хўжаликлар ва колхозчилар меҳнатини тақдирлаш, уларни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Шу мақсадда 20-йилларнинг охирларидан бошлаб давлат ва кооператив хўжаликлари ўртасида шартнома тузиш тажрибаси катта аҳамият касб этди.

Шартномалар фақат хўжаликлар билан эмас, алоҳида деҳқон хўжаликлари билан ҳам тузилди. Шу мақсадда колхозчилар ва қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрларини рағбатлантириш тадбирларининг амалга оширилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ноҳия кадрлари, қишлоқ хўжалиги ходимлари, агроном, агротехниклар учун 10 минг, 20 минг, 30 минг сўмлик мукофотлар жорий қилинди.

Колхозларни саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам аста-секин йўлга қўйила бошланди. Пойабзал, теридан тикилган кийим-кечаклар биринчи навбатда колхозлар, камбағал деҳқонлар ҳамда ўрта ҳол деҳқонларга берилди.

Пахта маҳсулотларини ўз вақтида давлатга сотган ва режани ортиғи билан бажарган хўжаликлар имтиёзли асосда камёб материаллар олиш имкониятига эга бўлдилар.

Саноат молларининг ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчилар қўлига ўтиб кетишининг олдини олиш ва барча колхозларни камёб товарлар билан таъминлаш мақсадида шу даврдан бошлаб ҳар бир колхозчи оиласига ва яқка хўжаликка бериладиган товарлар миқдори белгилаб қўйилди.

15-жадвал

Товарлар	Колхозлар	Яқка хўжаликлар
Ип газламалар, метр	67	50
Қанд-шакар, кг	9	7
Хўжалик совуни, дона	1,2	1

Колхозчи-деҳқонларни моддий-ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш имконини берди.

1932 йилга келиб Ўрта Осиёнинг пахта экиладиган ноҳияларида ҳаммаси бўлиб 244,1 минг от плуги, 24 минг трактор плуги, 163,6 минг мола, 69 минг сеялка, 5,7 минг трактор культиваторлари бор эди¹.

Ўрта Осиё жумҳуриятларига 148 минг от кучига эга бўлган 10 минг тракторнинг келтирилиши пахтачиликни ривожлантиришда айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, йилига 10 дан ортиқ турда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган «Ташсельмаш» заводининг қурилиши бу даврдаги энг катта ютуқлардан бири бўлди.

Натижада пахтакор ноҳиялар хўжаликларни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашда катта ютуқларга эришилди. Пахтанинг харид нархи ҳам аста-секин орта борди. Агар 1929—1930 йилларда ҳар бир тонна пахта учун 15 сўм 48 тийин пул тўланган бўлса, 1930—1931 йилларда бу рақам 296 сўм 70 тийинга етказилди.

¹ Социалистическая реконструкция хлопководства. М.,—Л., 103-бет.

1930 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча ноҳиялари, хўжаликлари учун ягона баҳо жорий этилди. 1929 йилдан эса паст сифатли пахта ва кўрак учун ҳам харид нархларининг оширилиши, ўз навбатида, бу хом ашё исроф бўлишининг олдини олди. Кейинчалик кўсакнинг харид нархини 3- навли пахта баҳосига тенглаштирилиши ҳам пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини оширди.

Бу пайтда камбағал деҳқонлар ва колхозчилар учун қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича имтиёзлар берилди. Техник экинларга белгиланган солиқ имтиёзлари 1930 йилдан бошлаб пахта маҳсулотларига ҳам тадбиқ этила бошланди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу даврда қишлоқ хўжалик солиқларининг асосий кўпчилиги кулоқ хўжаликлари зиммасига тушди, камбағал деҳқонларга солинадиган солиқлар миқдори эса камайиб борди ва кўп ҳолларда энг камбағал деҳқонлар ундан халос бўлдилар. Масалан, 1929—1930 йилларда жумҳуриятдаги барча деҳқонларнинг 46,5 фоизи шундай солиқлардан озод бўлдилар. Кулоқларга солинадиган солиқ эса, ўз навбатида, ошиб борди (16-жадвалга қаранг).

16-жадвал

Йиллар	Кулоқ хўжаликлари %	Бошқа хўжалиklar %
1929	13,5	86,5
1930	32,5	67,5
1931	66	34

Ҳозиргача партия ва давлатнинг қўллаган бу тадбири қўллаб-қувватлаб келинар эди. Аммо тарихнинг кам ўрганилган бу даврига синчиклаб эътибор бериш натижа-сида шу нарса маълум бўлдики, юкоридаги сиёсат айрим ҳолларда камбағал деҳқон хўжаликларини мустаҳкам-лашда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, аслида бу ерда катта хатога йўл қўйилган эди. Гап шундаки, кулоқ хўжаликларига солинадиган солиқ миқдорининг оширили-ши, ўз навбатида, уларнинг моддий мафаатдорлигини сусайтирар, камбағал деҳқонларда эса хотиржамлик, боқи-беғамлик руҳиятини пайдо қилар эди. Афсуски, 20 — 30- йилларда пайдо бўлган бундай ҳол кейинчалик ҳам сақланиб қолди.

Мамлакатда пахта мустақиллигини таъминлаш ва умуман, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат

томонидан колхоз, совхоз, яккахўжаликларга берилган қарзлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Шу мақсадларда 1927—1928 йилларда жумҳурият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 14406 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 1929—1930 йилларда бу ракам 29570 минг сўмга етди.

Илгариги йиллардан фарқли ўларок, 1929—1930 йиллардаги кредит тизимини ишлаб чиқишда фақатгина иттифок, жумҳурият бюджетигагина эмас, балки маҳаллий ташкилотлар, аҳолининг ўзининг маблағларига ҳам эътибор берилди. Натижада 1930 йилда солиқ режаларини ҳар бир колхоз, хўжаликка етказиш имкониятига эга бўлинди.

Қишлоқ хўжалигида кредитдан тўғри фойдаланишда қишлоқ хўжалиги кооперациясида ўтказилган қайта қуриш катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада илгариги 336 та қишлоқ хўжалик кредит ўртоқликлари ўрнига 84 та ноҳия кредит ўртоқликлари ташкил этилди.

Пахтакорларга берилаётган давлат ёрдами асосан батраklar, камбағаллар, ўрта ҳол дехқонлар, колхозчилар ўртасида тақсимланди. 1929 йил 1 октябридан 1930 йил 1 майигача яккахўжаликларга 2456 минг сўм қарз берилди.

1930 йилда Ўзбекистон қишлоқ қурилиши қўмитасининг ташкил этилиши, колхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустақамланишида айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

Жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш билан бирга қишлоқ, овулларда катта қурилиш ишлари ҳам олиб борилди. Бу мақсадлар учун 1930 йилда 12 миллион сўм маблағ ажратилди. Қурилиш ишларини шу пайтда ташкил топган Қолхоз қурилиш қўмитаси акционерлик жамияти олиб борди.

1931 йил 28 февралда қабул қилинган ҳукумат қарорига асосан агар битта қурилиш участкасида қурилиш қийматининг ҳажми 75 минг сўмдан ошмаса, мазкур иш шу колхознинг ўзи томонидан, агарда иш ҳажми 75 минг сўмдан кўпроқ бўлса, шартнома асосида Ўзбекистон колхоз қурилиши қўмитаси томонидан амалга оширилар эди.

Аммо ҳар иккала ҳолда ҳам «Узколхозстрой» қишлоқлардаги барча қурилиш жараёни устидан техник маслаҳат олиб борди, уларни турли хил лойиҳа, сметалар билан ҳамда ойна, дераза, эшик каби қурилиш материаллари билан таъминлаб турди. *

Жумхурият ҳудудида ўтказилган оммавий-маданий тадбирлар ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилди.

30- йилларда «Қамбағаллар куни», «Пахтакорлар куни», «Қоллективлаштириш учун икки ҳафталик» деб номланган тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда кино, радио қурилмаларидан фойдаланилди, хўжаликларда кўргазмалар ташкил этилар.

Меҳнатқашларнинг ижтимоий ва ижодий активлигини оширишда, айниқса, «Қамбағаллар куни» катта роль ўйнади. Шу куни кулоқ хўжаликларининг от-омочлари билан қамбағал деҳқон хўжаликлари ерини ишлаш ташкил этилар эди.

Шундай қилиб, бу даврда ҳукумат томонидан олиб борилган катта иктисодий-ижтимоий, оммавий-маданий тадбирлар туфайли жумхурият қишлоқ хўжалигида катта силжишларга эришилди. Қўлга киритилган ютуқларда айниқса пахтачиликни механизациялаштириш, экин майдонлари сифатини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш, контрактлаштириш, пахта хом ашёсига дифференциал имтиёзли нархнинг жорий этилиши, пахтакорларга имтиёзли кредит, қарзларнинг берилиши муҳим роль ўйнади.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ — ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларида бўлгани каби пахтачиликда ҳам унинг ҳосилдорлигини оширмай туриб, кўзга кўринарли ютуққа эришиб бўлмайди. Айниқса бу борада селекция ва уруғчиликни ривожлантириш яхши натижалар беради.

20- йиллардан бошлаб селекция станциялари, пахтачиликда янги навларни етиштириш мақсадида ташкил этилган махсус уруғчилик совхозлари катта ишлар олиб борди. Шу пайтдан бошлаб фақат Туркистон пахтачилик селекцияси томонидан тажрибадан ўтказилган уруғларнинг кўпайтириш ва жумхурият хўжаликларига тарқатиш жорий этила бошланди.

Янги навларни кўпайтириш учун уруғчилик совхозларига 140—200 гектардан 4—11 гектаргача ер берилди. 1924 йилда улар 25568 пуд янги пахта чигити етиштирган

бўлсалар, 1925 йилда бу ракам — 150700, 1926 йилда — 205818, 1927 йилда эса 300000 пудга етди¹.

Аммо бу бутун жумҳурият хўжалиқларини етарли даражада уруг билан таъминлаш имконини бермас эди. 20-йилларда киска толали «Навроцкий», «Кинг», «169», «182» навлари кўп экилди.

Пахтачиликда уруғчиликни яхшилаш учун 1924 йилда «Пахта уруғчилик» трести ташкил этилди. Селекционерлар бу даврда «1306», «2005», «2017» пахта навларини етиштириш бўйича иш олиб бордилар.

Қуйида келтирилган жадвалда юқори сифатли пахта уруғининг бошқа навларга нисбатан экин майдонлари билан таъминланиши кўрсатилган² (фоиз).

1923 й.— 1,77	1927 й.— 55,48
1924 й.— 2,47	1928 й.— 88,10
1925 й.— 6,95	1929 й.— 98,0
1926 й.— 25,52	1930 й.— 99,0.

1928 йилга келиб сифатсиз, кам ҳосилли навлар пахта майдонларидан сиқиб чиқарила бошланди.

1928—1933 йилларда узун толали пахта навларини етиштиришга бўлган эҳтиёж айниқса кучайди. Аммо юқори сифатли навларни ўз вақтида етказиб бериш имконининг йўқлиги ҳар хил навли уруғларнинг аралашиб кетишига олиб келди. Шунинг учун ҳам 1930—1934 йилларда ҳосилнинг сифати 1928—1929 йиллардагига нисбатан анча паст бўлди³.

Шунингдек, бу даврдаги пахта навларининг ҳаддан ташқари кўплиги ҳам ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлди. Гап шундаки, табиий шароитлари деярли бир хил бўлган Ўзбекистондек жумҳуриятда пахта навининг ҳаддан ташқари кўплиги пахтакорларни чалғитиши мумкин эди. Фарғона водийси, Сурхон-Қашқадарё воҳаси Хоразм-Қарақалпоғистон, Бухоро-Самарқанд ҳамда Тошкент-Сирдарё учун уларнинг табиий иқлим шароитлари ҳисобга олинган пахта навлари етарли эди. Аммо бу даврда янги навлар сонини оширишга бўлган интилиш пахтачиликни ривожлантиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Жумладан, агар 1925 йилда пахтакор

¹ А. С. Александров. Семеноводство хлопчатника, 11-бет.

² Два года социалистического строительства в Узбекистане. 1929—1930 гг. Тошкент, 1931, 18-бет.

³ Советский хлопок. Стат. Справочник.— Л., 1937, 68-бет.

хўжаликларда ҳаммаси бўлиб 7 та нав экилган бўлса, 1933 йилга келиб бу рақам 73 тага етди¹. 1928—1933 йилларда сифатсизлиги, ҳосилдорлиги пастлиги туфайли 64 та нав экишдан олиб ташланди. Жумладан, ихтиро қилинганидан сўнг бир йилдан кейин 31 нав, икки йилдан кейин 13 нав, 3 йилдан кейин 6 нав, тўрт йилдан кейин 6 нав, беш йилдан сўнг 8 нав ишлаб чиқаришдан олиб ташланди.

Мазкур хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш мақсадида 1934 йилда барча пахта навлари каттик текширувдан ўтказилди. Ҳукумат томонидан чет эл пахтачилик тажрибаси, жумладан уруғчилик тарихини ўрганиш вазифаси қўйилди. Жаҳон пахтачилик тарихини, селекция ишларини ўрганишда академик Н. И. Вавилов томонидан Ленинград шаҳрида ташкил этилган Бутуниттифок ўсимликшунослик институти (ВИР) жуда катта ишларни амалга оширди.

Янги пахта навларини яратиш, уларни тажрибадан ўтказишга Н. И. Вавилов, С. М. Букосова, П. М. Жуковский, Г. С. Зайцев, Ф. М. Мауер, Н. Н. Константинов каби машҳур олимлар жуда катта ҳисса қўшдилар.

Уларнинг ёрдами билан «182», «169», «Наврицкий», «Триумф Наврицкий» навларидан айниқса яхши ҳосил олинди, (17-жадвалга қаранг)².

17-жадвал

Навлар	Хом ашё		Тола ҳосили	
	1926	1927	1926	1927
Завод қоринмаси	100	100	100	100
«Наврицкий»	118	124	136	142
«169»	121	126	122	128
«182»	124	127	136	139
«1306»	127	122	138	141

Ўша пайтда пахтанинг ҳосилдор чет эл навлари ҳам бўлиб, улар ўзбек пахтакорлари томонидан ҳам экиб келинар эди.

Афсуски, 20—30-йилларнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими, «буржуа жамияти»дан тубдан фарқ қилувчи «адолатли жамият» куриш ғояси юқорида зикр этилган пахтанинг чет эл навларини ҳам ўлкамиздан сиқиб чиқарди.

¹ А. С. Александров. Семеноводство хлопчатника, 15-бет.

² А. С. Александров. Семеноводство хлопчатника, 169-бет.

1930 йил 21—24 сентябрларда Тошкентда ўтказилган пахтачиликка бағишланган Бутуниттифок кенгашда селекция ва уругчиликнинг истиқболдаги масалаларининг кўриб чиқилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

1928 йилга келиб мамлакатда пахта етиштириш урушдан илгариги даражага етказилди. Эндиги вазифа етиштириладиган пахта миқдорини янада кўпайтириш билан бирга унинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини халқаро талаблар даражасига етказишдан иборат эди.

Бу пайтда энди Мисрнинг ингичка толали пахта навларини бизда ҳам етиштириш мумкинлигини исботловчи далиллар пайдо бўлган эди. Шунинг учун ҳам 1930 йил баҳорида Мисрдан сакель, ашмуни, загара, пиллион, мелябесса, нахд ва фауд номли ингичка толали пахта уруғлари келтирилди. 1936—1937 йилларда эса юқоридаги Миср навларидан пима ва маарад номли янги навлар олинди. Аммо, бу навлар умуман ҳосилдор бўлса ҳам, толасининг сифати паст ва кечпишар эди.

Кейинчалик эса юқоридаги Миср навларини перу пахта уруғи билан чатиштириш натижасида катта чанокли ва ингичка толали, юқори ҳосилли пахта нави олинди.

Иккинчи беш йилликда эса Миср пахтасини маҳаллий шароитга мослаштириш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқот ишлар натижасида узун толали пахта нави яратилди. Шундай қилиб, 1933—1937 йилларда селекционер олимларимизнинг олиб борган изланишлари туфайли пахтанинг сифати жиҳатидан ҳам чет элга қарамликдан халос бўлинди. Бунда 1929 йилнинг июль ойида Тошкентда ташкил этилган Бутуниттифок пахтачилик илмий-текшириш институти катта ишларни амалга оширди. 12 та зонадаги тажриба станцияси, жумладан Ўрта Осиёдаги 8 та станция бу институт ихтиёрига берилди. Ҳукумат қарорига асосан тупрокшунослик ва геоботаника институтлари ҳам юқоридаги илмгоҳ таркибига киритилди.

Институт ўз ишини муваффақиятли олиб бориши учун барча пахта экиладиган жойларда 61 та таянч пунктлари ташкил этди. Биргина 1931 йилнинг ўзида институт учун 14 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бутуниттифок пахтачилик илмий-тадқиқот институти бу даврда 6 та тажриба станцияси, 5 та тажриба даласи ва 9 таянч пунктларига эга эди. 1940 йил 1 январдаги маълумотларга кўра, СоюзНИХИ да 249 илмий ходим ишлади. 32 қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари, 50 катта илмий ходимлар тадқиқот ишлари билан шуғулландилар.

Пахта мустақиллигини таъминлаш, умуман қишлоқ хўжалиқ соҳасини юксалтириш пахтакор жумҳуриятлар меҳнатқашлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва бирдамликни мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон пахтакорлари Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Кавказorti «оқ олтин» яратувчилари билан ҳам доимо алоқа қилиб турдилар. Ўзбекистон қардош пахтакорларга пахтанинг олий сифатли навларидан уруғ тайёрлаб берди, уларга илмий-тадқиқот ишларини юксалтиришда беғараз ёрдам берди.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг сифатини яхшилашда кимё ва минерал ўғитларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу даврда «Пахта нури» деб номланган минерал ўғит айниқса катта аҳамият касб этди. Бу ўғит ёрдамида пахта ҳосилдорлиги 15 фоиздан 20 фоизгача кўтарилди. «Пахта нури»нинг салмоғи эса ошиб борди (18-жадвал)¹.

18-жадвал

Йиллар	Ўғитланган майдонлар	Ўғитлар салмоғи, тонна
1927	127500	7652
1928	180000	7899
1929	175000	72107
1930	222600	85060

1929 йилда пахтага солинадиган ўғитларни ишлаб чиқариш учун 3343 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 1930 йилга келиб бу рақам 7789 минг сўмга етди.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий ўғитлардан ҳам кенг фойдаланилди. Агар 1939 йилда пахта майдонининг 15,2 фоизида шундай ўғитлардан фойдаланилган бўлса, 1933 йилга келиб бу рақам 60,3 фоизга етди².

Жумҳурият пахта майдонларини минерал ўғитлар билан таъминлашга, ўлкамизда қурилган кимё комбинатлари ҳам катта ҳисса қўшди. Айниқса 1940 йил 6 ноябрда ишга туширилган Чирчик электрокимё комбинатида аммиак селитрасининг ишлаб чиқарилиши катта воқеа бўлди.

¹ Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезду Советов Узбекистана. 1929—1930 гг., 19-бет.

² Статистической справочник по хлопководству. М., 1934, 247-бет.

30- йилларда ўғитларнинг самарадорлигини ошириш- ни ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибаларнинг ҳажми айниқса ошди. 1926—1928 йилларда 121 марта ана шундай тажриба ўтказилган бўлса, 1929—1930 йилларда бу кўрсаткич 524 тага етди. Жумладан 1925—1949 йилларда «Пахтаорол» давлат хўжалигида олиб борилган илмий- тадқиқот ишлари ва махсус ишлаб чиқариш тажрибасида пахта ҳосилдорлиги минерал ўғитларнинг ўртача нормаси асосида ошиб бориши аниқланди.

1932 йилга келиб жумҳуриятимизда 300 минг гектар ердаги пахтани озиклантира оладиган даражада минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Бу борада қилинган ишлар- нинг кўлами шу даражада кенгайиб кетдики, натижада МТСларда агроном-кимёгар деган лавозимни жорий қилишга тўғри келди.

Кимёнинг қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачиликда кенг жорий қилиниши, ирригация ва мелиорация ишлари- нинг такомиллашиши ўз навбатида, пахта ҳосилдорлигини ошириш вазифасини қўйди. Бу вазифани амалга ошириш учун турли усуллардан фойдаланилди. Шулардан бири — алмашлаб экишдир. Бу энг замоний усул ёрдамида пахта билан бирга чорва хўжалигини ҳам ривожлантириш истикболлари очилди. Энг асосийси эса алмашлаб экиш ёрдамида ернинг агротехник аҳволи яхшиланиб, бузилган ерларнинг сифатини тиклаш имкониятлари пайдо бўлди.

Алмашлаб экиш айниқса ер шўрланишининг олдини олиб, вилътга қарши курашда муҳим амалий омил бўлиб хизмат қилди. Айниқса беда алмашлаб экиш ўзининг самарасини яққол кўрсатди. Бу борада айниқса 1917—1919 йилларда Мирзачўл тажриба ҳудудида, 1926—1928 йилларда эса Федченков станцияларида олиб борилган тажрибаларда яхши натижаларга эришилди.

Шу билан бирга 30- йилларда пахта яккахокимлиги кўринишлари ҳам кўзга ташлана борди. Жумладан, 1932 йилда Эски Бухоро (88,7 фоиз), Гиждувон (86 фоиз), Ромитан (85,5 фоиз), Янги Бухоро (85,6 фоиз), Асака (85,4 фоиз), Денов (85,7 фоиз), Қўқон (83,4 фоиз), ноҳия- ларида пахтанинг салмоғи бутун қишлоқ хўжалик экинлари орасида катта ҳажми эгаллади. Умуман 1932 йилда Ўзбекистон жумҳурияти бўйича қишлоқ хўжалиги экинла- рининг 84,6 фоизини пахта ташкил қилди. Натижада беда ва бошқа чорвабоп экинлар миқдори кескин камайиб кетди.

Хукумат энди бу хатони тузатиш мақсадида пахта майдонлари салмоғини аста-секин камайтира бошлади.

Масалан, 1933 йилда Бухоро вилоятидаги пахта майдонлари 85 фоиздан 79 фоизгача камайди. Аммо жумхурият бўйича бу кўрсаткич ҳали жуда юкори эди. Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамай, бу рақам 1932 йилдаги 84,6 фоиздан 1933 йилда 83 фоизгагина қискарди, холос.

Алмашлаб экишни тўғри амалга оширишда жумхуриятнинг ер фондларини янада ошириш, уларда суғориш тизимини йўлга қўйиш билан бирга қаровсиз, ташлаб қўйилган ерларни ўзлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. 1933 йилда шундай ерлардан 61 минг гектари ўзлаштирилди.

Жумхуриятда алмашлаб экишнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги бу ишга алоҳида эътибор беришни талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам, бу пайтга келиб Ўзбекистонда алмашлаб экиш бюроси ташкил топди. 1933 йилнинг ноябридаёқ мазкур бюро 65 та ноҳиянинг алмашлаб экиш бўйича ишлаб чиққан режаларини тасдиқлади. Бюро қарорига асосан жумхурият бўйича 64,2 фоиз ерда беда билан алмашлаб экиш амалга оширилди.

1933 йилда жумхурият ноҳияларида алмашлаб экишни жорий қилиш ва тўпланган тажрибани татбиқ қилиш ишларига 695 нафар кишлоқ хўжалик ходими ва 23 агроном жалб қилинди. Биргина шу йилнинг ўзида Ўзбекистонда алмашлаб экишни жорий этиш учун 7 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу даврда ўсимликларни, жумладан пахтани ҳар хил ҳашаротлардан ҳимоя қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди. Шу мақсадда 1928—1933 йилларда дала-лабораториялар ташкил қилинди. Ўзбекистон шароитида пахта ҳосилдорлигининг ошишига ва умуман пахта экинларининг яхши ривожланишига ўргимчаккана салбий таъсир кўрсатар эди.

Бу ҳашаротлар келтирган зарар туфайли фақатгина 1929 йилда пахтадан 235339 центнер кам ҳосил олинди. Бундан ташқари, ўргимчаккана пахта сифатига ҳамда толанинг мустаҳкамлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун унинг пахтага етказётган зарари бўйича илмий ишлар олиб борилди. Профессор Благовешенский, физиологлар В. А. Боголюбова ва О. Н. Гранитовалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар айниқса яхши самаралар берди.

1929 йили Пахталикўлда ташкил этилган тажриба станциясида ўргимчаккананинг пайдо бўлишидан тортиб

то унинг вояга етиб, ўсимликларга келтирадиган киронига-ча бўлган жараён ўрганиб чиқилди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказий станцияси эса тўпланган тажриба натижаларини пахтакорлар, мутахассислар орасида кенг тарғиб қилди. 1919—1939 йилларда СТАЗРА ходимлари томонидан пахтани зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш йўллари хусусида 135 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп ишлар эълон қилинди.

Натижада 1930 йилда барча зарар кўрган пахта майдонларининг 85 минг гектари зараркунандалардан тозаланди.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг янги навларини етиштириш, пахта тайёрлаш режасини ўз вақтида бажариш, ерни ўз вақтида ва сифатли қилиб экишга тайёрлаш, ернинг агротехник ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишни амалга ошириш — буларнинг барчаси пахтани экиш, уни парвариш қилиш ҳамда ўз вақтида йиғиб-териб олишга бўлган тайёргарликка боғлиқдир. Жумҳуриятда бу тайёргарликка йирик тадбир сифатида қаралди. Бу кўпинча колхозчиларнинг, камбағаллар ҳамда хотин-қизлар кўмиталарининг мажлисларида муҳокама қилинарди.

Шу билан бирга, пахтани териб олиш жараёнига тайёргарлик пайтида кулоқ хўжаликларига алоҳида норма берилар ва уларнинг бажарилиши қаттиқ талаб қилинар эди. Масалан, кулоқларга ўртача нормадан 20 фоиз кўп пахта етиштириб топшириш мажбурияти берилган бўлиб, уни топшириш муддатлари ҳам анча қисқартирилган эди.

Тарих, жумладан Ўзбекистон тарихи ҳам қайтадан яратилаётган ҳозирги шароитда юқоридаги ҳолга тўғри, адолатли баҳо бериш пайти келди. Гап шундаки, кўп меҳнат қиладиган, самарали фаолияти туфайли кўп ҳосил оладиган кулоқлар олдига ҳаддан ташқари қаттиқ талаблар қўйиш жамият обрўйини тушириш билан бирга пахта сифатининг бузилишига ҳам олиб келди. Чунки, жавобгарликдан, масъулиятдан халос бўлмоқчи бўлган кулоқ пахтани пишмасдан, сифати талабга тўла жавоб бермасдан туриб давлатга топширишга мажбур эди. Бу эса, қишлоқ хўжалигида режалаштириш, қўшиб ёзиш, масъулиятдан қочиш каби салбий иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

30- йилларнинг бошларидан бошлаб қишлоқ кенгашларида пахта мавсумини ўтказувчи комиссияларнинг тузилиши, ҳар 10 та хўжалик — оилага жавобгар шахснинг тайинланиши, бизнинг фикримизча, ижобий роль ўйнай олмади.

Бу даврда мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ҳам пахтачиликни юксалтиришга анча салбий таъсир кўрсатди. Шу мақсадда жумхуриятимизнинг барча ноҳия ва вилоятларида мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Масалан, 1931 йилда Наманган ноҳиясида пахта йиғим-терим мавсуми олдидан жамоа хўжалиги ширкати томонидан 60 та ҳисобчилар тайёрланди. Бригадирлар тайёрлайдиган 310 кишилик курслар ташкил этилди. 40 хотин-қизни қабул қилган болалар боғчаси тарбиячилари тайёрлайдиган курс ҳам иш олиб борди. Бундан ташқари, Андижонда ташкил этилган тракторчилар тайёрлайдиган махсус курсларга 214 тингловчи қабул қилинди.

Пахтакорлар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида пахта қабул қилиш пунктлари ҳам пахта далаларига яқин жойларда ташкил этилди. Пахтани ўз вақтида қабул қилиб олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бошқа идораларида ишловчи 300 нафар ҳисобчи ҳам бу ишга жалб қилинди.

МТСлар тармоғининг ошиши, улар моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши натижасида 1931 йили жумхуриятдаги 48 асосий пахтакор ноҳияларда пахта териш ва уни давлатга топшириш машина-трактор станциялари тасарруфига берилди.

Аммо кўрилган барча чора-тадбирларга қарамай ҳосил ниҳоятда кийинчилик билан йиғиштириб олинди. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг 1930 йил 8 декабрдаги қарорига асосан барча колхозлар ва якка хўжаликларга очилмаган кўсақларни ҳам териб, давлат омборларига топширишлари мажбурий қилиб қўйилди. Бундай тадбирлар натижасида пахта ҳосилини давлатга сотиш режаларини бажаришда анчагина ютуқларга эришилди.

Масалан, 1928—1932 йилларда жумхурият бўйича пахта етиштирилаётган майдонлар ҳажми 530 минг гектардан 928 минг гектарга етди¹. Пахта маҳсулотини давлатга топшириш ҳам йилдан йилга кўпайиб борди. Агар 1928 йилда давлат омборларига 520 минг тонна пахта хом ашёси топширилган бўлса, 1932 йилга келиб бу рақам 753 минг тоннага етди. Бу пайтга келиб колхозларга бирлашаётган якка хўжаликлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб борди. Агар 1928 йилда бундай хўжаликларнинг сони 9428 та бўлган бўлса, 1932 йилга келиб уларнинг сони 662473 тага етди.

¹ «Борьба за хлопок» журналы, 1933, № 2—3, 11-бет.

Шунингдек, якка хўжаликлар чорваси ҳам, суғориладиган ерлар ҳам аста-секин бирлаштирилиб, йириклаштирила бошланди. Масалан, 1928 йилдан 1932 йилгача колхозлардаги от, хўкизларни бирлаштириш 0,4 фоиздан 68,1 фоизга ошди. Бу ҳол айнан шу даврдан бошлаб барча якка хўжалик мулклари бирлаштирила бошланганлигидан ёки бошқача сўз билан айтганда, шахсий секторга қарши кураш фақатгина ер учун кураш шаклида эмас, балки уй хайвонлари, от, хўкиз, меҳнат қуролилари учун кураш шаклида ҳам намоён бўлганлигидан дарак беради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрономлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимларини тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Агар 1930 йилда жумҳуриятда 12 та аграр ишлаб чиқариш участкалари бўлган бўлса, 1933 йилга келиб уларнинг сони 419 тага етди. 1933 йилда Ўзбекистонда 455 агроном ва 624 агротехниклар иш олиб борган бўлишларига қарамай, бу мавжуд талабни қондирилмасди.

Бу пайтда ҳукумат органлари томонидан олиб борилган энг асосий ишлардан бири — маҳаллий миллат вакилларида агроном, инженер ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаб чиқаришдан иборат бўлди. 1930 йилдан 1933 йилгача уларнинг сони 75 фоизга кўпайиши бу даврда мазкур соҳа бўйича сезиларли ишлар қилинганидан далолат беради.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда ҳам сезиларли ютуқларга эришила бошланди. Масалан, Қўқон ноҳиясида 1930 йилдан 1933 йилгача ҳосилдорлик 10,4 центнердан 15,6 центнергача ошган бўлса (50,4), бу кўрсаткич Ленинград ноҳиясида 10,4 центнердан 14,7 центнерга, Гиждувон ноҳиясида эса 7,3 центнердан 12,7 центнерга, яъни 72 фоиз ошди.

Айрим хўжаликларда эса ҳосилдорлик даражаси жуда юқори бўлди. Масалан, Наманган ноҳиясидаги «Қизил кетмон» жамоа хўжалигида 25 центнерга, Қўқон ноҳиясидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида 26,3 центнерга етди.

1933 йилдан бошлаб жумҳуриятимизда ингичка толали пахта етиштириш иши кенг авж олди. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон бўйича давлатга ингичка толали пахта топшириш 169 фоизга етди.

Албатта, кўрилган чора-тадбирлар натижасида жумҳуриятимизда умуман пахта етиштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сифатини яхшилашда айрим ютуқларга эришилди. Аммо деҳқонларнинг шахсий ва

моддий манфаатдорлик принциплари бузилганлиги оқибатида айрим кўрсаткичларга эришилганлигига қарамай, 1929—1932 йилларда пахта етиштириш давлат режаси бажарилмади. 1931 йилга келиб эса пахта ҳосилдорлиги кескин камайиб, гектаридан 7,38 центнерга тушиб қолди.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари бўйича пахта ҳосилдорлигини ошириш режаси биринчи беш йилликда ҳаммаси бўлиб 60 фоизга бажарилди, холос.

Ҳосилдорлик камайиб кетишининг бир қанча сабаблари мавжуд эди. Жумладан, давлат режаларини бажариш учун барча хўжаликларда етарли моддий база бўлишига қарамасдан, улардан тўғри, самарали фойдаланилмади. Энг асосийси эса юқори малакали кадрлар, билимли, тажрибали мутахассислар етишмас эди. Бундан ташқари, пахта етиштиришнинг усталари, айниқса тажрибали қулоқлар, ўрта ҳол деҳқонларнинг ташаббуслари кўп ҳолларда чекланар эди. Кўплаб деҳқон хўжаликлари эса трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасининг етишмаслигига қарамасдан янги ерларни ҳаддан ташқари кўп ўзлаштирар, оқибатда улардан самарали фойдаланишда кўп хатоликларга йўл қўйилар эди.

Жумҳурият қишлоқ хўжалигининг 20—30-йилларда паст даражада ривожланишининг сабабларидан яна бири — қулоқ хўжаликлари ва ўртаҳол деҳқонлар тажрибасидан фойдаланилмаганлигидадир. Уларнинг ташаббуси ва интилиши, юқорида таъкидлаганимиздек, партия ва Совет ҳукумати томонидан бўғилди. Бундан газабланган ўша тадбиркор, ишбилармон «қулоқлар»нинг Совет давлатидан норози бўлиши табиий эди. Уларнинг бундай ҳаракатлари оқибатида чигит экиш, масалан, Марҳамат ноҳиясида 16,7 фоизга, Пойарикда 21 фоизга, Қорадарёда 21 фоизга, Жарқўрғонда 38 фоизга тушиб қолди¹. Жумҳурият бўйича бу рақам 1930 йилда 11 фоиз, 1931 йилда 14,8 фоиз, 1932 йилда 9,5 фоиз, 1933 йилда эса 3,5 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, ҳукумат назоратни сусайтириб юборганлиги оқибатида мулкни талон-тарож қилиш, ўғирлик, яшириб қолиш каби ҳоллар ҳам учрай бошлади. Бу ҳол, айниқса, бош пахта қўмитаси аппаратида кенг қулоқ ёйди.

1930 йил июнь ойида мазкур қўмитада каттик текширув ўтказилди. Натижада 28 мутахассис ишдан

¹ «Борьба за хлопок» журналы, 1933, № 2—3, 18-бет.

бўшатилади. Мазкур масалага чуқурроқ қараладиган бўлса, юқоридаги ходимларнинг кўпчилиги асоссиз равишда ишдан бўшатирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, юқорида зикр этилган кўмитанинг режаиктисодий бошқармаси раҳбарияти ҳукумат жумҳуриятда пахта етиштиришга устун даражада эътибор бермай, аксинча, асосий эътиборни мева, сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратиши муҳимлигини таъкидлаган.

Партия ва ҳукумат томонидан юқоридаги (асли тўғри, объектив ҳулоса) фикрнинг хато сифатида баҳоланиши ўша даврда ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий муҳитнинг оқибати, меваси эди.

Пахтачиликни ривожлантиришдаги хато ва камчиликлардан яна бири илмий-тадқиқот ишларининг ниҳоятда суст олиб борилганлиги, қўлга киритилган ютуқлар, тўпланган тажрибанинг эса ишлаб чиқаришга кеч жорий қилинишида бўлди. Кўп ҳолларда амалга оширилган тадбирларда мавжуд имкониятлар, маҳаллий хусусиятлар эътиборга олинмас эди.

Юқорида тилга олинган хато ва камчиликлар ҳукумат томонидан аста-секин бартараф этила бошланди. 1932 йилдан эътиборан пахта ҳосилдорлиги яна оша бошлади, биринчи беш йиллик охирига келиб мамлакатда пахта мустақиллиги таъминланди. 1932 йили эса жумҳуриятимизда 760 минг тонна пахта етиштирилди. Бу собиқ СССРда етиштирилган жами пахтанинг 65 фоизини ташкил қилар эди. Шундай қилиб, кўрилган тадбирлар натижасида 1932 йилга келиб пахта ҳосилдорлигининг пасайиб кетиши каби салбий ҳолга нуқта қўйилди.

1932 йилга келиб Зеленский ноҳияси гектаридан 16,1 центнердан пахта етиштириб, Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича рекорд ўрнатди.

Биринчи беш йиллик охирига келиб Ўзбекистондаги 2000 дан зиёд жамоа хўжаликлари пахта сотиш бўйича режаларини ошириб бажардилар. Марғилон ноҳиясидаги Сталин номли жамоа хўжалиги ҳар гектар ердан 30,5 центнердан ҳосил олди.

1932 йилда жумҳуриятимиз бўйича 14 та пахта етиштирувчи ноҳия ҳам ўз режасини муваффақиятли равишда бажарди.

Аммо шу билан бирга жумҳуриятимизда ҳали қоқок ноҳия, хўжаликлар жуда кўп эди. Жумладан, Жарқўрғон ноҳияси пахта тайёрлаш режасини 43 фоиз, Чирокчи

ноҳияси 58,3 фоиз, Қурама ноҳияси 50 фоизга бажарди холос¹.

Шундай қилиб, жумҳуриятимиз кишлок хўжалигида 20—30-йилларда катта ютуқлар қўлга киритилиши билан бирга хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Кейинги пайтларда айрим матбуот саҳифаларида биз ўрганаётган даврга нисбатан панжа ортидан қараш, шубҳа билан назар ташлашдек ярамас иллат пайдо бўлди.

Биз ҳеч қачон тарихимиздан мазкур даврни олиб ташлай олмаймиз, зеро у — бизнинг тарихимиз. Ахир шу йилларда қанчадан-қанча ютуқларга эришмадик. Масалан, 1933 йилга келиб пахта майдонларининг салмоғи 1929 йилдагига нисбатан 300 минг гектарга ошди. Пахта ҳосилдорлиги эса бир йилнинг ичида 12 фоизга ортди. 1933 йилда жумҳурият 3 миллион пуд пахта етиштирди.

1932—1933 йилларда Ўзбекистонда пахтанинг ингичка толали навларини етиштириш айниқса кенг ривожланди. Шу йили бундай пахта хом ашёсини етиштириш режаси 170 фоизга бажарилди. Бундай мисолларни бошқа соҳалар бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Тарихга ҳолисанлилло баҳо берадиган, адолат юзасидан назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳада эришган ютуқларимиз талайгина эканлиги кўриниб турибди.

Тўғри, бу давр қарама-қаршиликлар, эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш даври ҳамдир. Хато ва камчиликларнинг моҳияти, ҳақиқий сабаби фақат ишлаб чиқариш билан боглик характердаги қийинчиликлардагина эмас, балки ўша даврда шаклланиб келаётган, ўзининг машъум илдизини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларга кенг тарқатиб, мустаҳкамроқ ўрнашиб олаётган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг шаклланаётганлигида эди. Агар бундай тизим шаклланмаганида ва кишлок хўжалиги, жумладан пахтачиликда ривожланиш, тушқунлик каби ҳолларга баҳо берганда субъективизм, синфийлик нуқтаи назаридан қаралмаганида, бошқача сўз билан айтганда, пахта етиштиришга ҳар доим ҳам сиёсий кураш, сиёсат аралашавермаганида — қўлга киритилган ютуқларимизнинг кадри янада баландроқ, салмоқлироқ бўлур эди.

¹ А. Икромов. Итоги 1932 г. и очередные задачи хлопкового 1933 г.— Доклад на февральском Пленуме ЦК и ЦКП КП (б) Уз. «Борьба за хлопок» журналы, 1933, № 2—3. 16—17-бетлар.

**МАМЛАКАТНИНГ ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.
ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҚОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ;
ЮТУҚЛАР ВА ҚАМЧИЛИКЛАР**

Юқорида биз Москванинг ва саноати ривожланган бошқа шаҳарларнинг ўзбек пахтасига бўлган қизиқиши тобора ортиб борганини таъкидлаган эдик. Бу қизиқишнинг бош моҳиятини мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш ташкил қилар эди. Тўғри, Москва бундай мустақилликка эришиш учун ҳеч нарсани аямади; пул, турли хил асбоб-ускуналар, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, техника — буларнинг барчаси ўзбек пахтакорларига жўнатилди. Аммо булар эвазига ўзбек деҳқони ўз эркини, озодлигини аста-секин кўлдан чиқара борди. Ўзбек пахтакори мамлакат пахта мустақиллигини таъминлади, бироқ ўзининг инсоний мустақиллигидан ажрала борди.

Шу ўринда, марказнинг йигирма беш мингчилар ҳаракати тўғрисида бироз фикр юритмоқчимиз. Чунончи, партия Марказий Қўмитасининг 1929 йил ноябрида бўлиб ўтган Пленумида шундай кўрсатма берилган эди: «Индустрия ишчилари шундай бир қудратли резервки, бундан социалистик деҳқончиликни барпо қилувчи раҳбар кадрлар танлаб олиниши лозим. Марказий Қўмита колхозчилик ҳаракатини раҳбар партия кучлари билан системали равишда мустаҳкамлаб боришдан ташқари, яқин ойлар мобайнида колхозларда, машина-трактор станцияларида, группа бирлашмаларида ва шу қабиларда ишлаш учун ташкилий-сиёсий тажрибаси етарли бўлган 25 минг ишчини кишлоққа юбориш зарур, деб ҳисоблайди»¹.

Шунингдек, Пленумда: «Ишчилар синфининг колхозчилик ҳаракатидаги раҳбарлик роли ишчиларни колхозларнинг ва колхоз системасидаги барча звеноларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлик вазифасига дадил кўтариш йўли билан мустаҳкамланиши лозим. Бу нарса колхозчилик ҳаракатини янада юқори даражага кўтаришга ва чинакам социалистик деҳқончиликка тезлик билан ўтишга имкон беради»²,— деб таъкидланган эди.

Афсуски, ҳозиргача бу ҳаракат деҳқонга кўрсатилган энг катта ҳурмат, эҳтиром сифатида баҳоланиб келинди. Бизнингча бу жараёни бошидан охиригача тўла қўллаб-

¹ КПСС резолюцияларда. II қисм, 1954, Ўздавнашр, 731-бет.

² КПСС резолюцияларда. II қисм, 735—736-бетлар.

кувватлаб бўлмайди. Биринчидан, Пленумда кўтарилган масаланинг ўзи хато: агар унга эътибор берилса, марказдан келадиган ишчилар «социалистик деҳқончиликни барпо қилувчи раҳбар кадрлар» сифатида танлаб олинишлари лозим эди. Тарих бизга «ҳар ким ўз кўрпасига қараб оёқ узатиши лозим»лигини исботлаб берди. Москвадан келган автомобиль ишлаб чиқарувчи ёки Уралдан ташриф буюрган металлург ҳеч қачон ўзбек деҳқонига пахтани қандай қилиб парвариш қилиш кераклигини, қачон сув қуйиб, қачон гўзани ягана қилиш кераклигини ёки гўзани қандай чопиқ қилиш лозимлигини ўргата олмаган. Иккинчидан, марказдан келадиган ишчиларнинг ҳаммаси ҳам барчага намуна бўладиган даражада ибратли, тажрибали бўлмаганлар, зеро ўша завод маъмурияти энг яхши ишчиларини ҳеч қачон ўзидан йироққа кетказмаган. Хўш, унда ўлкамизга кимлар келди? Улар асосан, уй-жойга мухтож бўлган, айрим ҳолларда эса дангаса, ишёқмас, ялқов ўрис ишчилари эди.

Енгил ҳаёт излаб келган ишчиларнинг эса саноғи йўқ эди. Шунинг учун ҳам, ўзларини кишлоққа юборишларини сўраб ариза берган ишчиларнинг сони қисқа муддатда режада кўзда тутилганидан анча ошиб кетди. Масалан, Ленинград вилоятида кишлоққа ишга юборишларини сўраб режада кўзда тутилган 4400 киши ўрнига 10000 киши ариза берди. Бешта саноат вилояти бўйича талаб қилинган 22300 киши ўрнига 55400 киши ариза берди. Бутун мамлакат бўйича эса 75 минг, яъни кўзда тутилганидан уч барабар кўп ишчи ариза берган.

Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск, Калинин, Ярославль саноат корхоналари ишчиларидан 433 киши йигирма беш мингчилар сафида Ўзбекистонга юборилган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон бўйича 253 нафар маҳаллий ишчи ҳам кишлоқларга жўнатилди. 1930 йилнинг бошида йигирма беш мингчилар жойларга етиб борган ва ишга киришган эдилар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўлкамизга келганларнинг кўпчилиги ўз мансабига нолайик, тасодифий кишилар эди. Масалан, Ленинграддаги «Знамя труда» заводидан Ўзбекистонга завод газетасининг редактори, ўртоқлик судининг раиси ва цех партия ячейкасининг котиби юборилган эди. Шунингдек, «Трехгорная мануфактура», Фрунзе, Роза Люксембург, Дзержинский номидаги фабрикалардан ҳам шундай «раҳбар ташкилотчилар» келиб, Ўзбекистонда пахтачиликнинг янада «гуллаб-яшнаши» учун «улкан» ҳисса қўшдилар.

Ўзбек кишлокларини «социалистик асосда ривожлантиришда, пахтачиликнинг самарадорлигини оширишда» бошқа шахарлардан келган хотин-кизлар ҳам «фаол» иштирок этдилар. Жумладан, Иваново-Вознесенскдан келган 200 ишчининг 16,5 фоизини хотин-кизлар ташкил этарди¹.

1930 йил кўкламга келиб Қашқадарё округида 91 та йигирма беш мингчи ишлади, шу жумладан 72 киши йирик жамоа хўжаликларида, 12 киши эски йирик жамоа хўжаликларида, 60 киши эса янги ташкил қилинган колхозларда ишлади. Қолганлари ноҳиялар ва округнинг раҳбар органлари таркибига кирган эди.

Россиянинг марказий районларидан келган йигирма беш мингчилар Ўзбекистон меҳнаткашларининг мамлакат пахта мустақиллиги учун курашининг ҳақиқий ташкилотчилари бўлдилар. Масалан, 1930 йилнинг феврилида Тошкент округининг асосий пахтакор ноҳияларида 60 та йигирма беш мингчи ишлади, буларнинг 35 таси Москва корхоналаридан, 25 таси эса Иваново-Вознесенск корхоналаридан келган эди. 16 та йигирма беш мингчи колхоз раиси ва муовинлари бўлиб, қолганлари округ ва ноҳияларнинг колхоз-кооператив ишларига тайинланган эди.

Йигирма беш мингчилар билан ишлашда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, жумҳуриятда 686 та йигирма беш мингчи ишчи, шу жумладан мамлакатнинг марказий районларидан келган 433 ва маҳаллий ишчилардан бўлган 253 йигирма беш мингчи ишлади.

Бевосита колхозларда 182 киши, колхоз-кооператив ташкилотларида 158 киши, округ колхоз-кооператив ташкилотларида 16 киши, машина-трактор станциялари ва трактор колонналарида 4 киши, марказий колхоз-кооператив ташкилотларида 33 киши, партия ва совет ишларида 29 киши ва бошқа ишларда 11 киши ишлади. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳаллий партия,

¹ Ю. С. Борисов. Подготовка производственных кадров сельского хозяйства СССР в реконструктивный период, 73,131- бетлар.

совет ташкилотларининг баъзи ходимлари йигирма беш мингчилардан бевосита колхозларда фойдаланмадилар. «Ўзбекистон колхоз бирлашмаси»да кадрларнинг ҳисоби ёмон йўлга қўйилганлиги сабабли 1930 йил кўкламигача унинг ихтиёрига келган 200 дан зиёд ишчининг каердалиги маълум бўлмай қолди.

Марказдан келган йигирма беш мингчилар тарихи — ўрганилиши лозим бўлган алоҳида муаммо ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ҳаракатни бутунлай қоралаш ҳам мумкин эмас. Чунки бу ҳаракатда ўлкамизга ишэкмаслар билан бирга ниҳоятда инсофли, виждонли, меҳнаткаш ва тажрибали хўжалик юритувчилар ҳам келдилар. Улар бу ерда маҳаллий аҳоли орасидан ўнлаб, юзлаб шогирдлар етиштириб, Ўзбекистоннинг равнакига катта ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга, йигирма беш мингчилар ҳаракати оқибатида Ўзбекистондаги кўплаб қишлоқ хўжалик ташкилотлари, айниқса пахта етиштирувчи хўжалик раҳбарлигига тажрибасиз, бу соҳани бутунлай билмайдиган, ношуд кишилар келиб қолди. Бундай кишилар Ўзбекистонга енгил ҳаёт, осойишта турмуш, уй-жой излаб келган эдилар. Бунинг оқибатида жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликда нохуш ҳодисалар рўй бера бошлади. Тўғри, биз пахтачиликдаги барча нохуш ҳодисаларни йигирма беш мингчиларга боғлаб қўймаслигимиз лозим, зеро бу — катта хатодир. Аслида, камчилик — жамоа хўжаликлари-ни ташкил этишда, қишлоқ хўжалигига нотўғри раҳбарлик қилишда эди.

Тарих сабоқларини ҳаққоний таҳлил этиш бугунги муаммоларни, шу жумладан қишлоқ иқтисодиётини юксалтириш муаммоларини ҳам ҳал этишда ёрдам беради. Ҳозирги кундаги энг муҳим масала — деҳқонга ерга хўжайинлик туйғусини қайтариш, унда ерга меҳр-муҳаббат, эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотишдан иборат. Пудратнинг турли шакллари ҳам, ижара ҳам, қишлоқнинг ижтимоий ривожланиш тадбирлари ҳам ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлаши лозим.

Мамлакатни кооперативлаштириш режасида қайд қилинганидек, қишлоқ хўжалигини техника асосида қайта қуриш тарихий зарурат бўлиб қолган эди. 20- йилларнинг охири 30- йилларнинг бошларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг объектив жараёни ана шу масалаларни кун тартибига қўйди. Парча-парча ерларда ибтидоий

қуруллар ёрдамида майда хўжалиқни юритиш деҳқонларни оғир қўл меҳнатиға маҳкум этар, уларни бир амаллаб кун кечиришларини, меҳнат ва турмушнинг ўша эски шароитлари узлуксиз давом этишини таъминларди, холос. Қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришининг паст даражаси мамлакат умумий иқтисодий ривожланишиға халақит берар, бошланаётган индустрлаштириш, умуман янгица жамият қурилиши йўлиға жиддий ғовлар солар эди. Мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги мавқеи халқ хўжалигининг барча тармоқларини, айниқса саноатни жадал ривожлантиришни қатъий талаб қилар эди. Шу билан бирга мазкур зарурат икки ёки уч йилда ҳар қандай воситалар билан «ёппасиға коллективлаштириш»ни талаб қилмас эди. Сталинчасиға коллективлаштиришни ва қулоқ қилиш компаниясини ўтказиш вақтида деҳқонларға нисбатан кўрсатилган бебошлиқни ҳеч қандай объектив шароитлар билан оқлаб бўлмайти.

Коллективлаштириш тарихи билан боғлиқ масалалар доираси ниҳоятда кенг. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқонларнинг табақалашуви, улар орасида бир томондан қулоқлар ва, иккинчи томондан, батрақлар сақланиб қолганлиги, кооперацияни ривожлантириш, социалистик ўзгаришларнинг йўллари ва суръатлари билан боғлиқ масалалар теварағида партия ички кураши каби кўпгина масалалар шу жумлага кирази.

Ҳар қандай йўллар билан коллективлаштиришни жадаллаштириш соҳасида тутилган йўл Сталин ва унинг теварағидаги кишилар хоҳишини акс эттирарди. Бу хоҳиш деҳқонлар кайфиятини менсимасликка, унинг ўз майда хўжалиғидан воз кечишиға тайёр эмаслигини ва буни истамаслигини назар-писанд қилмасликка асосланар эди. Қишлоқни коллективлаштириш чоғида шошма-шошарлик ва зўравонликка йўл қўйиш мумкин эмаслиги, бундай қилиш ҳалокатға олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги мавжуд принципларға эътибор қилинмади. Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрда эълон қилинган «Буюк бурилиш» мақоласи коллективлаштиришни жадаллаштиришнинг «назарий» асоси бўлди. Мақолада колхозларға гўё деҳқонларнинг асосий, ўртаҳол оммаси кира бошлаганлиги, қишлоқ хўжалигини социалистик принциплар асосида қайта қуриш соҳасида ҳозирдаёқ «ҳал қилувчи ғалаба»ға эришилганлиги таъкидланган эди. Аслида эса ўша пайтда колхозларда деҳқон хўжалиқларининг 6—7 фоизи бўлиб,

бунда кишлок ахолисининг учдан бир қисмидан ортиғи камбағаллардан иборат эди¹.

Сталин ўз мақоласида, деҳқон хўжаликларининг аксарият кўпчилигини коллективлаштириш вазифасини дастлабки беш йиллик мобайнида: асосий ғаллакор районларда икки-уч йил ичида, истеъмомчи минтақада эса уч-тўрт йил ичида ҳал этишни таклиф қилган эди. Иқтисодий жиҳатдан қоқок миллий жумҳуриятларда коллективлаштиришни тугаллаш иккинчи беш йилликка кўчирилган эди. Коллективлаштириш бўйича тузилган комиссия кишлок хўжалик артелини колхоз қурилишининг асосий шакли деб ҳисоблашни, артелда «асосий ишлаб чиқариш воситалари (ер, инвентарь, ишчи, шунингдек маҳсулдор чорва) коллективлаштирилиб, айни вақтда майда инвентарь, майда чорва моллари, соғин сигир ва ҳоказолар деҳқоннинг хусусий мулки бўлган ва деҳқон хонадонининг истеъмом талабларига хизмат қиладиган мазкур шароитни сақлаб қолиш»ни тавсия қилди. Қолхозларда бўлинмас фондлар ва оборот маблағларни ташкил этишнинг конкрет йўл-йўриқлари ва тартиби белгиланган эди. Афсуски, амалий тажрибани эътиборга олиб, кишлокдаги аҳволни озгина бўлса-да, тушуниб қилинган, ҳатто ана шу тавсиялар ҳам четга сурилиб қўйилди. Аслида бу тавсиялар ниҳоятда зарур эди.

30- йилларнинг бошларида кишлокда энг камбағал деҳқонларнинг аҳволи айниқса қийин эди. Уларда от-улов бўлмаганлиги сабабли ҳатто ерга эга бўлсалар-да, хўжаликларини мустақил юрита олмас, кишлокдаги бадавлат табақалар, айниқса қулоқларга ниҳоятда қарам бўлиб қолган эдилар. «Эркин ерга эркин хўжайин бўлиб ўтириш» соҳасидаги тажрибалар уларнинг яқка ўзлари қашшоқлик ва қарамликдан қутула олмасликларини равшан кўрсатган эди. Қишлоқнинг ана шу қисми мушкулликдан чиқиш йўлини бирлашишда деб биларди. Шунинг учун ҳам улар ёппасига коллективлаштиришни ҳам, қулоқларни тугатишни ҳам фаоллик билан қўллаб-қувватладилар.

Маълум моддий-техника базасига, тажрибага эга бўлган қулоқлар синфига қарши қаттиқ кураш бошланди, уларнинг мавжуд барча имтиёзлари ҳам тортиб олиниб, ҳуқуқлари поймол этила бошланди. ВКП(б) Марказий

¹ Совет жамияти тарихи саҳифалари: фактлар, муаммолар, одамлар. Тошкент: «Ўқитувчи», 1991, 254- бет.

Қўмитасининг 1930 йил 30 январда эълон қилинган «Ёлпасига коллективлаштирилган районларда қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарориди қулоқларнинг ишлаб чиқариш воситалари чорва моллари, хўжалик ва уй-жой бинолари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналари ва уруғлик захираларини мусодара қилиш кераклиги таъкидланган эди. Хўжалик мулки ва иморатлар камбағал ва батрақларнинг бадали сифатида колхозларнинг бўлинмас фондларига олиб берилди, маблағларнинг бир қисми қулоқ хўжаликларининг давлат ва кооперациялардан қарзларини узишга сарфланди.

Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қулоқ қилинувчилар уч гуруҳга бўлинарди. «Контрреволюцион актив» — советларга ва коллективлаштиришга қарши чиқишларнинг қатнашчилари биринчи гуруҳга киритилди. Бундайлар камоққа олиниши ва суд қилиниши, уларнинг оила аъзолари эса мамлакатнинг олис ўлкаларига кўчириб юборилиши керак эди. «Коллективлаштиришга қарши фаол чиққан йирик қулоқлар ва собиқ ярим помешчиклар» иккинчи гуруҳга киритилди, улар оилалари билан олис ўлкаларга кўчирилдилар. «Қулоқларнинг қолган қисми» учинчи гуруҳга киритилди. Улар ўзлари илгари яшаган ҳудудлар доирасидаги махсус тураржойларга кўчирилиши керак эди.

Биринчи ва иккинчи гуруҳга киритилган уч минг оиладан иборат қулоқлар Ўрта Осиё ва Кавказорти ҳудудларига кўчирилди.

1988 йил ноябрининг охирларида Олмаотада ўтказилган «Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш» мавзусидаги илмий конференция коллективлаштириш ҳақида ошқоралик билан ўтган дастлабки мунозара эди. Кўпгина қизиқарли докладлар орасида тарихчи Ж. Абилхожин ва демограф М. Татимовнинг Қозогистонга бағишланган маърузалари ҳаммининг эътиборини жалб қилди. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1930—1933 йилларда очарчилик, касаллик ва бошқа маҳрумликлар оқибатида тахминан 1,7 миллион қозоқ халқи талафот кўрган. Бундан ташқари, маъмурий-бўйруқбозлик, қатағонлик авжига чиққан пайтда жумҳуриятдан миллиондан зиёд қозоқ Ўзбекистон, Қирғизистон, РСФСР ва чет элларга кетиб қолган¹.

¹ Совет жамияти тарихи саҳифалари: фактлар, муаммолар, одамлар, 263—271-бетлар.

Бундай холни барча жумхуриятлар, жумладан Ўзбекистон тарихидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Қулоқларни синф сифатида йўқ қилиш кайфияти Ўзбекистонда ҳам жуда кучли бўлди. Оқибатда, пахта ишини яхши билган деҳқонлар (қулоқлар), тажрибали пахтакорлар йўқ қилиб юборилди. Масалан, Икромов, Янгиқўрғон, Мирзачўл, Янгийўл ва Зеленский ноҳияларида 1930 йил 9 апрелга келиб 416 та биринчи гуруҳга, 89 та иккинчи гуруҳга ва 157 та учинчи гуруҳга кирган қулоқ хўжаликлари тугатилди. Биринчи гуруҳга кирган қулоқ хўжаликларидан 4770 гектар ер, 305 та кишлоқ хўжалик қуроллари, 1239 бош иш ҳайвони, 22784 бош қўй ва сигир мусодара қилинди. Қулоқ қилинган хўжаликлардан 63 таси Бухоро округига ва 44 таси Орол денгизи бўйларига кўчириб юборилди. Ўзбекистонда қулоқ қилинган деҳқон хўжаликлари ҳеч қаердан нажот топа олмадилар, улар (тадбиркор, тажрибали деҳқонлар) халқ кўзи олдида халқ душманига айлантирилдилар, расмий ҳукумат томонидан муҳофаза қилинмадилар. Шунинг учун ҳам улар ўз бойликлари: чорва моллари, от-уловлари, меҳнат қуроллари оғли равишда ишдан чиқара бошладилар.

1930—1931 йилларда бой ва қулоқлар Украина ва Сибирга кўчириб юборилди. Ана шу давр ичида Ўзбекистоннинг 54 ноҳиясидан жами 6877 та қулоқ хўжалиги кўчириб юборилди, 1930—1933 йилларда Ўзбекистонда 40 мингдан зиёдрок бой ва қулоқ хўжалиklarининг мол-мулки мусодара қилиниб, улардан 31,7 мингтаси қатағон қилинди.

1931 йилнинг 1 сентябридан 20 ноябригача Фарғона водийсининг 24 та ноҳияси бўйича давлат сиёсий органлари томонидан 386 «душман элемент» қўлга олинди. Буларнинг 330 нафари қулоқ, 18 нафари ўрта ҳол деҳқон, 16 нафари савдогар, 10 нафари совет ходимлари эди. Шу давр ичида ҳуқуқ органлари томонидан — 683, жумладан 306 қулоқ, 77 ўрта ҳол деҳқон, 96 камбағал деҳқон, 14 колхозчи, 4 руҳоний, 23 савдогар ва 18 совет ходими қўлга олинди. ОГПУ ва Ўзбекистон Адлия Халқ Комиссарлиги органлари томонидан 1931 йил 1 сентябрдан 20 ноябригача бўлган давр ичида 1039 киши, шу жумладан 605 қулоқ қамоққа олинди.

Ўша пайтдаги расмий сиёсат «пашшадан фил ясаш»ни ниҳоятда усталик билан ўзлаштириб олган эди. Оқибатда, юқори лавозимда турган амалдорлар истагига қарши

чиққан ҳар қандай одам — у хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ оддий деҳқон бўлсин — қулоқ қилиниш эҳтимоли бор эди. Масалан, Қува ноҳиясидаги 48 та колхоздан 137 раҳбар, жумладан 27 раис, 4 котиб, 21 бригада бошлиғи, 40 ҳисобчи ва жамоа хўжалиғи бошқармаси аъзоси, 40 хўжалик мудирини «халқ душмани»га айлантирилдилар. Улар ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қулоқлар, бойлар, савдогарлар, реакцион руҳонийлар, кўрбоши ва бошқа ёт элементларга бўлиндилар. Риштон, Пойарик, Паттахисор, Қуйи Чирчиқ ва жумҳуриятнинг бошқа ноҳияларида ҳам ана шундай фактлар «топилди». «Қулоқ қилиш», «ёт элементларни» излаб топиб, уларни жазолаш жумҳуриятимизда анча чуқур илдиз отди. Масалан, Қосон, Яккабоғ, Чироқчи, Шахрисабз ноҳияларида текшириш ўтказилиб, 369 киши, шу жумладан 24 ок гвардиячи, 79 қулоқ, 34 амир амалдори, 32 реакцион руҳоний, 12 босмачи, 58 савдогар, 130 ёт элементлар «фош этилди».

Биргина 1932 йилнинг ўзида минглаб кишилар жамоа хўжаликларидан ҳайдалди, шулардан 3550 (506 колхоз раиси, 756 колхоз правлениеси аъзоси, 425 жамоа хўжалиғи бошқармаси котиби, омборчи, ҳисобчи, хўжалик мудирини, бригада бошлиғи ва хоказолар) нафари эса қулоқ деб эълон қилинди¹.

Қулоқларни қидириб топиш ва уларни халқ душманига айлантириш шу даврда партия ва совет органларининг энг муҳим вазифаларига айланди. Шу мақсадда Адлия Халқ Комиссарлиғи, Ўзбекистон Олий суди ва Олий суд аъзоси ҳуқуқига эга бўлган халқ судьялари, прокурорлардан тузилган 9 та бригада Андижон, Фарғона, Самарканд, Бухоро, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент округларига юборилди.

1929 йилга келиб, қулоқларга қарши курашиш, уларнинг бой моддий базасини, тажрибасини инкор этиш ўз таъсирини кўрсатди: шу йили пахта режаси 72,5 фоизгагина бажарилди, холос. Шунинг учун ҳам 1930 йил 1 январда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва жумҳурият Халқ Комиссарлари Кенгаши махсус қарор қабул қилди. Унда қуйидагилар кўрсатилган эди: «1. Хусусий шахслар ва ташкилотларга пахта, ғўза билан, хунар-мандга момик ва пахта ипи билан савдо қилиш, шунингдек пахтани тола ажратадиган машинада қайта ишлаш тақиқлансин.

¹ «Борьба за хлопок» журналы, 1932, № 2—3, 19-бет.

Ушбу қарорни бузишда айбдор бўлган кишилар жиной жавобгарликка тортилсин»¹.

Шу билан бирга ҳукумат мамлакатда коллективлаштириш сиёсатини ҳам тезроқ амалга ошириш учун кураш олиб борди. Афсуски, бу курашда бир қанча хато, камчиликларга йўл қўйилди. 1930 йилнинг бошларида ВКП(б) Марказий Қўмитаси жойларга кўрсатма юбориб, йўл қўйилган оғишларни қоралади. Ўрта Осиёга юборилган телеграммада иктисодий жиҳатдан қоқоқ музофотларда ёппасига коллективлаштиришга йўл қўйиш керак эмаслиги кўрсатилди. Бироқ 1930 йилнинг кўкламидан яна ёппасига коллективлаштирилган ноҳияларни «барпо этиш» ҳаракати бошланиб кетди. Кекса деҳқонларни колхозга мажбуран киритиш ҳоллари содир бўлди.

Жумҳуриятимизда коллективлаштириш жараёнида ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан ҳам бошқачароқ муносабатда бўлинди. Уларнинг ҳам турмуш ва меҳнат шароитлари анча оғир бўлиб қолган эди. Ўрта ҳол деҳқонларнинг кўпчилиги майда хўжалик имкониятларининг чекланганини англай бошладилар. Аммо хўжалик юртишнинг коллектив шаклига ўтиш учун улар ўзлари одатланган турмуш тарзини тубдан ўзгартиришлари керак эди. Шу сабабли улар орасида шубҳа ва иккиланишнинг бўлиши муқаррар эди. Ана шундай қадам қўйишга аҳд қилишдан аввал, улар жамоа хўжалиги афзалликларининг амалий, яққол далилларини кўришни, ўзлари, мажбур қилинмасдан, ўз манфаатларига мувофиқ тарзда турмушнинг янги шаклларини қуриш имкониятига эга бўлишни истар эдилар. Аммо ўрта ҳол деҳқонлар кўплаб имтиёзлардан, айниқса, камбағал деҳқонлар фойдаланадиган ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Масалан, Қашқадарёда ўрта ҳол деҳқонлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Уруғлик фондани йиғиш вақтида уларни қулоқлар рўйхатига киритдилар. Шу тариқа улардан олинадиган бадал миқдори кўпайтирилди. Қитоб кишлоқ шўроси вакили аҳоли ўртасида тушунтириш ўтказиш чоғида, ақалли бир кунга бўлса ҳам ташқаридан ишчи кучи ёллаган киши қулоқ деб ҳисобланади, деб огоҳлантирди.

¹ «Узбекистанская правда» газетаси, 1930 йил 3 январь.

Фарғона округида эса жамоа хўжаликларини факат батраклар ва камбағаллардан ташкил этишга уриниб кўрилди. Ўрта ҳол деҳқонларга: «Ўз жамоа хўжалигининг тузингиз», деб таклиф қилинди. Бундай ўта сўлларча оғишлар деҳқонларнинг кўпчилигини ташкил этувчи ўрта ҳол деҳқонларни жамоа хўжалиги ҳаракатидан четлаштириши мумкин эди, холос. Бу эса кулоқларнинг манфаатларига жуда мос бўлиб тушар эди. Ўрта ҳол деҳқонлар кулоқлар рўйхатига тушиб қолмаслик учун мавсумий ишчиларни ёлламадилар, ўзлари эса ишни уddалай олмай, охир-оқибатда пахта тайёрлаш режасини бажаролмай қолар эдилар¹. Натижада деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам катта зарар кўра бошлади. Деҳқонлар чорва молларини умумлаштирилишини хоҳламаганликлари сабабли ҳатто дўқ-пўписага ҳам қарамай, молларини сўя бошладилар. Бу эса энди давлатдан жамоа хўжаликларини мустаҳкамлашни, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни талаб қиларди. Таъкидлаб ўтилган вазифаларни бажаришда 20- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб тузила бошланган машина-трактор станциялари (МТС) катта роль ўйнади. Жумҳуриятимизда жамоа хўжалиги тузилишининг биринчи босқичида МТСлар қурилиши учун 100 минг сўм пул маблағи ажратилди. МТСлар энг аввало пахтакор ўлкаларда, биринчи навбатда Фарғона водийсида тузилди. МТСларнинг ташкил топиши, пахтачилик ишларини асосан механизациялаштириш натижасида қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда сезиларли ютуқларга эришилди. Масалан, 1930 йили МТСлари бор ноҳияларнинг 67 фоизидан коллективлаштириш иши олиб борилган бўлса, МТСлари йўқ жойларда эса бу рақам 32 фоизни ташкил қилди. Бу нисбат кейинчалик ҳам сақланиб қолаверди².

Жамоа хўжаликлари моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, МТСларнинг ташкил топиши — жумҳуриятда пахтачиликни юксалтириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берди. Натижада 1932 йилги кўкламги экиш кампанияси 1931 йилдагига нисбатан яхши ўтди. 1931 йил 25 апрелгача барча экин майдонларининг 66 фоизидан биринчи чопиқ ўтказилган бўлса, 1932 йилнинг ана шу даврида 85 фоиз экин майдони чопиқдан

¹ Б. Минбаев. Кооперация: ўтмишда ва ҳозир, 54- бет.

² История развития хлопководства в Узбекистане.— Тошкент, «Фан», 1983, 44- бет.

чиқарилди. 1931 йилдагига нисбатан 10 фоиз кўп ерга машина ёрдамида чигит экилди. Шу нарса характерлики, МТСлар хизмат кўрсатган ноҳияларда коллективлаштириш тез суръатлар билан борди. Жамоа хўжалиklarини ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш уларни йириклаштиришга кўмаклашди. Буни 19-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

19-жадвал

Район	Колхозлардаги хўжалиklarнинг ўртача сони				
	1928	1929	1930	1931	1932
Тошкент воҳаси	11,5	15,1	72,9	85,9	80,3
Фарғона водийси	15,4	18,9	49,2	28,7	71,2
Зарафшон массиви	11,5	11,7	45,1	54,8	61,9
Жануби-ғарбий районлар	16,9	17,3	77,8	65,5	65,2
Хоразм	10,3	10,4	50,2	54,0	68,1
Жами	13,9	16,0	52,6	66,2	67,7

1930 йилдан бошлаб жамоа хўжалиги ва давлат сектори бўйича пахта ҳосили 45,9 фоизга ошди. Бирок, 1933 йилгача Ўзбекистон пахта тайёрлаш давлат режасини бажармай келди. 1932 йилдан бошлаб пахта етиштириш асосан пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилди, 1932 йилда пахта ҳосили 9,1 фоиз, 1933 йилда эса 10,7 фоиз ошди. Бирок, шунга карамай ҳукуматнинг пахтакор ноҳияларда беш йилликнинг охирига бориб пахта ҳосилдорлигини 40 фоизга ошириш тўғрисидаги кўрсатмаси бажарилмай қолди¹.

Пахта тайёрлашда социалистик секторларнинг нисбати ва бу секторларда пахта ҳосили (йигим-теримининг йиллик якунига нисбатан фоиз ҳисобида) қуйидагича бўлган (20-жадвал).

20-жадвал

Секторлар	Йиллар				
	1928	1929	1930	1931	1932
Совхозлар	0,5	1	2,3	3,6	3,3
Колхозлар	2,2	5,7	24,1	69,8	81,6
Якка хўжалиklar	97,3	93,3	73,3	26,6	15,1

¹ Известия ЦК ВКП(б), 1929 йил 25 август, 14—18-бетлар.

Ўзбекистон ва бошқа пахтакор жумҳуриятлар кишлок хўжалигида колхоз тузумининг ғалабаси 1932 йилдан бошлаб чет элдан жуда кўп миқдорда пахта келтиришга барҳам берди. Чет элдан фақат узун толали Миср пахтасининг етишмайдиган қисмигина келтирилди, холос.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан 20—30-йиллар мамлакатда пахта мустақиллигини таъминлашда муҳим босқич бўлганлигини кўриш мумкин (21-жадвал).

21-жадвал

Мамлакатда етиштирилган пахтанинг чет элдан келтирилган пахтага нисбати

Йиллар	Мамлакатда етиштирилган пахта		Чет элдан келтирилган пахта			
	минг тонна ҳисобида	фоиз	минг тонна ҳисобида	фоиз	минг тонна ҳисобида	фоиз
1924—1925	89,5	42,3	122,0	57,6	211,5	100
1925—1926	163,0	01,3	102,6	38,6	265,6	100
1926—1927	168,6	54,9	138,2	45,6	306,8	100
1927—1928	209,0	59,04	145,9	40,9	354,9	100
1928—1929	253,4	66,6	126,8	33,3	380,2	100
1929—1930	262,4	80,7	62,7	19,3	325,1	100
1930—1931	312,0	92,2	27,7	7,8	339,7	100
1931—1932	371,6	92,2	31,2	7,7	402,8	100
1932—1933	384,9	94,9	20,5	5,0	405,4	100

Жумҳуриятимизда майда деҳкон хўжаликлари аста-секин камайиб, уларнинг ўрнига механизациялашган йирик хўжаликлар вужудга кела бошлади. 1939 йил бошига келиб 9539 та жамоа хўжалигига 662473 та хўжалик бирлашган эди. Коллектив хўжаликларнинг ялпи салмоғи 1928 йилги 1,1 фоиздан 1932 йилга келиб 74,9 фоизга етди, пахтакор ноҳияларда эса 83,4 фоизга етди.

1928 йилдан 1932 йилгача пахта экиладиган майдонлар 530 минг гектардан 928 минг гектарга кенгайди. Жамоа хўжаликларда умумлаштирилган ишчи ҳайвонларнинг ялпи салмоғи 1928 йилдаги 3455 бошдан 1932 йилда 331785 бошга етди. Колхозларда суғориладиган ерларнинг салмоғи ана шу давр ичида 1,6 фоиздан 83,5 фоизга етди. 1932 йилда Ўзбекистондаги мавжуд 77 та МТС да 2809 та

трактор бор эди. МТСлардаги тракторлар 1932 йили 358 минг гектар ерни, пахта етиштирувчи давлат хўжаликларда эса 85 минг гектар ерни шудгор қилди. 1930 йилдан 1933 йилгача ўтган давр мобайнида жумҳуриятда 12568 минг сўмлик қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари сотилди.

1932 йилга келиб мамлакат пахта мустақиллиги таъминланди. Собиқ иттифоқ бўйича пахта етиштиришда Ўзбекистоннинг ялпи салмоғи 65 фоизни ташкил қилди. 1932 йилга келиб жумҳуриятда пахтанинг асосий қисми жамоа хўжаликларида етиштирилди. Экин майдонининг сўнгги 15,5 фоизигина яққа хўжаликлар қўлида қолди, холос.

1929 йили собиқ СССР бўйича 823349 тонна пахтанинг 549568 тоннаси Ўзбекистонда етиштирилган бўлса, 1932 йилда етиштирилган 1216617 тонна пахтанинг 758044 тоннаси жумҳуриятимизда етиштирилди.

1928 йилда мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжининг 66,8 фоизи, 1932 йилда эса 94,8 фоизи ички имкониятлар ҳисобига қондирилди. 1932 йили 1913 йилдагига нисбатан 70 фоиз кўп пахта етиштирилганига қарамай, пахта муаммоси ҳали тўла ҳал қилинмаган эди. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ўсиши марказдан туриб бошқарилар, шунинг учун ҳам ўзбек пахтасининг миқдори мамлакат саноат шаҳарларининг ривожланиши билан мутаносиб равишда ўсиб борди.

Кўплаб пахта етиштиришнинг асосий резервларидан бири ҳосилдорликни ошириш эди. Иккинчи беш йилликкача мамлакатда пахтанинг ялпи ҳосили экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ошириб борилган, ҳосилдорлик эса анча паст — 8 центнерга яқин эди. Бунга қишлоқ хўжалигининг қайта қурилаётганлиги, колхозларнинг ҳали заифлиги ва унга раҳбарлик қилишда тажриба етарли эмаслиги, деҳқончилик маданиятининг пастлиги сабаб бўлган эди. Пахтакор ноҳияларда уруғлик чигит етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди.

1935 йилдан бошлаб пахтанинг ўртача харид нархи оширилганлиги ва давлатга режадан ташқари топширилдиган пахта учун мукофот белгиланганлиги пахтакорларнинг пахта ҳосилдорлигини оширишдан моддий манфаатдорлигини кучайтирди. Режадан ортиқ топширилган ҳар бир центнер пахта учун (колхоз гектаридан 6 центнердан ҳосил олиш учун шартнома қилган бўлса) асосий иш ҳақидан ташқари 15 фоиз, гектаридан 6—9 центнергача

хосил олса, 100 фоиз, гектаридан 10—15 центнер хосил олса, 150 фоиз, гектаридан 15 центнердан ошириб хосил олса, 200 фоиз кўшимча ҳақ олди¹.

Октябрь тўнтаришидан кейин ўтган 20 йил ичида Ўзбекистонда экин майдонлари 3 баравар кенгайди, хосилдорлик 1,5 марта, пахтанинг ялпи ҳосили 3,5 баравар ошди. Демак, ўтган 20 йил ичида Ўзбекистонда минглаб йиллар давом этиб келган нисбат бузилди: пахта якка-ҳокимлиги қарор топди. Дон, озик-овқат етиштириш билан боғлиқ бўлган кишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантиришда секинлашиш, айрим вақтларда эса орқага кетиш ҳоллари пайдо бўлди. Айниқса чорвачилик соҳасида катта йўқотишлар рўй берди.

1913 йилда пахта экин майдони 638 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1938 йилга келиб у 2082 минг гектарга етди, хосилдорлик эса 1913 йилда 10,8 центнерни ташкил қилган бўлса, 1938 йилда 15,7 центнерни ташкил қилди. 1938 йилга келиб 2 миллион 690 минг тонна пахта ҳосили олинди. Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг мамлакат ялпи пахта ҳосилидаги улуши 82,5 фоизни ташкил қилди.

30-йилларда жумҳурият кишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашда ҳам бир қанча ютуқларга эришилди. 1937 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда 21 минг трактор, 163 МТС бўлиб, трактор паркиннинг қуввати 312 минг от кучини ташкил қилар эди, пахта майдонининг 99,7 фоизига МТС лар хизмат қиларди².

Олдинги икки беш йилликда саноат ва кишлоқ хўжалигининг муваффақиятли ривожланиши учинчи беш йилликда пахтачиликнинг янада юксалишини такозо қилди. 1938 йили жумҳуриятда 1 миллион 542,5 минг тонна пахта етиштирилди. Бу мамлакатда етиштирилган барча пахтанинг 57,4 фоизини ташкил қилди³.

Биз юқорида 20—30-йилларда Ўзбекистонда пахтачиликнинг умумий аҳволига бир назар ташладик, бу даврдаги қийинчиликлар, камчиликлар, хатолар билан бирга қўлга киритилган ютуқлар хусусида фикрлашдик.

Демак, пахтачиликни ривожлантириш ўзбек халқининг анъанавий кишлоқ хўжалик тури бўлиб қолаверти

¹ Г. Ризаев. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. Тошкент: Ўздавнашр, 1957, 149-бет.

² Социалистическое строительство в СССР, 155-бет.

³ Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет, 1939, 17-бет.

Собик СССР ҳукумати ва собик ВКП(б), унинг маҳаллий ташкилотлари Ўзбекистонда пахта етиштиришга катта эътибор бердилар.

Аммо, бу борада катта хатоларга ҳам йўл қўйилди. Энг аввало, пахта яккаҳокимлиги ўрнатилди, пахта ҳосилдорлигини кўпайтиришда эса асосан экстенсив йўллардан фойдаланилди. Дехқонларнинг пахта етиштиришдан моддий манфаатдорлиги принципи бузилди.

Жумхуриятимизда коллективлаштириш жараёни кўп хатолар билан амалга оширилди, бунда маҳаллий, миллий хусусиятлар эътиборга олинмади. Кўп ҳолларда марказий ҳудудларда қўлланилган шакллар, усул ва услублар ҳеч қандай ўзгаришсиз бизнинг элимизда жорий этилди. Қолхозлар тузишдаги шошма-шошарлик, ҳақиқий вазиятни эътиборга олмаслик оқибатида омманинг нафақат пахтачиликка, балки бутун тузумга бўлган муносабати ўзгарди. Кўриниб турибдики, 20—30-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит ўлка ривожланишини бир неча йиллар орқага суриб юборди.

Мамлакат пахта мустақиллигига эришди. Бирок марказнинг пахтага бўлган иштаҳаси тобора ортиб борди. Ўзбекистон уни таъминлаш учун жон-жаҳди билан курашар эди.

ПАХТАЧИЛИҚДА ТАШКИЛОТЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Октябрь тўнтаришидан олдин Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида малакали кадрлар етишмас эди. Гражданлар уруши ва халқ хўжалигини тиклаш давридаги муаммолар мутахассислар тайёрлашни янада қийинлаштириб юборди. Ҳукумат олдида қишлоқ хўжалиги, шу жумладан пахтачилик учун ташкилотчи-кадрлар: агрономлар, зоотехниклар, колхоз раислари, бухгалтерлар, тракторчилар, механиклар, мироблар тайёрлашдек муҳим вазифа турар эди. Қишлоқ хўжалигини фақат илмий асосда ривожлантириш зарур эди.

ВКП(б) XVI съездининг «Қолхозчилик ҳаракати ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида»ги қарорида қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашнинг асосий вазифалари белгилаб берилди:

«а) колхозчиларнинг ўз ораларидан чиққан кадрларни раҳбарлик ишига кўтариш системасини жорий қилиш; б) совхозлар, дехқон ёшлар мактаблари, олий ўқув юртлари, қишлоқ хўжалик техникумлари, иккинчи босқич

мактаблар ва машина-трактор станциялари ҳузурида кўплаб колхоз кадрлари тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил қилиш; в) колхоз ёшларини кишлок хўжалик олий ўқув юртларига ва техникумларга кенг суратда жалб этиш; г) колхозларда оммавий-сиёсий оқартув ишларини кенг йўлга қўйиш; д) колхозларнинг барча ишларида социалистик мусобақани қизитиб юбориш, шунингдек, колхозларда ишлаб чиқариш кенгашларини ва делегат мажлисларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг ишини кенг йўлга қўйиш; е) колхозларда колхозчи хотин-қизларнинг делегат мажлисларини ташкил қилиш. Бу мажлисларнинг иши шундай қилиб қурилиши керакки, токи хотин-қизларнинг ўзларидан колхоз кадрлари етиштириш ва уларни пастдан юқори кўтариш таъмин этилсин»¹.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1929 йил 9 сентябрда қабул қилган «ЎзССРда пахта агрономияси таълимини ташкил қилиш тўғрисида»ги қароридан пахта агрономияси билимларини амалиётга жорий қилиш, кишлок хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича кенг дастур белгилаб берилган эди. Иқтисодий саводсизликни тугатиш бўйича икки ҳафталик курслар ташкил қилиб, бу курсларда 1929 йил 1 октябрдан 1930 йил 1 мартгача камида 20 минг кишини тайёрлаб чиқариш белгиланган эди². Ўзбекистон Халқ Комиссарлари кенгаши ана шундай курслар ташкил қилиш учун 200 минг сўм маблағ ажратиб, республика Маориф халқ комиссарлиги ва Ер ишлари халқ комиссарлигига бу курсларга, асосан, кишлок активи, батраklar ва ўртаҳол деҳқонлардан ўқувчилар олишни топширди. Курсларни, асосан, йирик кишлокларда, колхозлар ва совхозлар жойлашган кишлок марказларида очиш кўзда тутилган эди. Бундан ташқари, пахтачилик ширкати йўли билан 1000 агрономия вакили, 200 агрокомплекс гуруҳ бошлиғи ва 1000 кишлок хўжалик ишчиси тайёрлаш кўзда тутилган эди. Бунинг учун тажриба станциялари, совхоз ва колхозлар қошида ана шундай курслар ташкил этиш тавсия қилинган эди. Бу курсларни ташкил қилиш учун 400 минг сўм маблағ ажратилган эди³.

¹ КПСС резолюцияларда, III қисм, 1954, Ўздавнашр, 67-бет.

² Бухоро область давлат архиви, 26-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 327-варак.

³ Ўша жойда.

Қишлоқ хўжалиги учун малакали ишчи кучи тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун МТС, округ ва район пахта иттифоқи, трактор устахоналари, совхозлар қошида механизаторларнинг бир ойлик курси ташкил қилиниб, унда 3 минг кишини ўқитиш кўзда тутилган эди.

Бундан ташқари, махсус курсларда агрономия бўйича вакиллар, қишлоқ трестлари бўйича тракторчилар (75 киши) ва бошқалар тайёрланди. Округ пахта иттифоқи орқали ҳам ана шундай кадрлар тайёрланди.

Тошкент округида 200 кишига мўлжалланган колхоз активларини тайёрлаш икки ҳафталик курси, 60 кишига мўлжалланган колхоз ташкилотчиларини тайёрлаш курси, 100 кишига мўлжалланган қишлоқ хўжалик бошлиқлари курси, агрокомплекс районларида 240 кишига мўлжалланган гуруҳ бошлиқлари курси, чигитни кўчириб экувчи ходимларнинг 40 кишилик курслари ишлаб турди. Булардан ташқари, 1930 йил кўкламги экиш компанияси бошлангунча республика курсларида тракторчи механиклар, агротехниклар ўқитилди¹.

Бироқ бу тадбирлар ҳамма жойда ҳам муваффақиятли амалга оширилди, деб бўлмайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлашдаги узилиб қолишларнинг олдини олиш ва мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш мақсадида округ ер бўлимига агрономик саводсизликни тугатиш ва агрономия вакилларини тайёрлаш курсларининг иш сифатларини бир ҳафта ичида текшириб чиқиш ҳамда бундан кейин бу курсларнинг ишини доимо назорат қилиб туриш ва унга раҳбарлик қилиш топширилди. Шу билан бирга, Округ пахта иттифоқига уч кун ичида агрономия саводсизлигини тугатиш ва агрономия вакиллари тайёрлаш курслари раҳбарлари лавозимига ўзбек тилини биладиган кишиларни тайинлаш топширилди. Бундан ташқари, 1930 йил 10 февралгача 20 кунлик курслар учун 240 та ўқитувчи (групповод) тайёрлаш кўзда тутилган эди. Шу билан бирга, Округ пахта иттифоқи рулни бошқарувчи кишиларга бўлган эҳтиёжни беш кун ичида аниқлаши ва трактор олиб келиш режасига мувофиқ қўшимча равишда рулни бошқарадиган кишиларни ва қишлоқ хўжалик бошлиқларини тайёрлашни таъминлаши лозим эди.

Округ пахта иттифоқининг жамоа хўжалик гуруҳига

¹ Статистический справочник по хлопководству НКЗ СССР. Бош пахта бошқармаси. М., 1934, 323-бет.

ғўзани кўчириб экиш ходимларининг 40 кишига мўлжалланган икки ҳафталик курси ва 200 кишига мўлжалланган жамоа хўжалик активлари тайёрлашнинг қисқа муддатли курсларини очиш топширилган эди.

Тошкент округ партия қўмитаси тракторчилар курсларининг ташкилотчилари зиммасига ана шу курсларга хотин-қизларни ҳам жалб қилиш вазифасини юклади. Меҳнат бўлимига 200 кишилик механизаторлар курсларини ташкил қилиш топширилди.

Қабул қилинган қарорларни амалга оширишда кадрлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун партия Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё Бюросининг ташаббуси билан 1930 йил 1 мартда чақирилган Ўрта Осиё кенгаши катта роль ўйнади. Кенгашда беш йилликда кадрлар тайёрлаш, олий ўқув юрти ва ҳунар-техника таълими тизими, кадрлар тайёрлашда курс тадбирларининг тизими, талабалар ва ўқитувчилар орасида олиб бориладиган партиявий-тарбиявий ва сиёсий-оқартув ишлари, ўқитиш усуллари, талабалар моддий аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, кадрлар тайёрлаш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилиши туфайли 1930 йил мартда Бухоро округининг ўнта агрокомплекс пунктларида 10 агроном, 20 агротехник, 50 қишлоқ хўжалик бошлиғи, 150 гуруҳ бошлиғи, ноҳия жамоа хўжалиги иттифокларида эса 8 агроном, 22 участка агрономи, 58 агротехник, 58 агрономлар бошлиғи, 5 иктисодчи ва бошқалар бор эди¹.

1930 йилда агрономия саводсизлигини тугатишнинг турли курсларида мўлжалланган 20 минг кишини ўрнига 35 мингдан зиёдрок киши ўқитилди. Шу билан бирга, оммавий агрономия таълими курсларида 1930 йилда 11 889 агрономия вакиллари, 1879 гуруҳ бошлиғи, 4277 қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашувчи ходим ва 526 қишлоқ хўжалик ишчиси тайёрланди. Бундан ташқари, малакали қишлоқ хўжалик ишчилари тайёрловчи курсларда 2755 тракторчи, 283 трактор механиги, 344 ғўзани кўчириб экувчи ходим, 2870 колхоз ходими ва қишлоқ хўжалик бошлиқлари, 38 чорвадор, 572 қишлоқ хўжалик ишчиси ва 45 темирчи тайёрланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмита-

¹ Бухоро область давлат архиви, 26- фонд, 1- рўйхат, 791- иш, 316- варак.

си бюросининг 1931 йил 5 ноябрда чиқарган «Қолхоз кадрлари етиштириш тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш, қолхозларни мустақкамлаш ва мамлакат пахта мустақиллиги учун курашда муҳим роль ўйнади. 1931 йили республикада қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари, шу жумладан пахтачилик учун 55 281 мутахассис тайёрланди. Ўзбекистон Марказий Қўмитаси кадрларни тақсимлаш бўлими ва республика Қолхозцентри 1931 йил августидан ноябригача 210 кишини ноҳия жамоа иттифоқига доимий ишга юборди. Республика асосий ноҳияларининг жамоа иттифоқлари кадрлар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, 1931 йили Ўзбекистон Матлубот кооперацияси йўли билан 2098 киши тайёрланди, булар орасида ноҳия матлубот бирлашмаси раислари, ходимлар, режачилар, ҳисобчилар, маиший масалалар билан шуғулланувчи ходимлар, савдо ходимлари ва қишлоқ савдоси турли тармоқларининг мутахассислари бор эди.

Эришилган ютуқларга қарамай, қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш сифати ҳали талаб даражасида эмас эди. Масалан тайёрланган кадрларнинг фақат 6 фоизинигина хотин-қизлар ташкил қилар эди. Баъзи бир ноҳия партия қўмиталари раҳбарларининг совуққонлиги оқибатида республиканинг 20 та ноҳиясидагина курслар очилиб, уларда билим олаётганлар сони режада белгиланган ўқувчиларнинг 60 фоизинигина ташкил қилар эди, холос.

Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қўмитаси бюросининг «Қолхоз кадрлари етиштириш тўғрисида»ги қарорида ноҳия жамоа иттифоқини ходимлар сони жиҳатдан мустақкамлашнинг ўзи кадрлар масаласини ҳал қилмайди, деб таъкидланган эди. Шу сабабли СССР Қолхозцентри бошқармаси ва ноҳия партия қўмиталарига ноҳия жамоа иттифоқи раҳбарлари ва ходимларининг тайёргарлик даражасини 1931 йил ноябрь ойи ичида текшириб чиқиш таклиф этилди. Қарорда хотин-қизларни қолхоз ишигагина эмас, балки идора ишига ҳам жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун Ўзбекистон Қоммунистик партиясининг бюроси барча ноҳия партия қўмиталарига 1931 йил 15 декабригача ноҳия жамоа иттифоқи бошқармасига, ёппасига коллективлашган ноҳияларда бошқарув аъзоси ва йўл кўрсатувчилар лавозимларига ухтадан, қолоқ ноҳияларда биттадан хотин-қизларни кўтаришни топширди.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалик, шу жумладан пахтачилик учун кадрлар тайёрлашга доир қарорларини бажариш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширдилар.

Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги режасига мувофиқ 1932 йилнинг биргина III чорагида халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича 6194 кадр тайёрлаш мўлжалланиб, бунинг учун 5415375 минг сўм маблағ ажратилди. Режада қишлоқ хўжалиги учун 70 ҳунар бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган эди.

Республиканинг 78 ноҳиясида 1932 йил июнь ойининг ўзидагина 3463 ҳисобчи, 6379 бригадир, 4890 колхоз раислари ва 3571 ҳисобчи тайёрланган эди. Шунингдек, турли ҳунарлар бўйича режадагидан ташқари 4524 киши тайёрланди¹.

Ер ишлари халқ комиссарлиги, Ўзколхозцентр ва Ўзбектракторцентр каби ташкилотлар 1932 йил ўз тизимлари бўйича 206 минг мутахассис тайёрладилар. Қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш ва ўқитиш жараёнида катта қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди, чунки маҳаллий миллатлардан мутахассислар йўқ, ўқишга жалб қилинганларнинг кўпчилиги саводсиз ва рус тилини билмас эди. Бундан ташқари, бошқа республикалардан ёрдам бериш учун келган мутахассислар эса ўзбек тилини билмас эди. Колхозларда аста-секин фанга, билимга интилиш юзага кела бошлади.

1930 йил 6 декабрда Бош пахта комитети ихтиёрига 105 агроном, 4 иқтисодчи, 13 уруғчи, 4 агротехник, 2 сув хўжалиги мутахассиси ва бошқалар — ҳаммаси бўлиб 167 мутахассис юборилди. Бундан ташқари, Бош пахта комитети муассасаларига 138 дала мудир, 26 уруғчи, 14 селекционер ва генетик, 1 та агротехник, ҳашаротлар бўйича 25 мутахассис, шунингдек 19 инженер-механик, 19 бинокор, 114 техник керак эди.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик ўқув юр்தларининг тармоғини кенгайтиришга катта аҳамият берилди². (22- жадвалга қаранг).

¹ МЛИ Ўзбекистон филиали партия архиви, 58- фонд, 8- рўйхат, 659- иш, 1—5- варақлар.

² Ю. С. Борисов. Подготовка производственных кадров сельского хозяйства СССР в реконструктивный период, 108- бет.

Йиллар	Олий ўқув юртлари		Техникумлар	
	ўқув юртлари сони	талабалар сони (минг киши ҳисобида)	ўқув юртлари сони	талабалар сони (минг киши ҳисобида)
1915	$\frac{7^*}{9}$	7,8	21	4,6
1921	12	7,5	71	6,7
1928	$\frac{30^*}{5}$	25,0	204	29,9
1929	$\frac{31^*}{5}$	26,9	207	32,1
1930	$\frac{38^*}{5}$	34,0	226	28,3
1931	105	44,7	651	114,5
1932	126	57,5	948	147,7
1933	142	62,2	928	150,6

* Каср сурати махсус қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг сонини кўрсатади, маҳражи эса факультет ёки бўлими бор олий ўқув юртларининг сонини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик кадрларига, шу жумладан пахтачилик кадрларига бўлган талаб ўсганлиги сабабли қишлоқ хўжалик таълимини янги шароитларга мослаштириб қайта қуриш зарур эди. Ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг иш сифатини яхшилаш, ёш мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш ва бу жараённи иложи борича тезлаштириш, уларнинг ижтимоий таркибини қайта кўриб чиқиш керак эди.

Инкилобгача бирорта қишлоқ хўжалик ўқув юрти бўлмаган Ўзбекистонда 1928 йилда 7 билим юрти ташкил қилинган бўлиб, унда 1717 талаба ўқир эди. 1933 йилда эса 8 та қишлоқ хўжалик олий ўқув юртида 3082 талаба, 30 та қишлоқ хўжалик техникумида 6388 талаба таълим олар эди¹.

1934 йил октябридаги маълумотга кўра, собиқ СССРдаги ҳамма қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг 14 фоизи Ўрта Осиё ва Кавказорти республикаларида жойлашган эди.

¹ Культурное строительство. Статистик тўплам, М.—Л., 1940, 119—123, 129, 132-бетлар.

1929 йил ноябрида Ўрта Осиё Давлат университетининг инженер-мелиораторлик факультети асосида Ўрта Осиё Пахта ирригацияси политехника институти ташкил этилди. Уша йили Ўрта Осиё Давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультети асосида Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик институти ташкил қилинди. Ўрта Осиё Кон-қидирув институти ва Ўрта Осиё Зооветеринария институти Ўрта Осиё Давлат университетидан бўлиниб чиқди. Кейинчалик у Ашгабадга кўчирилди.

1930 йилда Самарқандда пахтачилик институти, университет ва тиббиёт институти очилди. 1931 йилда Ўрта Осиё Давлат университети, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик институти ва Ўрта Осиё Пахта ирригацияси политехника институти таркибидан Ўрта Осиё тиббиёт институти, Ўрта Осиё пахтачилик институти ва бошқа институтлар ажралиб чиқди. Ана шу йилларда Самарқандда Ўрта Осиё Автомобиль-транспорт ва тош йўллар институти, Тошкентда Ўрта Осиё Транспорт институти, 1931 йилда эса Самарқандда Зооветеринария ва мева-сабзавот институти ташкил этилди.

1930 йил ноябрида Ўзбекистонда иккинчи йирик қишлоқ хўжалик олий ўқув юрти — Ўзбекистон Давлат пахтачилик институти ташкил этилиб, унда пахта агрономияси, ирригация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ветеринария факультетлари бор эди. 1931 йилда ветеринария факультети Зооветеринария институтига айлантирилди. Бу институтда қўйчилик, қорамол ва йилқичилик бўйича мутахассислар тайёрланар эди. 1931 йил охирида Қўқонда Давлат пахтачилик институти ташкил этилди. Бу институт пахтачилик бўйича агрономлар ва режа ходимлари тайёрлар эди.

1931 йили Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик институти асосида Тошкентда Ўрта Осиё ипакчилик институти, Хўжанд (хозирги Ленинобод) да мева-сабзавотчилик институти, Ашгабадда зооветеринария ва Қозоғистонда (Сари оғочда) қўйчилик институтлари ташкил этилди. Ниҳоят, 1932 йилда ипакчилик институти билан пахтачилик институти қўшилиб, Тошкент Қишлоқ хўжалик институти ташкил этилди.

1932 йилда тўқимачилик институти очилди, кейинчалик у механика-технология институти билан қўшилиб, пахта, газмол, пиллага дастлабки ишлов бериш бўйича инженер ва техниклар тайёрлаб чиқара бошлади.

Республикада олий педагогика ўқув юртарининг

тармоғи ҳам тез суръатлар билан ривожланиб борди. 1929 йилгача Ўзбекистонда битта олий ўқув юрти — Самарқанд олий педагогика институти бор эди. 1929 йилда Самарқанд олий педагогика институти Педагогика академиясига айлантирилди. Бу академияда фақат умумий таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрланибгина қолмай, халқ маорифи шохобчалари учун ходимлар ва педагогика техникумлари учун ўқитувчилар ҳам тайёрланар эди. Ўша йили Фарғона ва Бухоро олий педагогика институтлари ташкил этилди.

1932—1933 ўқув йилларида республикада 31 та олий ўқув юрти бўлиб, уларда 12,2 минг киши таълим олар эди¹.

Кейинги йилларда республикада тўқимачилик институти, кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институти, индустриал (ҳозирги Тошкент политехника) институти, молия-иқтисод институти, Тошкентда совет қурилиши ва ҳуқуқи институти ва Самарқандда савдо институти ташкил этилди. Кейинчалик бу институтларнинг баъзилари бирлашди. 1938 йилда Ўзбекистонда 29 та олий ўқув юрти бор эди.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртлар Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун кадрлар тайёрлар эди. Олий ўқув юртлари қошида тайёрлов бўлимлари ва ишчи факультетлари очилган эди.

Республикада илмий-текшириш ишлари ҳам кенг авж олдирилиб юборилди. Биринчи беш йилликнинг бошидаёқ Ўзбекистонда қатор илмий-текшириш институтлари очилди. Улар орасида Ўрта Осиё Ипакчилик институти (САНИЙШ), Ўрта Осиё Ирригация илмий-текшириш институти (САНИИРИ) каби йирик илмгоҳлар ҳам бор эди. 1927 йилда очилган бу институтлар иттифоқ қармоғида эди.

Шу билан бирга, 1930 ва 1931 йиллар давомида Ўзбекистонда ўнлаб янги техникумлар очилди. 1930 йили Самарқандда ирригация ва ер тузиш техникумлари, Андижонда ипакчилик техникуми, Қарши ва Қарманда зооветеринария техникуми, Шаҳрисабзда ғалла техникуми, Бешарик, Қитоб, Ҳива, Мирзачўл ва Каттақўрғонда пахтачилик техникумлари ва бошқа кўпгина техникумлар очилди.

1931—1932 ўқув йилида Ўзбекистонда (31 та педагогика

¹ Культурное строительство в СССР, 1940, 106- бет.

ка ўқув юртидан ташқари) 25 та индустриал-техника, қурилиш, кишлок хўжалик, тиббиёт ва бошқа техникумлар бўлиб, уларда 4,38 минг ўқувчи таълим оларди. Бу ўқувчиларнинг 44 фоизини хотин-қизлар ташкил қиларди¹.

СССР Халқ хўжалиги Олий Қенгаши Раёсатининг 1929 йил 26 сентябрдаги қарори билан республиканинг пахта хўжалигига хизмат қилиш учун Тошкентда Ўрта Осиё политехника институти очилди. Бу институт қошида агрономия факультети, ирригация қурилиши ва ирригация-эксплуатация бўлимлари бўлган сув хўжалиги факультети, колхоз, совхоз ва кооператив бўлимлари бўлган коллектив деҳқончилик факультети, тўқимачилик хом ашёлари тайёрловчи технология факультети, граждан рельсиз йўл қурилиши бўлимлари бўлган қурилиш факультети, конструкторлик, завод ва энергетика бўлимлари бўлган механика факультети, тайёрлов бўлими бўлган ишчи факультети бор эди².

СССР Халқ Комиссарлари Қенгашининг «Ўрта Осиё институти тўғрисида»ги 1930 йил 15 январь қарорига биноан, Ўрта Осиё Давлат институтининг мелиоратив факультети бўлимлари Ўрта Осиё политехника институтига берилди.

СССР Халқ Комиссарлари Қенгашининг «Пахтачилик мутахассисларини тайёрлаш тўғрисида»ги қарориди пахтачилик ташкилотчилари тайёрлашнинг кенг дастури ишлаб чиқилган эди. Ана шу дастурга мувофиқ Ўрта Осиё давлат университетида мустақил пахтачилик факультети очилди. Ўша қарорда РСФСР ҳукуматида мустақил пахтачилик факультети очиш учун чоралар кўриш ва 1929—1930 ўқув йилида биринчи курсга 150 киши қабул қилиб, дастлабки курсга бошқа факультетлар студентларининг бир қисмини, Тбилиси, Ереван, Боку олий ўқув юртлари студентларининг бир қисмини ўтказиш йўли билан уларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш топширилган эди.

СССР Халқ Хўжалик Олий Қенгашига пахтачилик, ирригация ва пахта саноатига хизмат қилувчи агроном ва инженер-техник ходимлар тайёрлаш учун Ўрта Осиё

¹ А. Хушбеков. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки, 51, 59—60-бетлар.

² ЎзССР Марказий Давлат архиви. Р — 473-фонд, 1-рўйхат, 2105-иш, 178-варак.

худудида 1930 йил 1 январдан кечиктирмай олий ўқув юрти очиш, шунингдек Ўрта Осиё Давлат университети қошида ва ЗСФСРдаги қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларидан бирининг қошида қишлоқ хўжалик ўқув юртларини тамомлаган агрономлар учун пахтачилик бўйича олти ойлик курслар ҳам очиш топширилди.

СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг «Пахтачилик мутахассисларини тайёрлаш тўғрисида»ги қарорига биноан, Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларини тамомлаган агрономлар учун пахтачилик бўлими ва вақтинчалик бир йиллик курслар ташкил этилди. Шу билан бирга, Горск, Кубань ва Саратов қишлоқ хўжалик институтларида пахтачилик йўналишидаги кафедралар тузилди. 1929—1930 ўқув йилида бу институтлар пахтачилик бўйича агрономлар тайёрлаб чиқара бошлади.

Тошкент, Бухоро, Чимкент, Байрамали, Хива, Салян ва Агдам қишлоқ хўжалик техникумлари пахтачилик техникумларига айлантирилди. Тошкент, Қарки, Марв, Чоржўй, Ашгабат, Тбилиси, Ереван, Боку ва Ганжада қўшимча пахтачилик техникумлари очилди. Ўзбекистон ва Тоҳикистон ҳукуматларига 1930—1931 йилларда янги пахтачилик олий ўқув юртлари очиш тавсия этилди. Тошкент механика техникумини СССР Халқ хўжалиги Олий Кенгаши (ВСНХ)нинг Бош техника ўқув юртлари Қўмитаси ихтиёрига бериш ва уни пахта саноати учун қайта қуриш мақсадга мувофиқ деб топилди.

СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1930 йил 1 мартдаги қарорига биноан, 1929—1930 ўқув йилида қишлоқ хўжалик техникумларининг капитал қурилиши, шу жумладан Мирзачўл, Жиззах ва Фарғонада ўқув бинолари қуриш учун СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг захира фондидан 1 миллион 750 минг сўм маблағ ажратилди.

Ўрта Осиё ва Кавказorti республикаларининг узоқлигини, шунингдек оғир об-ҳаво шароитини назарга олиб, СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши «Пахтачилик мутахассислари тайёрлаш тўғрисида»ги қарориди махсус пахтачилик факультетларида, ирригация ва механизация олий ўқув юртларида ўқитувчиларнинг иш ҳақини Москванинг ана шундай олий ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг маошига қараганда 50 фоиз оширишни зарур деб топди.

Қарорда пахтакор республикаларнинг ҳукуматларига

педагогика тайёрлов курсларининг барча дастурларига пахтачиликдан дарс бериш масаласини киритиш ва амалий машғулотлар учун бу курсларни намуна-тажриба участкалари билан таъминлаш топширилди. Пахтакор ноҳиялардаги биринчи ва иккинчи босқич мактабларнинг дастурига пахтачилик асоси предмети киритилди. Деҳқон ёшларнинг пахтачилик мактабларини кенгайтириш ҳамда пахтачилик олий ўқув юртлари ва техникумларининг талабаларини биринчи курсдан бошлаб Бош пахта қўмитаси билан шартнома тузиши, бунинг учун 1929—1930 ўқув йили бюджет ва сметасида тегишли маблағ ажратиш кўзда тутилган эди.

СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши пахтакор республикалар ҳукуматларига 1,5 минг кишига мўлжалланган агрономия курслари очишни таклиф қилди. Пахтачилик билан шуғулланувчи идоралар зиммасига пахтачилик бўйича оммабоп адабиётларни қўплаб чиқариш вазифасини юклади.

Пахтачилик ташкилотчилари ва колхоз ишлаб чиқариш активларини тайёрлашда мамлакатимизнинг пахтакор республикаларига, шу жумладан Ўзбекистонга қардош республикалар катта ёрдам кўрсатдилар.

РСФСР ҳукумати 1929 йил 6 октябрда «СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг пахтачилик мутахассислари тайёрлаш тўғрисидаги 1929 йил 25 сентябрь қароридан келиб чиқадиган тадбирлар тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши Тимирязев номидаги кишлоқ хўжалик академиясининг агрономия факультети қошида 1929—1930 ўқув йилидан бошлаб пахта секциясини очиш ва бу секцияга қўшимча равишда 25 киши қабул қилишни зарур деб топди. Маориф Халқ Комиссарлигига пахта секцияси тузиш учун қўшимча қабул қилинадиган талабалардан ташқари, Тимирязев кишлоқ хўжалик академияси агрономия факультетининг биринчи курс талабаларидан 40 кишини ажратиб бериш топширилди¹.

СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1929 йил 25 сентябрь қарорига мувофиқ Тимирязев кишлоқ хўжалик академияси қошида кишлоқ хўжалик ўқув юртларини тамомлаган агрономлар учун 100 кишига

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви, 473- фонд, 1- рўйхат, 2105- иш, 77,170—171- варақлар.

мўлжалланган пахтачилик бўйича бир йиллик курслар очилди. Бош пахта кўмитаси талабаларни ўқитишга кетадиган барча харажатларни (стипендияни ҳам) ўз зиммасига олди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши ўз қарорида Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгашига 1929—1930 ўқув йилидан бошлаб Фрунзе шаҳридаги кишлок хўжалик техникуми қошида 40 ўқувчига мўлжалланган махсус пахтачилик бўлими очишни тавсия этди¹.

Пахта экин майдонининг кенгайтирилиши, хосилдорликнинг ошиши, колхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиши Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кенг кўламда ирригация-мелиорация ишлари олиб бориш ва сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш заруратини келтириб чиқарди. СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг «Сув хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш тўғрисида»ги 1929 йил 25 сентябрь қарорида РСФСР ҳукуматига Ленинграддаги Калинин номидаги политехника институтининг гидротехника бўлимини беш курсдан иборат сув хўжалиги факультетига айлантириш таклиф этилди. Бу факультетнинг асосий вазифаси инженер-ирригаторлар тайёрлашдан иборат эди. Биринчи курсга (1929—1930 ўқув йилида) 100 та талаба қабул қилиш мўлжалланган эди. Ана шу қарорга биноан, 1929—1930 ўқув йилларидан бошлаб Тимирязев кишлок хўжалик академиясининг мелиоратив бўлимига қабул қилинадиган талабаларнинг сони оширилди.

Дон политехника институти қурилиш инженерлик факультети қошида 50 кишига мўлжалланган инженерлик-мелиорация бўлими очилди. Ўрта Осиё давлат университетида ирригация бўлими мустақил ирригация-мелиорация факультетига айлантирилди.

Ўзбекистон ўрта ва олий ўқув юртлари фақат пахтачилик ташкилотчилари тайёрлабгина қолмай, колхоз ишлаб чиқариши кадрлари ҳам тайёрлади. Қисқа муддатли курсларнинг кўпайтирилиши колхозчиларга ва яқка хўжаликларга пахтачилик ва умуман кишлок хўжалик муаммолари бўйича зарур билимлар олиш имконини берди.

¹ Ўша жойда, 173—175-варақлар.

Турли кишлок хўжалик техникумларида ҳам пахтачилик ташкилотчилари тайёрланди. Масалан, Тошкент ва Самарқанд кишлок хўжалик техникумлари йилига 3 мингдан тракторчи тайёрлаб чиқарди. Ўзбекистон пахта комитети ихтиёрига берилган Тошкентдаги пахтачилик техникуми 1930 йил январда кенгайтирилди ва индустриал техникумга айлантирилди. Самарқанддаги кишлок хўжалигини механизациялаш техникумига 1930 йил ноябрда 153 киши, 1931 йил январда 123 киши, 1931 йил сентябрда 199 киши қабул қилинди. Талабалар қабул қилишда уларнинг миллий таркибига катта эътибор берилди. Чунончи, 1931 йилда Бухоро пахтачилик техникумини тамомлаб чиққан 60 талабанинг 42 таси маҳаллий миллат вакиллари эди.

Республика кишлок хўжалигини қайта қуриш бўйича бошланиб кетган катта ишлар туфайли кишлок хўжалик ишлаб чиқаришини янгитдан ташкил қилишга, механизация ва агрономия фани ютуқларини кишлок хўжалигининг турли тармоқларига дадил жорий қилишга қодир бўлган раҳбар кадрлар тобора кўпроқ талаб қилина бошланди. Ана шу мақсадда 1930 йили Самарқандда Ўзбек давлат агротехника институти очилди. Бу институтнинг бешта — пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик-узумчилик, пиллачилик ва лалмикор деҳқончилик бўлимлари бор эди. 1930—1931 ўқув йилида бу институтга 300 киши қабул қилинди. 1932 йили мазкур олийгоҳ Охунбобоев номидаги Ўзбек давлат агроколхоз ўқув комбинатига айлантирилди. Бу ўқув комбинатининг олтита — пахтачилик, боғдорчилик-узумчилик, полизчилик, чорвачилик, пахтачилик, ипакчилик ва палла-шоликорлик факультетлари бор эди. Ўқув комбинати Арабхона ва Ҳазор кишлокларида 50 гектарга яқин суғориладиган ерга эга бўлиб, бу ерларга пахта, шоли, сабзавот, полиз экинлари экиларди, ерларнинг бир қисми мевали дарахтлар билан банд эди.

1932 йили комбинат 87 агроном ва 57 техник тайёрлади; 50 киши йўлланма берувчиларнинг қисқа муддатли курсларини битириб чиқди.

Ўзбек давлат агротехника институти билан бирга республика олий колхоз мактаби ҳам колхоз ишлаб чиқариш кадрларини тайёрлаш билан шуғулланарди. «Ўзбекистон колхоз бирлашмаси» Бошкармасининг «1931 йилда кадрлар тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масалага доир» қарорига кўра республика олий колхоз мактабида бир йиллик ўқув муддати белгиланган эди.

1931 йил сентябридан 1932 йил январигача мактабни таъмирлаш учун 120 минг сўм, асбоб-ускуна ва ўқув қуроллари учун 50 минг сўм маблағ ажратилди¹.

Ўрта ва олий ўқув юртларида тайёрланаётган қишлоқ хўжалик мутахассисларининг сони йил сайин ортиб борди. 1930 йилда бу курсларда 10,9 минг талаба таълим олган бўлса, 1933 йилга келиб уларнинг сафи 25 минг кишидан ошиб кетди. 1939 йилга келиб республикада тугал олий маълумотга эга бўлган 10 минг 869 мутахассис, шу жумладан 1016 агроном, 35 техник ва мол доктори, 1150 иқтисодчи, 2828 нафар турли соҳадаги инженер, 2155 врач ва бошқа мутахассислар бор эди².

Ўрта Осие Коммунистик университети (САКУ) раҳбар кадрларни, айниқса маҳаллий миллат вакилларидан бўлган раҳбар кадрларни тайёрлар эди. 1929 йилнинг бошида мазкур университетнинг асосий гуруҳида 730 студент ва 10 аспирант ўқир эди. Бу ерда матбуот ходимларининг 100 кишига мўлжалланган курси бор эди. САКУнинг сиртқи сектори қошида 800 кишига мўлжалланган таълим бўлими, сиртдан ўқитиб, олий ўқув юртига тайёрлайдиган 300 кишилик бўлим, 200 кишига мўлжалланган маданий-оқартув ходимлари тайёрлаш курслари ва 350 кишига мўлжалланган кечки университети бўлимлари бор эди. Шундай қилиб, САКУ ҳар йили 2500 га яқин раҳбар ходимлар тайёрлаб чиқарди. Университет колхоз ишлаб чиқариши раҳбарларини, пахтачилик ташкилотчиларини тайёрлашда ҳам муҳим роль ўйнади.

1930 йил 21 апрелда колхоз раҳбарларини тайёрлаш учун САКУ қошидаги қисқа муддатли курслардан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Университет бошқармасига курслар кўпроқ кадрлар тайёрлаб бериши учун тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Саноат корхоналаридаги ва қишлоқ хўжалигидаги ишлар билан таниш бўлган кишилар учун 50 ўрин ажратилди.

САКУ талабалари, ўқитувчилари ва аспирантларини Ўзбекистоннинг пахтакор, чорвадор ва ғаллакор районларига ишга юбориш агрономия фани ютуқларини қишлоқ хўжалигига жорий қилиш ва ёйишда катта ёрдам берди.

¹ ЎзССР Марказий давлат архиви. Р — 196- фонд, 1- рўйхат, 117- иш, 16- варақ.

² Ўзбекистан за 15 лет. Тошкент, Ўздавнашр, 1939, 85- бет.

САКУ талабалари, аспирантлари ва ўқитувчиларидан 516 киши 1932 йили экин экиш вақтида партиявий-оммавий ишларни яхшилаш учун республиканинг пахтакор ноҳияларига юборилди.

Республиканинг маҳаллий ҳукумат ташкилотлари пахта йиғим-теримига тайёрланиш жараёнида колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш юзасидан катта тадбирларни амалга оширдилар. Республиканинг барча пахтакор колхозларида пахта йиғим-терими мавсуми бошланишидан олдин кооператив ташкилотлари қошида пахтачилик ташкилотчиларини тайёрлаш курслари очилди. Бу курсларда ўқиш муддати ҳар хил эди. Масалан, Норин ноҳиясида қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлашнинг муддати 5 кундан 2 ойгача бўлган курслари ишлаб турди.

1932 йилги пахта йиғим-терими мавсуми олдиан Бағдод ноҳиясида колхоз правлениесининг 45 нафар раиси, 100 нафар бригадир, 115 табелчи, колхоз савдоси бўйича 30 та мутахассис ва 41 ҳисобчи тайёрланди.

Шунингдек, тайёрлов пунктларининг хизматчилари ҳам тайёрланиб борилди. Биргина Жарқўрғон пахта тайёрлаш пунктининг ўзидан ҳисобчи ходимлар тайёрлаш курсларига 10 киши ва харид пунктлари мудирлари курсига 2 киши юборилди.

Мутасадди ташкилотларнинг самарали ишлари туфайли 1932 йилги пахта мавсуми олдиан республиканинг 44 ноҳиясида 1644 ҳисобчи, 2044 нафар колхоз правлениеларининг раислари, 3486 бригадир, 4561 табелчи, сабзавотчилик бўйича 283 бригадир, колхоз савдоси бўйича 391 мутахассис, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширувчи 81 ходим тайёрланди. 551 ҳисобчи, 48 колхоз правлениесининг раиси ва 451 бригадир қайта тайёрланди. 1932 йил 5 октябрда «Ўзколхозцентр» йўли билан 13 573 киши тайёрланди.

1930 йил январида қишлоқ хўжалик активлари тайёргарлик даражасини ошириш учун ўн кунлик курслар очилди. Бу курсларнинг дастурида сиёсий савод учун 40 соат ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш учун 40 соат ажратилди. Бу курсларга қишлоқ хўжалик кооперациялари ва колхозларнинг қуйи звенолари раҳбарлари жалб қилинди. Уларни ўқитиш ва ўқитувчиларга ойлик тўлаш учун бўладиган харажатларни округ марказидаги кооператив ташкилотлар: Тошкент округининг округ пахта

иттифоқи, мелиорация иттифоқи, кишлок хўжалик банки, дон тайёрлаш идораси, чорвачилик, мевачилик, ипак тайёрлов идоралари ўз зиммасига олди.

Колхозларнинг ўзларида ҳам турли курслар ва университетлар очилди. Булар барча колхозчиларга ҳар қандай шароитда манзур бўлар эди. Масалан, 1932 йил 3 июнда Оғалиқ кишлоғидаги «Зироат» колхози қошида Агроколхоз университети очилди, ўқиш муддати 6 ой бўлган бу университет қисқа муддат ичида бригадир-инструкторлар тайёрлаб чиқариши керак эди. Университетнинг 70 тингловчисидан 10 нафари батрак, 12 нафари камбағал, 48 нафари колхозчи эди. Унда 16 нафар хотин-қиз ўқирди. Тингловчилар ярим кун далада ишлар эдилар. Университет бригадалари бошқа бригадаларга намуна кўрсатар эдилар.

Агроколхоз университетида профком ва деворий газета мухбирлари маркази тузилди, «Ударник» деворий газетаси чиқариб турилди. Шунингдек, университетда сиёсий ва ҳарбий тўғарақлар мавжуд эди.

Университетда ўқишнинг дастлабки уч ойида умумий саводсизлик тугатилар, қолган уч ойида эса махсус фанлардан амалий ва назарий билимлар берилар эди. Университетда ишлаш учун ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, асосан Ўзбекистон Давлат агроколхоз институтининг ўқитувчилари жалб қилинарди.

Кишлоқ хўжалик кадрларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлаш фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва кадрлар танқислигини тезда тугатиш имконини берди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг «Колхоз кадрларини тарбиялаб, тайёрлаш тўғрисида»ги 1931 йил 5 ноябрь қарорига биноан, Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан 1931 йилнинг охиригача чорагида 27 минг ўқувчига мўлжалланган колхоз ёшлари мактаби, 23 минг тингловчига мўлжалланган кечки колхоз университетлари очилди. Қарорда колхоз ёшлари мактаби ва кечки колхоз университетларига камида 20 фоиз хотин-қизларни жалб қилиш кўрсатилган эди.

Колхозларнинг моддий-техника базаси бўш бўлган, кишлок хўжалик машиналари етишмаётган бир шароитда пахтакор колхозларда чорвачиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, чорва моллари туёғини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга эди. Бунинг учун республикага малакали кадрлар зарур эди.

Республика совет ва кооператив ташкилотлари чорвачилик учун ташкилотчи кадрлар тайёрлашда кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. Чунончи, Узколхозцентр правленийсининг 1932 йил 22 мартдаги мажлисида «1932 йилда чорвачилик кадрлари тайёрлаш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди¹.

Узколхозцентр тасдиқлаган режага мувофиқ, бир қанча мутахассислик бўйича, муддати турлича (1 ойдан 9 ойгача) бўлган курслар очилиб, улар 2166 мутахассис тайёрлаб бериши керак эди.

Узколхозцентрнинг қарорида ветеринария фельдшерлари, мой ишлаб чиқарувчи, чорвачилик бўйича назоратчи-ассистентлар тайёрловчи курслар тингловчиларининг камида 75 фоизи маҳаллий миллат вакилларидан, бошқа курсларда эса тингловчиларнинг ҳаммаси фақат маҳаллий миллат вакилларидан бўлиши керак, деб кўрсатилган эди.

Чорвачилик фермаларининг бошқармаларига колхозчи хотин-қизларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилди. Паррандачилик тизимидаги ишларга фақат хотин-қизларни жалб қилиш белгилаб қўйилган эди.

Чорвачилик учун кадрлар тайёрлаш курсларини очишга сарфланадиган маблағлар зоофонд ҳисобидан, курсларнинг ўзи учун сарфланадиган маблағларнинг камида 25 фоизи колхозлар ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган эди.

Колхоз ишлаб чиқариш кадрларини доимо ва узлуксиз мустаҳкамлаб бориш колхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамланишига кўмаклашди.

Бирок колхозчилик ҳаракатини авж олдириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш жараёнида бир қанча хатоларга йўл қўйилди. Чунончи, катта тажрибага эга бўлган пахтакор ва бошқа қатор ходимларни асоссиз ишдан олиш ва судга бериш ҳоллари тез-тез учраб турди. Масалан, Султонобод харид пунктининг мудирини, пахтачиликда 25 йил ишлаган Кожухин гўё шудгорлаш учун нотўғри аванс берганлиги ва ғалла билан нотўғри таъминлаганлиги учун ишдан бўшатишга ва судга берилган. Ғазавот пахта ширкатининг материаллар сақла-

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви, Р — 196- фонд, 1- рўйхат, 135- иш, 131—133- бетлар.

нувчи омбори мудирининг ўринбосари Хўжаев 3 кадок (1 кило 200 грамм) арпани ўғирлашда шубҳа қилиниб, қамокқа олинган. Аслида эса бу 3 кадок арпа ноҳия пахта ширкатининг кўрсатмасига мувофиқ бир деҳқонга берилган эди. Харид пунктининг мудир, 28 йиллик иш стажига эга Белицкий деҳқонлар билан ўз вақтида ҳисобкитоб қилмагани учун судга берилган эди.

Бухоро ва Хоразм округларида ҳам асоссиз равишда ишдан бўшатиш ҳоллари юз бериб турди.

Юқорида келтирилган фактлар айрим тергов, прокуратура ва суд органлари бундай ишларга расмий, айрим ҳолларда жинояткорона бепарволик билан муносабатда бўлганликлари ва уларни ҳар томонлама текширмай, маъмурий органлар берган хабарлар билан чекланиб қолганликларидан далолат беради.

Марказий Назорат Комиссиясининг, Ишчи-деҳқон Инспекцияси Халқ Комиссарлиги ва ЎзССР Юстиция Халқ Комиссарлигининг пахтачилик ходимларини ва бошқа мутахассисларни асоссиз равишда ишдан олиб ташлаш ва жавобгарликка тортиш чидаб бўлмайдиган ҳол эканлиги тўғрисидаги барча идораларга ёзилган хатида ноҳия ижроия кўмиталари ва бошқа ноҳия ташкилотларига «пахтачилик ходимларини ва бошқа мутахассисларни ишдан бўшатиш ва судга бериш масаласини ғоятда синчиклаб кўриб ва эҳтиётлик билан ҳал қилиш: Ишчи-деҳқон Инспекцияси Халқ Комиссарлиги органларига бу ходимларга асоссиз равишда интизом жазоси бериш ва айниқса уларни асоссиз равишда ишдан бўшатиш ҳолларига йўл қўймаслик» ва «пахтачилик ходимларига ҳамда бошқа мутахассисларга эҳтиёткорлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш»¹ таклиф этилган эди.

ВКП(б) Марказий Кўмитасининг «Колхозларни раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 1932 йил 10 май қарорига мувофиқ ноҳия ташкилотларининг, жамоа хўжалиги бошқармасининг аъзоларини ҳар бир айрим ҳолда республика Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ва республика Колхозцентрининг розилигини олмай туриб ишдан бўшатиш тақиқлаб қўйилди.

Бундан ташқари, қарорда Қишлоқ хўжалик артели Низомини қуйидаги пунктлар билан тўлдириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди:

¹ Самарканд область партия архиви, 133- фонд, 4- рўйхат, 2- иш, 27- варак.

Жамоа хўжалиги бошқармалари бир йил муддатга сайланади; колхоз правлениеларини муддатидан олдин қайта сайлашга йўл қўйилмайди. Фавқулодда ҳолларда колхоз правлениелари муддатидан олдин сайланиши ва ҳар бир айрим ҳолда ўлка кооператив ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак, бригадирлар колхоз правлениеси томонидан камида бир йил муддатга сайланади; айрим ҳолларда ноҳия ширкати идораси ва ноҳия ер бўлими тасдиқлагандан кейингина бригадирларни муддатидан олдин ишдан бўшатиш мумкин¹.

Шундай қилиб, кишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш — кишлоқ хўжалигини қайта қуришнинг ҳал қилувчи масаласи, колхоз тузуми ғалабасининг, пахтачиликни тезда тиклаш, янада ривожлантиришнинг ва пахта мустақиллигига эришишнинг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлди.

Ўзбекистонда инқилобгача зиёлилар жуда кам эди, деҳқончилик, шу жумладан пахтачилик агрономия маълумотларисиз олиб борилар эди. Энди эса бу ерда ишчи ва деҳқонлар орасидан янги зиёлилар етишиб чиқа бошлади.

Жамоа ва давлат ишлаб чиқариши, пахтачилик ташкилотчилари кадрларини тайёрловчи ҳамда қайта тайёрловчи кўп сонли курслар, турли хил кишлоқ хўжалик мактаблари, ўрта ва олий ўқув юртлари республика халқ хўжалигига кишлоқ хўжалик, шу жумладан пахтачилик ташкилотчиларининг катта гуруҳини етиштириб берди. Бу курслар чор Россиясининг мустамлака чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистоннинг бу соҳадаги қоқоқлигини тугатишга кўмаклашди.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Гитлер Германиясининг совет давлатига қарши бошлаган ҳужумига ҳам 50 йилдан ошиб кетди. Уруш тўғрисида, унда собиқ СССР нинг кўрган зарари, халқнинг тортган азоб-уқубатлари ҳақида кўплаб китоблар, мақолалар ёзилди, фильмлар яратилди. Урушдан тирик гувоҳ бўлиб

¹ Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и Советского правительства, 1927—1935 гг. 416- бет.

қолган унинг қатнашчилари вайронгарчиликлар, катта талафотлар, хунрезликлар, уруш келтирган йўқотишлар тўғрисида ҳозиргача кўзларида ёш, қалбларида алам билан сўзлайдилар.

Уруш, сўзсиз, мамлакат тараққиётини узок йилларга орқага суриб юборди. Мамлакат иқтисодий механизми ишдан чиқди, энди шаклланиб келаётган ўзаро иқтисодий алоқалар занжирида узилиш содир бўлди. Аммо энг катта йўқотиш — 25 миллиондан зиёд фуқаронинг жанг майдонларида ҳалок бўлганидир.

Уруш фақат рус, украин, белорусь ва жаҳаннам ўтида ёнган бошқа халқлар тарихида эмас, шу билан бирга, ўша пайтда собиқ мамлакат таркибига кирган бошқа халқлар, миллатлар тарихида ҳам ҳеч қачон ўчмайдиган из қолдирди. Бошқача сўз билан айтганда, бу урушда ҳамма баробар, тенг равишда зарар кўрди, қурбонлар берди.

Бу фикрлардан Ўзбекистон ҳам истисно эмас, зеро бизнинг ўлкамиз ўзининг иқтисодий заминига эга эканлиги, меҳнат ресурсларининг етарли даражадалиги ва энг асосийси — бағри кенг ва ҳақиқий маънодаги инсонпарварлик, меҳр-шафқат руҳида тарбияланганлиги учун ҳам, урушнинг барча қийинчиликлари-ю, офат-талафотларини қардошлар билан бирга тортди.

Жумҳуриятимизнинг шаҳар, қишлоқларидаги аҳоли урушнинг биринчи кунлариданок ватан ҳимоясига отланди, ҳарбий комиссариатларга тушган аризалар сони кундан-кунга кўпайиб борди.

Жумҳуриятимиз ташкилотлари, корхоналари, колхоз, совхозларида кишиларни фронтга тайёрлайдиган умумий тайёргарлик бўлимлари ташкил этилади, фақатгина 1941 йил июлидан 1942 йилнинг охиригача бир миллиондан зиёд киши шундай тайёргарликлардан ўтди.

Ўзбекистонда зудлик билан миллий ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил этила бошланди. 1941 йил ноябрь ойидан 1942 йил мартигача жумҳуриятимизда 14 та шундай ҳарбий бўлинмалар ташкил этилди, улар жанг майдонларида жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Москва остоналарида немис-фашист ганданларини тор-мор этишда фаол иштирок этган 44- ва 259-ўзбек миллий кавалерия дивизияларининг қаҳрамонликлари эл орасида дoston бўлди.

Душман томонидан босиб олинган ҳудудларда жойлашган кўплаб саноат корхоналари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонга ҳам кўчириб келтирила бошланди. Масалан,

1941—1942 йилларда жумхуриятимизга кўчириб келтирилган корхоналар асосида 16 та йирик машинасозлик заводлари ташкил этилди.

Завод ва фабрикалардан ташқари яна бир қанча олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ижодий уюшмалар, таниқли олимлар, ижодкорлар, муҳандис ва ишлаб чиқариш ташаббускорлари ҳам Ўзбекистонга келишди. Улар шу ердан туриб душманни тор-мор этишда фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари, улар Ўзбекистоннинг маҳаллий саноат тармоқларини, илм-фан, техникасини юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшдилар.

Уруш мамлакат иқтисодий ривожланишига катта зарба берди. Бу ҳол уруш бўлмаётган ҳудудларда ҳам, жумладан Ўзбекистонда ҳам яққол кўзга ташланди. Жумхурият иқтисодиёти, жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам қатор ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Ўзбекистон аввалгидек ўзининг пахта етиштириш вазифасини бажариши, уни илгаригидан ҳам кўпроқ тайёрлаш йўлларини излаши лозим эди. Иккинчи томондан эса илгари мамлакат марказий ва ғарбий ҳудудларида етиштирилган дон, чорва маҳсулотларини етиштириш, фронтнинг эҳтиёжларини қоплаш ҳам энди асосан Ўрта Осиё зиммасига тушар эди.

Шунинг учун ҳам ҳукумат илгаригидек асосий эътиборни суғориш иншоотларини яхшилаш, ундан унумли ва сифатли фойдаланишга қаратди.

Урушгача бўлган даврда суғориладиган ерларда унча чуқур бўлмаган (0,75—1 метр), асосан захни қочириш учун мўлжалланган зовурлар қурилган эди, уларнинг микдори шўрхокларни йўқотиш имконини бермас эди. Оқибатда ерларнинг аҳволи ёппасига ёмонлаша бошлади. Шўр ерларни тузатиш ва бошқа (озик-овқат) мақсадларда кўплаб шоли экила бошланди. Натижада суғориш ва мелиоратив иншоотлар орасида номутаносиблик вужудга келди, ортиқча ташлама сувлар коллектор-дренажларга оқизилди, уларнинг вазифаси йўқолди, четлари ўпирилди, ер ҳолати кескин ёмонлашди. Ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида кўпдан-кўп янги дренажлар қазииш ва мавжуд коллектор-зовурларни тозалаш ишлари белгиланганлигига қарамай, етарлича назорат бўлмаганлиги сабабли бу ишлар қониқарсиз олиб борилди. Худди шундай бўлишини олдиндан кўра билган ҳукумат умумхалқ ҳашаридан кўр-кўрона фойдаланиш, ҳамма масалаларни халқ ҳаракати ёрдамида ҳал қилиш соҳаси-

даги уринишларнинг олдини олишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда 1941 йилда жумҳурият Олий Кенгаши Раёсати «Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш ҳақида қонун» қабул қилди. Натижада сувдан режали фойдаланиш юридик кучга кирди. Аммо чала ва тўлиқ амалга оширилмаган мелиоратив тадбирлар, етарли маблағ ҳамда бошқа ресурслар кам ажратилганлиги сабабли кўзланган барча режаларни охиригача етказиш имкони бўлмади.

Уруш бўлаётган оғир пайтда мелиорация ишларининг нақадар катта аҳамиятга молик эканлиги очик намоён бўлиб қолди. Бир қанча объектив сабабларга кўра (ишчи кучлари, маблағ, техника етишмаслиги туфайли) ва илгари йўл қўйилган хатоликлар оқибатида (мелиоратив иншоотларнинг ниҳоятда кам қурилганлиги ва уларнинг миқдори, сифати талабга жавоб бермаганлиги) ерларнинг ҳолати кескин ёмонлашди.

1941—1945 йилларда Ўзбекистонда 320 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқди (асосий қисми шўрланди ва ботқоқланиш туфайли), экин майдони 622 минг гектарга қисқарди. Тупроқ ҳолатининг ёмонлашуви унумдорликнинг пасайишига, экин, хусусан пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетишига олиб келди (уруш охирида 1940 йилга нисбатан деярли 600 минг тонна кам пахта олинди). Пахта етиштиришнинг камайишига дон, қанд лавлаги ва бошқа озиқ-овқат экинларининг кўпроқ экилиши ҳам сабаб бўлди, чунки жумҳуриятимизга бир миллионга яқин аҳоли эвакуация қилинган бўлиб, аввало уларни боқиш керак эди¹.

Қишлоқ хўжалигининг тақдири сунъий суғоришга асосланган Ўзбекистонда ирригация иншоотларини ривожлантирмай туриб катта миқдордаги озиқ-овқат ва техник маҳсулотларни олиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам, жумҳурият ҳукумати уруш пайтида вазиятнинг оғирлигига қарамай бу соҳага алоҳида эътибор берди. 1941 йили канал, ариқлар қазиш, уларнинг ҳолатини яхшилаш, суғориш иншоотларини таъмирлашга 144031,7 минг сўм маблағ сарфланди. Шундан 24270,1 минг сўми маҳаллий ресурслар ҳисобига бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

¹ А. Раззоқов. Сув ва ҳаёт, 54-бет.

1941 йилнинг охирига келиб Тошкент, Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона каналлари, Кампирровот тўғонлари қурилиши тугалланиб, ишга туширилди.

Янги ерларни ўзлаштириш, уларда суғориш ишларини бажариш ҳамда экин майдонлари ҳажмини ошириш учун майда ирригация иншоотларини қуришга алоҳида эътибор берилди. Масалан, жумҳурият ҳукуматининг 1941 йил 18 июлдаги қарорига биноан 25 миллион кубометр ҳажмда ирригация ишларини амалга ошириш режаси белгиланди. Унда 1942 йилнинг баҳорига чиқиб, 97290 гектар ерни суғориш ва экин экишга тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Жумҳурият ҳукумати Ўзбекистонда сувга бўлган талабнинг ниҳоятда катта эканлигини эътиборга олиб, суғориладиган ерлар учун ирригация манбаларидан олинadиган сувни тақсимлаш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Масалан, ҳукуматнинг 1942 йил 7 апрелдаги «Шимолий Тошкент каналида тақсимловчи ва суғориш тармоқларини қуриш тўғрисида»ги қарорига асосан шу йилнинг баҳори ва ёзи учун каналдан 7500 гектар ерга сув олиш, жумладан, Тошкент ва Янгийўл ноҳиялари учун 1800 гектар. Чиноз ноҳияси учун 2100 гектар, Тошкент шаҳрининг ёрдамчи хўжаликлари учун 1600 гектар ерни суғориш белгилаб қўйилди¹.

1942 йилга келиб халқнинг шижоатли меҳнати туфайли Сўх — Шоҳимардон, Юқори — Учқўрғон, Шимолий Тошкент каналларини қуриш тугалланди, Рушанбинка — Қоратол ва Косон сув омборлари ишга туширилди. Натижада Ўзбекистонда суғориш тармоқларини такомиллаштириш анча яхшиланди. Пахта билан бирга дон, озик-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот етиштиришда ҳам сезиларли ютуқларга эришила бошланди.

Ҳукуматнинг кўрсатмаларига асосан 1943 йилда фақатгина Бўзсув дарёсида тўртта гидростанция ва Ўрта Осиёда энг йирик, катталиги жиҳатдан мамлакатда учинчи ўринда турадиган Фарход ГЭСини қуриш вазифалари белгиланди.

Уруш пайтидаги иқтисодий аҳволнинг оғирлиги натижасида Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация соҳасида анча муаммолар тўпланиб қолган эди. Айниқса, сув иншоотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни етарли даражада мутахассис кадрлар билан таъминлашда кўпгина қийинчиликлар мавжуд эди.

¹ К. Т. Холмушинов. Совет народных комиссаров Узбекской ССР в годы Великой Отечественной войны. — Тошкент, «Фан», 1984, 79- бет.

Ирригация ва мелиорация ишларининг бутун бир комплексини, унинг самарали механизмини ишлаб чиқмай жумҳурият кишлок хўжалигини юксалтириш умуман мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг 1943 йил 14 апрелда қабул қилган махсус қарорига асосан машина-ирригация-мелиорация станциялари (МИМС) ташкил қилина бошланди. Бу станцияларни тузишдан мақсад мавжуд сувдан интенсив ва режали асосда фойдаланишдан иборат эди. Сувдан фойдаланиш коидаларини бузганлар эса ҳатто юридик йўл билан жазоланишлари белгилаб қўйилди.

Уруш йилларидаги оғир аҳволга қарамасдан Қорақалпоғистонда ҳам ирригация иншоотларини такомиллаштиришда айрим ютуқларга эришилди. 1943 йилгача бу ерда 450 км. дан иборат бўлган 25 та янги канал қурилди, 80 дан зиёд ирригация иншоотларининг ахволи яхшиланиб, техник жиҳатдан таъмирланди. Суғориладиган ерларга чўл зоналардан одамларнинг кўчиб ўтиши натижасида дехқончилиқни янада ривожлантириш истикболлари кўрина бошлади. Масалан, 1941—1942 йилларда Томди ноҳиясидан 8 та колхоз Хўжайли ноҳиясиги кўчиб ўтди, улар 2867 гектар ерни ўзлаштирдилар. Шуманай массивига эса Хўжайли ноҳиясидан тўртта колхоз, Қўнғирот ноҳиясидан бешта колхоз кўчиб ўтди. Натижада 50 минг гектар янги ер ўзлаштирилди ёки 1940 йилдагига нисбатан экин майдонлари 39 фоизга ошди. Тўрткўл, Қипчок, Қўнғирот, Хўжайли, Тахтақўпирноҳияларида экин майдонлари 2,5 баробар кенгайди. Шунинг учун ҳам жумҳуриятнинг бошқа районларига қараганда Қорақалпоғистонда экин майдонларини кенгайтиришда анчагина ютуқларга эришилди¹.

Афсуски, жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари ҳам ана шундай ютуқларга эриша олмаётган эди. Вилоятларда ютуқлар билан бирга йирик камчилик ва хатолар ҳам бор эдики, булар жумҳурият кишлок хўжалигини ривожланишига кескин зарба берар эди. Бу хато ва камчиликлар жумҳурият ҳукуматининг 1944 йил 17 апрелдаги «Ирригация ва мелиорация соҳасидаги камчиликлар тўғрисида ва уларни бартараф этишнинг тадбирлари ҳақида»ги қароридан очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Асосий камчилик сув ресурсларини оширган ҳолда ундан тўғри фойдалана

¹ «Советская Каракалпакия», 1944 йил 22 апрель.

олмасликда, кўп ҳолларда суғориш тармоқларининг носозлигида эди. Булардан ташқари ернинг ботқоқланиши ва шўрланишига қарши курашга ниҳоятда кам эътибор бериларди. Бу камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим эди:

— сувдан қаттиқ тартиб асосида фойдаланиш ва сувдан фойдаланиш интизомини мустаҳкамлаш;

— мавжуд суғориш ва коллектор-суғориш тармоқларини доимо соз ҳолатда сақлаш ҳамда уларнинг техник аҳволини яхшилаш;

— ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш, улардан фойдаланишда механизациянинг роли ҳамда аҳамиятини ошириш;

— сув хўжалиги ташкилотларини раҳбар кадрлар ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, янги кадрлар тайёрлашга, айниқса маҳаллий миллат вакилларида ирригатор ва мелиораторлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий кенгашлари қошида колхознинг сувдан фойдаланиши масалалари бўйича алоҳида комиссия ташкил этилди. Колхознинг сувдан фойдаланиш режаси маҳаллий сув хўжалиги ташкилотлари томонидан тасдиқлангандан кейингина кучга кирган. Агар колхоз сувдан фойдаланиш тартиб-қоидаларини бузса, сув хўжалиги ташкилотлари мазкур колхозга сув беришни тўхтатиб қўйиш ёки камайтириш ҳуқуқига эга эдилар.

Уруш йилларидаги оғир аҳволга қарамай, ирригация иншоотларини соз ҳолатда сақлаш, экин майдонларини сув босишдан сақлаш, табиий офатларнинг олдини олишга катта эътибор берилди. Шунинг учун ҳам 1941—1945 йиллар мобайнида ҳукумат мазкур масала юзасидан учта қарор қабул қилиб, уларда ернинг музлаб қолиши, ирригация иншоотларини сув босиб қолишининг олдини олиш учун эҳтиёт чораларини кўриш тадбирларини белгилаб берди.

Ирригация иншоотларини қуриш эса, ўз навбатида, экин майдонлари ҳажмининг кўпайишига олиб келди. Фақат 1940—1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистонда суғориладиган ерлар ҳажми 560,8 минг гектарга ошди. 1941—1945 йилларда ҳашар йўли билан 149,6 миллион кубометр ирригация ишлари амалга оширилди. Колхозчилар эса шу вақт ичида ўзларининг 64 миллион сўм пулларини

ирригация иншоотлари курилишига сарфладилар, курилишларда эса 8,7 миллион ишчи куни бажарилди¹.

Албатта, бу борада қилинган ишлар ҳажми урушдан аввалги даражадан анча паст эди. Бирок шундай оғир шароитга қарамай, ҳукумат томонидан ирригация ва мелиорация соҳаларига бунчалик кўп миқдордаги маблағнинг сарфланиши кишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликнинг ниҳоятда катта стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ирригация иншоотлари ва суғориш тармоқлари куришнинг авж олдирилиши, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бўлган интилиш, энг аввало, Ватанни мудофаа қилиш манфаатларидан келиб чиқарди, зеро пахта — факатгина кийим-кечак эмас, шу билан бирга ўқ-дори, озик-овқат ҳам эди. Шунинг учун ҳам пахта уруш даврида ҳам кишлоқ хўжалигида асосий ўринни эгаллаб қолаверди.

Аммо жумҳурият пахтачилигини ривожлантириш олдида катта қийинчиликлар турар эди. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Энг аввало уруш туфайли бу соҳага сарфланадиган маблағ анча камайди. Иккинчидан, мамлакатнинг марказий шаҳарларидан ўлкамизга трактор, машина ва бошқа кишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарнинг келтирилиши уруш оқибатида тўхтаб қолди. Учинчидан, кишлоқ хўжалиги мутахассис кадрлари, колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС ходимлари оммавий равишда фронтга кета бошладилар. Оқибатда жумҳурият кишлоқ хўжалигида оғир аҳвол юзага келди.

Уруш жумҳурият кишлоқ хўжалиги тузилишига ҳам ўзгаришлар киритди: асосан пахтачиликка асосланган Ўзбекистон деҳқончилигида дон, қанд лавлаги, пилла, сабзаёт ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳам асосий ўринни эгаллай бошлади. Аммо шунга қарамай пахта ўзининг яққаҳоқимлигини сақлаб қолаверди.

Уруш бошланганига қарамасдан, Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги 1941 йилда яхши натижаларга эришди. Масалан, давлатга 1645,7 минг тонна ёки 1940 йилдагига нисбатан қарийб 200 минг тонна кўпроқ пахта топширилди, ҳосилдорлик гектар бошига 17,7 центнерга етди, давлат режаси 106 фоизга бажарилди. Жумҳурият бўйича 1941 йил июль ойи охирларида 1940 йилнинг шу

¹ К. Т. Холмушинов. Совет народных комиссаров Узбекской ССР в годы Великой Отечественной войны. Тошкент, «Фан», 1984, 81-бет.

давридағига нисбатан давлатга уч ҳисса кўп ғалла, 12051 тонна пилла топширилди.

Аммо уруш туфайли бу натижаларни янада ошириш лозим эди. Жумҳурият бўйича 1941 йилги пахта режаси бажарилган бўлса-да, Андижон, Наманган вилоятлари бу ишни анча чўзиб юбордилар. Самарқанд ва Бухоро вилоятлари эса давлат режасини бажара олмадилар.

Ҳукумат уруш ҳолатини эътиборга олиб ва ғалаба манфаатларидан келиб чиққан ҳолда 1942 йилда катта мақсадларни кўзлади. Масалан, экин майдонлари ҳажмини 521800 гектарга кўпайтириш, суғориладиган ерлар миқдорини эса 347900 гектарга ошириш вазифалари белгиланди.

Биз юқорида уруш туфайли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимида кескин ўзгаришлар рўй берганини, пахта билан бирга дон экинлари, энг аввало буғдой экишга алоҳида эътибор берилганини таъкидлаб ўтган эдик. Шунинг учун ҳам, 1942 йилдан бошлаб ўлкада кўпроқ ғалла экила бошланди. Агар 1941 йилда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 5,5 миллион центнер дон етиштирилган бўлса, 1942 йилга келиб бу рақамни 15 миллион центнерга етказиш мўлжалланди. Шунингдек, 1942 йилда асосий экин бўлган пахтани ўтган йилдагига нисбатан 14,5 фоизга ошириш белгиланди.

Бу вазифалар уруш шароитида, бизнинг иқтисодий ресурсларимиз ниҳоятда қисқарган, мутахассис кадрларимиз эса фронтда бўлган бир вақтда бажарилиши лозим эди. 1942 йилги давлат режасига асосан колхозлар бўйича 872,4 минг гектар ерга, совхозлар бўйича эса 45,1 минг гектар ерга чигит, 1915,3 минг гектар ерга дон — ғалла экиш режаси белгиланди. Узок йиллардан сўнг биринчи марта шу йили дон — ғалла экиш чигит экишга нисбатан кўпроқ ерни эгаллади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Агар 1941 йилда ҳар гектар ердан 17,7 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 1942 йилга келиб ҳосилдорликни колхозларда — 19,5, совхозларда эса 25 центнерга етказиш вазифаси белгиланди.

Уруш туфайли мамлакатнинг марказий шаҳарларидан Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонга минерал ўғитларнинг келтирилиши тўхтаб қолди. 20—30-йиллардаги «марказга тортишлик» сиёсатининг салбий оқибати натижасида жумҳуриятимизда бундай ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналар йўқ эди. Шунинг учун ҳам, энди барча диққат-

этиборни ички имкониятлардан фойдаланишга қаратиш лозим эди. 1942 йилда жумҳурият колхоз ва совхозларига 8 миллион 85 минг тонна маҳаллий ўғит — гўнг ташиб келтириш вазифасининг белгиланиши ҳам юқоридаги вазиятдан чиқишнинг энг асосий йўлларида бири эди.

Бу пайтдаги энг асосий вазифалардан яна бири — жумҳуриятдаги мавжуд машина-трактор паркidan унумли фойдаланиш эди, зеро уларни марказдан келтириш, юқорида қайд этганимиздек, тўхтаб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1942 йилда уларнинг фойдали иш коэффициентини 10—15 фоизга ошириш вазифаси белгиланди. МТСлардаги тракторлар эса 6 миллион гектар ерда иш бажаришлари лозим эди.

Биз юқорида санаб ўтган вазифалар ниҳоятда оғир вазиятда бажарилиши табиий эди. Жумҳуриятда фронтдан қолган барча эркакларни ва саноат соҳасида ишламаётган кишиларни қишлоқ хўжалиги соҳасига жалб қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори юқоридаги вазифани амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ хўжалигидаги асосий оғирлик хотин-қизлар, болалар ва кексалар зиммасига тушар эди.

Жумҳурият аҳолисини, унинг бутун куч-ғайрати ва диққат-этиборини пахта етиштиришни кўпайтиришга қаратишда 1942 йил 18—20 январда бўлиб ўтган жумҳурият пахтакорларининг иккинчи қурултойи катта аҳамият касб эди. Кўпроқ ҳосил олиш борасида Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Арманистон билан мусобақалар бошланиб кетди.

1942 йилнинг баҳоридаги экин экиш компанияси ниҳоятда оғир шароитда ўтди. Унга жамиятдаги оғир аҳвол ва урушгина эмас, айти шу йилги табиатнинг инжиқликлари ҳам сабаб бўлди. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, бу ишлар амалга оширилди. Экин экиш пайтида ҳар бир бригадада беш кунлик режалар белгилаб олинарди. Кўп жойларда чигит қўл билан экилар ва кўчат қилинарди. Илғор хўжаликларда 4—5 марта чопиқ қилинди, 5—6 марта трактор ёки от билан культивация қилинди.

Суғориш ишларига алоҳида аҳамият берилди, маҳаллий ўғитларни ташиш учун махсус аравалар қурилди, уларни кўчат тагига солиш учун эса икки сменали ишлар жорий қилинди.

Вазиятнинг оғирлиги, колхозчи-деҳқонларнинг етиш-

маслиги, оби ҳаво шароитининг ниҳоятда паст келганлиги оқибатида ҳукумат бир қанча кўшимча чора-тадбирларни кўришга мажбур бўлди. Шунинг учун ҳам 1942 йил 13 апрелдан бошлаб колхозчиларнинг энг кам иш куни 60—100 кундан 150—200 кунга етказилди, колхозчилар оиласидаги ўсмирлар учун эса бу кўрсаткич 50 кунни ташкил қилди¹.

1942 йил январидан МТСлар қошида тузила бошланган сиёсий бўлимлар пахта ҳосилини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш учун кўрилган тадбирлардан яна бири бўлди. Сиёсий бўлимлар МТСларнинг фойдаланилмаётган ички резервларини излаб топишда, трактор-машина парки ишининг самарадорлигини оширишда катта амалий ишларни бажарди. Бундан ташқари бу сиёсий бўлимлар кенг меҳнаткаш омма орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди, кишиларга уруш пайтида пахтанинг айниқса катта аҳамият касб этишини ишонарли далиллар билан тушунтириб берди.

Ҳарбий вазиятнинг мураккаблигига қарамай суғориладиган экин майдонлари кенгайиб борди ва 1942 йилда ўтган йилга қараганда 346,6 минг гектарга кўпайди. Янги ерларни ўзлаштириш натижасида 1942 йилда ҳам (ғалла ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларининг миқдори кўпайганига қарамай) пахта экиладиган ерларнинг умумий ҳажмини сақлаб қолишга эришилди.

Аммо уруш шароити, оғир аҳвол ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Масалан, 1942 йилда ҳукуматнинг кўрган тадбирларига қарамасдан Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриясидаги барча экин майдонларининг 19 фоизигина тракторлар билан шудгор қилиниб, ҳайдалди, холос. Бунга 1941—1942 йилларда жумҳуриятдаги трактор ва машиналар катта қисмининг фронтга жўнатилгани сабаб бўлди.

Минерал ўғитларнинг бошқа жумҳуриятлардан келтирилиши камайиб кетганлиги оқибатида 1942 йилда экин экиладиган 52 минг гектар ер ўғитланмади. Бу пайтда иш ҳайвонлари (от, хўкиз) қишлоқ хўжалигидаги асосий куч эди. Энг катта муаммолардан яна бири — қишлоқ хўжалигини мутахассис кадрлар билан таъминлашдан иборат эди.

¹ История развития хлопководства в Узбекистане, Ташкент, «Фан», 1983. 50-бет.

Урушнинг биринчи ойларидаёқ фақатгина Қорақалпоғистон бўйича ноҳия ва жумҳурият даражасидаги 813 раҳбар фронтга жўнаб кетган эди. Буларнинг ҳаммаси жумҳурият кишлок хўжалигини юксалтиришга туғанок бўлар эди. Бирок шунга қарамадан, кишлок хўжалигини, жумладан пахтачиликни юксалтиришда катта ютуқларга эришилди. Меҳнаткаш халқ эртанги кунга ишонч билан яшаб ўзининг йиллик, ойлик, кунлик нормаларини ошириб бажарар эди.

Биргина 1942 йилда Қорақалпоғистон бўйича 68 та ирригация тармоқлари қурилди. Шу ҳисобига янги очилган 65 минг гектар ерга экин экилди. 1942 йилга келиб жумҳурият пахтакорлари 1940 йилдагига нисбатан кўпроқ пахта ҳосили топширдилар¹.

Аммо барибир, уруш жумҳурият кишлок хўжалигининг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Энг аввало пахта ҳосилдорлиги камайиб кетди. Масалан, 1942 йилда ҳосилдорлик гектаридан 9,3 центнерни ташкил қилди. Бу эса 1941 йилдагидан (17,7 центнер) анча кам эди. Биз юқорида 1942 йилга мўлжалланган режа бўйича пахта ҳосилдорлигини 19,5 центнерга ошириш белгиланганлигини таъкидлаган эдик. Демак, 1942 йилги давлат режаси адо этилмади. Бунга аввало машина-тракторлар сонининг камайиб кетганлиги, минерал ўғитлар тайёрлаш эса кундан-кунга қисқариб борганлиги сабаб бўлди. Жумладан, 1941 йилда колхоз далаларига 494,8 минг тонна минерал ўғит солинган бўлса, 1942 йилга келиб, бу рақам 147 минг тоннага камайиб кетди. Сугориладиган ерларни соз ҳолатда сақлаб туришдаги қийинчиликлар, ишчи кучининг етишмаслиги ер ҳолатининг бузилишига, шўрланишнинг кучайишига олиб келди.

1942—1943 йилларга келиб Ўзбекистонда кишлок хўжалик тузилиши кескин ўзгарди. Масалан, 1942 йилда жумҳуриятимиз бўйича фақатгина колхозларда дон экинлари майдони 455,1 минг гектарга кўпайди. Бундан ташқари, 61,5 минг гектар ерга канд лавлаги экилди. Буларнинг бари, ўз навбатида, узок йиллар давомида Ўзбекистонда сақланиб келган пахта яккаҳокимлигининг бартараф этилишига олиб келди.

Дон-ғалла экинлари майдонининг ошиши натижаси-

¹ Қарақалпақия в период победы социализма и коммунистического строительства.— Тошкент. «Фан», 1969, 64-бет.

да жумҳуриятимиз дон истеъмол қиладиган ўлкадан уни етиштирадиган ўлкага айланди. Кўплаб колхозлар ўзларини дон билан таъминлаб, ортиқча маҳсулотни сотиб, уруш шароитида давлатга катта ёрдам бердилар.

1942 йилга келиб дон етиштириш 6400 минг пудга, мева-сабзавот етиштириш 42 минг пудга, пичан тайёрлаш 760 минг пудга, гўшт етиштириш 640 минг пудга етди.

Давлатга пахта сотиш режаси бажарилмаганлиги оқибатида жумҳурият қишлоқ хўжалик умумий режаси амалга ошмади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири (юқоридаги сабаблар билан биргаликда) қишлоқ хўжалик ишлари умумий ҳажмининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши (экин майдонларининг кўпайиши, дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпроқ экилиши) билан биргачи имкониятларнинг ниҳоят даражада чекланиб қолганлигидир (кадрларнинг етишмаслиги, моддий базанинг мустаҳкам эмаслиги, техниканинг асосий қисмини фронт районларига ташиб кетилиши). Масалан, Қорақалпоғистонда 1943 йили ҳар бир колхозга 1941 йилдагига нисбатан икки марта кўпроқ иш бажаришга тўғри келди¹.

1943 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида энг оғир йил бўлди. Уруш туфайли, унинг эҳтиёжлари кўпайиб бориши оқибатида жумҳуриятларда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксарияти фронтга ташиб кетилар эди. Шу йилга келиб колхоз ва совхозлар учун машина, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-анжомларини келтириш ҳам тўхтаб қолди.

1941—1943 йилларда Ўзбекистондаги тракторлар сони 19028 та дан 17681 тага камайди, автомашиналар сони эса 831 тадан 485 тага тушиб қолди. 1943 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишлаб турган автомашиналар ва тракторларнинг ярми, барча отларнинг 30 фоизи ҳаракатдаги армияга олиб кетилди¹. Колхоз, совхозларда қолган машина, тракторлар эса аллақачон ишга яроқсиз бўлиб қолган, шунинг учун ҳам уларнинг меҳнат унумдорлиги ниҳоятда паст эди. 1942 йилда жумҳурият ҳеч қандай минерал ўғит олмади. Бу пайтга келиб Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли колхозчилар сони 30—35 фоизга камайиб кетди. Агар 1941 йилда жумҳуриятда 27888 механизатор меҳнат қилган бўлса, 1942 йилга келиб уларнинг сони 2775 нафарни ташкил қилди, холос.

¹ Каракалпакия в период победы социализма и коммунистического строительства, 67- бет.

1943 йилга келиб фронт оркасидаги барча жумхуриятлар каби Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида ҳам яна бир вазифа пайдо бўлди. Бу фашистлардан озод бўлган ўлкалардаги аҳолини озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси эди. Бу эса кишлок хўжалик ходимларидан илгаригидан ҳам кўпроқ меҳнат қилишни талаб қилар эди.

1943 йилга келиб Ўзбекистондаги экин майдонлари урушдан илгариги даврга караганда 600 минг гектарга кўпайди. Шундан 300 минг гектари суғориладиган ерлар эди. Қишлоқ хўжалик экинларининг нисбати ҳам ўзгариб борди. Бунда ғалла-дон экинлари миқдорининг ошиши асосий роль ўйнади. Бу, ўз навбатида, пахта экинлари майдонининг камайиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, 1941—1943 йилларда у 942 минг гектардан 732 минг гектарга камайди¹. 1943 йил учун давлатга пахта сотиш режаси 892 300 тонна қилиб белгиланди.

Пахта экинлари учун одатда энг яхши, унумдор, ҳосилдор ерлар ажратилар эди. Бунда ернинг вилът касалига дучор бўлмаганлиги, сув билан таъминлашнинг қулайлигига катта эътибор берилар эди. Пахта топшириш режасини бажариш энг муҳим, стратегик вазифа бўлганлиги сабабли уруш йилларида фронт декадалари, фронт бригадалари ташкил этилди. Бу пахтачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо амалга оширилган тадбирларга карамай 1943 йилда ҳам пахта топшириш давлат режаси бажарилмади. Шу йили топширилган 520 минг тонна пахта давлат режасининг 57,5 фоизини ташкил қиларди, холос².

Пахта етиштиришни кўпайтириш (қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби) фақатгина кишиларнинг хоҳиш-иродаси, қабул қилинган қарорларнинг сонигагина эмас, балки мавжуд ижтимоий-сиёсий муҳитга ва энг аввало давлатнинг иқтисодий аҳволига ҳам боғлиқдир.

Пахта ҳосилини оширишда 1944 йил бурилиш йили бўлди. Шу йили ҳар гектар ердан 11,3 центнердан ҳосил олинди. Бу 1943 йилдаги кўрсаткичга караганда (7,1 цент-

¹ Х. Гулямов. Коммунисты Узбекистана в период Великой Отечественной войны Советского Союза (1943—1945 гг.). Тошкент, 118—119-бетлар.

² Хлопководство Узбекистана за 50 лет. — Тошкент, 1967, 24-бет.

нер) анча кўп эди. Жумҳурият ҳукумати колхозларни мустаҳкамлаш, пахтачиликнинг моддий-техника базасини кучайтириш борасида кўпгина ишларни амалга оширди.

Кўплаб пахтачилик колхозларида меҳнатни ташкил қилишнинг звено усули қайтадан тикланди, бригадалар эса юқори ҳосил етиштириш учун кураш бошладилар. Трактор 1944 йилда, 1943 йилдагига нисбатан 564 минг гектар кўпроқ ерда иш бажарди. Шу йиллар ичида битта тракторнинг иш унуми 236 гектардан 279 гектарга ошди. Саноат корхоналарида трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси асбоб-ускуналари учун 5 миллион сўмлик турли хил эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Бу 1943 йилдагига нисбатан беш марта кўп эди. Ерларга бир ярим марта кўпроқ маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. Кўплаб ноҳияларда ғўзага ишлов бериш 15—20 кун аввалроқ ўтказилди.

Булардан ташқари Ўзбекистонда ишдан ва оборотдан чиққан 200 минг гектар ерни яна қайтадан тиклаш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун катта ишлар бошланди. Бу иш айниқса Мирзачўл, Фарғона, Андижон, Хоразм вилоятларида катта аҳамият касб этди¹.

Колхозларнинг, айниқса кам қувватли колхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, уларни мутахассис кадрлар билан таъминлашда сезиларли ютуқларга эришилди. Масалан, шу йилларда 1260 бригадир, 3870 звено бошликлари фронтдан колхозларга қайтиб келдилар.

1944 йилнинг пахта терими қизғин даврида Бухоро вилоятининг илғор қишлоқ хўжалик ходимлари Ўзбекистоннинг барча колхозчилари, пахтакорларига мурожаат қилиб, мўл ҳосилни исроф қилмасдан йиғиб-териб, давлат хирмониغا топшириш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббусни жумҳуриятнинг барча пахтакорлари қўллаб-қувватладилар.

Аммо бу ютуқлар билан бирга жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд эди. Тўғри, жумҳурият бўйича пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилди. 1944 йил 10 декабрда Ўзбекистон пахтакорлари давлатга ўтган йилдагидан 325 минг тонна кўпроқ, яъни 839 тонна «ок олтин» топширдилар. Пахта ҳосилдорлиги 60 фоизга ошиб, 11,3 центнерни ташкил этди. 20 та ноҳияда ҳосилдорлик 15—20 центнерни ташкил қилган бўлса, 18 та ноҳияда ҳосилдорлик икки мартага ошди. 830 та колхоз бу

¹ «Правда Востока», 1944 йил 4 январь.

борадаги кўрсаткични урушдан аввалги даражага етказди¹.

Бирок ҳали бу борада анча ишларни амалга ошириш, мавжуд хато, камчиликларни бартараф этиш керак эди. Жумладан, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари, 45 та ноҳия, 20040 та колхоз ва 7 та совхоз 1944 йилги давлат режаларини бажармади. 6 та ноҳия (Қорадарё, Жиззах, Каттакўрғон, Шаҳрихон, Ғузор ва Шеробод ноҳиялари), 300 та колхоз ва совхозда ҳосилдорлик 1943 йилдаги кўрсаткичдан ҳам пасайиб кетди.

Маълумки, пахта ҳосилдорлигини оширишда беда алмашлаб экиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мутахассислар янги ерлар ва эскирган ерларга чигит экишдан аввал албатта беда экишни тавсия қилишади. Беданинг таркибида пахта ҳосилдорлигини янада оширишга қодир бўлган моддалар мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, пахтани вилт касалидан муҳофаза қилишда ҳам алоҳида ўрин тутди. Шундай бўлишига қарамай бу борадаги вазифалар ҳам бажарилмай қолаверди. Режадаги 110 минг гектар ўрнига 72 минг гектар ерга беда экилди, холос. Бу эса, бир томондан, пахта ҳосилдорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан жумҳуриятда чорвачиликни янада ривожлантиришга тўғаноқ бўлди.

Колхоз, совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ва мавжуд техникадан самарали фойдаланишда ҳам анча муаммолар мавжуд эди. Масалан, 1944 йилда машина-трактор паркидаги 90 фоиз техника белгиланган режаларни бажара олмади.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида дон-ғалла етиштиришда ҳам катта камчилик, хатоларга йўл қўйилди. Масалан, шу йили жумҳуриятимиз бўйича 320 минг гектар ерга ғалла экилмай қолди. Давлатга ғалла сотиш режаси эса 88 фоизгагина бажарилди, холос.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, колхозларнинг жамоат ерларидан фойдаланишда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйила бошланди. Суғориладиган ерларга экин экиш 1943 йилдагига қараганда 14,5 фоизга ёки 230 минг гектарга камайиб кетди².

¹ История развития хлопководства в Узбекистане.— Тошкент: «Фан», 1983. 55- бет.

² Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. 2- том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1988; 207- бет.

1945 йил Ўзбекистон пахтачилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фронтдаги ютуқлар омманинг руhini кўтарар, уларни яна ҳам яхшироқ, самаралироқ ишлашга ундар эди. 1945 йил январда Тўрткўлда бўлиб ўтган илғор колхозчиларнинг слётида катнашган 200 пахтакор ўзаро тажриба алмашдилар, иш юритишнинг янги, замонавий усуллари хусусида фикрлашиб олдилар.

Хукумат пахтакорлар меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширди. Давлатга топширилган пахта эвазига хўжаликларга бериладиган саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва сифати яхшиланди. Масалан, 1944—1945 йилларда Қорақалпоғистон пахтакорлари топширган ҳосиллари эвазига 6291 тонна ғалла, 1006 тонна жўхори, 201 тонна пахта ёғи, 251 тонна пахта толасидан бўлган линтер, 59 тонна чой олдилар.

Урушнинг оғир йилларига карамай мухтор жумҳуриятда катта миқдордаги ирригация ва мелиорация ишлари бажарилди. Масалан, шу йилларда Энгельс, Шуманай, «Қирққиз», Кировобод каналлари қурилди. Ирригация иншоотларини йиллик тозалашлардан ташқари уруш йилларида 109 жойда 6439,7 минг кубометр ҳажмдаги ер ишлари бажарилди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон хукуматлари мухтор жумҳурият сув хўжалиги халқ комиссарлиги ихтиёрига 4630 минг сўм пул ажратдилар (1944 йилда бу ракам 4090 минг сўмни ташкил қиларди). Бу маблағ ирригация иншоотларидан фойдаланиш ишларини амалга оширишга мўлжалланган эди. Бундан ташқари, ирригация тармоқларини қуриш учун 966 минг сўм пул ажратилди.

Ўзбекистон жумҳурияти бўйича ҳам 1945 йили пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 35 минг гектарга кўпайди. Бироқ, бу соҳани янада ривожлантиришда ҳали анча ишларни амалга ошириш лозим эди.

Уруш йилларида кўзга ташланиб қолган энг катта хато — асосий эътиборни пахта етиштиришнинг жорий масалаларига қаратиб, мамлакатнинг келажаги учун аҳамиятга эга бўлган масалаларнинг четда қолаётганлигида бўлди. Масалан, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бедачиликни юксалтириш, асосий кишлок хўжалик ишларини механизациялаштиришга алоҳида эътибор берилмади. 1945 йилги режага биноан 137 минг гектар қаровсиз, партов, ташлаб қўйилган ер ўзлаштири-

лиши лозим эди. Аммо фақат 10 минг гектар ергина ўзлаштирилди, холос. Хоразм ва Андижон вилоятларида ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиш ўрнига, аксинча ёмонлашди. Урушнинг охириги йилида жумҳуриятда 90 минг гектар майдонга беда экиш мўлжалланган эди. Бирок, бундай майдонлар кўпайиш ўрнига, аксинча, камайиб кетди, ҳосилдорлик эса пасайиб кетди. Ҳукумат, унинг жойлардаги ташкилотлари машина-трактор паркларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга етарли даражада эътибор бермадилар. Жумладан, 1945 йил 20 сентябргача жумҳуриятдаги барча тракторларнинг 46,9 фоизигина таъмирланди, холос. Жумҳурият саноат корхоналарида мавжуд тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш режаси мунтазам бажарилмади.

1945 йил январь ойида жумҳурият пахтакорларининг иккинчи қурултойи бўлди. Унинг қатнашчилари «1945 йилда Ватанга бир миллион тонна пахта берамиз», деган шиор билан чиқдилар. Аммо баҳорнинг кечикиши, қийин об-ҳаво шароити пахта пишишини 15—20 кунга чўзиб юборди. Бирок, шунга қарамасдан яхши ҳосил етиштирилди, жумҳурият бўйича 850 минг тонна пахта етиштирилди. Бу ўтган йилдагидан ўн минглаб тонна кўп эди.

Уруш йилларида жумҳурият пахтачилигининг моддий-техника базаси ҳам ривожланди: шу йиллар ичида Тошкент саноат корхоналари жумҳурият кишлок хўжалигига 5 мингта пахта сеялкаси, 2,2 мингта дизель, 1552 та кўсак тозаловчи ускуна, 8,8 мингта гўзапоя тозалайдиган машина ва 16 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни етказиб берди. Бу тадбирлар натижасида 1941—1945 йилларда жумҳурият бўйича 4 миллион 806 минг тонна пахта хом ашёси тайёрланиб, давлатга топширилди.

Жумҳурият ҳукумати уруш даврида вазиятнинг мураккаблигига қарамай, кишлок хўжалигини етарли равишда мутахассис кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Айниқса кишлокни механизатор кадрлар билан таъминлашда жуда катта қийинчиликларга дуч келинди. Гап шундаки, урушнинг биринчи ойларидаёқ Ўзбекистондаги тракторчи, комбайнчи ва машина ҳайдовчилар фронтга отланган, бу ердаги техника эса қаровсиз қола бошлаган эди. Шунинг учун ҳам МТСларни механизатор кадрлар билан таъминлаш жуда катта вазифа сифатида кун тартибига киритилди. Шу мақсадда раҳбар кадрлар ва механизаторлар тайёрловчи қиска

муддатли курслар ва мактаблар очила бошланди. 1941—1942 йилларда уларни битириб чиққан 130,8 минг кишининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил қиларди. Ҳукумат бу кадрлар малакасини оширишга ҳам катта эътибор берди. Масалан, 1944—1945 йилларда 11572 раҳбар ва механизатор кадрлар ўз малакаларини оширдилар¹.

Жумҳурият ҳукумати олий маълумотли, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор берди. Бу борада айниқса 1941 йилнинг кузида мамлакатнинг ғарбий ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган 31 та олий ўқув юрти катта аҳамиятга эга бўлди. Бу пайтда қишлоқ хўжалик кадрлари асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти (унда инженер-механиклар, инженер-гидромелиораторлар тайёрланарди), Тошкент қишлоқ хўжалик институтида (агрономлар, агроном-ўрмончи; агроном-мева-сабзавотчи), Самарқанддаги ўзбек давлат қишлоқ хўжалик институтида (агроном-пахтачи, узумчилик ва виночилик агрономи, ветеринария врачлари ва зоотехник) тайёрланар эди.

1943 йилга келиб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида 308 талаба таълим олган. Ўтган тўрт йил ичида мазкур институт 108 инженер-гидротехник ва 115 инженер-механикларни тайёрлаб чиқарди.

Шунга қарамай қишлоқ хўжалик мутахассис кадрларини тайёрлаш шу куннинг талабига жавоб бермас эди. Масалан, 1944 йилги маълумотларга қараганда жумҳурият қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари фақатгина 36 та кадр тайёрлаб чиқарганлар, холос. Бундан ташқари, 30 кишигина техникумни битирган. Булар, сўзсиз жумҳурият қишлоқ хўжалигининг тобора ошиб бораётган талаб-эҳтиёжини қондира олмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлиги қарори билан қишлоқ хўжалик техникумлари ва мактабларига қабулни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Натижада 1944 йил августига келиб қишлоқ хўжалиги мутахассисликлари бўйича билим олаётган ёшлар сонини 1940 йилдаги даражага (2148) етказиш имкони яратилди.

1944 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана, — Тошкент; «Ўзбекистон», 1974. — 432, 449-бетлар.

олтита факультетида 579 та талаба таълим олди. 1944—1945 ўқув йилига келиб эса жумҳурият қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларига 350 киши, тайёрлов бўлимларига эса 100 киши қабул қилинди.

Жумҳурият қишлоқ хўжалигини юқори малакали кадрлар билан таъминлашда Тимирязов номидаги қишлоқ хўжалик академияси ҳам катта ишларни амалга оширди. Биргина 1941 йилда академия 18 агроном ва 3 та зоотехникни колхоз-совхозларга йўллади¹.

Ўзбекистонда ирригация иншоотларини кадрлар билан таъминлашда ҳам катта кийинчиликлар мавжуд эди. Айниқса, Катта Фарғона канали, Шимолий Фарғона канали, Мирзачўлда олиб борилаётган ишлар, катта миқдордаги коллектор-дренаж тармоқлари тезроқ ва кўпроқ ирригатор-мелиоратор кадрлар тайёрлашни кун тартибига кўяр эди.

1942—1943 йилларда лавлаги етиштирувчи колхозлар учун — 500, дон-ғалла етиштирувчи хўжаликлар учун — 2000, совхозлар учун эса — 1700 нафар мутахассис кадр тайёрланди. 1945 йилда эса қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникумларининг колхоз раислари курсларини 570 киши битириб чиқди. Шу йилнинг фақатгина январь ойида 1200 киши колхоз раислари тайёрлайдиган бир ойлик курсларни тамомлади².

Тўғри, бу рақамлар ҳали жумҳуриятдаги талабни тўлиқ кондира олмас эди. Лекин уруш бўлишига қарамай бу масалага катта эътибор берилишининг ўзи жумҳурият қишлоқ хўжалигининг салмоқли тармоққа айланганлигидан далолат берар эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон пахтачилиги уруш йилларида катта синовдан шараф билан ўтди ва фронтни озик-овқат, кийим-кечак, ўқ-дори билан таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Мутахассис кадрлар, техниканинг катта қисми фронтга олиб кетилганига қарамай, жумҳурият қишлоқ аҳли кийинчиликларни мардона енгиб, давлат томонидан белгиланган режаларни бажаришга ҳаракат қилдилар.

¹ Советская интеллигенция Узбекистана. т. I.— Тошкент: «Фан», 1979. 13—14-бетлар.

² Х. Гулямов. Коммунисты Узбекистана в период Великой Отечественной войны Советского Союза.— Тошкент: 1952. 119-бет.

ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Узоқ давом этган уруш, ниҳоят, 1945 йил май ойида яқунланди. Унинг келтирган зарарини ҳозиргача ҳеч ким аниқ ҳисоб-китоб қилмаган. Бу борада айтилаётган айрим фактлар эса текширишни, аниқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилади.

Урушда Ўзбекистон ҳам катта зарар кўрди, унинг тараккиёти анча йилларга орқага суриб ташланди. Аммо, энг катта йўқотиш, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, миллионлаб кишиларнинг жон фидо этишлари бўлди. Ўзбекистонда уруш туфайли ўз яқинини йўқотмаган бирорта оилани топиб бўлмасди.

Жумҳуриятимиз иқтисоди ниҳоятда катта, мисли кўрилмаган даражада зарар кўрди. Етиштирилаётган озиқ-овқат, кийим-кечак, тайёрланаётган техника асбоб-ускуналари, машина, тракторлар фақат фронт учун хизмат қилди. Уруш яқунланганда Ўзбекистон иқтисодиёти ниҳоятда оғир кийинчиликни бошидан кечирар, одамлар эса бутун кучини ғалабага сарфлаб бўлган эдилар.

Айниқса қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ниҳоятда оғир эди. Далада ишлаши лозим бўлган асосий ишчи кучи — эркаклар фронтдан энди қайтаётган эдилар. Уларнинг кўпчилиги ногирон бўлиб қайтдилар, соғ-саломат ўз қишлоқларига келганлар эса уруш туфайли кўп нарсаларни эсларидан чиқариб юборган, меҳнат малакаси анча пасайган эди.

Бунинг устига уруш даврида меҳнат қуроллари, энг аввало машина, тракторларнинг фронт максадлари учун олиб кетилганлиги шусиз ҳам оғир вазиятни янада кескинлаштириб юборган эди. Бундан ташқари, ернинг мелиоратив ҳолати ниҳоятда ёмонлашганлиги, керакли минерал ва маҳаллий ўғитларнинг етишмаслиги эса унинг шўрланишини кучайтирар, вилт ва шунга ўхшаш турли касалликларни кўпайтирарди.

Суғориш иншоотлари, ирригация тармоқларининг кўпчилиги ишдан чиққан эди. Улар аввало таъмирланиши, сўнгра мелиорация ишларини амалга ошириш лозим эди. Хўш, шундай оғир аҳволдан чиқиш учун қандай чоралар кўрилди? Энг муҳим ташкилий чора — мустақил мелиорация хизмати — мелиорация инспекцияси тузилиши бўлди. Бунинг ҳаётнинг ўзи талаб этган эди. Урушдан кейинги тикланиш ва ривожланиш даврида биринчи марта ирригация ишларига нисбатан мелиоратив тадбирларга

кўпроқ эътибор берила бошланди. Бу, энг аввало, мелиорация ишларига сарф қилинаётган пул маблағининг кўпайиши ва кадрлар тайёрлаш борасида қилинаётган ҳаракатларда намоён бўлди. 30- йилларнинг охирларидан айрим вилоятларда ташкил этила бошланган машина-экскаватор станциялари, 1950 йилдан мелиоратив-трактор бригадалари (174 та) кўринишида ҳамма ерда ташкил этила бошланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, механизация ирригация қурилишларига нисбатан мелиорация ишига жадаллик билан кириб келди.

Яна бир муҳим масала — безгакка қарши кураш тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Урушгача кўпгина вилоятларда (Бухоро вилояти Шохруд суғориш тармоғида, Қўқон атрофида, Тошкент ва бошқа вилоятларда) кўл, кўлмак, зах-боткокликларга қарши кураш яхши натижа берган эди. Лекин бу ютуқлар уруш даврида бой берилди ва ишни қайтадан бошлашга тўғри келди, чунки безгак касали яна кўпайиб кетган эди. Демак, мелиоратив ишлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ва экологик масалаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Мелиоратив ишларда, қурилишларда техника билан бирга портлатиш усулидан, яъни портловчи моддалардан фойдаланилди. Уруш қуроли тангликдан чиқишга ҳам хизмат қила бошлади. Бу даврда аввало мавжуд коллектор-дренажлар тартибга солинди, тозаланди, суғориш тартиби ўзгарди, сувни кўпроқ иқтисод қилишга ҳаракат қилинди. 1949—1957 йилларда эса сувга ҳақ тўлаш жорий этилди.

1950 йилдан янги суғориш тизимига ўтилиши сув хўжалигида, уни қайта тиклашда катта ўзгариш бўлди. Янги суғориш тизимининг моҳияти шундан иборат эдики, барча майдонларда суғориш учун сув тўғри жўяклардан олиб борилиши керак эди. Маълумки, илгари асосан экинлар шоли каби бостирилиб, айланма ва калта жўяклардан суғориларди. Бунинг учун ишланадиган (техникани кенг қўллаш мақсадида) ва суғориладиган (сувдан самарали фойдаланиш учун) карталар майдони кенгайтирилди, ерлар муайян нишаб билан текисланар, карталарнинг геометрик шакллари тўғриланар, майда карталар (майдони 0,2—0,5 гектар) бирлаштирилди, тартибсиз экилган дарахтлар бошқа жойга кўчирилди. Яъни, деҳқончилик маданиятини кескин ошириш ва механизацияни кенг жорий қилишга қаратилган чора-

тадбирлар комплекси ўтказилиши керак эди. Бу фикр дарҳол пайдо бўлмади, аввал 1936 йилдан бошлаб кўп жойларда (хусусан, Мирзачўл ерларида) тажрибалар олиб борилди ва ижобий натижа олингач, янги суғориш тизимига ўтишга қарор қилинди.

Деярли беш йил давомида 1,5 миллион гектар ерда (айниқса, Фарғона водийси районларида) ана шундай тадбирлар ўтказилди, керакли маблаг, техника, мутахассислар ажратилди. Бу умумхалқ ишига айланди. Фақат жумхурият Сув хўжалиги вазирлигининг ўзида 24 та машина-экскаватор станциялари тузилиб, шу ишга жалб этилди. Ўтказилган тадбирлар ижобий самара берди, экин майдонлари кенгайди, ҳосилдорлик ўсди, халқнинг моддий турмуш даражаси ошди. Янги суғориш тизимига ўтиш катта ва кўп йиллик меҳнат самараси бўлиб, у ҳукуматнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. 150 га яқин ходимга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилди.

Ўша йиллари Марказий Фарғона, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ишлари давом эттирилди, ирригация ва мелиорациянинг янги замонавий усуллари соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари якунланиб, ижобий натижаларга эришилди. Айнақса мелиорацияда янги муҳим ғоялар илгари сурилди ва амалга оширила бошланди. Мирзачўл ерларини комплекс ўзлаштиришга киришилди. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлди, чунки ўша давргача (50- йилларнинг охири, 60- йилларнинг бошигача) дренажга қарши назарияни ёқловчилар (академик Т. Р. Лисенко, профессор В. А. Шаумян) мавжуд бўлиб, коллектор-дренаж шохобчалари қурилиши талаб даражасида эмас эди, маънавий ва физик жиҳатдан эскириб қолган мелиорация қурилиши иккинчи ўрнига қўйилган, лойиҳалардан мелиоратив қурилишлар чиқариб ташланган эди. Шунга қарамай мелиоратив тармоқлар аста-секинлик билан ўсиб борди.

Қадимдан маълум бўлган очик коллектор-зовурларнинг бир қанча камчиликлари мавжуд эди. Бу тизимнинг қурилиши оддий ва қулай бўлишига қарамай, тез вақт ичида уни ўт-ўлан, қамиш босар, ҳар йили ўтларни ўриш керак бўларди. Чеккалари қулаб, тез-тез тозалаб туриш (2—3 йилда) талаб этиларди, истаган чуқурликкача казиш қийин эди. Демак, бу зовурни лойиҳалаш ва қуриш нисбатан осон ва арзон бўлишига қарамай, ундан фойдаланиш жуда қимматга тушар эди. Бундан ташқари,

юқорида айтганимиздек, очик коллектор-зовурлар атроф-муҳитнинг ёмонлашувига, чивин тарқалишига сабаб бўлар, шунингдек, коллектор-зовурлар 10—15 фоиз ерни эгаллаб, транспорт қатновини мушкуллаштирарди. Хуллас, бундай кўринишдаги зовурлар замон талабига жавоб бермай кўйди.

Октябрь инқилобигача ҳам бизнинг ўлкамизда янги кўринишдаги дренажни қўллаш бўйича тажриба ишлари олиб борилди. Мирзачўл ва Зарафшон воҳасида А. В. Макридин ва Д. С. Малигинлар томонидан ёпиқ сопол қувурли (ер остида) дренажлар ётқизилган тажриба участкалари ташкил этилди. Лекин бу участкалардаги тажрибалар асосан 1928 йилдан кейин ривожланиб, асосий яқунлар 1939 йилда эълон қилинди.

50-йилларда Фарғона водийсида, кейинроқ эса Хоразмда ана шундай тажриба участкалари, станциялари ишлаб турди. Мирзачўл ерларини комплекс ўзлаштириш давомида бундай дренажлар кенг жорий этила бошланди. 1958 йили жумҳуриятимизда дастлабки қувур ётқизадиган машина — дренаукладчик яратилди ва мелиорация ишлари кўпроқ механизациялаштирилди. Собик СССРнинг бошқа районлари ва чет эллардаги зах ерларни қуритишга мослашган механизмлар Ўрта Осиё шароитига мос келмас эди, чунки у ерларда қувурлар 0,6—1,7 метр чуқурликка кўмилса, жумҳуриятимизда қувурлар 2,5—3 метр ва ундан ҳам кўпроқ чуқурликка кўмилиши керак эди.

1947 йилдан бошлаб биринчи бўлиб Мирзачўлда кудук кўринишидаги тик (вертикал) дренажларни ўрганиш бўйича иш олиб борилди. Бу бутунлай янги кўринишдаги дренаж бўлиб, 50—100 метр чуқурликкача кўмилар, кудук ичига тўпланган сув электр билан ишлайдиган насос ёрдамида ташқарига чиқариб ташланарди. Битта кудук 100—150 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини мўътадил ҳолда сақларди. Тик дренаж ҳар жиҳатдан (қурилиш ва ундан фойдаланиш ҳаракатлари бўйича) ҳам жуда қулай эди.¹

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан бирга ирригация иншоотларини ҳам соз ҳолда сақлаб туриш лозим эди. Шунинг учун ҳам, урушдан кейинги йилларда асосий эътибор кўпроқ ирригация шохобчалари-

¹ А. Раззоқов. Сув ва ҳаёт. 55—59-бетлар.

ни қуриш ва умуман шу тизимнинг моддий-техника базасини мустақкамлашга қаратилиши лозим эди. Жумҳуриятда суғориш ишларини такомиллаштириш учун, энг аввало, уруш туфайли қурилиши тўхтаб қолган иншоотларда бунёдкорлик ишларини охирига етказиш лозим эди. Бунинг учун Сарикўрғон гидроузели, Охунбобоев, Шимолий Тошкент, Боёвут каналларини, Каттакўрғон ва Ўртатўқай сув омборидаги ишларни тугатиш лозим эди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жумҳурият раҳбарияти ҳам энди ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор бера бошлади. Шу мақсадда Фарғона водийсида Сариксой, Бағдод, Сўх-Исфара, Ҳаққулобод коллекторлари, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида Жанубий ва Юқори Бухоро коллекторлари, Хоразм ва Мирзачўлда ҳам шундай иншоотлар қурилди.

Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида ҳам ирригация ишларини яхшилаш, ернинг мелиоратив ҳолатини тартибга келтиришда анчагина ишлар қилинди. Масалан, 1946 йилда жумҳурият сув хўжалиги 154800 гектар суғориладиган ерга эга бўлган 425 колхозга хизмат қилди. Аммо шу билан бирга ирригация шохобчалари ниҳоятда ёмон жиҳозланган эди. Жумладан, 1946 йили Қорақалпоғистонда ҳаммаси бўлиб йиллик режанинг фақат 3 фоизинигина бажара оладиган тўртта паст кучли землесос бор эди, холос. Ваҳоланки, 1940 йилда бу ишлар 25 фоизга бажариларди.

Суғориш ишлари ўлда-жўлда қолганлиги сабабли 1946 йилда мухтор жумҳурият бўйича 460 минг гектар ер ташлаб қўйилган бўлиб, у ерлардан фойдаланилмасди. Урушдан кейин энди бу ерларни ўзлаштириш, турли хил экинлар экиш лозим эди.

Бу пайтда жумҳуриятнинг барча вилоятларида ана шундай ташландик ерлар бор эди. Ҳукумат қарори билан 1947 йилда Тошкент вилоятидаги 46,9 минг гектар, Фарғонадаги 20,3 минг гектар, Намангандаги 15,3 минг гектар, Андижондаги 33 минг гектар, Самарқанддаги 21,7 минг гектар, Бухородаги 23,2 минг гектар, Қашқадарёдаги 21 минг гектар, Сурхондарёдаги 10,4 минг гектар, Хоразмдаги 30 минг гектар ва Қорақалпоғистондаги 38,9 минг гектар партов, ташлаб қўйилган, қаровсиз ерларда экин экишни таъминлаш лозим эди.¹

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. 2- том, — Тошкент, «Ўзбекистон», 1988, 178- бет.

Урушдан аввалги йилларда Ўзбекистонда ирригация иншоотлари қурилишида, айниқса, умумхалқ ҳашари йўли билан катта-катта сув тармоқларини ниҳоятда катта тезликда қуриш ва ишга туширишда бой тажриба тўпланган эди.

Аммо афсуски, урушдан кейинги йилларда бу муҳим халқ ҳаракатига эътибор ниҳоятда сусайиб кетди. Ҳукуматнинг қарорлари бажарилмас, ирригация соҳасига кам эътибор берилар, давлат томонидан бу соҳага ажратилаётган маблағларнинг ярми ҳам ўзлаштирилмай қолар эди. Баъзи жойларда эса янги ирригация тармоқлари қурилиши мавжуд сув иншоотларидан фойдаланишга қарама-қарши қўйилар эди. Бу эса, бир томондан, янги иншоотларни қуришга ҳалақит қилса, иккинчи томондан эски, ишлаб турган тармоқларнинг ишдан чиқишига олиб келарди. Шунинг учун ҳам, ҳукумат барча хўжаликлардан, сув билан таъминлаш ташкилотларидан янги сув иншоотларини қуришни эскиларидан самарали равишда фойдаланиш билан бирга қўшиб олиб боришни талаб қилди.

Урушдан кейинги йилларда пахтачиликни юксалтириш учун асосий эътиборни ирригация иншоотларини такомиллаштиришга қаратиш лозим эди. 1949 йилда фақат суғориш иншоотларини қуриш, уларни ишга тушириш ҳисобига жумҳурият бўйича 230 минг гектар суғориладиган ерларни экин оборотига киритиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, 1947 йилда Каттақўрғон сув омбори ҳажмини 200 миллион кубометрга етказиш, 1948 йилда эса уни бутунлай қуриб тугатиш белгиланди. Бу нарса Ўртатўқай сув омборига ҳам тааллуқли эди.

Кўпгина қурилиш ишлари амалга оширилганлигига қарамай, улар етарли эмас эди. Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш энг аввало оғир саноатни ривожлантиришни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам давлат маблағининг анчагина қисми асосан саноатни ривожлантиришга сарфланар эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат томонидан ирригация соҳасига ажратилаётган маблағлар айрим раҳбар кадрларнинг ношудлиги ва пулмолия тизимининг ишчан механизми йўқлиги туфайли, ўзлаштирилмай қоларди. Оқибатда жумҳуриятнинг кўплаб хўжаликлари ўзларига тегишли бўлган сувни ололмас эдилар. Жумладан, ирригация ва мелиорация ишлари паст савияда олиб борилганлиги учун ҳам Ўзбекистондаги 690 колхоз сув билан тўлиқ таъминланма-

ди, 1136 колхоз эса ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлиги сабабли пахта режасини бажара олмади.

1950 йилдан бошлаб мамлакатда суғоришнинг янги тизимига ўтилди. Унга биноан эски, кичик-кичик экин майдонлари энди янгича режалаштирила бошланди, ортиқча, майда суғориш тармоқлари ўрнига доимий равишда ишлайдиган, катта майдонларни суғориш имкониятига эга бўлган каналлар қуриш белгиланди. Янги тизимга ўтилгандан сўнг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги ошди, ҳосилдорлик анча кўпайди. Бу — Ўзбекистон ирригаторлари томонидан амалга оширилган жуда катта иш эди.

Бу пайтга келиб сув хўжалиги кенг миқёсда механизациялаштирилиши оқибатида йирик-йирик мелиоратив ва ирригация иншоотларини қуриш учун имкониятлар пайдо бўлди. Биринчи навбатда йирик сув омборлари, насос станциялари катта-катта каналлар, коллектор-дренаж тизимлари, катта майдонлардаги чўл зоналарни ўзлаштириш вазифалари турар эди.

Ўрта Осиё шароитида биринчи ер қазилма машинаси 1912 йили Мирзачўлнинг шимолий-шарқий қисмини ўзлаштириш чоғида қўлланилди. Бу гидромелиоратив қурилишдаги дастлабки машина эди. Ҳозирги С. М. Киров номидаги асосий суғориш канали Путилов заводида тайёрланган экскаватор ёрдамида қазилган эди. Шундай машиналарни ишлатиш, айниқса уларни таъмирлаш имконияти бўлмаган шароитда улардан фойдаланиш натижасида ўлкада гидромелиоратив ишлар тажрибаси тўплана борди.

Аммо гидромелиорация моддий-техника базасининг ниҳоятда пастлиги сабабли бу борадаги тажриба кенг ёйилмади. Шунинг учун ҳам, асосий ишлар илгаригидек қўлда бажарилар ва унинг самарадорлиги ниҳоятда паст эди.

Мелиоратив-инженерлик қурилишидаги қоқоқлик узок давом этди. Бу борадаги кенг ишлар, мелиорация ва сув хўжалиги ишларининг ривожланиши фақатгина 20-йиллардан бошлаб кўзга кўрина бошлади.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари, жумладан Ўзбекистоннинг мамлакат пахта мустақиллигини таъминлашдаги алоҳида роли маълум бўлганидан сўнг, 20-йиллардан бошлаб чет элдан, жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Германиядан Бьюсайрус, Мониган, Остин, Менг-Гамрок ва бошқа қурилиш техникаси сотиб олиб келина бошланди.

Албатта, ишларни механизациялаш фақатгина чет элдан машиналар келтириш билангина тугалланмади. Ўзимизда ҳам янги техника, жумладан канал қазувчи экскаваторлар, скреперлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш жараёни давом этди. Масалан, 1927 йилда Ўрта Осиёда ирригация ва суғориш ишларига ниҳоятда катта ҳисса қўшган ирригатор Ф. П. Моргуниенков ихтироси асосида каналларни тозалаш қурилмаси ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, «Красное Сормова» заводида ишлаб чиқарилган «Ирригатор» қурилмаси ҳам Амударёнинг қуйилиш қисмларида 30 йилдан зиёдрок муддат давомида муваффақият билан ишлади. 1927—1929 йилларда Шўрўзак коллекторидан 800 минг кубометр кўпроқ чиқариб олинди.

Кейинчалик мелиорация соҳасини механизациялаштириш аста-секин кучая борди. Жумладан, Далварзин қурилишида ер ишларини механизациялаштириш 40 фоизга етди. Бу жуда катта ютуқ эди.

30-йиллар ер ишларини механизациялаштиришда бурилиш йиллари бўлди. Худди шу пайтдан бошлаб мамлакатда оммавий равишда экскаватор-машиналар ишлаб чиқарила бошланди. 1932 йилга келиб Уралдаги Воткин заводи 1,5 кубометр ҳажмда иш бажарадиган, пар билан ишлайдиган М — Ш — П экскаваторини ишлаб чиқара бошлади. 30-йилларда Ковров заводи ҳам «Ковровец» ва ППГ-1,5 экскаваторларини оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришди. 1942 йилда Ковров заводи Тошкентга кўчирилди ва бу ерда экскаваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Тошкент экскаватор заводи кичик ҳажмдаги (0,3—0,4 кубометр ҳажмдаги) экскаваторларни ишлаб чиқаришга киришди. Бу машиналар Ўрта Осиё жумҳуриятлари шароитида ниҳоятда қўл келиб, ундан ниҳоятда унумли фойдаланилди.

Урушдан кейинги давр ирригация ва мелиорация соҳаси учун машина-техника ишлаб чиқаришда жуда муҳим ўрин эгаллади, энди урушдан илгариги даврдаги техникага нисбатан анча сифатли экскаваторлар ишлаб чиқарила бошланди. Агар 1950 йилда 3540 та экскаватор ва 3789 та бульдозер ишлаб чиқарилган бўлса, 1956 йилга келиб бу кўрсаткич 6784 ва 9487 тага етди.¹

¹ История развития хлопководства в Узбекистане.— Тошкент: «Фан», 1983. 247-бет.

Ўзбекистон сув хўжалиги ташкилотлари ҳам ўзларининг моддий-техника базаларини аста-секи, мустаҳкамлаб бордилар. 50- йилларнинг бошларида 806 та экскаватор, 400 та скрепер, 350 та ер қазувчи қурилмалар, 300 бульдозерлар ва бошқа техник асбоб-ускуналар кенг миқёсда ирригация ва мелиорация ишларини бажардилар.

Жумҳурият ҳукумати пахта ҳосилини янада кўпроқ етиштириш мақсадида ўлкадаги чўл, дашт ерларни ўзлаштириш, қаровсиз қолган майдонларни экин экишга тайёрлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ирригация, мелиорация соҳасида моддий-техника таъминотининг яхшиланиши пахтачилик ва умуман жумҳурият қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш истикболларини очиб берди.

Шунинг учун ҳам, урушдан кейинги йилларда янги ерларни ўзлаштиришга бўлган ҳаракат янада кучайди. Бу борада анчагина тadbирлар ўтказилди. Масалан, оилаларни хоҳишига қараб янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчириш алоҳида аҳамият касб этди.

Бироқ, бу борада кўпгина тadbирлар амалга оширилганлигига қарамай, янги ерларни ўзлаштириш ва фойдаланилмай ётган ерларда экин экишни бошлаб юбориш бўйича давлат режаси бажарилмади, шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағ тўлиқ ўзлаштирилмади. Бундан ташқари, аҳоли кўчиб борган ерлардаги ижтимоий аҳвол ҳам ниҳоятда оғир эди. Озиқ-овқат, кийим-кечак етишмас, аҳоли учун зарур бўлган энг муҳим объектларни қуриш (мактаб, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо, маданият шохобчалари) ўлда-жўлда эди. Шунинг учун ҳам 1949 йилга келиб илгари бу ерларга кўчиб келган 2700 оила яна ўз юртларига кўчиб кетиб қолди.¹

Бу эса, ўз навбатида фақат ирригация ва мелиорация ишларигагина эмас, пиروвард натижада умуман қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Мутахассис кадрларнинг янги ўзлаштирилаётган ва ҳолати яхшиланаётган ерлардан кетиб қолишлари оқибатида (жумҳуриятнинг каттагина экскаватор ва бошқа техника базаси бўлишига қарамасдан) мавжуд ирригация

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. 2- том. Тошкент. «Ўзбекистон», 1988. 416- бет.

иншоотларидан тўлик фойдаланилмади. Янги ерларни ўзлаштириш, кўчиб келаётган янги оилаларни жойлаштириш бўйича давлат режалари ҳам бажарилмай қолаверди.

Сув хўжалиги қурилиши бўйича ҳам режалар бажарилмади. Ирригация иншоотларини қайта тиклаш, суғориладиган участкаларни кенгайтириб, ундан фойдаланишни яхшилаш бўйича 1951 йилга белгиланган режа 49 фоизгача бажарилди, холос. Кўп жойларда сув танқислигига қарамай ундан самарасиз, бережа фойдаланиш, экин майдонларини сув билан бостириб юбориш, хўжасизлик кўринишлари кўп эди. Бу ҳол айниқса Бухоро вилоятида жуда авжига чиққан эди.

Бундай вазият ташкилотлардан мазкур соҳага алоҳида эътибор беришни талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам, суғориш иншоотлари қуришни такомиллаштириш, янги ерларни ўзлаштириш борасида муҳим ишларни амалга ошириш лозим эди. Ҳукумат қарорига биноан 1953—1957 йилларда сув хўжалиги қурилишини яхшилаш эвазига суғориладиган ерлар ҳажмини 600 минг гектарга кўпайтириш вазифаси белгиланди. Бундан ташқари, жумҳуриятимиздаги 750 минг гектар ердаги ботқоқлик ва шўрланишни тугатиш ва бу ерларга экин экишни бошлаб юбориш лозим эди. Хоразм, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Мирзачўл, Фарғона водийсининг Кўкон атрофлари, Андижон вилоятининг Шаҳрихон зонасида катта микдордаги мелиоратив ишларни амалга ошириш белгиланди.

Сув хўжалиги қурилишида механизациянинг ролини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Масалан, 1956 йилга келиб ер ишларида уни 90 фоизгача, колхозлараро ва дренаж тармоқларини тозалаш ишида эса 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Юқоридаги мисоллар бу борада ниҳоятда катта режалар белгиланганлигини кўрсатади. Буларнинг бари мамлакатнинг пахтага бўлган талаби тобора ошиб бораётганлигидан келиб чиқар эди. Шунинг учун ҳам ирригация ва мелиорация ишларига катта микдорда маблағ сарфлана бошланди. Масалан, 1954—1956 йилларда фақатгина ирригация иншоотларини қуриш ва суғориш ишларини яхшилаш учун 450 миллион сўм маблағ сарф қилинди. Оқибатда 1953—1955 йилларда 130 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди.¹

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана.— Тошкент: «Ўзбекистон», 1974. 524-бет.

Барча вилоят, ноҳияларда бу ишга катта аҳамият берилди. 1953 йилда Қорақалпоғистондаги ирригация тармоқларини тозалаш, уларнинг техник ҳолатини яхшилашда сезиларли ютуқларга эришилди. Шу йили Қорақалпоғистондаги трактор парки ўтган йилдагига қараганда 27 фоизга, экскаваторлар сони 54 тага, пахта териш машиналари эса 36 фоизга ошди. Жумҳуриятнинг барча ноҳияларида машина-трактор станцияларини ташкил этишга киришилди.¹

Жумҳурият ҳукумати сув хўжаликлари ишини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштиришга катта аҳамият бера бошлади. Бу иш айниқса 1954 йилдан анча жонланиб, 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кенг миқёсда амалга оширила бошланди.

Мазкур соҳани тезликда ривожлантиришнинг сабаблари бор эди. Энг аввал шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида сув хўжалигининг ривожланишига катта эътибор берилмади, сувдан фойдаланишнинг самарали йўллари ишлаб чиқилмади. Эски усуллар эса талабга жавоб бермас эди. Шу туфайли бўлса керак, 1946—1950 йилларда сув хўжаликлари қурилиши туфайли суғориладиган ерлар ҳажмини ошириш давлат режаси 173 минг гектар ўрнига ҳаммаси бўлиб 76,3 минг гектарга кўпайди, холос.

Маҳаллий ҳокимият органлари, хўжалик ташкилотларининг масъулиятсизлиги оқибатида ирригация соҳасидаги аҳвол яхшиланмади. Натижада 1951—1953 йиллар мобайнида жумҳурият суғориш тармоқларини такомиллаштириш учун ажратилган 445 миллион сўм капитал маблағнинг 219 миллион сўмигина ўзлаштирилди, холос. Янги суғориладиган ерлар эса 20 минг гектарга кўпайди. 1953 йилда сув хўжаликлари қурилишлари учун ўзлаштирилиши лозим бўлган 155 миллион сўм маблағдан 73 миллион сўмигина ўзлаштирилди, холос.

Қуйи мазор сув омбори, Зарафшон дарёсидаги Дамхожи гидроиншооти, Ўртатўқай сув омбори, Сарикўрғон узелларидан иборат йирик ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш тугалланмай қолди. Бу ишлар айниқса Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида жуда ёмон бажарилди.

¹ Қарақалпақия в период победы социализма и коммунистического строительства.— Тошкент: «Фан», 1969, 148- бет.

Масалан, 1952—1953 йилларда суғориладиган ерлардаги ҳосил майдонининг кенгайиши Андижон вилояти бўйича 3,4 минг гектарни, Хоразм бўйича 2 минг гектарни, Фарғона вилояти бўйича эса 4,3 минг гектарни ташкил қилди, холос. Қорақалпоғистон бўйича эса суғориладиган ерлар миқдори 8,3 минг гектар ерга қисқариб кетди.

Жумҳуриятдаги мавжуд 200 минг гектар ер суғориш тармоқлари борлигига, катта миқдордаги капитал маблағ талаб қилмаслигига қарамай, ўзлаштирилмай қолди. Ўзбекистонда шу пайтда 800 минг гектар ер турли даражада шўрланган ва ботқоқликдан иборат эди.¹ Аммо шу ерларни соз ҳолатга келтириш учун қилинган ҳаракатлар натижа бермади.

Биз юқорида санаб ўтган камчилик ва хатоларнинг барчасини маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига ағдариб қўйиш ҳам тўғри бўлмас эди. Чунки вазиятнинг бунчалик оғир, мураккаб бўлишининг, белгиланган режаларни бажарилмаслигининг объектив сабаблари ҳам бор эди. Жумладан, биз юқорида жумҳурият қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидладик. Аммо бу — денгиздан томчидек, гап эди, зеро талабнинг тобора ошиб бориши, мавжуд асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналарининг маънавий ва табиий жиҳатдан тобора эскириб бориши аҳволни янада кескинлаштириб юборар эди.

Бундан ташқари, бу техникани ишлата оладиган, қишлоқ хўжалиги агротехника қоидаларини яхши биладиган, замонавий агрономия илмини қунт билан ўрганган малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги оқибатида белгиланган режалар кўпинча қоғозда қолиб кетарди. 40-йиллар, 50-йилларнинг биринчи ярмида мамлакатда шаклланиб бўлган маъмурий-бўйруқбозлик тизими, хўжалик қурилишига ҳам астойдил кириб олган сиёсат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга ҳам катта тўғанок бўлди.

Мамлакатни дунёдаги энг илғор давлатга айлантириш, кишиларни эса капитализм «юқумли касалидан» асраш йўли билан янги кўринишдаги совет одамини тарбиялаш вазифаси қўйилди. Аммо, афсуски бу вазифалар бажарилмади. Янги, коммунистик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни шакллантириш ғояси эса

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. 2-том. 633—634-бетлар.

совет жумхуриятлари, жумладан Ўзбекистонни ҳам кенг халқаро алоқалардан четда сақлади. Бошқача сўз билан айтганда, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилмаган сиёсат, воқеа ва ҳодисаларга фақатгина синфий нуқтаи назардан қараш — Ўзбекистонни ўз ҳудудий маҳдудлигида сақлашга олиб келди. Натижада чет эллардаги илм-фан, техника ютуқлари, жумладан ирригация ва мелиорация соҳасидаги янгиликлардан беҳабар қолавердик.

Буларнинг бариси жумхурият қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликда ирригация ва мелиорация ишларини жаҳон даражасидан анча ортда қолишига сабаб бўлди. Бу сабаблар энди ҳукуматдан хўжалик юритишнинг ишчан, зарур механизмини ишлаб чиқишни, ривожланишнинг интенсив йўлларини кўпроқ қўллашни талаб қиларди. Пахта етиштиришни янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига эмас, аксинча, мавжуд сугориладиган ерларнинг унумдорлигини ва меҳнат самарадорлигини кўпайтириш ҳисобига амалга ошириш лозим эди.

Афсуски, марказнинг пахтага бўлган талаби тобора кучайиб борар эди. Нима қилиб бўлса-да кўпроқ пахта етиштиришдан иборат бўлган «олий мақсад» экстенсив йўллардан қутулишга имкон бермади. Бунини партия Марказий Қўмитаси ва Совет ҳукуматининг 1956 йил 6 августда эълон қилган пахта ҳосилини ошириш учун Мирзачўл ва Қозоғистон чўлларида суғориш ишларини ва янги ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги қароридан ҳам яққол сезиш мумкин.

Биз бу қарор ва унинг бажарилиши жараёнида амалга оширилган ишларни инкор этмоқчи ёки уни қораламоқчи эмасмиз. Бирок, ўша пайтда экин экиладиган мавжуд ерлар ва суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини оширишга кўпроқ эътибор бериб, бор капитал маблағ, техника, интеллектуал қобилиятни ўша ишга сарфлаганимизда ютуқлар яна ҳам сезиларли ва самарали бўлар эди. Оқибатда анчагина ерларни иқтисод қилган, жумхурият экологик ҳолатини сақлаган, Оролни асраган, кўплаб ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ҳал этган бўлардик.

1956 йилдаёқ Ўзбекистондаги суғориладиган майдонлар ҳажми 2,7 миллион гектарни ташкил қиларди. Айниқса пахтачиликка ҳаддан зиёд кўп майдон ажратилди. Унинг майдони Октябрь инкилобидан илгариги даврга қараганда беш марта ошди ва 1956 йилга келиб 1 миллион 300 минг гектарни ёки барча суғориладиган ерларнинг ярмини ташкил қилди.

Лекин шунга қарамай ҳукумат қарорига биноан

Мирзачўлни пахта етиштириш бўйича энг катта зонага айлантириш вазифаси кўйилди. Жумладан бу ерда тез вақт ичида 300 минг гектар ерни ўзлаштириш ва 1964 йилдан бошлаб бу ерда йилига 320—340 минг тонна пахта етиштириш лозимлиги таъкидланди.

Бу муҳим давлат топширигини бажариш учун Ўзбекистонда ниҳоятда катта гидромелиоратив ва ирригация ишларини бажариш лозим эди. Булар жумласига 5—6 йил ичида Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларини қуриш, Киров номидаги Шимолий Мирзачўл каналини кенгайтириш, Марказий Мирзачўл коллекторининг иккинчи навбати ва машинада сугориш каналларини барпо этиш керак эди. Ҳукумат қарорига биноан қуввати 40 минг кВт бўлган Мирзачўл гидроэлектростанцияси ҳамда 60 км. дан иборат Сирдарё-Жиззах йўналишида темир йўл қурилиши белгиланди. Булардан ташқари 23 та янги пахтачилик совхозлари ва 23 та пахта тозалаш заводларини қуриш кўзда тутилди.

Бундай катта кўламдаги ишлар, сугориш иншоотларини қуриш, гидромелиоратив жараёни амалга ошириш инсоният тарихида ниҳоятда камдан-кам бўладиган ходисадир.

Бу ишларни амалга ошириш учун эса аввало ишчи кучи зарур эди. Қарорга биноан Мирзачўл зонасини ўзлаштириш, бу ерда қурилиш ишларини олиб бориш учун чўлга 100 минг одамни кўчириб келтириш вазифаси белгиланди.

Фақатгина Мирзачўлда эмас, балки Ўзбекистоннинг бошқа барча вилоятларида ҳам янги ерларни ўзлаштириш билан шуғулланиш лозимлиги таъкидланди. Жумладан, бошқа вилоятларда 400 минг гектар ерни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш лозим эди.¹

Юқорида биз Мирзачўл ва бошқа вилоятлардаги чўлларни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим вазифаларни санаб ўтдик. Табиийки, бу ишлар ниҳоятда катта маблағни талаб қилди. Бу маблағлар ниҳоятда қийинчилик билан топилди. Бу жумҳуриятнинг бошқа, азалдан экин экиб келинадиган унумдор ерларида сувга бўлган эҳтиёжнинг тўлиқ бажарилмаслигига, ижтимоий муаммоларнинг тўпланиб қолишига олиб келди.

Пахта ишининг усталари, мохир ирригаторлар, мутахассис-иктисодчиларнинг гувоҳлик беришича, Мирзачўл

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. 2- том. 772—773- бетлар.

зонасининг бунчалик катта миқдорда ўзлаштирилиши ижобий натижа бермади. У энг аввало сув муаммосини келтириб чиқарди, Орол фожиасига, Орол бўйида яшаётган халқ орасида турли хил касалликларнинг пайдо бўлишига, экологик муҳитнинг ниҳоятда даҳшатли даражада бузилишига олиб келди.

Мирзачўлни ўзлаштиришга сарф қилинган маблағ қанчалик миқдорда соф фойда бўлиб қайтганлигини ҳали ҳеч ким ҳисоб-китоб қилганича йўқ. Аммо унинг келтириб чиқарган муаммолари эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаммани ташвишлантирмоқда.

Шу билан бирга биз Мирзачўлда амалга оширилган жараёни тўлиқ қораламоқчи ҳам эмасмиз ва бунга бизнинг маънавий ҳаққимиз ҳам йўқ. Биз фақат шуни истаймизки, бундан кейин халқаро миқёсда бундай катта кўламдаги ишларни бажаришда эҳтиёткорлик қилиш лозим, ҳамма нарсани моддий бойликлар билан эмас, халқнинг ижтимоий шароитига кўрсатадиган салбий ва ижобий таъсирига қараб баҳолаш керак бўлади.

Демак, Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация ишлари янги ерларни ўзлаштириш — ютук ва камчиликлардан иборат экан. Хўш, бу даврда, яъни урушдан кейинги даврда пахтачилик қандай ривожланди? Уруш даврида аҳамиятини бир оз йўқотган пахта яккаҳоқимлигининг тақдири нима бўлди?

Аввало шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Ўзбекистонда давлатнинг пахтачилик соҳасидаги сиёсати ўзгармай қолаверди. Агар уруш вақтида пахта ва бошқа экин майдонларининг умумий нисбатида бироз мутаносиблик юзага келган бўлса, урушдан кейин асосий эътибор яна пахтага қаратилди, яна пахта яккаҳоқимлиги ўрнатилди бошланди. 1943 йилда пахта экиладиган майдонлар 732 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бу рақам урушдан кейин аста-секин кўтарилиб, 1947 йилда 911 минг гектарни ташкил қилди.

Ҳукумат асосан пахта етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқа бошлади. Жумладан, 1946 йилдан бошлаб мамлакат марказидан ва бошқа районлардан олинадиган дон ва озиқ-овқат, саноат моллари топшириладиган пахтанинг ҳажмига боғлиқ қилиб қўйилди. Бу аслида халқаро инсон ҳуқуқларини поймол этиш билан баробар эди.

Ўзбекистонни мамлакатнинг асосий пахта базасига айлантириш оқибатида ишлаб чиқарилаётган захарли,

кимёвий дорилар бизнинг кишлокларимизга кириб кела бошлади, ерни «нашаванд» қилиш оммавий тус олди. 1947 йилга келиб бу ерга 550 минг тонна кимёвий, захарли ўғитлар келтириш вазифаси қўйилди.¹ 1946 йилда Ўзбекистон 846 та трактор, 1240 та трактор плуглари, 1074 та юк машиналарини олди.²

Кўрилган бу чора-тадбирлар оқибатида урушдан кейинги биринчи йилдаёқ пахтадан яхши ҳосил олинди. 1946 йил 30 ноябрга келиб давлатга 1428 минг тонна пахта топширилди ва бу борадаги давлат режаси 100,7 фоизга адо этилди. Шу билан бирга пахта ҳосилдорлиги ҳам ошди ва у бир йил ичида 2,7 центнерга кўпайди, 1100 дан ортик колхоз, 15 ноҳия ҳосилдорликни урушдан аввалги йилга нисбатан кўпайтирди, 630 колхоз эса ҳар гектар ердан 20 центнердан зиёдроқ ҳосил йиғиштириб олди.³

Шу билан бирга Хоразм вилояти, 33 та ноҳия, 1800 та пахтачилик колхозлари, кўплаб совхозлар ўз олдиларига қўйилган мақсадга эриша олмадилар.

1947 йилга келиб жумҳурият пахта экиладиган майдонлар ҳажми бўйича урушдан аввалги даражага етди, бир йилдан сўнг эса Ўзбекистон фашист босқинчиларидан олдин қанча ҳосил етиштириб топширган бўлса, ўша даражага эришди. Аммо шу билан бирга 1947—1949 йилларда жумҳурият ўз олдига қўйилган вазифаларни яна удалай олмади: пахта етиштириш режаси бажарилмади.

Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат эди:

— 1947 йилги ҳосилни экишга тайёргарлик ниҳоятда суст олиб борилди, кузги шудгор қилинган ерга экилган чигит экин майдонининг ҳаммаси бўлиб 32 фоизини ташкил қиларди, холос. Баҳорги шудгор эса ниҳоятда кеч амалга оширилди, оқибатда кўчат экиш жуда кечикиб кетди;

— баҳорги экин экиш муддатининг сезиларли даражада орқада қолишининг муҳим сабабларидан яна бири — ирригация иншоотларининг ўз вақтида тайёрланмаганлигидадир;

¹ КПСС и Советское правительство об Узбекистане. Хужжатлар тўплами, 1925—1970 йй. — Тошкент. 1972, 478—483-бетлар.

² «Правда Востока», 1946 йил 7 февраль.

³ В. И. Карасев. Борьба коммунистической партии за восстановление и подъем сельского хозяйства Узбекистана в послевоенные годы. — Тошкент. 1957, 9-бет. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Тошкент. «Ўзбекистон», 1974. 474-бет.

— ғўзаларни парвариш қилишда талаб қилинадиган агротехник қоидаларга риоя қилинмади. Экиннинг 25 фоизи 1 июнгача ҳам ҳали яғана қилинмаган эди. Шунинг учун ҳам қаторлар оралаб пахтага биринчи ишлов бериш 10 июнгача чўзилди;

— пахта терими пайтидаги меҳнат унумдорлиги ниҳоятда паст эди. Айниқса, пахтани териш ва транспортда ташиш пайтида кўп ҳосил йўқотилар ва баъзи ҳолларда у ҳар гектардан 100—200 килограммни ташкил қиларди.

Мазкур камчиликлар жумҳуриятнинг барча вилоят ва ноҳияларига тааллуқли эди. Шунинг учун ҳам ҳукумат пахтакорлардан бу борадаги камчиликларга барҳам беришни астойдил талаб қиларди. 1950 йил ўтган йилларга қараганда анча самарали бўлди, кишлок хўжалигида, унинг барча тармоқларида сезиларли ютуқларга эришила бошланди. Бунда айниқса 1950 йил 11 январда бўлиб ўтган жумҳурият пахтакорларининг VI курултойи алоҳида аҳамият касб этди.

Юқори ҳосил олишдек мураккаб вазифа энди кўплаб хўжаликлар, ноҳиялар томонидан бажарила бошланди. Айниқса Денов, Янгийўл, Қорасув, Пахтаобод, Чиноз, Уйчи ноҳиялари яхши натижаларга эришдилар. Бу вақтга келиб Ўзбекистон иттифоқ бўйича етиштирилаётган пахта, қоракўлнинг учдан икки қисмини, пилланинг ярмини берар эди.

1950 йилда амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган йилга нисбатан 527 минг тонна кўп пахта етиштирилди ва умумий ҳосил 2282 тоннани ташкил қилди. Пахта етиштириш давлат режаси 104 фоизга бажарилди, ўртача ҳосилдорлик эса бир йилда 3,5 центнерга кўпайди.¹

40-йилларнинг иккинчи ярми жумҳурият колхозларини ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда алоҳида ўрин эгаллади — шу даврдан бошлаб мавжуд майда-майда колхозлар йирик хўжаликларга айлана борди. Бу эса хўжаликларга техника-машина паркидан самарали фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, дала ишларини бошқаришни такомиллаштириш имконини яратди. Оқибатда 1940 йилдаги 6201 та колхоз 1950 йилга келиб 2976 тага ва 1959 йилда эса 1020 тагача камайди.²

Аммо бу ташкилий тадбирлар ҳам аҳволнинг яхшила-нишига имкон бермади: 1951, 1952 йилларда жумҳурият

¹ «Правда Востока», 1951 йил 10 июль.

² Хлопководство Узбекистана за 50 лет. Справочник, тўлдирилган иккинчи нашри. Тошкент. 1973, 328-бет.

яна пахта топшириш давлат режасини бажармади. Шунинг учун ҳам ҳукумат пахтакорлар олдига жуда катта вазифаларни кўйди. Жумладан, 1954 йилда пахта етиштиришни ўтган йилдаги режага қараганда 300 минг тоннага кўпайтириш, яқин йиллар ичида пахта экин майдонларини 300 минг гектарга кенгайтириш ва 1958 йилга келиб 4 миллион 200 минг тонна ҳосил етиштириб, давлатга топшириш лозимлиги таъкидланди.

Бу вазифаларни бажариш учун катта-катта маблағлар сарфланди, қишлоқ хўжалик машина, асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш кўпайди, хўжаликларга эса кўплаб малакали кадрлар етказиб берилди бошланди. Бирок ҳосилдорликни оширишнинг имкониятларидан кенг фойдаланилмади. Илмий тадқиқотлар натижалари ниҳоятда секинлик билан жорий этила бошланди, илғор тажрибани умумлаштириш, уни кенг тарғиб қилишда камчиликларга йўл қўйилди.

Пахта етиштиришнинг ялпи салмоғи йилдан-йилга ошиб борганига қарамай, 1951—1955 йилларда пахта ҳосилдорлиги кўпаймади, аксинча, пасайиш ҳоллари юз берди. Агар 1950—1953 йилларда ҳар бир гектар ердан 21,1 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1954 йилда у 20,1 центнерни, 1955 йилда эса 18,9 центнерни ташкил қилди, ҳолос. 1955 йилда ўтган йилдагидан 200 минг тонна кам пахта тайёрланди.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда айниқса Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти анча орқада қола бошлади. 1953 йилда жумҳуриятдаги 1068 колхоз ҳар гектар ердан 20 центнердан кам ҳосил олди. Бу ҳол қишлоқ хўжалигининг бошқа турларига, жумладан мева-сабзавот, картошка, узум етиштиришга ҳам боғлиқ эди.

Кўп жойларда мавжуд машина-трактор паркдан ниҳоятда унумсиз фойдаланилди. МТСларнинг ёмон ишлаши, ўз олдларига қўйилган мажбуриятларини бажармасликлари туфайли колхозларда агротехник ишлар қониқарсиз ва сифатсиз олиб борилди. Бу эса пахтанинг етилиш муддатини чўзиб юборар, ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлишига, давлатга пахта топшириш режасининг бажарилмаслигига сабаб бўларди.

Бу пайтда мавжуд МТСлар катта ишларни бажаришлари мумкин эди, зеро 1956 йилдаги маълумотларга кўра, жумҳуриятдаги техника-трактор паркининг умумий

куввати 800 минг от кучини ташкил қиларди. Фақатгина 1954—1955 йилларда машина-трактор станцияларининг ишлаб чиқариш, маданий-маиший харажатлари учун 106 миллион сўм сарфланди. Мазкур соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида ҳукумат кўрсатмасига асосан 3 минг мутахассис саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан машина-трактор станцияларига ўтказилди. Умуман бу пайтда 73 минг механизатор бор эди.

Бирок, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, МТСлар фаолиятида йирик хато, камчиликлар бор эди. Трактор паркиннинг кўпайиши, тракторлар билан бажариладиган иш ҳажми ошиши пахта ҳосилдорлигининг юксалишига, меҳнат харажатларининг эса камайишига олиб келмади. Масалан, 1950—1955 йилларда тракторлар билан бажариладиган иш ҳажми 61 фоизга ошгани ҳолда, пахтанинг ялпи миқдори 11 фоизга ошди, холос. Кўпгина МТСларда эса кўшиб ёзиш ҳоллари учрай бошлади. Бундай ҳол айниқса 1-Мирзачўл, Урганч, Манғит, 2- Қарши ва бошқа станцияларда кўпроқ содир бўлди.

Машина-трактор станциялари пахта териш, кўрак териш ишида ҳам намуна кўрсатолмади. Машина терими кўп ҳолларда хўжаликлар томонидан рағбатлантирилмади, унинг ҳажми йилдан-йилга камайиб борди. Агар 1953 йилда пахтани машиналар ёрдамида териш давлат режаси 29 фоизга бажарилган бўлса, 1955 йилга келиб бу рақам 17 фоизни ташкил қилди, холос. Бу барча йиғиб-териш олинган пахтанинг бир фоизини ҳам ташкил қилмас эди.¹

МТСларнинг молия-хўжалик фаолиятида ҳам катта камчиликлар мавжуд эди. 1955 йилда 148 та МТС бўйича таъмирлашга ажратилган маблағнинг ортиқча ишлатилиши, маъмурий-хўжалик харажатларининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши сабабли 10 миллион сўм зарар кўрилди.

50- йиллар, айниқса унинг иккинчи ярмидан бошлаб пахта етиштиришда агротехник қоидаларга тўғри эътибор берилди бошланди. 1956 йилдан бошлаб квадрат-уялаб чигит экишни амалга ошириш яхши самара берди. Бу эса, ўз навбатида, пахта майдонларини тартибга солиш, кишлоқ хўжалиги техникасини қайтадан сошлашни талаб

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. 2- том, 759- бет.

қиларди. Шу йилдан чигитнинг кўп қисми кузги шудгорланган ерларга экила бошланди. Ерни сошлаш, унга чигит экиш тартибини белгилаш хўжаликлар ихтиёрига берилди.

Натижа ёмон бўлмади: 1956 йилда жумҳурият бўйича 2978 минг тонна пахта етиштирилиб (шундан 85 фоизи биринчи навларга топширилди), бу борадаги давлат режаси бажарилди. Пахта ҳосилдорлиги ўсди ва ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олинди.

Ўзбекистонда 1957 йилдан пайдо бўлган трактор-дала бригадалари пахтачиликнинг ривожланишида катта роль ўйнади. Бундай бригадалар Ўрта Осиё машина синаш станциясининг механиги В. Тюпко, Шўрчи МТСи трактор бригадасининг бошлиғи Т. Абсаматов, Фарғона вилоятидаги Горск МТСи тракторчиси К. Кенжаев, «Малик» совхози механизатори Ж. Кўчиевлар ташаббуси билан тузилган эди.

Бундай бригадаларнинг тузилиши дарҳол яхши натижалар берди. 1957—1958 йиллар мобайнида жумҳурият бўйича 1636 та шундай бригадалар ташкил этилди. 1958 йилга келиб трактор-дала бригадалари 124 минг гектар майдонда пахта етиштирдилар.

Пахта етиштиришни янада яхшилаш мақсадида илгари қолоқ бўлган колхозларни совхоз хўжаликларига айлантирилди. Ҳукуматнинг бу ҳақдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда 63 та янги совхоз ташкил этилди. Жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам 13 та МТС, 119 та колхоз базасида 20 та совхоз тузилиб, шундан 17 таси пахтачилик билан шугулланар эди.

Илгари қолоқ бўлган деҳқон хўжаликлари, колхозларнинг совхозларга айлантирилиши натижасида қишлоқ хўжалигини юксалтиришда сезиларли ютуқларга эришилди. Бу айниқса Тахтакўпир, Чимбой, Кегейли, Қўнғирот ноҳияларида яққол намоён бўлди. 1957 йилда мухтор жумҳуриятнинг шимолий ноҳияларидаги совхозлар ўз режаларини бажардилар, 136 та бригада 20—30 центнердан, 148 таси эса 30—40 центнердан ҳосил топширди.

Агар шу ноҳияларнинг колхозчилари 1956 йилда 130,5 миллион сўм соф фойда олган бўлсалар, 1957 йилда эса шу хўжаликлар ўрнида ташкил топган совхоз ишчилари 203 миллион сўм фойда олдилар.

Қишлоқ хўжалик ходимлари, жумладан пахтакорлар меҳнатини кадрлаш, ишлаб чиқаришда моддий манфаатдорлик принципига амал қилиш, ўз навбатида, пахтачиликнинг янада ривожланишига олиб келди. 1958 йилда

Ўзбек пахтакорлари давлатга 3047 минг тонна пахта топширдилар. Бунчалик кўп пахта хом ашёсининг олиниши ҳукумат томонидан амалга оширилган катта миқёсдаги тадбирлар, суғориш иншоотларини такомиллаштириш, ирригация тармоқларини қуришнинг натижаси эди. Жумладан, 50-йилларнинг охирларидан 800 миллион кубометр ҳажмдаги Жанубий Сурхон сув омбори, 500 миллион кубометр ҳажмдаги Чимкўрғон сув омбори, 250 миллион кубометр ҳажмдаги Тошкент сув омборини қуриш белгиланди.

Бу пайтга келиб Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган эди. Тўпланган тажриба асосида Марказий Фарғона, Амударёнинг қуйи қисми, Сурхондарё, Қашқадарё сув ҳавзаси, Чирчиқ-Ангрен сув ҳавзаларида анча ерларни ўзлаштиришнинг бошланиши жумҳурият қишлоқ хўжалигини юксалтиришда алоҳида босқич бўлди.

Ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Маълумки жумҳуриятимизда 30-йиллардан бошлаб ингичка толали пахта етиштирила бошланган эди. Бироқ улар кам майдонларга экилар, бундай пахтанинг қимматбаҳолиги ва аҳамияти катталлиги кўпчиликка маълум эмасди. Бундан ташқари, ингичка толали пахта етиштиришнинг нисбатан қийинлиги, уни йиғиб-териб олишнинг мураккаблиги, ҳосилдорлигининг пастлиги кўпгина хўжалик раҳбарларини бундай турдаги хом ашё етиштиришга бўлган интилишига тўғанок бўларди. Шунга қарамадан, 50-йиллардан бошлаб Сурхондарё, Қашқадарё, кейинчалик эса Наманган ва Бухоро вилоятларининг катта-катта майдонларида ингичка толали пахта етиштирила бошланди.

Буларнинг барчаси пахтакор деҳқонларнинг турмуш шароитини яхшилашга, моддий манфаатдорлигини оширишга сабаб бўлди. Агар 1953 йилда Ўзбекистон колхозлари 7576 миллион сўм даромад қилган бўлса, 1958 йилга келиб бу кўрсаткич 10270 миллион сўмга етди.¹

Жумҳурият пахтачилигини ривожлантиришда шаҳарнинг, ишчилар синфининг роли ҳам бениҳоя катта бўлди. Бундай алоқалар энг аввало шаҳарнинг қишлоқни машина-трактор, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашида намоён бўлди. Шаҳарнинг қишлоқни оталиққа олиши — сўзсиз катта аҳамиятга эга бўлди. Тўғри, бундай оталиқ

¹ Советский Узбекистан за 40 лет. Тошкент, 1964. 205-бет.

энг аввал ҳукуматнинг, партиянинг топшириғи билан амалга оширилди. Кейинчалик эса бу ҳаракатнинг мазмуни бойиб, такомиллашиб борди. Оталиқ ҳаракати илгари юқорининг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, энди у қуйидан, шаҳардаги саноат корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари томонидан амалга оширила бошланди.

Айниқса шаҳарнинг қишлоқ маданиятини юксалтиришга кўрсатган ёрдами самарали бўлди. Бу ҳаракат 50-йилларнинг иккинчи ярмида жуда унумли бўлди: театрлар, концерт ташкилотлари, бошқа маданият муассасалари қишлоқларда ўзларининг бўлимларини очдилар, кутубхона, клубларнинг фаолиятини такомиллаштиришда жонбозлик кўрсатдилар.

Мазкур тадбирларнинг барчасидан кўзланган мақсад — Ўзбекистонда яна ҳам кўпроқ пахта етиштириш, мамлакат енгил саноатини етарли даражада хом ашё билан таъминлашдан иборат эди. Бу вазифаларнинг барчаси адо этилди. Ўзбекистон қисқа муддат ичида урушнинг оқибатларини тугатиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича урушдан илгариги даврдаги даражадан ошиб кетди.

Лекин Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликда ҳали ҳам катта хато, камчиликлар мавжуд эди. Аввало шунини таъкидлаш лозимки, жумҳуриятда пахта яккаҳокимлигини «таъминлаш»дан иборат бўлган салбий ҳаракат давом этди. Тўғри, уруш йилларида бундай ҳолатга бироз чек қўйилган бўлса ҳам урушдан кейин, Россиянинг душманлардан тозаланган ўлкаларида дон, ғалла экиш яна илгариги ҳолатга тушганидан сўнг, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги яна бир томонлама ривожлана бошлади. Бошқача сўз билан айтганда, 50-йиллар 70—80-йилларда жумҳурият пахтачилигида юзага келган ва шаклланган пахта яккаҳокимлигининг бошланиш нуктаси бўлди. Биз бу билан 20—30-йилларда бундай вазият рўй бермаган демоқчи эмасмиз. Лекин ҳақиқий маънодаги пахта яккаҳокимлигининг пойдевори айнан 50-йилларда қўйилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Мирзачўл ва Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш ҳаракати сўзсиз ижобий оқибатлар билан (янги-янги аҳоли пунктлари, боғ-роғлар барпо этилди, кишиларни иш билан таъминлашга, баъзи демографик муаммоларни ҳал этишга кўмак берди) бирга жиддий салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқарди.

Масалан, айни шу пайтдан бошлаб қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликни ривожлантиришда самарасиз йўллардан фойдаланиш усули шаклланиб бўлди. Пахта-нинг ялпи ҳосили мавжуд ерларнинг агротехник ҳолатини яхшилаш, суғориш иншоотларидан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, техника имкониятларидан унумли фойдаланиш эвазига эмас, аксинча, янги ерларни керагидан ортиқ миқдорда ўзлаштириш, техникани эса физик жиҳатдан кўпайтириш, соҳага иложи борича кўпроқ моддий маблағ сарфлаш ҳисобига олинди.

Бошқача сўз билан айтганда, қанчалик кўп пахта эккан бўлсак, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан, жумладан Россиядан келтириладиган товарлар ҳажми ҳам шунчалик кўпайиб борди. Бу эса Марказнинг Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонни фақатгина истеъмол қилувчи ўлка, Россиянинг ҳисобига кун кўрувчи жумхурият, марказнинг «бўйинтуруғи» деган ғайрификрининг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ, бу ҳали Ўзбекистонни иқтисодий биқиклик ва маҳдудликда саклашнинг бошланиши эди, холос.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТУРҒУНЛИК ДАВРИДА: ПАХТАЧИЛИКДАГИ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

ЯНА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

50- йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудида ирригация ва мелиорация ишларининг авж олдирилиши бу ишни такомиллаштиришни, сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини яхшилашни талаб қилар эди. Энг аввало, бу соҳага раҳбарлик қилиш усулларини янги шароитга мослаб ишлаб чиқиш зарур эди. Чунки, 50- йилларнинг ўрталаридан жамиятда бошланган ижтимоий-иқтисодий демократиялаштириш жараёни мазкур соҳани ҳам четлаб ўтмади. Энди 20—30- йилларда шаклланган раҳбарликнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан воз кечиш, кўпроқ иқтисодий омилларга эътибор бериш зарур эди.

Жумладан, ирригация ва мелиорациянинг жумҳуриятимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, мавжуд Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги деб қайта номланди, вазирликда махсус мелиорация бошқармаси тузилди. Шунга ўхшаш, вилоят суғориш тармоқлари бошқармалари ташкил этилди. Тизимдаги бу ўзгаришлар туфайли мелиорация иши учун алоҳида моддий-техник база яратиш имкони яратилди.

Ирригация ва мелиорацияга капитал маблағ ажратиш ҳам кескин ошди: агар 1956—1960 йилларда бу тармоққа 402 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, 1961—1965 йилларда — 951, 1966—1970 йилларда — 1 миллиард 793 миллион сўм, 1971—1975 йилларда — 3 миллиард 750 миллион сўм, 1976—1980 йилларда — 5 миллиард 750 миллион сўм, 1981—1985 йилларда 6,4 миллиард сўм ажратилди.¹ Ана шу маблағларнинг 20 фоизи фақат мелиорация тармоқларига сарфланди. Бундан кўриниб турибдики, сўнгги йилларгача асосий эътибор ирригация ишларини ривожлантиришга қаратилди.

¹ А. Раззоков. Сув ва ҳаёт, 58- бет.

Ирригация тармоқларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар бир-бирига қарама-қарши икки хил хулосани келтириб чиқаришини эътиборга олиш лозим. Гап шундаки, ирригация ишини ривожлантиришга бўлган интилиш **бир томондан** — қишлоқ хўжалигини юксалтириш, ялпи маҳсулот олишни кўпайтиришга бўлган интилишдир. Шу билан бирга бу масаланинг **иккинчи томони** ҳам борки, унга асосан, ирригация ва сув хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар кўпроқ қишлоқ хўжалигини экстенсив равишда юксалиши билан боғлиқдир. Чунки ирригация ва сув — кўпинча янги ерларни ўзлаштириш, уларни экин майдонлари оборотига киритиш демакдир. Биз бу билан ирригация тармоқларининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини турғунлик ҳолатига олиб келган ягона сабаб демоқчи эмасмиз. Гап, 50—60- йилларда бўлгани каби, яқин-яқингача ҳам асосий эътибор сунъий суғориш тармоқларини юксалтириш, демак — қишлоқ хўжалигида асосий йўл экстенсив йўл бўлиб қолаётганлигини таъкидлашдан иборат.

50- йилларнинг ўрталаридан Мирзачўл, Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришнинг бошланиши мазкур соҳанинг янада ривожланишига олиб келди. 60- йиллардан Ўзбекистонда бошланган ирригация ишлари илгариги даврлардан (хаттоки 50- йиллардагидан ҳам) кескин фарқ қиларди. Жумладан, илгари бу ишлар асосан кўл меҳнати билан, оддий усулларда амалга оширилар, бу жумҳурият аҳолисининг катта қисмини мазкур қурилишларга жалб қилинишини тақозо қиларди.

Энди эса, ирригация қурилиши, сув иншоотларини барпо этиш мазмун жиҳатдан бойиди. Масалан, Мирзачўлдаги қурилиш ишларининг энг асосий хусусияти — унинг саноат усулларига ўтиши, механизациянинг кенг жорий қилинишидадир. Бу ишларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг юксалаётганлигидан далолат беради.

Сув хўжалиги қурилиши Мирзачўлдан ташқари яна бир қанча жойларда амалга оширилди. Бу иш айниқса Фарғона водийси, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида жадал олиб борилди.

Ирригация иншоотларини ишга тушириш мақсадида ҳар бир вилоятда кучли кувватга эга бўлган йирик қурилиш ташкилотлари ташкил этила бошланди. Булар эса, ўз навбатида, сув хўжалиги қурилишини катта тезлик билан олиб боришда, сув омборлари ва каналлар

қурилиши оқибатида эса катта майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, сув билан кам таъминланган ҳудудларни (Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё) оби ҳаёт билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди. Булар эса Марказий Фарғона чўлларида 140 минг гектар ерни ўзлаштириш, Сурхондарёда ўн минглаб гектар ерларни боғу роғларга айлантириш, 184 километрлик Эски Ангор каналини қуриш имконини берди.

Олиб борилган ишлар яхши натижалар берди ва 1959—1965 йилларда 381,8 минг гектар янги ер ўзлаштирилди.¹ Қўрилган тадбирлар оқибатида жумҳуриятимизда суғориладиган ерлар миқдори тўхтовсиз равишда ошиб борди. Агар бундай ерлар 1957 йилда 2996,8 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1960 йилда 3040,3 минг гектаргача кўпайди ва 1965 йилда бу рақам 3179,1 минг гектарни ташкил қилди.

Шу нарсага ҳам аҳамият бериш лозимки, суғориладиган ерлар ҳажми ортиб бориши билан, улардан фойдаланиладиган ернинг қисми эса доимо камайиб борди. Фикримизнинг далили сифатида шундай рақамларни келтирамиз: агар 1957 йилдаги мавжуд 2996,8 минг гектар ернинг 2694,1 минг гектаридан фаол равишда фойдаланилган бўлса, 1965 йилга келиб суғориладиган ерларнинг миқдори 3179,1 минг гектарга етганда, ундан фойдаланиладиган қисми тобора қисқариб, 2620,3 минг гектарни ташкил қилди.²

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: суғориладиган ерларнинг миқдори қанча кўп бўлса, ундан шунчалик хўжасизларча, бепарволарча фойдаланилади ёки аксинча. Доно халқимиз шакарнинг ҳам ози ширин, деб бекорга айтмаган.

1960—1962 йилларда кўпгина сабабларга кўра жумҳурият бўйича пахта ҳосилдорлиги 1958 йилдаги даражадан ҳам пасайиб кетди. Аммо пахта ялпи ҳосили камаймади. Бу янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида пахта етиштиришнинг энг «осон» ва «қулай» йўлининг пайдо бўлганлигидир.

Етти йил мобайнида Чимқўрғон, Тошкент, Жанубий Сурхондарё ва Каркидон сув омборларининг биринчи

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана.— Тошкент, «Ўзбекистон», 1974, 619- бет.

² Ўзбекистан за 7 лет (1959—1955 гг.), қисқача статистик тўплам. Тошкент. 1966, 49- бет.

навбати, Аму-Қорақўл ва Жанубий Мирзачўл каналлари ҳамда Бухоро — Бухоро машина суғориш канали қурилди. Сув омборларининг ҳажми 2 баробар, каналлар узунлиги эса 11,5 минг километрга ошди. Булардан ташқари, яна кучли насос станциялари ҳам барпо этила бошланди. Қорақалпоғистонда масалан, Равшан канали қайта таъмирланди. Кегайли, Шуман каналларининг биринчи навбати ишга туширилди. Сувнинг филтрлаш пайтида камайишининг олдини олиш мақсадида жумҳуриятдаги 545 километр каналлар бетонлаштирилди. Бу тадбирларнинг барчаси катта-катта майдонларни сув билан таъминлашда алоҳида ўрин тутди.

Мирзачўлни ўзлаштириш ҳамда суғориш иншоотларини қуриш, илгаригиларидан тубдан фарқ қилар эди. Хўш, булар нималардан иборат эди? Булар энг аввало комплекс режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш; иншоотларни қуриш жараёнини тўлиқ индустрлаштириш, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилиш, янги қурилиш билан бирга янги ерларни ҳам ўзлаштириш ҳамда уларни тугал ҳолатда фойдаланишга топширишдан иборат.

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг янги принципи илгари амал қилиб келинган усул, яъни асосий эътиборни сув хўжалигига қаратишдан, чўл зоналарида ривожланган пахтакор районларини ташкил этиш билан боғлиқ комплекс тадбирлар ишлаб чиқишга ўтишдан иборат.

Суғориш, коллектор-дренаж тармоқлари, гидроиншоотлар қуриш ҳамда суғориладиган ерларни тайёрлаш билан бирга тузилаётган совхозларни соз ҳолатда, нормал вазиятда (қурилиш индустрияси, йўл, энергия таъминоти, сув билан таъминлаш, газлаштириш, иситиш — буларнинг барчаси шу мақсадга қаратилган эди) топширишга биринчи навбатда эътибор берилди. Булардан ташқари режалаштириш кенг йўлга қўйилди, иссиқ ҳаво, изғирин, бўронлардан сақлаб қолиш имкониятига эга бўлган ўрмончалар ташкил этиш, яхши уйлар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши ҳам амалга оширилаётган тадбирларнинг муҳим қисмини ташкил қилар эди.

Янги ерларни ўзлаштиришнинг янги принципи меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклининг пайдо бўлишига олиб келди. 1963 йилгача Мирзачўл қурилиш бош бошқармаси деб аталган ва кейинчалик Ўрта Осиё совхозларида ирригация қурилиш бош бошқармаси

номини олган ташкилот қошида ирригация иншоотлари, каналларни таъмирлаш, қуриш, ерларни режалаштириш, дренажлар қуриш, совхозларда саноат-фуқаро объектларини қуриш билан шугулланувчи бўлимлар пайдо бўлди.

Сув хўжалиги ва гидромелиоратив тизим шохобчаларини қуриш ва фойдаланишда, янги техникани ўзлаштириш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишда Мирзачўл ўзига хос лаборатория вазифасини ўтади. Мазкур соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда 10 дан зиёд илмий ва конструкторлик ташкилотлари қатнашди.

1966—1970 йилларда Мирзачўл билан бирга Қарши ва Сурхон-Шеробод водийсида, Марказий Фарғонада ҳамда Амударёнинг қуйи қисмида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Янги каналлар қурилиши билан бирга мавжудларини таъмирлаш ҳам йўлга қўйилди. Фақат саккизинчи беш йилликнинг ўзида устахоналар, чорвачилик фермалари, йўл қурилиши, электрлаштириш, газлаштириш, тураржой ва маданий-маиший объектлар қурилишига 5 миллиард 45 миллион сўм ёки илгариги уч беш йилликда сарфланганидан ҳам кўпроқ маблағ сарфланди. Бу йиллар давомида 240 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 436 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати, 650 минг гектар ерни сув билан таъминлаш иши яхшиланди.¹

Жумҳуриятда 70- йилларда ҳам ирригация иншоотларини қуриш, сув хўжалиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. 1971—1976 йилларнинг ўзидагина ярим миллион гектар чўл ерлари ишга туширилди. Янги ерларда 50 та совхоз ташкил этилди. Шу йиллар ичида Тахиатош, Окдарё, Кармана гидроузеллари, Боботог, Москва номидаги, Катта Наманган, Ульянов номидаги, Қарши магистрал каналлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Янги ерларни ўзлаштириш, уларни хўжалик оборотига киритишда анчагина муаммолар бор эди. Афсуски, ўша пайтда бу муаммоларга жиддий эътибор берилмади. Ваҳоланки, ўша даврда вазият маълум бўлиб, ундан керакли хулосаларни чиқариш мумкин эди. Аммо 70- йилларда шаклланиб бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизими, хўжаликни юритишдаги кўр-кўрона, ноиктисодий омиллар янги ерларни ўзлаштириш ишининг самарадорлигини пасайтирди, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга салбий

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана.— Тошкент. «Узбекистон», 1974, 651-бет.

таъсир кўрсатди. Масалан, 1976 йилда Сирдарё вилояти бўйича Мирзачўлда 32,5 минг гектар ер ўзлаштирилмай қолган эди. Шу билан бирга, 11 минг гектар ердан олинандиган ҳосилдорлик ниҳоятда паст эди. Гап шундаки, шунча миқдордаги ердан олинандиган ҳосилдорлик жуда ҳам паст бўлишига қарамай, ҳали ўзлаштирилмаган ерларни хўжалик оборотига киритишга ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, янги ерларни ўзлаштириш ишини бироз бўлса-да тўхтатиб туриб, унга сарфланиши мумкин бўлган маблағни ерларнинг унумдорлигини оширишга, мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланса, анча фойдали бўлар эди. Бироқ, марказнинг топшириғини бажариш, янги ерларни кўпроқ ўзлаштириш ҳаракати бундай йўл тутишга имкон бермас эди. Бундан ташқари, энди қишлоқ хўжалигини экстенсив равишда ривожлантиришга ўрганиб қолинган, бундай механизм аллақачон шаклланиб бўлган эди.

70- йилларнинг иккинчи ярмида ҳам бу жараён давом этди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ўрнига кўп маблағ сарф қилиб маҳсулот олиш давом этди. Шунинг учун ҳам, суғориладиган ерлар миқдори тобора ошиб борди ва 1976—1980 йилларда 450 минг гектарни ташкил қилди. Бу айниқса Қашқадарё (88 минг га), Сурхондарё (32 минг га), Бухоро (30 минг га), Жиззах (6,6 минг га) вилоятларида, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида (53 минг га) катта тезлик билан амалга оширилди.

Шундай қилиб, 1950 йилларнинг ўрталаридан бошланган Мирзачўлни ўзлаштириш жараёни 70- йилларнинг иккинчи ярмига келиб яқунланди. Энди асосий эътибор Жиззах чўлида 156 минг гектар янги ерни ўзлаштириб, 30 та совхоз (шундан 22 таси пахтачилик совхози) ташкил этишга қаратилди. Бу совхозлар ҳар йили 250—300 минг тонна пахта, 30 минг тонна ғалла, 100 минг тонна сабзавот, 50 минг тонна узум ва мева етиштириб давлатга топширилиши лозим эди.

Жиззах чўлини ўзлаштириш учун сув асосан Сирдарёдан олинди. Бу сув Жанубий Мирзачўл канали орқали (тўрт босқичда кўтарилган ҳолда) 180 метрга кўтариб берилди. Жиззах чўлини ўзлаштириш ишини Мирзачўлни ўзлаштириб бўлган «Мирзачўл қурилиш» ва кейинчалик ташкил этилган «Жиззах қурилиш» ҳудуд бошқармаси амалга оширди.

70- йилларнинг иккинчи ярмида Қарши чўлида лойиҳада белгиланган ишнинг биринчи навбати такомилга етди

ёки ўзлаштирилиши лозим бўлган 200 минг гектар ердан 170 минг гектари ҳўжалик оборотига киритилди. Шу пайтларда Марказий Фарғона чўлларини ҳам ўзлаштирилиши яқунланиш палласига кирди. Бу жараён айниқса Усмонхўжаев номидаги канал қурилиши ва фойдаланишга топширилиши билан анча тезлашди.

Маълумки, Зарафшон водийсини сув билан таъминлаш доимо катта муаммо бўлиб келган. Амударё сувини Бухоро ерларига олиб келиниши нафақат бу ерни, балки Самарқанд вилояти ерларини ҳам сув билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада фақат 1976—1980 йиллардагина 14 минг гектар ер ўзлаштирилди.

Шу йилларда жумҳурият бўйича 482 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 1023 минг гектар ерни суғориш иши яхшиланди. Бу пайтга келиб, Ўзбекистонда суғориладиган ерлар ҳажми 3,4 миллион гектарга етди. Ваҳоланки, октябрь тўнтаришигача бу рақам 1,5 миллион гектарни ташкил қиларди, холос.¹

Ирригация иншоотларини қуриш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар кейинги йилларда ҳам амалга оширила бошланди. 80- йилларга келиб, жумҳуриятда янги ерларни ўзлаштириш жараёни аста-секин тугаллана бошлади. Агар 1976—1980 йилларда 482,1 минг гектар ер суғориш оборотига киритилган бўлса, 1981—1985 йилларда бу кўрсаткич 429,9 минг гектарга тушиб қолди, 1986—1990 йилларда эса бу рақам ҳаммаси бўлиб 159,4 минг гектарни ташкил қилди.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бундай ерларни ўзлаштиришга сарфланган капитал маблағ миқдори ҳам бир текис ривожланмади. Масалан, 1976—1980 йилларда шу мақсадлар учун 7227 миллион сўм ажратилган эди. 1981—1985 йилларда бу рақам 7726 миллион сўмга етган бўлса, кейинги беш йил ичида у 6702 миллион сўмни ташкил қилди, холос.

Бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим, зеро ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиш ўрнига тобора ёмонлашиб бормоқда. Жумладан, 1986 йилги маълумотларга кўра, жумҳуриятимизда 500 минг гектар ер ёки суғориладиган ерларнинг 15 фоизи мелиоратив жиҳатдан ҳеч қандай талабга жавоб бермайди. Бу — ерларни ўзлаштиришнинг лойиҳада белгиланган усулларидадан чекиниш, уларни кат-

¹ История развития хлопководства в Узбекистане. 253—254-бетлар.

та камчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар билан фойдаланишга топширишнинг оқибати эди. Аҳволнинг ёмонлашувига «Ўрта Осиё совхоз қурилиши Бош бошкармаси», Сув хўжалиги вазирлиги, Сув қурилиши давлат қўмиталари ҳам бевосита сабабчидирлар.

Юқорида жумҳурият ҳудудида мелиорация ва ирригация соҳасида олиб борилган ишлар, ютуқлар билан бирга мавжуд камчиликлар, хатолар хусусида ҳам фикр юритдик. Биз бу билан қилинган ишларнинг барчаси фақат хатолардан иборат эди, демокчи эмасмиз, зеро олим ва мутахассисларимизнинг бу борада олиб борган ишлари, эришган ютуқлари жаҳон миқёсида аллақачон маълум. Бирок, бу ютуқлар жуда секинлик билан ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Агар жумҳуриятда 1976 йили 7300 километрга яқин ёпиқ дренаж бўлган бўлса, 1985 йили бу деярли 14 400 километрга етган, яъни икки марта ўсган. Агар масалага юзаки қараладиган бўлса, бу рақам жуда катта бўлиб кўриниши мумкин. Аммо Ўзбекистонда ҳали 106 минг километр очиқ дренаж борлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу рақам жуда ҳам камлигини тасаввур қилиш мумкин. Ўзбекистонда 4 миллион гектар суғориладиган ер бўлган ҳозирги шароитда бор-йўғи 900 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкониятига эга бўлган дренажлар мавжудлиги аҳволнинг ҳали анча мураккаблигидан далолат бермоқда.

Янги ерларни ўзлаштиришда бир қанча хатоларга йўл қўйилди, тармоқни ривожлантиришнинг экстенсив усулдан фойдаланилди. 1976—1984 йилларда Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти кишлок хўжалигига 8 миллиард сўм маблағ сарфланди. Майдонининг ҳажми жиҳатидан бу жумҳуриятда ишга туширилган кўриқ ерларнинг ярми демакдир. Бирок бу ерлардан олинадиган фойда миқдори қилинган ҳарajatлардан камни ташкил қилмоқда.

Бизда мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланилмапти. Масалан, ерларнинг ярми шўрланган бўлиб, бу ҳосилдорликнинг кескин камайишига олиб келяпти. Қашқадарё вилоятида 1984 йилда ҳар гектар ердан бор-йўғи 15 центнердан пахта ҳосили олинди. Жиззах вилоятининг Зарбдор ноҳиясида бу рақам 7 центнердан ошмади. Бунга асосан Жиззах вилоятидаги 25 фоиз коллекторларнинг умуман ишдан чиққанлиги, ёпиқ ва тик дренажларнинг учдан бири ишламаётганлиги сабаб бўлмоқда. Баъзи жойларда умуман ёпиқ зовурлар

курулмаганлиги аниқланмоқда. Буларнинг барчаси қўшиб ёзиш ва давлат маблағларини ўғирлаш, кўзбўямачилик, шуҳрат кетидан қувиш оқибатидир. Тўғри, янги ерларда дренажсиз ҳам 5—6 йил ҳосил олиш мумкин. Айрим раҳбарлар ана шу имкониятдан фойдаланиб шон-шуҳратга эга бўлди, лекин кейинчалик ер ости сувлари кўтарилгач, тупроқ шўрланиб, унумдорлик кескин камайди, хўжаликлар иқтисодий жихатдан ўтириб қолди, сарфланган миллион-миллион сўмлар ҳавога совурилди. Мелиоратив тадбирларнинг лойиҳада белгиланган даражада амалга оширилмаслиги суғориладиган ерлар самардорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Бу ерда муҳим агротехник тадбирлар тўлиқ амалга оширилган тақдирдагина тўлиқ унумга эришиш мумкин. Масалан, ерларни ўз вақтида керакли чуқурликда шудгор қилиш (одатда терим ва об-ҳаво муносабати билан бу тадбир кечикади ва сифатли бажарилмайди), маҳаллий ва минерал ўғит солиш, тупроқ шўрини ювиш, сифатли уруғни ўз вақтида экиш, уни ўз вақтида озиклантириш, сугориш, чопиш, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандаларга қарши курашиш керак.

Ирригация ва мелиорацияда йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли кўпгина массивлар бутунлай шўрланди. Сув омборлари ва гидроузелларнинг қурилиши, мелиоратив иншоотларнинг етарли эмаслиги туфайли фақатгина суғориладиган ерлар эмас, балки шаҳар, посёлка, қишлоқларнинг ахvoli ёмонлашди. Ҳозирги пайтда ўнлаб шаҳарларда ер ости сувлари юзага яқинлиги туфайли (Гулистон, Нукус, Янгиер, Қувасой, Ленинобод, Урганч ва бошқалар) дарахтлар қуриб қолмоқда, биноларнинг пойдевори ишдан чиқаяпти, атроф-муҳит ёмонлашмоқда. Ахволни яхшилаш учун махсус шаҳар дренаж (гордренаж) бошқармалари тузилган. Суғориш ишларининг нотўғри олиб борилганлиги ва бошқа бир қанча сабабларга кўра, Орол денгизининг сатҳи кескин пасайди.

Мазкур вазиятнинг вужудга келишида, юқорида айтилган сабаблардан ташқари, олим ва мутахассисларнинг ҳам катта «ҳисса»си бор эди. 1962 йилда Тошкентда собиқ СССР Фанлар академияси Сув хўжалиги муаммолари кенгаши, Қозоғистон ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари фанлар академиялари ҳамкорлигида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳамда Жанубий Қозоғистон ер ва сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича илмий кенгаш ўтказилди. Кенгашда фақат бир неча нотик олтин фондимиз —

қадимдан суғорилиб келинаётган ерларимизнинг унумдорлигини ошириб бориш кераклиги ҳақида ташвишланиб гапирди. Бу усул капитал маблағ сарфлашни деярли икки марта кам талаб қилиши ҳам уқтирилди. Бирок кенгашдаги асосий ғоя — янгидан-янги улкан чул ва саҳроларни ўзлаштириш қилиб белгиланди. 1961 йил ноябрда ўтказилган пахтакорларнинг кенгашида эса ўша даврдаги ҳукумат ва партия раҳбарлари пахта яккаҳокимлигида албатта минерал ўғит ва гербицидларни қўллаш зарур, деган ғояни илгари сурган эдилар. Оқибати ҳаммага яхши маълум. Академик М. В. Муҳаммаджоновнинг маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар гектар ерга 300 грамм, Ғарбий Европа ва АҚШда 2—3 кг, собиқ СССР бўйича ўртача бир килограмм заҳарли кимёвий модда солинса, Ўзбекистонда 54 килограмм солинмоқда. Кимёвий моддаларни ана шундай ўйламай-нетмай ишлашиш фойдали микрофлора ва микрофауналарнинг ҳалок бўлишига олиб келди. Уларнинг ўрнини вилт, зарарли моддалар ва бошқа зараркунандалар эгаллади.¹

Ҳиндистоннинг қадимий эпосларида бу ердаги дехконлар эрамизгача бўлган X асрдан бошлаб далаларга чириган балиқ, гўнг, чигит кунжараси, дуккакли экинлар чиқиндиси ва арпа сомонидан тайёрланган омухта маҳаллий ўғит солишганлиги ҳақида ёзилган. Искандар Зулқарнайн юришлари даврида яратилган «Арташастра» эпосида экишдан аввал уруғни туйилган арпа, ловия, кунжут шарбатига чириган гўштни кўшиб, намлаш тавсия этилади. Шундай ишлов берилганидан кейин далада уруғ қийғос униб, ўсимлик бақувват, соғлом бўлиб ўсади. Ҳар икки озуда ҳам «балиқ овқат» бор, бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ — чунки балиқ таркибида фосфор кўп бўлади.

Агар оддий ғўза тупига кимёгарнинг ўткир нигоҳи билан қаралса, унда Менделеев даврий жадвалидаги элементларнинг чорак қисмини топиш мумкин. Ўсимлик тирик организмнинг углерод ва кислород сингари асосий элементларини ҳаво ва сувдан олади, булардан аҳамияти кам бўлмаган элементлар — азот, фосфор ва калийни эса тупроқдан олади. Шунинг учун ҳам экин ўстириляётганда далаларга озукка берилади.

¹ «Совет Ўзбекистони», 1988 йил 16 март.

Ҳар бир гектар пахтазорга йилига 150—180 килограмдан фосфор солинади. Бошқа экинлар билан солиштирганда бу жуда кўп. Ғўза беш килограмм фосфатнинг бир қисмини ютади, қолган тўрт қисми тупроқда тўпланиб, ўсимликнинг «тиши ўтмайди» бирикмалар ҳосил қилади. Мутахассислар тупроқнинг «фосфорланиши» деган алоҳида ибора ўйлаб топдилар. Фосфатлар темир ва алюминий билан, Ўрта Осиёнинг бўз ерларида эса кальций билан қўшилиб, ерда узок йиллар ўлик капитал бўлиб ётадиган комплекслар ҳосил қиладилар. Фосфорнинг Ўзбекистондаги ўлик захиралари юз йил давомида пахта етиштириш учун етарли эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Энг ёмони шундаки, илдизлар уларни ютиб, ҳазм қилиб юбора олмайди. Ҳозир олимлар ерни керагидан ортиқча озиклантириш натижасида тўпланиб қолган бу фосфорларни тупроққа айлантириб юбориш муаммоси устида изланишлар олиб боряптилар.

Илдизлар азот ўғитининг ҳам фақат ярмини ютади. Азотнинг қолган қисми ёмғир ёққанда ёки суғорилганда ювилади ва газсимон азотга айланиб, ҳавога учиб кетади.

Мутахассис ва олимларнинг ҳисоблашларича, 100 минг туп ғўза 25—30 центнер ҳосил бериши учун бир йилда 150 килограмм азот «истеъмол» қилиши керак экан. Пахтакорлар буни ҳисобга олиб, далага икки барабар кўп азот соладилар. Дехқонларга тупроқнинг микрофлораси — ҳаводаги азот молекулаларини тутиб, уларни ўсимлик учун озуқага айлантира оладиган бактериялар ҳам ёрдам беради.

Пахтанинг учинчи озукаси — калийдир. Баъзан қондириб суғорилган майдонда барглари шалпайган ғўза тупларини учратиш мумкин. Бундай ўсимлик қайта суғорилса ҳам барибир барглари тирилмайди. Буниң сабаби тупроқда калий етишмаслигидир. Калий ўсимликнинг «сув ичишини» бошқаради, пояни мустаҳкамлайди. Ўсимликнинг вилт ва бошқа замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширади. Тупроқда калий етишмаса, ўсимликда углевод алмашуви бузилади, пахта толаси, целлюлозанинг асоси айнан углеводли маҳсулотдир. Бундай тола дағал, чидамсиз бўлади ва ўз вақтида пишмайди. Тўқимачилик комбинатларидаги тўқувчилар баъзан ипнинг тез узилишини кўриб хайрон бўладилар. Бунга пахта етиштирилган майдонларда калийнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Калийдан ғўзага дори сифатида кам фойдаланилади. Одатда у тупрокка азотга нисбатан икки баравар кам солинади. Лекин касалланган майдонларга солинадиган калий миқдори азотдан кам бўлмайди. Калий билан яхши озиклантирилган майдонлардаги сўрилмайдиган фосфотларнинг бир қисми ҳам сўрилиб кетади.

Жаҳондаги углеводлар билан солиштирилганда, Ўзбекистонда тупрокка анча кўп миқдорда ўғит солинади. Пахта ернинг кучини суғуриб олади, жумҳуриятимиз тупроғи эса бой эмас: у бўз ерлардан, оддий тупроқдан, баъзи жойлари эса туз аралашган ерлардан иборат. Озуқа миқдори шароитига қараб ҳар бир ноҳия учун алоҳида белгиланади.

Жумҳуриятимизни собиқ СССРнинг пахта базасига айлантириш сиёсати, ўз навбатида, ерларимизнинг оммавий равишда бузилишига ва яроқсиз ерлар миқдорининг ошишига олиб келди. Кўп ерларимиз дори «емасдан» ва «ичмасдан» ҳосил бермасликка ўрганиб қолди. Шунинг учун ҳам, жумҳуриятимизда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ эътибор берилди. Масалан, 1980 йилда далаларга 1102 минг тонна минерал ўғит солинган бўлса, кейинги йилларда бу рақам яна ҳам ошиб борди. Бу 1987 йилга келиб 1423 минг тоннагача етди. 1985—1990 йилларда Ўзбекистон далаларига (асосан пахта етиштириладиган ерлар назарда тутилмоқда) ҳаммаси бўлиб 7859 минг тонна минерал ўғит солинди. Ҳар бир гектар экин майдонига минерал ўғит солиш ҳам ошиб борди. Масалан, агар 1980 йилда бир гектар экин майдонига 149 килограмм азот, 85,6 килограмм фосфат, 28,5 килограмм калий солинган бўлса, 1987 йилда бу рақамлар мос равишда 166,8;92,4;46,4 бўлди.¹

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Пахта экиладиган майдонлар асосан турли хил гербицидлар, захарли химёвий моддалар билан зарарландики, буларнинг оқибати, энг аввало, жумҳуриятда яшаётган кишилар соғлиғида ўзининг салбий таъсири билан намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда ногирон туғилган ва туғилаётган болалар сонининг кўплиги, болалар ўлими юқорилигининг сабаби шундан эмасмикин? Олиб борилаётган мелиоратив тадбирларга қарамасдан тупроқ шўрланиши ҳануз юқори, ер

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистик йилнома. 281- бет.

ости сизот сувлари ер юзасига якин бўлганлиги сабабли дарахтлар бутунлай куриб қолмоқда.

Тупрокнинг шўрланишини йўқотишда шоли экишнинг аҳамияти катта. Лекин шоли экишнинг салбий оқибатлари ҳаммага маълум. В. Т. Левнинг маълумотларига кўра, суғориш усулларига қараб, бир гектар шолига 60 минг кубометргача сув керак (ғўзага ҳаммаси бўлиб 8—12 минг кубометр). Агар коллектор-дренаж тизимлари ишламаса ёки бўлмаса, шоли экиш натижасида ернинг ҳолати кескин ёмонлашади (ер ости сувлари кўтарилади). Тарихда бундай ҳодиса кўп марта такрорланган (айниқса иккинчи жаҳон уруши даврида), оқибатда катта-катта майдонларни зах, шўр босган, қамиш-тўқайлар кенгайган, безгак чивини кўпайган.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, мелиорация ишлари фақатгина қишлоқ хўжалигини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам берибгина қолмай, бир қанча ижтимоий (чучук сув, халқ соғлиғи) ва экологик муаммоларни ҳам ечишга қаратилмоғи даркор.

Собиқ СССР ҳали яшаб турган 1984 йилда озиқ-овқат фондиди ошириш мақсадида узок муддатли мелиорация дастури ишлаб чиқилган, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланган эди. Унга биноан Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдонини 5—5,5 миллион гектарга етказиш кўзда тутилган эди (ҳозир бундай ерлар 4 миллион гектарни ташкил қилади).

Аммо бу режалар ҳақиқатга тўғри келмас эди. Шунинг учун ҳам амалга ошмади. Шунингдек, унда 1986—1990 йилларда жумҳуриятимизда мавжуд суғориш ва мелиоратив тармоқларни қайта тиклаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш, 360 минг гектар янги ерни ўзлаштириш, 1,1 миллион гектар ердаги яйловларни сув билан таъминлаш ва бошқалар белгилаб берилди, амалда эса улар ҳақиқатдан узок бўлиб чикди.

Белгиланган вазифаларни ҳал этишда халқ хўжалигининг аграр секторини бошқаришда рўй берган ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Маълумки, 1976 йилдан бошланган хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси, агросаноат комплексидаги фан-техника тараққиётининг жадаллашуви унинг янги ютуқларини ижтимоий ишлаб чиқаришга оммавий равишда жорий қилинишига олиб келмоқда. Жумҳуриятимизда бу соҳада эришилган ютуқ-

лар билан бирга, ҳали ечилмаган муаммолар ҳам бор. Шундай муаммолар агросаноат комплексини бошқаришни тубдан қайта қуриш ишларида ҳам қузатилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган мелиорацияда кейинги ўн йил ичида 80 дан зиёд қарорлар қабул қилинди, бироқ уларнинг қўпчилиги бажарилмади.

Қанчадан-қанча олим, мутахассислар ирригация ва мелиорация ишларида тўла мутаносиблик, яъни пропорция бўлиш кераклигини қайта-қайта таъкидладилар.

Айрим олим ва мутахассисларнинг мавжуд суғорилаётган ерларга эътиборни кучайтириш, интенсив ишлаб чиқаришга ўтиш зарурлиги, мелиорацияга кўпроқ капитал маблағ сарфлаш, янги ерлар очишни чеклаш тўғрисидаги фикрлари инobatга олинмади, шимол дарёларини буриш ҳисобига экин майдонини 3—5 миллион гектарга кўпайтириш, пахта етиштиришни эса 8 миллион тоннага етказиш мумкинлиги ҳақидаги ғоялар устун келди.

Маълумки, мелиорация ишлари табиатни асраб-авайлаш билан чамбарчас олиб борилмоғи лозим, мелиорация ва экология бўйича тадбирлар асосан давлат томонидан таъминланиши ва бошқарилиши зарур, чунки айрим одамлар шахсий манфаат йўлида турли жиноятларга йўл қўйишлари мумкин.

Шуниси ажабланарлики, 1989 йили Ўзбекистонда мелиорация ишларига капитал маблағ сарфлаш 1988 йилга нисбатан 255 миллион сўмга кўпайди. Қишлоқ хўжалигидаги барча капитал маблағ сарфининг 41 фоизи шу соҳага ажратилди (аввалги йили 45 фоиз).¹ Бу сиёсат, яъни мелиорацияга маблағ сарфлашни камайитириш йўли ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Маблағ микдорини камайитирмаган ҳолда, ундан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам жиддий қайғуриш керак.

Ҳозирги шароитда жумҳурият агросаноат комплексини ривожлантиришнинг энг муҳим масаласи — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсив технологиясига ўтиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдан иборат. Қўриниб турибдики, кейинги икки вазифа мелиорация ва сув хўжалиги билан бевосита боғлиқдир. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун бу соҳадаги инвестиция (маблағ қўйиш) сиёсати ўзгарди. Суғорилаётган майдонларнинг ярмидан зиёди мелиора-

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 4 февраль.

цияга муҳтож бўлишига карамай, бу ишга капитал маблағнинг 20 фоизигина ажратилди. Бироқ шундан ҳам тўғри фойдаланилмади.¹

Рўй берган бу номутаносибликни эътиборга олиб, 1988 йилдан бошлаб пахта етиштириш режасини қисқартириш ва уни 5 миллион 250 минг тонна қилиб белгилашга келишиб олинди.

Мазкур тадбир туфайли пахта-беда алмашлаб экишни нормал ҳолга келтириш мумкин эди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1987 йил октябрь ойида бўлиб ўтган сессиясида алмашлаб экишни амалга ошириш бўйича махсус қарор қабул қилинди. Ерни соғломлаштиришда муҳим омил бўлган бу тадбир қадимдан маълум бўлса ҳам, амалда инкор этиб келинган, натижада вилт касаллиги кўпайиб, ҳосилдорлик пасайган, шу билан бирга чорва учун ем-хашак етишмас эди.

Олим ва мутахассислар тавсиясига кўра, 25—30 фоиз пахта майдонига беда экилиши керак бўлса ҳам, амалда бу кўрсаткич 13,6 фоиздан ошмади.

Маълумки, шўрхок ерларда ҳеч қандай ўсимлик ўсмайди. Демак, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан қўшимча равишда кўплаб пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштириш мумкин. Олимларнинг исботлашларича, шўр ерларда пахта толасининг сифати ҳам анча паст бўлади. Кўриниб турибдики, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашда мелиоратив тадбирлар жуда катта роль ўйнаши мумкин, агар ернинг ҳолати ёмон бўлса, бошқа агротехник тадбирларнинг ҳам самараси паст бўлаверади.

Хўш, шу ўринда, жумҳуриятимизда ерлар мелиорациясининг истиқболи нимада деган савол туғилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 4 миллион гектар ерга суғориб экин экилади. Бу ерлардан кишлок хўжалиги жами маҳсулотининг 96—97 фоизи олиниб, жумҳурият миллий даромадининг учдан бир қисми яратилади. Ўзбекистонда 230 хўжаликлараро суғориш шохобчалари, 120 минг гидротехник иншоотлар бор. 2,5 миллион гектар ер коллектор-дренаж тармоқлари билан таъминланган бўлиб, суғориш тармоқларининг умумий узунлиги 165 минг километр, очик дренаж-коллекторлар узунлиги 106 минг километр, ёпик ётиқ дренажларнинг узунлиги 15 минг километрга яқин, 3000 дан зиёд тик дренаж қудуқлари мавжуд 400 минг гектар ернинг аҳволини яхшилайти.

¹ «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 29 март.

Илмий тадқиқотларга қараганда, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ҳар гектар ерга 45—55 метрдан зовур тўғри келиши керак, ваҳоланки, ҳозирги кунда бу кўрсаткич гектарига 25—30 метрга яқин. Демак, биринчи навбатда суғориладиган ерларда мелиорация тармоқлари қурилишини деярли 1,6 марта ошириш керак.

Мелиорация ишининг самарали бўлиши комплекс омилларга боғлиқ, яъни бунда ягона «рецепт» ёзиб бериш мумкин эмас. Чунки омиллардан биттасини эътиборга олиб, бошқаларини «менсимаслик» ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, суғориш техникасини олайлик. Аслини олганда ҳозир ҳам суғориш ҳамон эскича, яроксиз усулда олиб борилмоқда, суғориш нормаси ниҳоятда юқори, сув исрофи катта, бу эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини тезда ёмонлашувига олиб келмоқда. Сув танқис бўлган бир пайтда суғориш техникасини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш коэффицентини кўтариш чораларини кўриш керак. Сув манбаидан бошлаб каналларни филтрланишига қарши чораларни қўллаш яхши натижа беради. Ёмғирлатиб суғориш машиналаридан фойдаланиш, ер остида томчилатиб суғориш усуллари кенгрок жорий этиш керак.

Кейинги пайтларда жумҳуриятимизнинг экологик аҳволи жиддий ёмонлашди. Ичимлик ва суғоришга ярокли сувнинг сифати тобора пасайиб, дарёлар сувининг минераллашуви кескин ўсди. Тоза сувни истеъмол қилиш анча камайди. Масалан, 1985 йилда жумҳурият бўйича 54,8 кубокилометр сув истеъмол қилинган бўлса, 1989 йилга келиб бу рақам 4,4 кубокилометрга камайиб кетди. 1990 йилга келиб у бироз кўтарилди ва 52,4 кубокилометрга етди.

Аҳоли сони тобора ошиб боргани ҳолда истеъмол қилинадиган тоза сув миқдорининг камайиб бориши, сувга бўлган талабнинг тобора ошиб боришидан далолатдир.

Бундан ташқари, бу йилларда ифлос сувларни табиий тоза сув ҳавзаларига ташлаш жараёни давом этди. Жумладан, 1990 йилда жумҳурият бўйича 327,3 миллион кубометр ифлос сув табиий-тоза сув ҳавзаларини ифлос қилди, бу атроф-муҳитнинг бузилишига, экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келди.

Шу билан бирга кўп миқдордаги сув турли қўл, ҳовузларда тўпланиб, кейин ҳавога буғланиб кетади. Жумҳуриятимизда «машҳур» бўлган Саракамиш, Арнасой, Айдарқўл каби «инсон қўли» билан вужудга

келтирилган бир қанча ана шундай сув ҳавзаларида 10 миллиардлаб кубометр сув бор. Ана шу сувлардан оқилона фойдаланиш йўллари яхшилаб ўйлаб кўриш вақти келди.

Яна бир муҳим манбалардан бири ер ости сувларидир. «Ўзбекгидрогеология» бирлашмасининг маълумотларига кўра, бир кеча-кундузда ер остидан 48,8 миллион кубометр оби ҳаёт олиш мумкин (амалда 24 миллион кубометрга яқин сув олинар экан). Бунинг учун 39 мингта қудук қазилган, бироқ уларнинг 6700 таси таъмирлашга муҳтож.

Бундан ташқари мавжуд 15 мингга яқин ўзи оқиб турувчи артезиан қудукларнинг деярли ярми ишдан чиққан бўлиб, уларда қанчадан-қанча тоза сувлар исроф бўлиб оқиб ётибди.

Яна бир муҳим масала — экинлар тузилишини қайта кўриб чиқишдир. Пахта экиладиган майдонларни тартибга солиш бўйича дастлабки қадам қўйилди, алмашлаб экиш бўйича махсус қарор қабул қилинди, пахта топшириш режаси камайтирилди. Сувсевар (шоли, каноп ва бошқалар) экинлар майдонини ҳам жумҳуриятимиздаги реал имкониятлар миқдорида сақлаш, ортикчасини камай-тириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ирригация ва мелиорация ишларини ташкил этиш, экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши, пахта яккаҳо-кимлигининг ўрнатилиши — буларнинг бариси Орол денгизи тақдири билан ҳам боғлиқдир. Агар 1950 йили Орол ҳавзасида ҳаммаси бўлиб 2,9 миллион гектар ер суғорилган бўлса, ҳозир 7 миллион гектар ер суғорилмоқда.

1950 йилдан 1960 йилгача ўзлаштирилган 400 минг гектар ер Амударё ҳисобига кенгайтирилди. Худди шу ўн йил ичида Оролнинг суви 0,8 метрга пасайди. 1965 йилдан 1970 йилгача Орол ҳавзасидаги суғориладиган ерлар миқдори 7 фоизга ошди, холос. Аммо Орол сувининг сатҳи эса 2,1 метрга камайиб кетди. Академик К. И. Лапкиннинг фикрича, бунинг сабаби ҳар йили ортикча 14 кубкилометр сув ишлатилаётганидир.¹

1960 йилга қадар Ўрта Осиёнинг азим дарёлари — Амударё ва Сирдарёдан 50 куб километрга яқин сув, яъни уларнинг йиллик оқимининг ярмидан сал камроғи суғориш эҳтиёжлари учун олинар ва денгизга бунинг таъсири унчалик сезилмас эди. Бу минтақада 5,2 миллион

¹ Обновление. Тошкент, «Ўзбекистон». 1988, 178—179-бетлар.

гектардан зиёдрок ер суғорилиб, бир йилда ҳар гектар экин майдонига салкам 10 минг кубометр сув сарфланарди. Лекин кейинги чорак аср ичида минтақада яна 1,7 миллион гектар ер ўзлаштирилди ва денгизга сув оқиб келиши бутунлай тўхтаб қолди. Энди суғориш учун 55 кубокилометрга яқин сув олина бошланди, аммо янгидан ўзлаштирилган бир гектар ерга экилган экинга сарфланадиган сув 3,5 барабар кўпайиб, йилига 35 минг кубометрни ташкил этди.¹

Эндиликда Оролнинг қуриб бориши катта экологик оқибатларга олиб келиши аниқ бўлиб қолди: минтақада иқлим янада кескинлашади, яъни қиш совуқроқ бўлади, пахта, шоли ўстириш қийинлашади, энг муҳими, қуриб бораётган денгиз атрофидаги тўпланган миллиардлаб тонна зарарли тузларнинг шамол ёрдамида чекка районларга тарқалиши оммавий шўрланишга олиб келади; ҳозирги кунда ижтимоий оқибатлар кенг намоён бўлмоқда, балиқчилик кескин камайиши туфайли минглаб денгизчи, балиқчилар бошқа иш қидиришга мажбур, кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар ҳувиллаб қолди, турли касалликлар кенг тарқалмоқда, айниқса, болалар ўлими кескин ошди, дарахт, ўсимлик, ҳайвонлар қирилиб кетмоқда, ичимлик сув масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда энг асосий муаммо — Оролни албатта сақлаб қолишдан иборат, акс ҳолда экологик инқироз рўй бериши мумкин. Фазогир В. А. Жонибеков 1981—1986 йиллар давомида бир неча бор космосдан Орол денгизини кузатганлигини, денгиз тобора кичрайиб бораётганлигини қайд этди. Бунинг аксича, Сарикамиш кўли эса кенгайиб боряпти. Кейинги йилларда у худудий жиҳатдан икки марта катталашиб кетди.

1975 йилнинг кўкламида биринчи мартаба космосдан Орол бўйида чанг-тўзон кўтарилаётганлиги қайд этилди. У ерда йилига 70—79 тонна туз ва қум, 65 миллион тонна кўзга кўринмас бошқа моддалар ҳавога кўтарилар экан.

1990 йилнинг бошида эса денгиз тобора қуриб, икки қисмга бўлинди, унда аввалги сувнинг 40 фоизигина қолган, холос. 35 минг йил яшаб келган денгиз сўнги 30 йил ичида шу аҳволга тушиб қолди. Бу ҳолат олимлар «башорат» қилганидан 15 йил аввал рўй берди. Қорақалпоғистонда ҳар йили бир гектар жойга 700 кг тузли чанг ёғиб турибди.

¹ «Инсон ва сиёсат», 1991 йил, № 1, 55—56-бетлар.

Орол бутунлай куриб колиши мумкинми ва у қандай оқибатларга олиб келади, деган савол ҳаммани ҳам кизиқтиради. Энг аввало, мавжуд сув жамғармаларидан оқилона, иқтисод қилиб фойдаланиш зарур. Маълумки, пахта ва бошқа экинларни суғориш меъёри ниҳоятда баланд, кўп жойларда (айникса, Хоразм ва Қорақалпоғистонда) одатдагидан 1,5—2 марта кўп сув сарфланади. Сув манбаларидан суғориш майдонигача сувнинг 40—50 фоизи бекорга ерга шимилиб (фильтрланиб) исроф бўлади.

Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, ҳар гектар суғориладиган ерга 12—17 минг куб метр сув ортиқча сарфланар экан, демак, шу ерда ҳам 8—12 миллиард куб метр сув исроф қилинмоқда. Мана шу исрофгарчиликларнинг олдини олсак ва бошқа имкониятларни (саноат, коммунал соҳа) ҳам кўшсак, қисқа вақт давомида миллиардлаб куб метр сувни иқтисод қилиш ва уларни бошқа мақсадларга, хусусан, Оролга йўналтириш мумкин бўлади. Водопровод жўмрақларидан, қувурларидан бекордан-бекорга оқиб ётган сувларни кўриб, шундай бебаҳо неъмат исроф бўлаётганига ачинасан, устига-устак бу сувлар кўп уйларнинг ертўлаларига йиғилиб, биноларни ишдан чиқармоқда, моддий ва маънавий зиён келтирмоқда.

Қисқа вақт ичида Орол жонига оро кириши мумкин бўлган тадбирдан бири жумхуриятимизда, қолаверса, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги оқова, коллектор-дренаж тармоқлари сувидир. Бундай сув жамғармалари Амударё ҳавзасида суғоришга олинган сув миқдорининг 23 фоизига, Сирдарёда эса 34 фоизига тенг. Улар турли йўллар билан юзага қайтиб чиқади. Айрим маълумотларга кўра, бу сув йилига 25—35 миллиард куб метрни ташкил этиб, ҳосил бўлган айрим сунъий кўллар орқали атмосферага буғланиб кетмоқда.

Бу ерда сувнинг сифати масаласи ҳам бор, ўз-ўзидан равшанки, бу сувлар нисбатан шўр. Агар олимларимиз сувни тозалашнинг арзонроқ йўлларини ўйлаб топсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги пайтда ана шундай «ташлама», «қайтма» сувлардан кўплаб сунъий кўллар пайдо бўлган. Шулардан энг каттаси Сарикамиш (Амударё), Арнасой (Сирдарё) кўллари дир, булардан ташқари Бухорода Шўркўл, Тўдакўл, Денгизкўл ва бошқа ўнлаб майда-майда кўллар мавжудки, жазирама иссиқ даврида улардан миллиардлаб куб метр сув ҳавога буғланиб

кетяпти. Айниқса 1960—1970 йилларда бу кўлларга қуйилган сув миқдори 8—10 марта ўсди, оқибатда 1976—1980 йиллари Амударёда ҳар йили 20 куб километр ёки бор сувнинг 26 фоизи, Сирдарёда эса 6 куб километр (17 фоиз) сув бекорга сарф бўлган. Демак, ҳар йили 26 куб километр сув ўз «эгасини» тополмай сарсон.

Шу ерда, аввалги лойиҳадаги ҳисоб-китобларга кўра, Сибирь дарёларидан биринчи навбатда 25—27 куб километр сув келтириш мўлжалланганлигини эслатиб ўтамыз. 2,5 минг километр узокликдан келтиришга мўлжалланган бу сувнинг сифати яхшироқ, холос.

Ўзбекистондаги ташлама — қайтарма сувларни Орол денгизига йўналтиришнинг яна бир фойдали томони шундаки, бунда ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам яхшиланади. Албатта, бу сувлар сифатини яхшилаш учун кимёвий усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Узунлиги 1,5 минг километрли Термиз — Орол коллекторлари қурилиши бошланди, бу улкан иншоот Амударё ҳавзасидаги ташлама сувларни Орол денгизига етказди. Бу Оролга қуйилиши керак бўлган амалдаги учинчи йирик дарё ҳавзасидир. Бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Биринчидан бу Ўзбекистонда ўнг қирғоқ ҳудудидаги деярли бешта маъмурий вилоят ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ерларининг аҳволини яхшилашга олиб келса, иккинчидан Оролга Катта Фарғона канали ёки Жанубий Мирзачўл каналининг бошланиш қисмида оладиган сув миқдорига (секундига 300 куб метр) тенг дренаж сувлари етиб боради ва экологик ҳолат анча яхшиланади, учинчидан, Амударёга шўр ва нисбатан ифлосланган сувларни ташлашнинг олди олинади, дарё сувининг мусаффолиги сақланади, тўртинчидан, мутахассисларнинг ҳисобига кўра, жаҳонда биринчи марта зовур суви билан ишлайдиган ва қуввати 100 минг киловаттгача етадиган гидроэлектр станциялари қуриш имконияти яратилади. Бу масаланинг иқтисодий томони, бироқ унинг маънавий аҳамияти ҳам ниҳоятда улкан. Жаҳон амалиётида биринчи марта бу иншоотнинг бош лойиҳасини Ўрта Осиё пахтачилик ва сув хўжалиги илмий текшириш институти коллективи тайёрламоқда. Дастлабки ҳисобларга кўра, уни амалга ошириш учун Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун сарфланган маблағга тенг бўлган маблағ сарфланиши керак. Лойиҳа ишлари билан бирга трассанинг тўрт ерида қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Халқда Шўрдарё деб ном

олган бу курилишдаги кудратли техникани тажрибали механизаторлар бошқармоқда.

Ҳозирги кунда Оролни сақлаб қолиш Ўрта Осиё халқини қизиқтираётган муаммо бўлиб қолмоқда. Космосдан олиб борилган текширишлар натижасида аҳвол ўзгармаса, 2010 йилга бориб Орол бутунлай қуриши аниқланган. Бу биздан тезлик билан амалий тадбирлар қўришни талаб қилади.

Оролни сақлаб қолиш унга сув олиб келиб, тўлдиришдангина иборат эмас. Орол муаммосини ҳал қилиш бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлган учта масаланинг ҳал этилишига боғлиқ: санитария-эпидемиология ва денгизнинг ўзини сақлаб қолиш. Бу ишларни амалга ошириш учун 25—30 миллиард сўмдан зиёд маблағ талаб қилинади.

Орол муаммоси фақат бизнинг эмас, бутун дунё халқининг диққат марказида турибди, БМТ ҳам Орол денгизини сақлаб қолиш бўйича ўз лойиҳасини ишлаб чиқди. Халқаро мутахассислар 1990 йилнинг 1 февралидан бошлаб икки йил мобайнида бу минтақадаги шароитни ўрганиб, экологик барқарорликни тиклаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқдилар. Бунинг учун дастлабки бир миллион 350 минг доллар маблағ ажратилди.

Халқаро жамоатчилик, илмий марказлар ҳам бу масалага ташвиш ва қизиқиш билан қарамокдалар. Қўпгина олимлар, жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Фарбий-Мичиган дорилфунуни профессори доктор Филипп П. Миклин бу масалани ўрганиб чиқиб, Шимол дарёларини Ўрта Осиёга буриш ғоясини қўллаб-қувватлади.

Сибирь — Орол каналининг аввалги кўринишида очик ердан сув келтириш мўлжалланган эди. Бундай усулнинг салбий оқибати Туркменистондаги Қорақум канали мисолида ҳам яққол кўриниб турибди. Бизнинг фикримизча, бундай усулдан фойдаланилганда сувнинг 50 фоизи манзилга етиб бормади, йўлда шимилиб кетади, оқибатда мелиоратив шароит ёмонлашади. Шуларни эътиборга олиб бу ишни лойиҳалаш ва амалга оширишда фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш, аниқроғи ёпик қувурлардан фойдаланиш керак. Албатта, бу иқтисодий жиҳатдан анча қимматга тушади. Аммо Оролнинг қуриши натижасида 10 миллиардлаб тонна тузнинг атрофга ёйилиши жуда катта зарар келтираётгани ҳам маълум. Орол денгизидан кўтаришган тузлар ҳатто

Белоруссиядан ҳам топилгани ва у бошқа жойларга ҳам етиб бориши мумкинлиги ҳозир халқаро миқёсда тан олинмоқда.

Демак, Орол муаммоси фақат Ўзбекистон, Ўрта Осиё, Қозоғистоннинггина эмас, барча инсониятнинг ҳам вазифасига айланган.

35 минг йил аввал пайдо бўлган, ўзининг гўзал кўриниши билан барчанинг диққатини тортган, миллион-миллион гектар ерларни яшнатган, миллионлаб одамларнинг фаровонлигини таъминлаган, Ўрта Осиё об-ҳавосини тозалаб берувчи мўъжиза бўлган Орол хато сиёсатнинг, мустамлакачиликнинг, пахта яккаҳоқимлигининг қурбони сифатида оғир нафас олмоқда.

Хўш, бундай даҳшатли ҳол пайдо бўлишининг сабаби нимада?

Бу саволга бериладиган жавоб ягона — Марказнинг ўз мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш, ўлка бойлигини кўпроқ ва тезроқ ташиб кетиш ниятида олиб борган хато сиёсатидир. Бу сиёсатнинг асосини пахта ташкил қилади. Кўплаб пахта етиштириш мақсадида миллион-миллион гектар ерлар ўзлаштирила бошланди, азим Сирдарё ва Амударё ўзининг ўзанини йўқотди, вазият кескинлашди.

Гарчанд давлат ва партия қарорларида мелиоратив тизимларни бунёд этмай туриб ирригация иншоотларини қуриш мумкин эмас дейилганлигига қарамай, амалда бунга эътибор берилмади.

Натижада Ўзбекистон кишлок хўжалиги оқсай бошлади, амалда аҳолини озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш мумкин бўлмай қолди. Жумҳурият кишлок хўжалигида ирригация иншоотларини қуришга кенг эътибор берилгани ҳолда, мелиорация эътибордан четда қолди. Бу эса кишлок хўжалигининг экстенсив йўлдан бораётганлигидан далолат берарди.

Ўзбекистон иктисодиёти ва экологиясига энг катта зарар келтирган «омил» — кишлок хўжалигини «дренажсиз суғориш» назарияси бўлди. Бунинг оқибатида ернинг мелиоратив ҳолати бузилди. Масалан, агар йилига 80—100 минг гектар ер ўзлаштирилган бўлса, 60—80 минг гектар унумдор ерлар кишлок хўжалик оборотидан чиқа бошлади. Ерларнинг 50 фоизи шўрланган бўлишига қарамай, жумҳурият сув хўжалигига сарфланаётган маблағнинг бор-йўғи 20 фоизи мелиорация мақсадларига ажратилди, холос.

Бу ҳамда юқорида биз таъкидлаб ўтган хато ва камчиликлар пировард натижада халқнинг турмуш даражасини оғирлашишига, жумҳурият экологик аҳволининг ёмонлашишига, унумдор ерларнинг эрозионланишига, Оролнинг халок бўлишига олиб келмоқда. Мазкур хатоларни бартараф этиш фақат аҳволни яхшиланишигагина эмас, шу билан бирга келажакда бундай жиноятларнинг олдини олишга ҳам кўмаклашиши табиийдир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТЕХНИКА ВА МУТАХАССИС КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Фан-техника тараққиёти жамият ҳаётининг барча соҳаларига жадал кириб кела бошлади. Халқ хўжалигининг бирор бир соҳасини техниканинг кенг иштирокисиз янада юксалтириш мумкин эмас. Собиқ СССРда илм, фан, техника соҳасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Зеро, техникасиз бирор-бир соҳада олға силжиш мумкин эмас.

Бу нарса Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юксалтириш, уни мукаммал техника билан таъминлашга бевосита боғлиқдир. Уруш, сўзсиз мамлакатнинг марказий, ғарбий районларига, уруш бўлган барча ҳудудларга таъсир қилди, уларнинг иқтисодий ривожланишини бир неча ўн йилликларга орқага суриб юборди.

Бирок, урушнинг оқибатларини уруш бўлмаган бизнинг ўлкамизда ҳам ҳар қадамда кўриш мумкин. Маълумки юқорида биз уруш пайтида тракторлар, машиналар, ҳар хил бошқа асбоб-ускуналар Ўзбекистондан фронтга олиб кетилганлиги ҳақида фикр юритган эдик. Аммо уруш тугагандан сўнг бундай техника Ўзбекистонга қайтарилмади.

Демак, урушгача бўлган давр мобайнида жумҳуриятда маълум даражада қишлоқ хўжалик техникаси жорий этилган ва унинг моддий базаси мустаҳкамланган бўлса, урушдан кейин қўлга киритилган бу ютуқлардан маҳрум бўлдик. Энди, колхоз, совхозларнинг бўшаб қолган трактор, техника паркени тўлдириш лозим эди.

Бундан ташқари яна айрим сабаблар бор эдики, улар 50-йилларнинг охири — 60-йилларнинг бошларида жумҳурият қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини тезроқ ва сифатлироқ тарзда мустаҳкамлашни талаб қилар эди. Жумладан, 50-йилларнинг ўрталаридан Ўзбе-

кистондаги кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш бу борадаги ишларни анча жадаллаштиришни талаб қилар эди. Чунки бу ишларни, масалан, каналлар, дарёлар, катта ариқларни қазитиш, ирригация ва мелиорация иншоотларини барпо этишни замонавий техникасиз амалга ошириш мумкин эмасди. Ўзбекистонга минглаб тракторлар, комбайнлар, экскаваторлар зарур эди.

Жумхуриятда қишлоқ хўжалик техникасини ривожлантиришни талаб қилаётган сабаблардан яна бири шунда эдики, 50- йиллардан пахтачиликда механизацияни кенг-роқ йўлга қўйиш, жумладан пахтачилик машиналар ёрдамида териш истиқболлари туғилган эди. Бу эса қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарадиган саноат турларини кескин равишда ривожлантиришни талаб қиларди.

Қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачилик соҳасини етарли даражада сифатли техника билан таъминлаш учун эса энг аввало бу соҳага сарфланиши лозим бўлган капитал маблағ ҳажмини кўпайтириш керак эди. Бу борада анчагина ишлар қилинди. Масалан, 1958 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 240 миллион сўм капитал маблағ сарфланган бўлса, 1959, 1961, 1964 ва 1965 йилларда бу рақам мос равишда 274, 321, 533, 601 миллион сўмга етди. Еки 1959—1965 йилларда 1952—1958 йилларга нисбатан 225 фоиз кўп капитал маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, мазкур капитал маблағнинг катта қисми трактор, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олишга сарфланди. Масалан, мазкур мақсадлар учун 1959 йилда 86 миллион сўм сарфланган бўлса, 1965 йилга келиб у 158 миллион сўмга етди.¹

Буларнинг барчаси жумхурият ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини техника жиҳатидан мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни изчиллик билан олиб бораётганлигидан далолат берарди.

50-йилларнинг охирларидан бошлаб пахта етиштиришда меҳнат сарфини камайтириш сари катта қадам ташланди. Кўпгина колхозларда тракторлардан унумли фойдаланиш натижасида пахтачилик кетмон билан ишлаш кескин камайди. Пахтага ишлов беришда кетмондан фойдаланишни қисқартириш, меҳнат сарфини тахминан икки марта камайтирди.

¹ Ўзбекистон за 7 лет (1959—1965 гг.). Қискача статистик тўплам. Тошкент, 1966, 102- бет.

Бунинг ижобий оқибатларини амалда хис қилган қишлоқ хўжалик ташкилотлари, колхоз раҳбарлари кўпроқ техника сотиб ола бошладилар. 1958 йилда жумҳурият қишлоқ хўжалигида 53,4 минг трактор, 23,3 минг юк автомобиллари ишлаган бўлса, 1964 йилга келиб бу рақамлар 88,3 ва 30,9 мингтага етди.¹

Қишлоқ хўжалигига техникани кенг жорий қилиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш натижасида 50- йилларда пахтани машиналар билан териб олишда маълум тажриба тўпланди.

Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашда пахтани машинада териб олиш асосий бўғин, деб белгиланди. Шунинг учун ҳам мазкур соҳага алоҳида эътибор берилди бошланди.

Икки қаторли ХТ-1,2 пахта териш машиналарининг ишлаб чиқиши ўша даврда жаҳон қишлоқ хўжалик машинасозлигида эришилган энг катта ютук эди. Бундан ташқари, жумҳуриятда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналарининг турлари ҳам кўпая борди. Агар 1949 йилда 7 номдаги қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилган бўлса, 1959 йилга келиб бу кўрсаткич 14 тага, 1966 йилда эса 33 тага етди.² Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини икки ҳисса ошишига олиб келди. Бунда айниқса пахта териш машиналарининг ўрни алоҳида бўлди. Пахта териш компаниясини сифатли ва тезроқ амалга ошириш мумкинлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш имконияти мавжудлигини ҳис этган Ўзбекистон раҳбарияти шундай машиналарни кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қилди. Агар 1958 йилда жумҳуриятда ҳаммаси бўлиб 10,1 мингта пахта териш машинасидан фойдаланилган бўлса, 1964 йилга келиб уларнинг сони 19,5 мингтага етди.³

Қишлоқ хўжалигини асбоб-ускуналар, машина-тракторлар билан таъминлаш айниқса 60- йилларнинг ўрталаридан амалга оширилган иқтисодий ислохотлар даврида янада кучайди.

Жумҳуриятимиздаги олим ва конструкторлар, рационализаторлар пахтачиликда техника тараққиётини жадаллаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Ерни шудгор қилувчи ДТ-54 трактори ўрнига 110—130 от кучига эга бўлган

¹ Ўзбекистан за 7 лет (1959—1965 гг.), 75- бет.

² История развития хлопководства в Узбекистане.— Тошкент: «Фан», 1983. 221- бет.

³ Ўзбекистан за 7 лет (1959—1965 гг.), 75- бет.

Т-4 ва Т-4А машиналари — тракторлари пайдо бўлди. Чигит экишни такомиллаштиришда Т-28Х4 ва МТЗ-50Х машиналари ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Жумҳурият қишлоқ хўжалигини етарли даражада машина-тракторлар билан таъминлашда 1969 йилда ишга туширилган Тошкент трактор заводи катта аҳамиятга эга бўлди. 1975 йилга келиб мазкур заводда 100 мингта трактор ишлаб чиқарилди.

70- йилларнинг биринчи ярмидан жумҳурият далаларида тўрт қаторли 14ХВ12,4 пахта териш машинаси пайдо бўла бошлади. 1971—1975 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари заводи («Ташсельмаш») 35,2 мингта шундай машиналар ишлаб чиқарди. Бу пайтга келиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари заводи, Чирчик қишлоқ хўжалиги машиналари заводи, Тошкент кимё қишлоқ хўжалиги машиналари заводида ҳам замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарила бошланди. Натижада 1975 йилга келиб трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш бундан ўн йил аввалги даврга нисбатан икки марта ошди.¹

Агар 1970 йилда жумҳуриятимиз бўйича 17,2 мингта трактор ишлаб чиқарилган бўлса, 1975 йилда бу рақам 18,4 мингтага, 1980 йилда эса 17,3 мингтага етди.² Шу билан бирга, колхоз ва совхозлардаги мавжуд техникадан унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бу ишни амалга ошириш эса кўпинча «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси» бошқармаси зиммасига тушарди. Мазкур бошқарма жойларда ўзининг инженерлик хизмати ташкил қилди, трактор-машиналарни таъмирлайдиган станциялар курди, техника хизмати кўрсатувчи махсус устaxonалар ташкил қилди. Буларнинг барчаси мавжуд трактор паркиннинг иш сифатини, меҳнат унумдорлигини оширди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини капитал маблағ билан таъминлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш 70—80- йилларда ҳам давом этди. Бироқ бу пайтда қишлоқ хўжалигида пайдо бўлган секинлаштириш механизми энди бу соҳага кўпроқ капитал маблағ сарфлаш имконини бермасди. Гап шундаки, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши асосан экстенсив йўллардан борарди, бу эса

¹ «Экономика и жизнь», 1977, № 3, 36—37-бетлар.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 1980 г., — Тошкент: «Ўзбекистон», 1981. 95-бет.

соҳага тобора кўпроқ маблағ сарфлашни талаб қиларди. Иқтисодий қийинчиликлар, қишлоқ хўжалигида молия сиёсатидаги хато ва камчиликлар туфайли мазкур соҳа маблағ билан етарли даражада таъминланмади. Масалан, агар 1976—1980 йилларда шу мақсадлар учун 10193 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, 1986—1990 йилларда эса бу рақам фақатгина 64 миллион сўмга ошди, холос. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини капитал маблағ билан таъминлаш учун 1986 йилда 2104 миллион сўм ажратилган бўлса, 1989 йилга келиб бу рақам 206 миллион сўмга камайиб кетди ва 1898 миллион сўмни ташкил қилди, холос.¹

Бу эса, ўз навбатида, жумҳурият қишлоқ хўжалигини трактор, машина ва бошқа асбоб-ускуналар билан тўлароқ таъминлашни қийинлаштирди. Масалан, 1980 йилда Ўзбекистон бўйича ҳаммаси бўлиб 157,3 мингта трактор бўлган бўлса, 1986 йилга келиб у 192,8 мингтага етди. Аммо 1990 йилга келиб, уларнинг сони 10 мингтага камайиб кетди. Шу билан бирга, пахта териш машиналари сони ҳам камайиб борди. Масалан, 1985 йилдаги 39,6 мингта пахта териш машинасидан 1990 йилга келиб 30,5 мингтаси қолди, холос. Бундай ҳол чўл зоналари ва янги ташкил этилган, ўзлаштирилган районларда айниқса кўпроқ сезилди. Жумладан, 1980 йилда Жиззах вилоятида —3677, Сирдарё вилоятида 3837 та шундай машиналар ишлаган бўлса, 1990 йилга келиб уларнинг сони 2642 ва 3290 тага тушиб қолди.² Натижада жумҳурият хўжаликларида машинада пахта териш олиш йилдан-йилга камайиб борди. 1990 йилда жами пахтанинг 57 фоизигина машиналарда териш олинди, холос. Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида эса бу кўрсаткич 50 фоизга ҳам етмади.

Бундай ачинарли ҳолнинг вужудга келишига мавжуд техника, асбоб-ускуналарни асраб-авайлаб ишлатиш, улардан унумли равишда фойдаланиш кўникмасининг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Янги-янги тракторлар, машиналар йиллаб ишлатилмай турибди, кўшимча қисмлар етказиб берадиган корхоналар эса ўз хўжалик режаларини уддалай олмаяптилар. Жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилаётган тракторларнинг

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистик йилнома. Тошкент. «Ўзбекистон», 1991. 276- бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. 278—279- бетлар.

сифати масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак, зеро улар ҳар доим ҳам жаҳон талабларига жавоб бермаяпти. Бу пахта терадиган машиналаримизга бўлган қизиқишнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Чунки бизнинг машиналаримиз пахтани тоза териш қобилиятига эга эмас, чигит эзиб ташланади, пахтанинг кўп қисми ерга тўкилади, хом ашёнинг сифати эса бузилади. Афсуски, олимларимиз ўнлаб, юзлаб китоблар, мақолалар ёзаётганликларига, илмий ишлар қилаётганликларига қарамай, ҳали ҳам тузукроқ пахта териш машинаси ишлаб чиқилгани йўқ.

Галла ўрувчи комбайнлар, автоцистерналар ишлаб чиқариш эса ҳали йўлга қўйилмаган. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришган ҳозирги шароитда тезроқ ўзимизнинг трактор-машина саноатимизни вужудга келтиришимиз лозим. Чунки бусиз мамлакат мустақиллигини ҳам, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Катта-катта экин майдонлари, унумдор ерлар, замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, бошқа асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтириш, улардан одамлар бахт-саодати йўлида фойдаланиш учун кўплаб қишлоқ хўжалиги мутахассислари, юқори малакали кадрлар зарур. Бундай кадрларни тайёрлашга ҳар доим ҳам катта аҳамият берилган. Ўрта махсус билим юртлари, олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртларида минглаб, ўн минглаб агрономлар, инженерлар, бухгалтерлар, иқтисодчилар етишиб чикди, улар жумҳурият мавқеини мустаҳкамлашда катта хизмат қилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи мутахассис кадрлар эндиликда «қишлоқ хўжалиги зиёлилари», деб номлана бошланди. Албатта, бунинг боиси бор эди. 60-, 70-, 80- йилларнинг мутахассислари ўз дунёқарашлари, қишлоқ хўжалик илмини ўзлаштирганликлари жиҳатидан 30- йиллардаги мутахассислардан анча юқори турар эдилар.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги зиёлиларини жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ажралмас қисми, забардаст куч, деб аташ мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 50- йилларнинг иккинчи ярмидан жумҳурият қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бошланган эди. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг энг асосий шартларидан бири ҳам мазкур соҳа учун механизатор кадрлар тайёрлашдан иборат эди. Шунинг учун ҳам механизаторлар тайёрлайдиган мактаб-

лар, махсус ўқув юртларида ана шундай кадрлар тайёрлана бошланди. 1961 йилда уларнинг сони 71 мингга етган бўлса, 1975 йилга келиб 199,4 мингни ташкил қилди.¹ 1973 йилга келиб жумҳуриятдаги барча колхозчиларнинг 13 фоизини механизаторлар ташкил қиларди.²

50- йилларнинг охирларидан хотин-қизлар техникага кенг жалб қилина бошланди, социализмнинг оҳанграбоси, унинг афзаллиги, кўпинча хотин-қизларни ишлаб чиқаришга, жумладан қишлоқ хўжалиги техникасини бошқаришга тортилиши билан ўлчана бошланди. Барча ўзбек хотин-қизларига ўрناк бўла оладиган машъала эса Турсуной Охунова тимсолида намоён бўлди. Унинг издошлари тобора кўпайиб борди. 1960 йилнинг ўзидаёқ 500 дан зиёд хотин-қиз механизаторлар тайёрланди. 1962 йилга келиб Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятларида 4 мингдан зиёд хотин-қиз пахта териш машиналарини бошқарди. Хотин-қизлардан механизатор кадрлар тайёрлаш иши айниқса 60—70- йилларда жуда авж олди, жумҳурият партия, совет ташкилотларининг иш мазмуни кўпинча шундай мутахассислардан қанча тайёрланганлигига қараб белгиланарди. Бироқ 80- йилларга келиб бу борада қилинган барча ишлар хато эканлиги маълум бўлиб қолди. Хотин-қизлар бу касбни эгаллашлари оқибатида турли хил касалликларга чалинишлари, умрбод ногирон бўлиб қолишлари тўғрисидаги мақолаларнинг эълон қилиниши, олимлар, публицистлар, ёзувчиларнинг куюнчаклик билан бонг уришлари — партия ва совет ташкилотлари томонидан олиб борилган мазкур ишнинг хатолигидан далолат берарди.

Бундан ташқари, хотин-қизлар бундай оғир, ноқулай техникани бошқаришда, уларни таъмирлашда кўпгина қийинчиликларга дуч келишар эди. Шунинг учун ҳам, хотин-қиз механизаторлар орасида иш малакаси ниҳоятда паст эди. Масалан, 1976 йилда Ўзбекистон бўйича барча механизаторларнинг 58,7 фоизи I ва II класс, 36,1 фоизи эса III класс даражасига эга бўлган бўлса, бу рақамлар хотин-қиз механизаторлар орасида 13,9 ва 72 фоизни ташкил қиларди.

Хотин-қизлар келажagini ўйламаган, улар ҳақида ғамхўрлик қилмаган ҳар қандай жамиятнинг келажаги

¹ Народное хозяйство УзССР за 50 лет. Статистик тўплам, Тошкент: 1967. 152- бет.

² «Экономика сельского хозяйства». 1970, № 6. 65- бет.

йўқдир, ундай ҳукумат олиб бораётган сиёсат халқ томонидан кўллаб-қувватланмайди. Мархума Турсуной Охунованинг ташвишли, фожиали такдири фикримизнинг исботидир.

70- йиллардан бошлаб оммавий равишда механизатор кадрлар тайёрлаш масаласи кун тартибига кўйилди. Давлат томонидан белгиланган режа топшириқларини бажариш учун ҳаракат кўпинча қоғозларда, турли хил ҳисоботларда амалга оширила бошланди. Бу нарса айниқса, юқорида таъкидлаганимиздек, 70- йилларда жуда авжига чикди. Бироқ, 80- йилларнинг бошларидан жамият ҳаётида рўй бера бошлаган ўзгаришлар бу масалага бўлган муносабатни ҳам ўзгартириб юборди. Буни механизатор кадрлар сонининг камайиб боришида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 1980 йилда уларнинг сони 120,1 мингга ташкил этган бўлса, кейинчалик бу рақам доимий равишда камайиб борди ва 1990 йилда ҳаммаси бўлиб 70,3 мингга ташкил этди, холос.¹

Тракторчи, комбайнчилар сонининг бунчалик камайиб кетишига биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кўп сонли хотин-қизларнинг оммавий равишда бу соҳадан кетишлари сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, кўплаб ҳисоботларда, статистик тўпламларда эълон қилинган сохта рақамларнинг аста-секин фош бўлиши сабаб бўлди.

Ўзбекистонда махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилди, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб борди. Масалан, 1961 йилда жумҳурият қишлоқ хўжалигида 8,5 минг олий маълумотли агроном, зоотехник, ветеринар врачлар иш олиб борган бўлсалар, 1965 йилга келиб бу рақам 10,9 мингга етди.² Қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган олий ўқув юр்தларини битириб чиққанлар сони 1961 йилдаги 1491 дан 1965 йилда 1796 га етди.³

Бундай кадрларни тайёрлашда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти катта роль ўйнади. 1960 йили мазкур институтнинг 10 та факультети ва 34 кафедрасида деҳқончилик маданиятини оширувчи кадрлар тайёрлаш бўйича иш олиб борилди. Агар 1961 йили институтда

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г, 29- бет.

² Ўша жойда, 150- бет.

³ Узбекистан за 7 лет (1959—1965 гг), 108- бет.

2452 талаба қишлоқ хўжалик илми сирларини эгаллаган бўлса, 1969 йилга келиб уларнинг сони 3157 нафарга етди.¹

1970 йилда институтдаги кафедралар сони 40 тага етди, улардаги 318 ўқитувчининг 17 нафари доктор ва профессор, 134 нафари фан номзоди ва доцент илмий даражаси ҳамда унвонларига эга эди. Факатгина 1960—1970 йилларда институтни 7358 мутахассис битириб чиқди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ҳам катта ишларни амалга оширди. 1970 йили институтда 4460 талаба таълим олди. Институтни битириб чиққан мутахассислар ирригация, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, деҳқончилик маданиятини оширишнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш билан шуғулландилар.

Жумҳуриятда деҳқончилик маданиятини янада такомиллаштиришда Самарқанд қишлоқ хўжалиги ҳамда Андижон пахтачилик институтлари ҳам катта ишларни амалга оширди.²

70- йилларнинг бошларига келиб жумҳуриятдаги тўртта олий ўқув юрти, 38 та техникум йилига 13 мингга яқин қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаб берди. Бу жумҳурият пахта далаларида ишлаётган мутахассис кадрлар таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига олиб келди.

Бироқ, бу соҳада ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд эди. Масалан, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларининг кўпчилиги махсус билимга эга эмас эдилар.

Қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш, етиштирилаётган ҳосил сифатини яхшилаш иши кўпинча раҳбар кадрларга ҳамда уларнинг махсус тайёргарлигига боғлиқ. Бироқ 60—70- йилларда ва ҳаттоки ҳозир ҳам бу соҳага қишлоқ хўжалигига ҳеч алоқаси бўлмаган кишилар бошчилик қилаётганликларини кўплаб учратиш мумкин. Масалан, 1971 йилда барча колхозларнинг 39 фоизига, совхозларнинг эса 22 фоизига ўқитувчи, врач ва бошқа мутахассислар раҳбарлик қилдилар. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида

¹ С. Садыков. Высшая школа — кузница подготовки кадров. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1973. 100- бет.

² Советская интеллигенция Узбекистана. 2- том, Тошкент. «Фан», 1979, 217- бет.

кийинчиликларни келтириб чиқарди, секинлаштириш механизмининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Турғунлик йилларидаги энг катта хатолардан бири — кадрлар тайёрлашда сифатга нисбатан сонга кўпроқ эътибор берилганлигидир. Қишлоқ хўжалиги бўйича ўқув юртлирини битириб чиққан мутахассислар кўпинча оддий, содда вазифаларни ҳам ҳал эта олмас, ўз олдларига кўйилган мураккаб муаммоларни бажара олмас эдилар. Бунга асосан олий ва ўрта махсус ўқув юртлиридаги ўқув режалари ҳамда дастурларининг замон талабига жавоб бера олмаслиги, профессор-ўқитувчилар савиясининг пастлиги, ўқишнинг амалиёт билан чамбарчас боғланмаганлиги сабаб бўлар эди.

Қишлоқ хўжалигининг қанчалик ривожланганлиги бу соҳага сарфланган капитал маблағ, унинг техника ва мутахассис кадрлар билан қай даражада таъминланганлиги билан белгиланарди.

Шунинг учун ҳам ўқув юртлирига қабул қилинадиган талабаларнинг сони йилдан-йилга ошаверди. Масалан, 1980—1981 ўқув йилида жумҳуриятдаги қишлоқ хўжалиги ихтисослиги бўйича олий ўқув юртлирида 31,5 минг талаба таълим олган бўлса, 1990—1991 ўқув йилида уларнинг сони 34,1 мингга етди. Ўрта махсус билим юртлирида эса бу рақамлар 42,5 минг ва 46,9 минг кишини ташкил қилди. 1985—1990 йилларда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлирини 38986, ўрта махсус билим юртлирини эса 97354 мутахассис битириб чиқди.¹ Бироқ бу ҳол жумҳурият қишлоқ хўжалигининг ривожланишини таъминлаб бера олмади.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалишига партия ва совет ташкилотлари томонидан олиб борилган нотўғри сиёсат ҳам салбий таъсир кўрсатди. Агрономлар, инженерлар, ирригаторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ишга қўйишда кўпинча хато принциплардан фойдаланилди. Кадрларни иш билан таъминлашда унинг марксизм-ленинизм ғояларига қанчалар содиқ эканлиги асосий мезон қилиб олинди. Кадрларнинг ишчанлиги, уддабуронлиги, ўз вазифасини қанчалар яхши билиши иккинчи даражали нарса эди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишига жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасининг 1984 йил июнь ойидаги XVI Пленуми ҳам катта тўғанок

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 117—121- бетлар.

бўлди, унинг қарорларини бажариш, ҳаётга татбиқ этиш никоби остида кўплаб малакали, тадбиркор кадрлар, раҳбарлар ишдан бўшатишди, қамалди.

Бу жараён яқин-яқингача, ҳаттоки, Ўзбекистон жумҳурияти ўз мустақиллигини эълон қилгунгача ҳам давом этди. Марказ Ўзбекистонни «ўзига келтириб қўйиш», «жиловини тортиб қўйиш» мақсадида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган бўҳтонни ўйлаб чиқди. Марказдан «ишончли» кадрлар десанти туширилди.

«Пахта иши» ҳам собиқ марказнинг тўқимаси эди. Бу ғаразли мақсад ортида ўзбек халқининг миллий ғурурини оёқ ости қилиш, жумҳуриятнинг етук кадрларига зимдан зарба бериш орқали путури кетган «марказ» обрўсини тиклаш, жиғилдонни текин томоқ билан тўлдириш, эски тизимни сақлаб қолишга уриниш ётар эди.

«Марказ» ҳар доим ҳам ўзининг қабих ишларини никоблаб келган. Эндиликда собиқ КПСС Марказий Қўмитасининг топшириғига биноан собиқ СССР Прокуратурасидан жумҳуриятимизга ғаразли терговчилар гуруҳи юборилганлиги маълум бўлиб қолди. Гдлян ва Ивановнинг нопок гуруҳига чекланмаган ҳуқуқлар бериб қўйилган эди. Гдлян гуруҳи ҳамма вилоятларда тўла хўжайин бўлиб олган эдилар.

Маълумки, 1983—1988 йилларда «Пахта иши» деб номланган жиноий ишлар бўйича 4,5 мингга яқин қишлоқ хўжалик ходимлари суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эдилар. Бу масала бўйича жумҳуриятимизда кўрилган барча жиноий ишлар текшириб чиқилди. Шу ишлар бўйича талон-торож қилинган пул миқдори 18 миллион сўм атрофида бўлганлиги аниқланди. Жумҳуриятимиздан ташқаридаги судларда кўрилган ишларни ҳам ҳисобга олинса, талон-торож қилинган пул миқдори жами 30 миллион сўмдан ошмаслиги аниқланди.

Ўша ваҳимали 1984—1988 йилларда эса гўёки ўзбек пахтакорлари 6 миллиард сўмни ўзлаштириб юборганликлари, қумларга олтин тўла хумлар кўмилгани ҳақида афсоналар тўқилган эди. Агар бу масалага ойдинлик киритилмаганида 80- йилларда «Пахта иши» бўйича миллиард-миллиард сўмлар талон-торож қилинган, деган айб Ўзбекистон тарихида доғ бўлиб қолар эди. «Пахта иши»ни ўрганиш жараёнида судланганларнинг аксарият кўпчилиги ўзига бир сўм ҳам ўзлаштирамаганлиги маълум бўлди.

Жумхуриятдаги юзлаб колхоз, совхозларнинг раҳбарлари, кишлоқ хўжалик мутахассислари бекордан-бекорга ишдан бўшатиладилар. Масалан, 1984—1988 йилларда 58 минг масъул ходим ўз вазифасидан четлаштирилди. Буларнинг аксарияти Ўзбекистон кишлоқ хўжалигини такомиллаштираётган, унинг обрўйига обрў қўшаётган, ўз ишига садоқатли, тадбиркор, тажрибали мутахассислар, раҳбарлар эди.

Бухоро вилоятидан бир вақтнинг ўзида ноҳия партия қўмитаси қотибларининг ҳаммаси, ноҳия ижроия қўмитаси раисларининг 70 фоизи, вилоят колхоз ва совхоз раҳбарларининг 50 фоизга яқини қамалди. Олот туманида 11 хўжалик бўлиб, бу хўжалик раҳбарларининг ҳаммаси хибса олинди.

Афсуски, бундай мисолни ҳар бир вилоят, туман бўйича қўлаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси жумхурият кишлоқ хўжалигининг ривожланишига, уни мутахассис кадрлар билан таъминлашга тўсқинлик қилди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, кишлоқ хўжалиги кадрлари тайёрлашда ҳам туб бурилиш қилинди.

Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликни мутахассис кадрлар билан таъминлаш бўйича анчагина ишлар қилинди. Бироқ, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Мустақиллик шароитида жумхуриятда ўз кадрлар сиёсатини олиб бориш учун имкониятлар вужудга келди. «Марказ»нинг «шаблони»дан қутулинди. Энди тайёрландиган кадрлар жумхуриятнинг мавжуд хусусиятларини эътиборга олиши, бозор иқтисодиёти қонунларини чуқур ўрганиши, тижорат ишини мукамал билиши лозим. Зеро, уларни эътироф этмаслик кишлоқ хўжалигини бир жойда депсиниб қолишига олиб келишини эсдан чиқармаслик керак.

ПАХТА — ФАРОВОНЛИК МАНБАИМИ ЕКИ КАШШОҚЛИК БЕЛГИСИМИ?

Қуйида биз жамият ҳаётининг 60—80- йиллари ва ҳозирги даври ҳақида, бу пайтда тўпланган бой тажриба ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликлар хусусида қисқача фикр юритамиз. Кишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликнинг ривожланиши, тараққиёти ҳамда маълум маънодаги инқирози жамиятнинг бошқа жабҳалари, халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан узвий боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Хўш, шу маънода 60—80- йилларда мамлакат ҳаётида, жумладан Ўзбекистон ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушида қандай ўзгаришлар рўй берди ва улар қишлоқ хўжалигида қай тарзда намоён бўлди?

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда жамият бир текисда тараққий этмади. Кейинги пайтларда эълон қилинган материалларда қараб чиқиляётган даврни икки босқичга ажратиб кўрсатишмоқда. Баъзилар 70- йилларни улар орасидаги чегара деб ҳисоблайдилар. Биринчи даврда ижтимоий ҳаётни янгилаш йўлларини излаш характери, кўлами ва фаолиятининг интенсивлиги анча салмоқли эди. Иккинчи босқичда новаторлик интилишларининг анчагина сусайиши, ижтимоий қайта ўзгартириш принциплари ва шаклларини консервация қилиш юз берди. Фақат объектив омиллар туфайлигина эмас, балки энг аввало субъектив омиллар сабабли бир қанча йиллар мобайнида давлат ташкилотларининг амалий ишлари давр ва ҳаёт талабидан орқада қолиб келди. Мамлакатни ривожлантириш муаммолари уларнинг ҳал этилишидан кўра тезроқ кўпайиб борди. Бошқарув шакллари ва услубларининг сустлиги, қотиб қолганлиги, ишда ўсиб боришнинг пасайиб кетиши, бюрократизмнинг кучайиши — буларнинг ҳаммаси ишга жуда катта зиён келтирди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий, ахлоқий ҳаётида турғунлик ҳолатлари пайдо бўла бошлади.

50- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлатимиздаги хўжалик юритиш механизми кўп даражада эскирганлиги маълум бўлди. У 20- йиллар охири, 30- йилларда фавқулодда, кўп жиҳатдан экстремал вазиятларда шаклланган эди. Партия, давлат ҳужжатлари ўша пайтда вазиятга айна мана шундай қаралганлигидан далолат беради. Биринчи беш йилликлар пайтида вужудга келган хўжалик юритиш тизими уруш йилларида зарур бўлиб қолди. Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклашнинг оғир йилларида ҳам у муайян самара берди.

Бирок 50- йиллардан бошлаб фавқулодда омиллар ишламай қўйди, кўп жиҳатдан янги иқтисодий вазият шаклланди. Саноат тармоқлари кўпайиб, корхоналар, хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхозлар сони ошиб борди. Турли хўжалик алоқалари **комбинацияларининг** сони астрономик рақамлар билан ўлчанар эди. Бундай шароитларда бошқарувни тўғридан-тўғри маъмурий таъсир кўрсатиш усуллари билан, аввалгидек, корхоналар

фаолиятини тартибга солиш йўли билан амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Буни техник жиҳатдан имкони ҳам йўқ эди. Бошқарувдаги кийинчиликлар кучайиб борди. Корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш тўғрисидаги масала тобора кескинроқ кўндаланг бўла бошлади.

Шу билан бирга хўжалик юритишнинг мавжуд механизми, режалаштириш тажрибаси ишлаб чиқариш-ни техника билан қайта қуроллантиришга тўсқинлик қилаётган эди, корхоналар эскирган буюмларни ишлаб чиқаришдан олиб ташланиши ва уларни такомиллашган техника билан алмаштирилишидан етарли даражада манфаатдор эмас эдилар.

Бир томондан, ишлаб чиқариш ривожланишининг эришилган даражаси, фан-техника тараққиёти очган имкониятлар, иқтисодиётдаги янги ҳодисалар билан, иккинчи томондан, бошқарувнинг ўз умрини тугатган маъмурий-буйруқбозлик шакл ва услублари, режалаштиришнинг эски амалиёти, корхоналар фаолиятини майда-чуйдасигача тартибга солиш ўртасида жиддий қарама-қаршилик пайдо бўлди. Оқибатда жамият иқтисодиётида салбий ҳодисалар юзага кела бошлади. Саноатда ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайди. Агар мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1959—1965 йилларда тахминан 2 барабар кўпайган бўлса, саноат маҳсулоти ҳажми атиги 84 фоиз ўсди. Бинобарин, фонд самарадорлиги пасайган эди. Бу самарадорликнинг пасайишидан далолат берар эди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари қисқарди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида етти йиллик режа топшириқлари бажарилмади.

50—60- йилларнинг биринчи ярмида халқ хўжалигини бошқаришда кўплаб ташкилий қайта қуришлар амалга оширилди. 1957 йилдан бошлаб тармоқларни бошқаришнинг худудий принцип асосида қайта қурилиши, халқ хўжалиги кенгашларининг ташкил этилиши мана шундай қайта ташкил этишлардан бири бўлди. Маълумки, дастлабки пайтларда халқ хўжалиги кенгашлари муайян ижобий самара берди, иқтисодий районлар доирасида ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш имкониятлари кенгайди; хўжалик юритувчилар бир-бирларини яхшироқ кўра бошладилар, моддий-техника таъминоти яхшиланди. Бироқ тез орада инқироз бошланди. Илмий изланишлар, техник қайта жиҳозлаш соҳасидаги соҳавий истиқбол издан чиқди.

1962 йилда партия ташкилотлари саноат ва қишлоқ хўжалик ташкилотларига бўлинди. Бунинг салбий оқибатлари тезда намоён бўлди. Ишлаб чиқариш принципи партия ташкилотларини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларни келишиб ҳал этишдан маҳрум этарди. Партия аппарати ортиқча кенгайиб кетди.

60- йилларда амалга оширилган иқтисодий ислохот, шунингдек 70—80- йилларда давлат томонидан мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар сиёсий тузилмадаги, жамиятнинг ижтимоий ва маънавий ривожланишидаги қайта ўзгаришлар билан бирга кечмаганлиги сабабли муваффақиятсизликка учради. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиб бораётган янги шароитларда қайта ўзгаришларнинг комплекс характери, сиёсатнинг бирлиги масаласи муҳим аҳамият касб этди.

Меҳнаткаш омманинг бошқарув ва назорат жараёнларига кучсиз жалб қилиниши бошқарувнинг тўралашувига олиб келди. Бошқарув аппарати салкам юзта иттифок ва 800 та жумҳурият вазирликлари ҳамда идораларини ўз ичига олиб, аслида хўжаликка ҳам, сиёсатга ҳам ўз иродасини ўтказа бошлади. Айнан идоралар ва бошқа бошқарув тузилмалари қабул қилинган қарорларнинг ижросини ўз қўлларига олган эдилар, ўзларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари билан нималар бўлиши керак-ку, нималар бўлмаслиги кераклигини белгилар эдилар. Маҳаллий идоравий манфаатлар умумдавлат манфаатларига тўғридан-тўғри зид бўлиб қолди.

Бу айниқса, 60- йиллар ўртасидаги иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилишига тўрачилик, консерватик кучларнинг қаршилик кўрсатишида аниқ кўринди. Вазирликлар ва идораларда, корхоналарнинг раҳбариятида ҳам бошқарувнинг одатдаги, барқарор, аввал текширилган, марказлаштирилган, маъмурий шаклларига оғиш намоён бўлди. Одат бўлиб қолганлик, бир лаҳзалик манфаатлар, одатдаги схемаларга сиғмайдиганлардан қўл силташга интилиш устунлик қилди. Бошқарувдаги кўпгина кадрлар етарли даражада билимга эга эмас эдилар. Улар янги шароитларда ишлашни истамасликлари билан бирга ўзларини тезда қайта қуролмас ҳам эдилар. Вазирликлар ва идоралар корхоналарга одат бўлиб қолган эски талабларни қўйишни давом эттирдилар. Корхоналарнинг хўжалик ҳуқуқлари ва мустақилликлари тобора

чеклаб қўйилди. Иқтисодий усуллар ёппасига маъмуриятчилик билан алмашди.

Тўрачилик, эскиликка ёпишиб олиш, беҳабарлик, идоравийлик ва маҳаллийчиликка омманинг ташаббуси ва назоратини қарши қўйиш мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. 60-йиллардаги ислохотларнинг бюрократик консерватизм кучлари томонидан тўсиб қўйилиши ва орқага қайтарилиши кейинроқ очикдан-очик иш кўрган секинлаштириш механизми намоён бўлишининг дастлабки сезиларли белгиларидан бири бўлган эди.¹

Шу ўринда, қишлоқ хўжалигида вужудга келган секинлаштириш, тўхтатиш механизми ҳақида бироз фикр юритиш лозим. Маълумки, кейинги пайтларда нашр этилган ижтимоий-сиёсий адабиётларда баъзан бундай секинлаштириш механизми 70—80-йиллардан бошланган деб таъкидланади. Бу фикрларга қўшилиб бўлмайди. Жамият ҳаётида пайдо бўлган бундай механизмнинг илдизлари 20—30-йилларга бориб тақалади. 60-йилларда мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар мазкур механизмни бироз бўлса-да, жиловлаш учун қилинган ҳаракат эди. Чунки бу ислохот қишлоқ хўжалигига сарфланаётган маблағлар ҳажмини оширишни, колхозларга давлат томонидан қарз бериш тизимини такомиллаштиришни, харид нархларни оширишни колхоз, совхозлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни, кимёлаштиришни, ишлаб чиқаришда ихтисослашувни, янги замонавий технологияни ўзлаштириб, ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишни назарда тутарди. Тўғри, бу борада анчагина ютуқларга эришилди: иқтисодий ривожланиш бўйича саккизинчи беш йилликда сезиларди ютуқлар қўлга киритилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ошди, меҳнат унумдорлиги анча кўпайди, колхозчиларнинг ишлаб чиқаришдан манфаатдорлиги юксалди.

Бирок кейинги йилларда қабул қилинган қарорлардан ортга чекиниш, иқтисодий тадбирларни ва ишлаб чиқаришни режалаштиришни инкор қилиш ҳоллари пайдо бўла бошлади. Шунини айтиш мумкинки, бу даврда ҳам (60-йилларнинг иккинчи ярмида) 50-йиллардаги аҳвол рўй берди. Ўйлаб, илмий жиҳатдан пухта ишланган режалар айнан

¹ Совет жамияти тарихи саҳифалари: фактлар, муаммолар, одамлар. Тошкент. «Ўқитувчи», 1991, 357—360-бетлар.

рахбарликдаги расмиятчилик, маъмуриятчилик, волюнтаристик усуллар туфайли ҳамда янги вазифаларни эски шакллар ёрдамида ҳал этиш оқибатида рўёбга чиқмади.

Масалан, 60- йилларнинг ўрталаридан бошланган хўжалик ислохоти қишлоқ хўжалигида хўжалик ҳисобини кенг жорий қилишни талаб қиларди. Афсуски, бу фақатгина қоғозда қолди, холос. Хўжалик ҳисоби муносабатлари расмиятчилик билангина жорий этилди, уни амалга ошириш учун эса иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилмади. Хўжалик юритишдаги иқтисодий омилларнинг сусайиши эса, ўз навбатида, 70- йиллардан бошлаб колхоз ва совхозларда маъмурий-буйруқбозлик муносабатларининг шаклланишига олиб келди.¹

Қишлоқда иқтисодий сиёсат барқарор олиб борилмади. Бу борада 70- йиллар айниқса алоҳида ўрин эгаллайди. Энди қишлоқ хўжалигини оддий йўллар билан, капитал маблағни ошириш, харид нархларини тартибга келтириш, қарзлардан воз кечиш билан ҳал қилиб бўлмасди. Бу пайтга келиб қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб, деҳқончилик маданияти сусайиб борди. Аграр ишлаб чиқариш тармоғи мамлакат аҳолисини озиқ-овқат, кийим-кечак, хом ашё билан таъминлай олмай қолди. Озиқ-овқатнинг кўпгина турлари четдан келтирила бошланди.

Қишлоқдаги ижтимоий аҳвол оғирлашди. Энг ёмони — партия, совет ташкилотлари, уларнинг раҳбарларида қишлоқни ижтимоий жиҳатдан тараққий эттиришда шошмаса ҳам бўлади, бу ишларни кейинчалик ҳам амалга ошириш мумкин, деган хулоса пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосан экстенсив йўллардан фойдаланилди, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланилмади. Ҳақ тўлаш тизими бузилди, у ишлаб чиқаришдан ажратилди.

Қолхоз, совхозларда амалга оширилган ташкилий ва тузилма ўзгаришлар ҳам қишлоқ хўжалигининг ривожланишига имкон бермади. Хўжаликлар баъзан катталаштирилди, баъзан эса кичиклаштирилди эди. Бундай вазиятда мазкур жараён қишлоқ хўжалигининг техник-иқтисодий имкониятларини кўпинча эътиборга олмасди. Оқибатда йирик-йирик хўжаликлар катта майдондаги унумдор

¹ Механизм торможения: истоки, действие, пути преодоления.— М., Политиздат, 1968. 111- бет.

ерлари, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда меҳнат ресурслари бўлишига қарамасдан ниҳоятда паст натижага эришар эдилар.

70- йилларга келиб секинлаштириш ёки тўхтатиш механизми кишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларини қамраб олди. Бундай механизмнинг унсурлари хусусида фикр юритилса, энг аввало, колхоз-совхозлар устидан раҳбарлик қилишдаги маъмурий-бўйруқбозлик усуллари-нинг пайдо бўлишини кўрсатиш мумкин. Колхозлар, совхозлар турмушида иқтисодий қонунларнинг инкор этилиши, моддий манфаатдорлик принципининг амал қилмаслиги, бошқарувнинг керагидан ортиқ марказлашу-ви — деҳқонлардаги ерга эгалик, хўжайинлик ҳис-туйғу-сининг йўқолишига, уларда бокибеғамлик, бепарволик-нинг шаклланишига олиб келди.

Яна шунга ҳам алоҳида эътибор бериш лозимки, кишлоқ хўжалигида ҳозиргача мавжуд бўлган раҳбар ташкилотлар: кишлоқ хўжалик вазирлиги, вилоят кишлоқ хўжалик бошқармаси, ноҳия кишлоқ хўжалик бошқарма-си, РАПОлар — янгилик тавсия қилувчи, маслаҳат бе-рувчи, ўргатувчи ташкилотдан бўйруқ берувчи, расмий жиҳатдан талаб қилувчи маъмурий ташкилотга айланди-лар.

Бундан ташқари, яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, кишлоқ хўжалиги, айниқса унинг қуйи ташкилотларига ҳар доим ҳам шу соҳанинг мутахассислари раҳбарлик қилавермадилар. Жумладан, колхоз, совхозларга (айниқ-са 60—70- йилларда) асосан мактаб ўқитувчилари, инженерлар, бошқа касб эгалари раҳбарлик қилдилар. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳатто умумий коида-ларини ҳам тасаввур қила олмайдиган бундай кишилар мазкур соҳага жуда катта зиён келтирдилар.

60—70- йиллардаги колхоз, совхозлар ривожланиши тажрибаси, колхозчи ижтимоий ишлаб чиқаришдан ҳеч қандай (ёки кам) манфаат кўрмаса, унда колхозга эътиборсизлик, «барибирчилик» руҳияти билан қараш аломатлари пайдо бўлишини кўрсатмоқда.

Кишлоқ хўжалигида пайдо бўлган тўхтатиш меха-низмни бартараф этиш, уни синдириш осон эмас, зеро бу — узок йиллар давомида пайдо бўлган ҳодисадир. Шунга қарамай ҳозир уни тўхтатиш ҳаракати бошланди. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг пудрат, ижара, хўжа-лик ҳисоби каби замонавий усулларига ўтила бош-ланди.

Биз, юкоридаги фикрлар билан жумхурият кишлок хўжалигида фақат хато, камчиликларагина йўл қўйилди демокчи эмасмиз. Бу даврда деҳқончилик маданиятини ривожлантириш бўйича анчагина ишлар қилинди. Буларни инкор қилиш, ўтган даврдан фақат хато ва камчилик «қидириш» хатодир. Бизнинг вазирамиз эса ютуқ ва камчиликларнинг умумий диалектикасига амал қилиш, кишлок хўжалигининг аҳволини пахтачилик тарихи мисолида ҳолисона равишда ўрганишдан иборатдир.

Хўш, пахта ҳақиқатдан ҳам фаровонлик, бахт-саодат манбаими? Бу саволга биргина сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Бунинг учун кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари зарур. Биз ўз зиммамизга мазкур масалани охиригача, батафсил ҳал этиш масъулиятини олмаган ҳолда унинг айрим томонларинигина таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Энг аввало шунга таъкидлашимиз лозимки, агар кишлок хўжалигида пахта яккахокимлиги устун бўлмаганда, пахтачилик ортикча сарф-харажат ҳисобига эмас, балки меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига ва интенсив йўллар асосида ривожланганда эди, уни ҳақиқатдан ҳам фаровонлик манбаи дейишимиз мумкин бўларди. Бирок, афсуски, бундай бўлмади. Пахтачиликни ривожлантириш тобора кўпроқ сарф-харажатни, пул маблағини талаб қила бошлади. Бу эса халқ оммасининг тобора ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиришни қийинлаштирар, қашшоқлик аломатларининг вужудга келишига олиб келарди.

Хўш, бу жараён 60—80-йилларда ва ҳозирги кунларда қандай намоян бўлди, унинг қандай оқибатлари кўринди?

60-йилларнинг бошида асосий эътибор, юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, Мирзачўлни ўзлаштиришга қаратилди ва бу мақсадга эришиш учун у ерга 280 та экскаватор, 270 та скрепер, 297 та бульдозер, 1600 та юк машиналари, 200 та трактор ва катта миқдорда бошқа техника жўнатилди. 1964 йили Мирзачўлда меҳнат қилган 20 минг кишидан 4 минггини механизаторлар ташкил қиларди.¹

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда 1963 йили Сирдарё вилоятининг ташкил топиши катта воқеа бўлди. Бу вақтда жумхурият халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик режасини бажариш учун

¹ «Правда Востока», 1964 йил 24 август.

иш олиб борилар эди. Бирок бу режанинг кўп жиҳатлари реал ҳаёт имкониятларидан келиб чиқмаган ҳолда қабул қилинганлиги учун ҳам айрим тармоқларда дадил олға силжишлар рўй бермади. Масалан, 1958 йилда жумҳурият бўйича 372,3 минг тонна бугдой етиштирилган бўлса, 1961 йилга келиб бу рақам 208 минг тоннага камайиб кетди ва ҳаммаси бўлиб 164,3 минг тоннани ташкил қилди, холос.

Пахта етиштириш соҳасида ҳам барқарорлик сақланиб қолмади, айрим йилларда унинг ривожланиши жуда юқори (масалан, 1959 йилда 3301,5 минг тонна пахта етиштирилган бўлган бўлса, айрим йиллари у жуда паст бўлди (1961 йилда 3154 минг тонна)).¹

Бундай ҳолнинг вужудга келишига фақат курфокчилик, табиий офатлар, сувсизлик каби объектив омилларгина сабаб бўлмади. Пахта етиштиришда рўй берган беқарорлик кўпинча партия, совет органлари, хўжалик ташкилотлари фаолиятида маромнинг йўқлиги, мавжуд имкониятларни тўғри сарҳисоб қила олмаслик оқибатидир. Хўжалик режалари кўкқисдан қабул қилинар, унда техниканинг кучи, кадрлар лаёқати, савияси ҳар доим ҳам эътиборга олинавермас эди. Бу эса, ўз навбатида, пахтачиликнинг янада ривожланишига, белгиланган режаларнинг бажарилишига ҳалақит қилар эди.

Етти йилликнинг биринчи уч йилида жумҳурият бўйича режадагидан 194 минг тонна кам пахта топширилди. Ваҳоланки, шу йилларга мўлжалланган капитал маблағ кишлоқ хўжалигига аллақачон сарфланган эди. 1961 йилда Ўзбекистондаги мавжуд 943 колхоз ва совхознинг 660 тасида ҳосилдорлик 25 центнердан камни ташкил қилди.

1959—1961 йиллар бўйича давлат режаларини фақатгина Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятигина бажарди, холос.

Бундай ачинарли ҳолатнинг вужудга келишига асосан партия, совет ҳамда кишлоқ хўжалик ташкилотларининг колхоз ва совхозларни малакали кадрлар билан таъминлашда йўл қўйган хатолари, уларнинг пахтазорларда агротехника қоидалари бузилишига бефарқ муносабатда бўлишлари, техника ва сув ресурсларидан ёмон фойдаланганликлари сабаб бўлди. Кишлоқ хўжалик ташкилотлари илғор пахтакор хўжаликларнинг тажрибаларини кенг тарғиб қила олмадилар. Натижада яхши-яхши

¹ Ўзбекистан за 7 лет (1959—1965 гг.). Қисқача статистик тўплам, Тошкент, 1966, 55-бет.

ташаббуслар, илғор тажрибалар кенг оммалашмади. Маълумки, 60- йилларнинг бошларида Хоразм вилоятида ҳар гектар ердан 30—40 центнердан ҳосил олиш ҳаракати кенг ёйилган бўлиб, кўплаб колхоз ва бригадалар бу ҳаракатга қўшилган эдилар. Бирок, бу ҳаракат жумҳуриятнинг бошқа вилоятлари, ноҳияларига ёйилмади. Натижада жумҳурият пахта етиштириш режалари бажарилмай қоларди. Етти йилликнинг тўрт йили ичида давлатга 670,4 минг тонна кам пахта топширилди. Бу кўрсаткичлар айниқса Фарғона (шу вақт мобайнида 237 минг тонна кам пахта берилди), Тошкент (211 минг тонна), Бухоро (176,4 минг тонна), Сурхондарё (33,1 минг тонна) вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида (2,5 минг тонна) анча юқори бўлди.

Ўтган даврлар мобайнида пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ҳам бажарилмади. Тошкент вилояти бўйича 169 та хўжаликдан 136 тасида ҳар гектар ердан 25 центнердан кам ҳосил олинди. Бу рақам Фарғона вилоятида 120 тадан 110 тани, Андижон вилоятида 228 тадан 158 тани, Бухоро вилоятида эса 103 тадан 102 тани ташкил қиларди.

Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағни ўзлаштириш бўйича олиб борилган ишлар ҳам самарасиз бўлди. Бу айниқса янги ерларни ўзлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда яққол кўзга ташланди. Халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик режасининг тўрт йили ичида Тошкент вилояти бўйича 22,1 минг гектар ер, Фарғона вилоятида 6 минг гектар, Самарканд вилоятида эса 6,7 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқарилди.

Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантиришда техниканинг роли тобора ошиб борди, қишлоқ хўжалигида турли хил замонавий техника асбоб-ускуналари кўпая борди. Буларнинг барчаси пахтачиликда техника тараққиётига, меҳнат унумдорлигининг ошишига, маҳсулот таннархининг камайишига олиб келди.

Бирок, барча вилоятларда ҳар доим ҳам бу масалага бир хил муносабатда бўлинмади. Айниқса пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилмади. Масалан, 1962 йили Бухоро вилоятида пахтани машиналар билан териш режаси 22 фоизга, Фарғона вилоятида 29,5 фоизга бажарилди, холос.

60- йилларда янги пахта навларини ишлаб чиқиш, сифатли, пишиқ толали пахта чигитларини етиштириш

ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Чунки илгариги навлар ер мелиоратив ҳолатининг бузилиши ва минерал ўғитларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши оқибатида анча зарарланган эди.

Маълумки, ҳар бир пахтачилик масканида инсон ва табиатнинг хатти-ҳаракати билан табиий хусусият ҳосил бўлади. Пахтачиликнинг шимолий районлари — Болгария, Греция, собиқ СССРнинг пахтакор ўлкаларида тезпишар навлар яратилган. Марказий Америка ғўзалари вилт касаллигига жуда чидамли. Ҳиндистон ва жазирама Африкадаги навларга зараркунанда ва ҳашаротлар ёпишавермайди. Миср навлари ажойиб, узун толалари билан ажралиб туради.

Қорақалпоғистондаги «завод коришмаси»ни Колумбиядаги нав билан чатиштириш натижасида «КК-1543» тезпишар нави яратилди.

Ќўзанинг ёввойи турлари энг тобланган ва мустаҳкам ота-оналар бўлиб чиқди. Америкалик селекционер Харланд чатиштириш учун ғўзанинг фақат Гавай оролларида ўсадиган ёввойи томентозум турини танлади. Ќввойи ота-онадан маданийлаштирилган навга поялар ва баргларнинг тукли бўлиши хусусиятини ўтказишга эришилди. Натижада бундай ғўза учун ҳар қандай сўрувчи ҳашарот хатарли бўлмай қолди.

70- йилларда Мексиканинг ёввойи ғўзаси ўзбек пахтачилигини вертициллез вилти эпидемиясидан қутқарди. Ўша йилларда вилтнинг янги тажовузкор тури пайдо бўлди. Кўп йиллар пахта ўстирилган тупрокда жуда кўп инфекция тўпланиб қолди. Барча пахтакор районларда касалланган далалар пайдо бўла бошлади. Эпидемия айниқса 1969 йилда кучайди. Ўзбекистоннинг айрим районларида 40 фоизгача ҳосил олинмади. Йиғиб олинган хом ашё ва ёг сифати бузилди.

Шунинг учун ҳам янги «Тошкент — I», «Тошкент — II», «Тошкент — III» навлари ишлаб чиқаришга жадал жорий этила бошланди ва бу ажойиб натижалар берди. Қасалланган майдонларда ғўзалар барқ уриб ўса бошланди. «Тошкент — I» нави ҳосилининг қарийб юз фоизини сақлади ва мавжуд навлардан ҳеч бири у билан рақобатлаша олмади.

1968 йилда ҳар бир уяга қўлда биттадан «Тошкент — I» ғўза навидан уруғ ва унинг униб чиқиши учун у билан бирга илгарилари экиб келинган ғўза уруғи ташланди. Кейинчалик, ягана пайтида бу ғўзалар олиб ташланди.

Шундай йўл билан чигит экилган тўрт гектар ердан 9 тонна уруғ олинди. Келгуси йили эса ўша уруғлар жумҳуриятнинг турли вилоятларидаги 360 гектар ерга экилди. Уни экиш пайтида бу ерлар албатта вилт касалига чалинган бўлишига алоҳида эътибор берилди. Бу эса пахта ҳосилдорлигини ошириш, вилтга чидамликни текшириш, ҳосил сифатини аниқлашда қўл келди. Оқибатда яхши натижаларга эришилди, илгари ҳар бир гектар майдонга 80—100 килограмм уруғ экилган бўлса, энди янги навлардан бор-йўғи 20—25 килограмм уруғ экила бошланди.

Янги пахта навлари жумҳурият кишлок хўжалиги, жумладан пахтачиликни ривожлантиришда муҳим кадам бўлди.

Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантиришда бошқа жумҳуриятлар кўрсатган ёрдамни ҳам ҳеч қачон унутмаслик керак. Масалан, 1966 йилда Олтой трактор заводи 1004 та Т-4, ДТ-54, ДТ-55 тракторларини, Волгоград трактор заводи 2286 та Т-38М, Т-40А тракторларини етказиб берди. Краснодар, Жданов, Қишенёв заводлари борона, Рязань — культиваторлар, Високогорск, Одесса, Олтой саноат корхоналари турли хил плугларни Ўзбекистонга етказиб бердилар.¹

Бу техника ва кишлок хўжалик асбоб-ускуналари пахтачиликни янада тараққий эттиришга ёрдам берди. 1966—1970 йилларда жумҳурият бўйича 20 миллион 667 минг тонна ёки режадагидан 1200 минг тонна кўп ҳосил етиштирилди. Етиштирилган ҳосил ўз салмоғи бўйича ўтган беш йилдагидан 3 миллион 276 минг тонна кўп эди. Ҳосилнинг тўртдан уч қисми ҳосилдорликни ошириш ҳисобига олинди.

Шу ўринда пахта етиштириш учун сарф қилинаётган меҳнат хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Гап шундаки, пахта етиштиришдек оғир меҳнат ҳали ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бўлмаган. Ҳозирги кунда айрим публицист ва ёзувчиларнинг пахтакор меҳнатини кул меҳнатига қиёс қилишлари ҳам бежиз эмас.

Биз юқорида Ўзбекистон пахтачилиги соҳасига кўплаб техника, асбоб-ускуналар етказиб берилганлигини айтиб ўтган эдик. Ана шу техника ўзбек пахтакорлари меҳнатини анча енгиллаштирди. Қуйидаги фактлар фикримизнинг

¹ «Сельское хозяйство Узбекистана», 1967. № 10, 18-бет.

далили бўлиши мумкин: 1958 йилда жумҳурият совхозлари бир тонна пахтани қўлда териш учун 33,4 киши-кун сарфлаган эдилар. 1973 йилда эса машиналар ёрдамида барча пахтанинг 68 фоизи терилди, натижада юкоридаги рақам 17 киши-кунига қисқарди. Шу йили жумҳурият бўйича пахтани машинада териш туфайли 72,5 миллион сўм соф фойда олинди. Ҳар бир пахта териш машинаси 2,7 минг сўм даромад келтирди, 511 минг киши эса бу оғир ишдан озод қилинди.

Техниканинг аҳамияти тобора оша борди, меҳнат унумдорлиги юксалди. Масалан, айнан техника туфайли пахта экиш муддати илгариги 35 кундан 10 кунга, культивация қилиш эса 30 кундан 16 кунга қисқарди.¹

Ишни ташкил этишдаги бундай янгиликлар, имкониётлар Ўзбекистонда кўпроқ ҳосил олиш учун кенг йўл очиб берди. 1971—1975 йилларда 24 миллион 500 минг тонна ёки режада белгиланганидан 2,3 миллион тонна кўп пахта хом ашёси етиштирилди. Пахта ҳосилдорлиги тобора ошиб борди. Агар 1965 йилда ҳар гектар ердан 24,5 центнер пахта ҳосили олинган бўлса, 1971 йилга келиб у 28,5 центнерни, 1976 йилда эса 30 центнерни ташкил қилди. Жумҳурият бўйича энг юкори ҳосил Хоразм вилоятида етиштирилди ва у ҳар гектаридан 36,5 центнерни ташкил қилди. Шу билан бирга айрим вилоятларда бу кўрсаткич ниҳоятда паст эди. Масалан, бу Жиззахда — 22,4, Сирдарёда 24,8 центнерни ташкил қилди, холос.²

Ўзбекистонда ингичка толали пахта етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 1965 йилда 72,5 минг тонна шундай қимматбаҳо пахта ҳосили етиштирилган бўлса, 1970 йилга келиб у 197,7 минг тоннани, 1975 йилда эса 240,7 минг тоннани ташкил қилди. Энди ҳар йили жумҳурият бўйича 5 миллион тоннадан зиёд пахта ҳосили етиштирила бошланди. Ҳозирги кунда матбуотда, турли хил мунозара ва анжуманларда 70—80-йиллардаги кишлок хўжалигининг аҳволи, ютуқ ва камчиликлар хусусида кўп баҳс кетмоқда. Айрим ҳолларда эса пахтачиликдаги қўшиб ёзишлар хусусида фикр юритилиб, унинг аслида Ўзбекистонда бўлмаганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

¹ История развития хлопководства в Узбекистане.— Тошкент; «Фан», 1983, 179-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. Статистик йилнома. Тошкент: «Ўзбекистон», 1981, 105-бет.

Биз ҳам, Ўзбекистоннинг барча пахтакор ҳудудларида бундай ҳол чуқур илдиз отган, кўшиб ёзиш ҳар бир колхоз, совхозда кенг тарқалган, деган фикрдан узоқмиз. Аммо шу билан бирга бундай ижтимоий иллатнинг батамом рад этилишига, ундай ҳолат бўлмаган деган қарашларга ҳам қаршимиз.

Тарихий воқеа ва ҳодисаларни объектив равишда, сиёсатга аралаштирмай баён қилиш лозим. Бизнинг фикримизча кўшиб ёзишлар бўлган. Бирок у бутун жумҳуриятни қамраб олмаган. Қўшиб ёзиш содир бўлгани учун эса оддий деҳқон, пахтақорни айблаш, уни жавобгарликка тортиш ҳам инсофдан эмас. Гап шундаки, 70- йиллар ва 80- йилларнинг биринчи ярмида пахтачиликдаги кўшиб ёзишлар ҳақида берилган ахборотларнинг барчасига ҳам ишониб бўлмайди. Шунингдек, ҳар гектар ердан 45, 50, 55 центнердан пахта ҳосили олинганлиги тўғрисидаги ахборотлар ҳам одамни ўйлантириб қўяди. Бунчалик кўп ҳосил олиш учун кўп меҳнат қилиш, аввало ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги-янги, сифатли пахта навларини яратиш, техникадан фойдаланиш коэффициентини кўтариш лозим бўлади.

Ҳозир рўй берган ижобий силжишлар, кўшиб ёзишга қарши ҳаракатлар, иқтисодий ҳаётга объектив назар ташлашлар оқибатида кўп нарсалар ойдинлашмоқда. Масалан, 1976 йилда Ўзбекистон бўйича ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса ва бу рақам 1981—1985 йилларда ўртача 26,7 центнерни ташкил этган бўлса, 1985—1990 йилларда у аранг 25,7 центнерга етди, холос. Бунинг сабаби пахтакор деҳқонларнинг ёмон ишлай бошлаганлиги, улар кўникмасининг пасайиб кетиши, техника сонининг қисқариб кетишида эмас, балки ҳақиқат энди юзага чиқаётганлигидадир.

Пахта учун кураш 80- йилларда айниқса кучли бўлди. Собиқ мамлакат энди ўзининг экстенсив ривожланиш имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланиб бўлаётган, интенсив йўлга ўтишга эса хўжаликка раҳбарлик қилишнинг эскича, замон талабига жавоб бера олмаётган механизми тўғаноқ бўлаётган эди.

1980 йилда Ўзбекистон бўйича биринчи маротаба олти миллион тонналик чегарадан ўтилди ва шу йили 6245 минг тонна «оқ олтин» тайёрланганлиги расмий равишда эълон қилинди. Машиналарда терилган пахта микдори 4 миллион тоннани ташкил қилди. 1976—1980 йиллар мобайнида пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ер ҳисобига 5 центнердан

ошганлиги маълум қилинди. Хоразм вилоятида ҳар гектар ердан 42 центнердан, Бухоро вилоятида — 37,4, Тошкент, Самарқанд вилоятларида эса 35,6 центнердан ҳосил олинди. Жумҳуриятнинг 22 та ноҳиясида етиштирилган ҳосил 40 центнердан зиёдни ташкил қилди.

1981—1985 йиллар ҳам Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим босқич бўлди. Бу беш йиллик тарихга мамлакатда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишдаги босқич сифатида кирди. 80-йилларнинг ўрталарида асосий ишлаб чиқариш фондларининг 40 фоизи агросаноат комплекслари ҳиссасига тўғри келар эди. Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг ярмига яқинини ҳам шу комплекслар яратар ва бу соҳада Ўзбекистон халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 45 фоизи меҳнат қиларди.

1981—1985 йилларда Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш учун 15 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қолхоз ва совхозларга 80 мингта трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, беш миллион тонна минерал ўғитлар етказиб берилди. Шу давр мобайнида ингичка толали пахтанинг ялпи ҳосили тахминан икки марта ошди.

Аммо шу билан бирга жумҳурият қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачиликни юксалтиришда катта хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Мавжуд хатолар айниқса 1982—1983 йилларда кўзга яққол ташланди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ташкилотлари олиб борган ишлар ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермади. Натижада ўн биринчи беш йилликда пахта етиштириш бўйича давлат режаси бажарилмади.

Бунга кўпинча қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг паст савияда олиб борилганлиги, пахтачиликни юксалтириш конун-қоидаларига риоя қилишга волюнтаристик ёндошилганлиги, янги ерларни ўзлаштиришда шошма-шошарликка йўл қўйилганлиги, соҳани ривожлантиришда интенсив йўлнинг инкор этилиши каби омиллар сабаб бўлди.

1976—1984 йилларда Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 8 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон бўйича янги ўзлаштирилган ерларнинг ярми шу вилоятларга тўғри келарди. Бироқ, пахта хом ашёси етиштиришда йўл қўйилган хато, камчиликлар оқибатида бу ерда пахта етиштириш кўпайиш ўрнига, аксинча камайиб кетди.

1985 йилги маълумотларга кўра, барча ноҳия ва хўжаликларнинг ярмиси, 11 мингта пахтачилик бригадаси йиллик режаларини бажара олмадилар. Аммо шу билан бирга бир хил шароит ва имкониятлар бўлгани ҳолда Ўзбекистондаги 7,5 минг бригада, 320 колхоз ва совхоз, 22 ноҳия пахта етиштириш ва уни давлатга сотиш бўйича йиллик режаларини 1 ноябргача бажардилар.

Бундай вазиятнинг вужудга келишига бир қанча омиллар сабаб бўлди. Шундай сабаблардан бири ҳал этилиши лозим бўлган мутахассис кадрлар масаласидир. Жумҳурият бўйича ҳар олти хўжаликка қишлоқ хўжалик маълумотиغا эга бўлмаган кадрлар раҳбарлик қилган, бригадирларнинг 70 фоизини эса ҳеч қандай махсус тайёргарлиги йўқ кишилар ташкил қилар эди. Бундай шароитда пахтачиликда интенсив технология, илғор тажриба, янгиликни жорий этиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Пахтачиликда техникадан фойдаланиш борасидаги ишлар ҳам ўлда-жўлда эди. Масалан, 1985 йилда Бухоро вилоятининг ўзида тўрт мингга яқин пахта териш машинаси бор эди. Ўша йилнинг ўзидагина уларни таъмирлаш, созлаш, янги терим мавсумига тайёрлаш мақсадларига 4 миллион сўмдан зиёдроқ пул сарфланди. Аммо улар ёрдамида терилган пахта барча ҳосилнинг ўндан бир қисминигина (40 минг тонна) ташкил этди ёки ҳар бир терим машинаси ўртача 10 тоннадан пахта терди, холос.

80-йилларда давлат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш эвазига бериладиган пул маблағи ҳажми ҳам тобора ошиб борди. Масалан, 1987 йили давлат томонидан пахта хом ашёси учун колхоз, совхоз, бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва аҳолига 3569,1 миллион сўм пул берилди. Бу рақам 1988 йилда 4326,3 миллион сўмни, 1989 йилда 4679,1 миллион сўмни, 1990 йилда эса 5303,8 миллион сўмни ташкил қилди¹.

Мазкур рақамларни келтиришдан мақсад улар миқдорининг ошиб бориши, пахта ялпи ҳосилининг кўпайиши билан мос равишда бўлмаганлигини кўрсатишдан иборат. 80-йилларнинг иккинчи ярми Ўзбекистонда пахта хом ашёсининг ялпи миқдори тўхтовсиз равишда камайиб бориши билан характерланади. Масалан, агар 1980 йилда жумҳурият бўйича 5579 минг тонна пахта етиштирилган

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 234-бет.

бўлса, 1985 йилда бу рақам 5382 минг тоннани, 1989 йилда 5292 минг тоннани, 1990 йилда эса 5058 минг тоннани ташкил қилди¹. Кўриниб турибдики, пахта хом ашёсини етиштириш ва уни давлатга топшириш йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Бундай ҳолдан чўчиш керак эмас, чунки бу пахта-корларнинг ёмон меҳнат қилаётганини эмас, аксинча, аста-секин пахта яккаҳокимлигига барҳам берилаётганини кўрсатади. Бизни бошқа нарса ташвишга солмоқда. Гап кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда улар таннархининг ошиб бориши хусусида бормоқда. Жумладан, 1986 йили Ўзбекистонда бир тонна дон етиштириш таннархи 314 сўмни ташкил қилган бўлса, 1990 йилга келиб бу рақам 240 сўмга тушди. Бу, албатта ижобий ҳол бўлиб, дон етиштиришда замонавий усуллардан, илғор тажрибалардан фойдаланилаётганлигидан далолат беради.

Бирок пахтачиликда бунинг аксини кўриш мумкин. Масалан, 1985 йилда бир тонна пахта етиштириш таннархи 662 сўмни ташкил қилган бўлса, 1986 йилда бу кўрсаткич 669 сўмни, 1988 йилда 665 сўмни, 1989 йилда 714 сўмни ва 1990 йилда 889 сўмни ташкил қилди². Жумҳурият вилоятлари бўйича ҳам бу рақам ўз бекарорлигини сақлаб қолмоқда. Жумладан, 1990 йилги маълумотларга кўра, юқоридаги рақам Тошкент (700 сўм), Фарғона (790 сўм) вилоятларида энг паст кўрсаткич бўлса, Сурхондарё (959 сўм), Бухоро (938 сўм), Жиззах (937 сўм), Андижон (926 сўм) вилоятларида ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти (917 сўм) да у жуда юқоридир³.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бир тонна пахтани етиштириш учун сарфланаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб борди. Давлатга сотиладиган пахта миқдорининг ошиб бориши эса жумҳурият кишлоқ хўжалигида экстенсив йўлнинг шаклланиб бўлганлигидан далолат беради. Пахта етиштиришда унинг таннархи ошиб бориши энг аввало меҳнаткаш халқ моддий аҳволининг ёмонлашувида намоён бўлди.

1988 йили жумҳурият колхозларида пахта ҳосилдорлиги ўртача 30,1 центнерни ташкил қилган бўлса, 1990 йилда 30,9 центнерни ташкил қилди. Бирок 1989—1990 йилларда

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 242- бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 299- бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 300- бет.

жумхурият колхозларида пахта ҳосилдорлигининг 1988 йилга нисбатан кўпайиши бу тармоқ самарадорлигининг ўсиши билан боғлиқ бўлмади. Пахта етиштиришга қилинган сарф-харажатлар пахта етиштириш ҳажмига нисбатан тез суръатлар билан ўсди, рентабеллик даражаси эса пасайди.

Колхозларда бир центнер пахта етиштиришга кетган меҳнат ҳақи харажатлари 1988 йилда 35,85 сўмни, 1989 йилда 41,11 сўмни, 1990 йилда 54,72 сўмни ташкил этди, 1989 йилда эса бу кўрсаткич 1988 йилга нисбатан 14,7 фоиз ва 1990 йилда 52,6 фоиз кўп бўлди. Бунга собиқ СССР Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон жумхуриятидаги қийин ижтимоий-иқтисодий вазиятни, меҳнатга кам ҳақ тўланишини ҳисобга олиб, пахта хом ашёсини сотиш баҳосини қайтадан кўриб чиққунига қадар, 1989—1990 йиллар ҳосили учун харид нархларига устамалар белгилаш тўғрисида қарор қабул қилганлиги сабаб бўлди. Масалан, 1989 йил ҳосили учун жумхурият хўжаликларида етиштириладиган пахтанинг ўрта толали навлари бўйича 1- ва 2- сортининг харид нархларига ҳар бир тоннаси учун 90 сўмдан, 3- сортга 60 сўмдан устама белгиланди.

1990 йили эса бир тонна 1- ва 2- сорт пахтага кўшимча тўланадиган ҳақ 210 сўмга, 3- сортга тўланадиган кўшимча ҳақ эса 120 сўмга кўпайди. Натижада 1989 йилда бир тонна пахтанинг ўртача харид нархи 1986 йилдаги 806 сўм ўрнига 890 сўмни, 1990 йилда эса 1016 сўмни ташкил этиб, жумхурият бўйича 1990 йилда кўшимча равишда 413 миллион сўм даромад олинди. 1989—1990 йилларда жорий этилган пахтага тўланадиган кўшимча ҳақ пахта йиғим-теримида меҳнатга тўланадиган ҳақни 2—2,5 барабар ошириш имконини берди¹.

Бирок бу даромадлар, ҳақнинг оширилиши жумхурият пахтакорларини қаноатлантормас эди. Ўзбекистон пахтакорлари меҳнатига берилаётган ҳақ собиқ СССРнинг бошқа жумхуриятларидаги деҳқонларга бериладиган ҳақдан анча пастлигича қолаверди. Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнат ҳақи ниҳоятда паст эди. Масалан, собиқ СССР бўйича колхозчи-деҳқонларнинг ўртача ойлик маоши 1980 йилдаги 118,5 сўмдан 1986 йилда 163 сўмга кўпайди. Россиянинг ўзида эса бу рақам 124,3 сўмдан 179,6 сўмга етди. Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки,

¹ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1992 йил. № 8—9, 45-бет.

Ўрис деҳқонлари деҳқончилик ишини кеч бошлаб, анча барвақт тугатар эдилар. Ўзбек деҳқони 1980 йилда ҳаммаси бўлиб 130 сўм ойлик олди. 1986 йилга келиб бу рақам кўпайиш ўрнига камайиб 129,7 сўмни ташкил қилди¹.

Шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, ўзбек пахтакори меҳнати фақат қоғоздагина улуғланди. Амалда эса, ҳақ тўлашда ижтимоий адолат принципи, адолат тарозиси бузилди. Бу совхоз ишчилари ва хизматчиларининг меҳнатига тўланадиган ҳаққа ҳам тааллуқли эди.

Бунинг устига Ўзбекистонда кўпроқ пахта ҳосили олиш ҳаракати бу ердаги экологик ҳолатнинг ёмонлашувига, кишилар, айниқса хотин-қизлар ва болалар ўртасида турли хил касалликлар (айниқса ичак, ошқозон ва сарик касаллиги)нинг кўпайишига олиб келди. Қурилган кўпгина корхоналарда (ҳаво, сувни) тозалагич тизимлари ё бутунлай унутилган, ёки чала қурилган. Оқибатда тонналаб захарли газ, ифлос сув ва бошқа чикитлар табиатга «инъом» этилди. Янги ерларни ўзлаштириш учун сув келтирилиши аниқ бўлишига қарамай, у ерда керакли микдорда ва сифатли коллектор-дренаж тармоқлари қурилмади, қурилган шаҳар, посёлкаларда канализация тизими, водопровод тармоқлари унутилиб қолдирилди, борлари ҳам яхши ишламасди. Айниқса, чиқиндилардан фойдаланиш корхоналарининг иши ёмон ташкил қилинганди. Оқибатда атрофимизни захарли хид, тутун тарқатиб ётган чиқинди уюмлари, ёмғирда эриб дарё, арик ва бошқа жойларга тушаётган кимёвий ўғит, дори-дармонлар ўраб олди.

Жумҳуриятда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тузилгани ва 1976—1980 йилларда бу соҳага 360 миллион сўм, 1981—1985 йилларда 407 миллион сўм ҳамда 1986—1990 йилларда 500 миллион сўм маблағ ажратилганлигига қарамай, мавжуд муаммолар ҳал этилмай қолаверди².

Экологик ҳолат айниқса ёмон бузилган жойлардан бири — Фарғона водийсидир. Маълумки, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларини қўшиб ҳисоблаганда улар

¹ Народное хозяйство СССР за 70 лет. М., «Финансы и статистика», 1987, 435-бет.

² Қаранг: А. Раззоқов. Сув ва ҳаёт, 136-бет.

хаммаси бўлиб 19,2 минг квадрат километр худудга эга, холос. (Ўзбекистон бўйича 447,4 минг км¹.) Бирок бу учта вилоят жумҳуриятда аҳоли энг зич жойлашган вилоятлардир. Масалан, 1991 йилги маълумотларга кўра бу ерда 5579 минг аҳоли ёки жумҳурият аҳолисининг ҳар тўрттасидан бири истиқомат қилади. Андижон вилоятида ҳар бир квадрат километр ҳисобига 427,4 киши, Фарғонада — 313,6 киши, Наманган вилоятида эса 197,2 киши тўғри келади. Ваҳоланки, жумҳурият бўйича бу рақам 46,3 кишини ташкил қилади, холос¹.

Аҳолининг бунчалик зичлиги, ўз навбатида, экологик ҳолатнинг бузилишига, турли хил касалликлар, нохуш ходисаларнинг келиб чиқишига олиб келди. Аммо собик марказни бу ҳол ҳеч ташвишлантормади. Аксинча, водийдаги шахар ва қишлоқлар, аҳоли кўп тўпланган жойларда кўплаб завод, фабрикалар қурила бошланди. Энг ҳавфлиси бу корхоналарнинг кўпчилиги аҳоли соғлиғига зарар келтирувчи завод, фабрикалар эди. Фарғона «Нефть», «Азот» бирлашмалари, фуран кимёвий бирикмалар заводи, Андижон машинасозлик, гидролиз заводлари, Намангандаги ёғ-экстракция, кимё заводлари, Қўқондаги қурилиш материаллари заводи, ёғ-мой комбинати, ўнлаб пахта тозалаш заводлари ва бошқа корхоналар фикримизнинг далилидир. Водийнинг ҳамма томонидан тоғлар билан ўралганлиги ҳам заҳарловчи моддаларнинг узок вақт тўпланиб туришига сабаб бўлади.

Ҳавога чиқарилаётган заҳарли моддалар миқдори жиҳатидан водийда Фарғона шахри биринчи ўринда туради. Масалан, 1989 йили йил давомида Фарғона шахри ҳавосига — 190, Андижон ва Наманганда — 50—60, Қўқонда 45—50 минг тонна заҳарли моддалар чиқарилган. Водий атмосферасида карбонат ангидрид миқдори нормадан — 5—6, азот оксидиники — 1,5—2, симобники — 9—10, кадмийники 4—4 маротаба юқори эканлиги аниқланди.

Атмосферанинг чанг билан ифлосланиши, айниқса ошиб бормоқда. Йилига ҳавога 30—32 минг тонна чанг кўтарилаётгани ачинарли ҳолдир. Айниқса, ҳаво таркибида бром, рух, хром, темир элементларининг миқдори

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

кўпайиб кетган. Буни қуйидаги 23-жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

23-жадвал

Фарғона водийси ҳавосига чиқарилаётган заҳарли моддалар миқдори (минг тонна ҳисобида)

Моддалар	Фарғона	Андижон	Наманган	Қўқон
Чанг	22,45	3,10	2,24	4,0
Углевод оксиди	32,43	4,67	43,65	34,20
Олтингугурт ангидриди	44,74	1,60	1,10	2,10
Азот оксиди	16,38	4,70	4,25	3,90
Аммиак	3,47	—	0,11	0,25
Углеводород	68,38	8,40	7,86	6,50

Водий тупроқ қатламлари ҳолати ҳам кўнгилдагидек эмас. Маълумотларга кўра, шаҳарлар атрофидаги бўз тупроқ шамол йўналишига мос равишда 3—5, баъзи ҳолларда 10—12 километргача бўлган масофаларда кўрғошин, кадмий, марганец, мис, рух ҳамда нефть маҳсулотлари билан ифлосланган. Айрим экинзорларда мишьяк, фтор, сурма, стронцияларнинг миқдори ошиб кетган¹.

Бундай ҳолни фақат Фарғона водийсидагина эмас, жумҳуриятимизнинг барча шаҳарларида, шаҳар атрофидаги кишлоқларда ҳам кўриш мумкин. Бизнинг фикримизча, кейинги йилларда Ўзбекистонда қурилган янги шаҳарлардаги (Ангрен, Бекобод, Олмалик, Навоий, Учкудук, Зарафшон, Чирчик ва бошқа) энг катта камчилик аҳолини, атроф муҳитни заҳарли моддалардан муҳофаза қилиш воситаларининг қурилмаганлиги, ҳавони ифлослантирувчи ва айниқса кимёвий корхоналарнинг шаҳар ичида ёки унга яқин жойларда қурилганлигидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон аҳолисини узок йиллар давомида ўйлантириб, қийнаб келган муаммолардан яна бири пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ерга солинадиган кимёвий моддалар.

АҚШ ва саноати ҳамда кишлоқ хўжалиги ривожланган бошқа кўплаб давлатларда заҳарли моддалар туркумига кирган ДДТни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш аллақачон тўхтатиб қўйилган. Фақат собик

¹ Водийда экологик муаммолар ва уларнинг ечими. «Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги», 1992, № 8—9, 38—39-бетлар.

СССР ва бир қатор Африка давлатларидагина ундан ҳозиргача фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар гектар пахта майдонига ўсимликни ҳар хил ҳашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қилувчи, ёввойи ўтларни қуритувчи пестицидлардан ва минерал ўғитлардан 38,2 килограмм, йиғим-терим олдидан ғўза баргини тўкадиган дефолиантлардан 16,2 килограмм, жами 54,4 килограмм заҳарли модда солинар эди.

1987 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 65 номдаги 97 минг тонна кимёвий модда қўлланилди, шундан 5,1 минг тоннаси ўта заҳарли моддалардир. Омборларда сақланаётган пестицидлар ҳисоб-китоб қилинмади, уларни тарқатиш ва қўллаш устидан етарли назорат олиб борилмади. Жойларда қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳар гектар ерга қанча минерал ўғит ва заҳарли кимёвий модда солиш лозимлигини яхши билмасликлари оқибатида улардан баъзан белгиланганидан ўн баравар, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ишлатиларди. Масалан, 1985 йилда Қашқадарё вилоятида келтган деб аталган пестициддан нормада белгиланганидан 50 баравар кўп, БИ — 58 пестициддан 37,5 баравар кўп сарфланган. 1986 йилда Сурхондарёда хлорофосдан 13,5 баравар кўп, Наманган вилоятида фозолондан 16 баравар, Бухоро вилоятида эса 11,7 баравар кўп сарфланган¹.

Тўғри, бугунги кунда бундай заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишга чек қўйилди. Бироқ унинг оқибатини тугатиш учун ҳали бир неча ўн йиллар керак бўлиши табиий. Майиб-мажруҳ бўлиб туғилган болалар, касалликни ўзларига ажралмас «мерос» қилиб олган хотин-қизлар, ишга ярамай қолган, бели букилиб ногирон бўлган забардаст йигитларнинг дарди Ўзбекистоннинг дарди, миллатнинг кўз ёшларидир.

Демак, юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, пахта ўзбек халқини бир томондан боққан, уни оч қолмаслигини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитини оғирлаштирди, пахтага бўлган қулчилик мустаҳкамланди. Пахта халқимизни Россия томонидан эзиш, эксплуатация қилишнинг манбаи бўлиб қолаверди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошланган ўзгаришлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-ахлоқий

¹ Сусанна Газиянц. Аркадий Мар. Асрлар ва мамлакатлар оша, 128-бет.

ҳаётида тубдан бурилиш яшаш учун замин яратди. Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг рўёбга чиқиши, 1991 йил 31 августда эса Ўзбекистон жумҳуриятининг ўз мустақиллигини эълон қилиши — 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган туб ўзгаришлар оқибатидир.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши барча масалаларга ўзбек миллати, бу ерда яшайдиган халқлар манфаати нуктаи назаридан қараш имконини яратди.

Бу, энг аввало, ўзбек халқининг ҳам бахти, ҳам ҳасрати бўлган пахтада ўз ифодасини топди. Янги сиёсат, қишлоқ хўжалигига бўлган муносабатнинг ўзгариши тахминан 120 йиллар (ўрисларнинг Туркистон ўлкасини босиб олганидан кейин бошланган) давом этиб келган пахта яккаҳоқимлигига чек қўйиш имкониятини вужудга келтирди, пахтачиликда энди ҳеч кимнинг тазйиқисиз, ташқи аралашувисиз ўз сиёсатини амалга ошириш бошланди.

1990 йилнинг ўрталаридан 1992 йилгача бўлган даврда жумҳурият ҳукуматининг чиқарган 23 та қароридан хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари хусусида, пахтачиликнинг тақдири тўғрисида йўл-йўриқлар белгиланди¹. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аксариятининг нархларини шартнома асосида белгилашга ўтилиши, харид нархларининг кўтарилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига асосан, хўжаликлар ишлаб чиқариш ва аҳолининг эҳтиёжлари учун ўз маҳсулотининг 60 фоизини белгиланган нархларда давлатга сотиши белгилаб қўйилди. Натижада улар ўз маҳсулотларининг қолган 40 фоизини келишилган нархларда сотиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бу эса Ўзбекистон пахтачилигида ижобий силжишларнинг рўй беришига олиб келди. Масалан, 1991 йилда пахта етиштириладиган умумий майдоннинг ҳажми 110 минг гектарга камайтирилди. Давлат оғборларига 4646 минг тонна хом ашё топширилди, шундан 403 минг тоннаси саноат учун энг қимматли бўлган ипак пахтадир. Ҳосилдорлик 27 центнерга етди.

Пахтачиликда анча янгиликлар вужудга келди. Ғўза парвариши асосан меҳнатнинг ижара ва лудрат усулида олиб борилди. Бу пахтачилик билан машғул бўлган

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 27 декабрь.

кишиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш билан бирга уларнинг масъулиятини ҳам кучайтирди.

Пахта харид нархининг ошганлиги 1991 йилда кўшимча равишда салкам 4 миллиард сўм даромад келтирди. Кейинчалик эса хўжалик режасининг беш фоизини ва режадан ошиқ пахтанинг ҳаммасини хўжаликнинг ўзи ихтиёрида қолдириш ҳақидаги фармон хўжаликларни иктисодий барқарорлаштиришда катта ёрдам берди.

Пахтанинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган навларини яратиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Ҳозирги пайтда юқори сифатли ва кўп миқдорда тола бера оладиган «Юлдуз», С-65-24, С-65-30, Бухоро-6 каби жами 14 хил шундай ғўза навлари мавжуд. Энди уларни кўпайтириш ва ҳар қайси вилоятнинг тупроқ ҳамда иқлим шароитига қараб районлаштириш зарур.

Ўзбек пахтакорларини доимо ташвишлантириб келадиган масала — пахтанинг давлат харид нархлари ва унинг толасининг улгуржи нархлари масаласидир. Барча соҳаларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам ишнинг ривожини ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигига боғлиқдир. Бирок, узоқ йиллар давомида ижтимоий ва иктисодий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби пахтачиликда ҳам тенглаштириш принципи ҳукм сурди. Бу моддий манфаатдорлик принципининг бузилишига олиб келди.

Жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 мартдаги «Пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисида»ги қарори ушбу принципнинг қайтадан туғилишига олиб келди. Буни 24- ва 25- жадваллардан кўриш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати кўрган бу тадбирлар пахтакорлар моддий манфаатдорлигини оширмаслиги мумкин эмас. Кейинги бир-икки йил ичида жумҳуриятда амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли қишлоқдаги вазият ўзгарди. Маълумки, Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти И. А. Қаримов таъкидлаганидек, қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонда ерга эгалик туйғусини қайта тиклаш — мерос қила олиш ҳуқуқи асосида ерни унга абадий фойдаланиш

Пахтанинг давлат харид нархлари (I тоннаси учун сўм ҳисобида)

Пахта толасининг тип	I	II	III	IV
Ингичка толлари				
I тип	25200	22200	11400	3960
II тип	22500	20400	11400	3960
III тип	20700	18360	11400	3960
Ўртача толлари				
IV тип	19980	17190	10800	3960
V тип	18660	16110	10800	3960
VI тип	14700	13260	10260	3960
VII тип	14220	12780	9900	3960

Пахта толасининг улгуржи нархлари
(I тоннаси учун сўм ҳисобида)

Тола тип	Пахта толасининг тип						
	Сара	I	II	III	IV	V	VI
Ингичка толлари							
I тип	45000	43560	41820	26910	19510	12290	6900
II тип	40990	39520	58100	26910	19510	12290	6900
III тип	36130	35220	34070	26910	19510	12290	6900
Ўртача толлари							
IV тип	32090	31500	30120	25520	19510	12290	6900
V тип	29230	28640	28060	24340	19510	12290	6900
VI тип	24370	23190	22370	21220	19510	12290	6900
VII тип	24050	21810	21100	20920	19510	12290	6900

учун бериш йўлидан бориши керак. Бундан ташқари, кишлоқни қайта ўзгартириш демократик тарзда амалга оширилишини ҳам унутмаслик лозим. Бу борада давлатнинг изчил йўли кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечишдир.

Етарлича самара бермаётган пахта майдонларини ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинларидан бўшаб қолаётган

ерларни деҳкон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш, шахсий томорка участкаларини кенгайтириш учун бериш лозим. Кейинги йилларда 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер участкаларини кенгайтирдилар. Олинган ерларнинг умумий майдони 550 минг гектардан ошиб кетди. Томорка участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотихдан ошди. Бу кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат талаб этадиган янги соҳаларни ташкил этиш ҳамда кишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш имконини берди.

Умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулотларга адолатли тарзда чегараланган харид нархлари белгилаш муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Кейинги икки йил ичида амалда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларига белгиланган харид нархлари жиддий равишда оширилди. Фақат пахтанинг харид нархи 6 баравар ошди¹.

Пахта яккаҳоқимлигига чек қўйилиб, пахтакорларнинг моддий-манфаатдорлиги оширила бошланди, таракқиётнинг интенсив йўлидан фойдаланиш йўлга қўйила бошланди. Кишлоқ хўжалиги устидан раҳбарликда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечила бошланди, деҳконлар энди ўзларини эркин ҳис қила бошладилар. Буларнинг барчаси пахтачиликни ўзбек халқининг фаровон турмуш кечиришига имкон яратиб берадиган манбага, қашшоқликка қарши курашувчи воситага айлантиради.

Юқоридаги тадбирлар, Ўзбекистоннинг мустақил давлатга айланиши бутун жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида яхшилаш сари бурилиш бўлганлигидан далолат беради.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 54—55-бетлар.

ХУЛОСА

Биз юқорида пахта ҳақида, унинг ўтмиши, ҳозирги инсониятга хизмати, ўзбек деҳқонлари турмушига таъсири тўғрисида фикрлашдик. Бирок бу ҳали ҳаммаси эмас. Пахта ва пахтачилик хусусида, уларнинг кишилик тараққиёти, давлатлар тақдирига кўрсатган ўзаро таъсири тўғрисидаги хулосаларни бир китоб ҳажмида баён этиш мумкин эмас. Бундан ташқари, бу бир кишининг қўлидан келадиган вазифа ҳам эмас.

Мазкур муаммони тадқиқот мавзуи қилиб олишдан кўзланган мақсад ўзбек халқи тарихида пахтанинг тутган ролини бироз бўлса-да таҳлил қилишдан иборат эди. Ушбу рисола ни нашрга тайёрлаш, муаммони ўрганиш давомида бизнинг қилган энг асосий хулосамиз шу бўлдики, пахтачилик тарихи — бу ўзбек халқининг тарихи, унинг ажралмас қисмидир.

Пахта азалдан туркий халқларнинг тирикчилик манбаи бўлган бўлса, кейинчалик эса аста-секин бутун-бутун, катта-катта ҳудудларда яшайдиган халқлар орасида сиёсий роль ўйнай бошлади. Сиёсат ва пахта давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви ёки илиқлашуви, давлатлар томонидан босқинчилик урушларининг келиб чиқиши, миллион-миллион одамларнинг кашшоқланиши, минглаб кишиларнинг эса бойиб кетиши, сонсаноксиз қурбонларнинг берилишига олиб келди.

Биз, ўзбеклар пахта билан ҳақли равишда фахрланишимиз мумкин. Чунки у ҳақиқатан ҳам кишиларнинг турмуш даражасини яхшилашда муҳим роль ўйнади, фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилди. Пахта — биз

яшаб турган ҳудудда ҳам азалдан экилиб келинаётганлигига энди ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Маълумки, пахтанинг расмий номи шундай: Госсипиум авлоди, гулхайридошлар оиласи. Госсипиум лотинча «госсинион» сўзидан олинган бўлиб, «пахта берувчи дарахт» деган маънони англатади. Дарҳақиқат, пахта — кўп йиллик дарахтсимон ўсимлик бўлиб, тропик шароитда бўйи олти-етти ва ҳатто ўн-ўн икки метргача боради. Бугунги кунда пахтанинг 37 та маданий ва ёввойи тури бор. Булар ўсаётган жойи, ҳаёт тарзи, ташқи кўринишига қараб олти турга ва икки аждодга бўлинади. Бешта маданий тури ва яна тўққиз хилга бўлинади, улар ҳар бирининг юзлаб бир йиллик ва кўп йиллик дарахтсимон, бутасимон ва ўтсимон навлари бор.

Эндиликда ер шарини ўраган пахта минтақаси 47° шимолий кенгликдан 35° жанубий кенгликкача чўзилиб, эни тўққиз минг километр, узунлиги экваторга баробар ҳудудни эгаллайди. Пахта, энг шимолий пахтачилик районлари бўлган Булғориядан тортиб Австриягача, Ўрта Ер денгизи ҳавзаси, Араб Шарқи, Ўрта ва Кичик Осиё, Ҳиндихитой, Филиппин, Африка, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Америка, Куба, Ямайка, Гаити, Антилли, Фиджи, Янги Каледония, Янги Гибрид ороллари-гача бўлган ҳудудларда экилади.

Маданийлашган ғўза бир пайтнинг ўзида тўрт жойда пайдо бўлди. Унинг икки ватани Америка қитъасида, Христофор Колумб саёҳатидан сўнг Янги Дунё деб ном олган жойдадир. У ерда — Марказий ва Жанубий Америкада топилган ғўзалар ҳам Янги Дунё ғўзалари деб аталади. Эски дунёда ҳам ғўзанинг икки ватани бор: Ҳиндистон ва Африка-Осиё. Сўнги ном (Африка-Осиё) жуфтлигининг боиси шундаки, ғўзанинг ўтсимон Хербациум — дастлабки маданийлашган турини ҳосил қилишда биринчилик қимга — Африкага ёки Осиёгами — даҳлдорлиги ҳали яхши исботланмаган¹.

¹ Сусанна Газиянц, Аркадий Мар, 7- бет.

Бирок бизнинг фикримизча, пахта ўсимлигининг энг аввало қаерда пайдо бўлганлиги тўғрисидаги ҳар қандай хулоса — бу нисбий маънога эгадир, зеро пахтачилик маданиятининг вужудга келиши тўғрисидаги янгиликларни юқорида келтирилган ҳудудларнинг хоҳлаганидан топиш мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг қатъий хулосамиз шуки, пахтанинг Ватани — иссиқ тропик мамлакатлардир. Пахта маданийлашган сайин шимолга томон силжиб борди ва бу жараён аста-секинлик билан рўй берди, пахта ҳаёт шароитини янгилаш билан би қаторда ўзи ҳам ўзгариб борди.

Яна шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, пахта ўсимлигининг энг аввало Ўрта Осиё ҳудудида пайдо бўлганлигини тасдиқловчи далил ҳозиргача йўқ бўлгани каби, уни шу ерда вужудга келганлигини инкор этувчи исбот ҳам йўқдир. Ўрта Осиё ҳудуди бошқа пахта етиштирувчи давлатлар ҳудудига қараганда шимолроқда жойлашгани билан, биринчи ёввойи пахта дарахти айнан шу ерда пайдо бўлганлиги ҳам ҳеч ким томонидан на исбот қилинди ва на инкор этилди.

Қисқаси, пахта — бу инсоният онгли меҳнатининг меvasи, ижтимоий ҳаёт тақозосининг натижаси бўлиб, шу заминда яшаб, истиқомат қилаётган инсониятнинг мулкидир.

Пахта маданийлашиб боргани сари, жамият аъзоларини ҳам маданий ҳаётга ўргата борди, у аста-секин инсон турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланди.

Узоқ йиллар давомида бизнинг ўлкамизда экилган пахта шу ҳудуддаги халқларнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилди. Тарих илми пахтани мўътадил, ҳаддан ортиқ даражада кўп экиб юбормасдан, унинг нисбатини озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа турлари билан мувофиқлаштириб бориш пахта етиштирадиган ҳар бир давлатнинг равнақи, фаровонлигини таъминлаб келганлигидан далолат беради. Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган давлатларда доимо шундай бўлган¹.

¹ Ўрислар Ўрта Осиёни босиб олгунларигача шундай бўлган.

Шунинг учун ҳам бу ердаги халқлар кўпинча (ўзаро низолар, урушлар бундан мустасно) тўқ, роҳат-фаровонликда яшаганлар. Александр Македонский, араблар, мўғуллар ва бошқа кўшни давлатлар томонидан уюштирилган босқинчиликларнинг боиси ҳам ана шундадир. Пахтани мўътадил равишда экиш давлатнинг раванкини, халқнинг иқтисодий жиҳатдан бой яшашини таъминлаган.

Афсуски, пахта экиш бахтига муяссар бўлиш кўп ҳолларда шу халқнинг бахтсизлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Ўрислар томонидан Ўрта Осиёни босиб олинишининг асосий сабаби ҳам шу. Бизнинг ўлкамизда улар томонидан темир йўллар, завод ва фабрикалар, йўллар, кўприклар қурилиши, бу ердаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётни кескин равишда ўзгартириб юбориш учун сарфланган миллион-миллион сўмлар, ҳудудимизни босиб олиш йўлида қўрилган талафотлар, йўқотилган ўн минглаб кишилар — буларнинг барчасидан мақсад ўзбеклар диёрига ёруғлик ва адолат, шафқат ва меҳрибонлик, тўқлик ва фаровонлик олиб келиш эмас, балки бу ҳудуддан минг-минг тонналаб пахта хом ашёсини ташиб кетиш, ундан миллионлаб, миллиардлаб сўм даромад олишдан иборат эди.

Ўрис бой-амалдорларининг Ўрта Осиё бойликларига, жумладан пахтасига кўз олайтириши айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, XIX асрдан эмас, балки XVI асрнинг биринчи ярмидан бошланган. Бироқ бу ҳам ҳали аниқ эмас, зеро бундай ҳаракат анча олдин бошланмаганига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Тахминан уч юз йиллардан ортиқ давр мобайнида ўзбек пахтаси турли йўллар билан ўрис амалдорлари томонидан ташиб кетилган. Аммо бу — тизимсиз, онда-сонда бўладиган жараён эди. Кейинчалик, пахтанинг иқтисодий, айниқса, ҳарбий аҳамияти тобора ёрқинроқ маълум бўла бошлагани сари амалдор бой ўрисларнинг бу хом ашёга бўлган қизиқиши Россия давлати сиёсати даражасигача кўтарилди.

Энди ўрис давлати ўз иқтисодий турмушини ўзбек пахтаси тақдирига боғлади, шу тариқа Ўрта Осиё Россиянинг мустамлакасига айланди.

Ўлкадаги пахта сиёсатининг моҳияти мустамлакачилик даврида тубдан ўзгарди. Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши оқибатида бу ердаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий турмушда кескин ўзгаришлар рўй берди. Бу айниқса иқтисодий соҳада яққол кўзга ташланди.

Кейинги йилларда айрим ёзувчилар ва публицистлар ўртасида пахта яккахокимлигининг пайдо бўлиши хусусида тортишувлар бўлди. Айримлар бундай ҳолнинг юзага келишини айнан 70—80-йиллар, бошқалар эса 20—30-йилларга боғлайдилар. Бизнинг фикримизча эса, пахта яккахокимлигининг вужудга келиши ўрис давлатининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилиги бошланган кундан бошлангандир, зеро уларнинг бундан бошқа мақсадлари ҳам йўқ эди¹.

Шунинг учун ҳам, Ўрта Осиёда пахтани экишга бўлган кизиқиш ўрис ҳукумати томонидан рағбатлантирилди. Бундан ташқари Туркистон Россияга қўшилгандан кейин маъмурият томонидан кўрилган биринчи чора кам ҳосилли маҳаллий навларнинг толасининг сифати бўйича беқиёс яхши бўлган Америка навлари билан алмаштирилиши бўлди.

Ўлкада пахтачиликнинг ривожланиши маҳаллий халқнинг озиқ-овқат маҳсулотига бўлган талабининг ошиб боришига олиб келди. Чунки пахта майдонининг ошиши дон ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган майдоннинг камайишига олиб келар эди. Бундай маҳсулотлар, биринчи навбатда, дон Россиядан ташиб келтирилар эди. Демак, Туркистон ўлкасида пахта қанчалик кўп экилган бўлса, халқимизнинг ўрис амалдорларига тобелиги шунчалик кучайиб бораверган. Бу эса Россия ҳукумати томонидан

¹ Биз бу ерда Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олинишининг сиёсий томонларини истисно қилмаймиз ва аксинча, пахта ва мустамлакачиликнинг сиёсий сабаблари ушбу яккахокимликнинг энг асосий манбандир.

Туркистонни улар учун боқиманда ҳудуд, бўйинтурук деган ғайриилмий ва ғайриинсоний ғоянинг вужудга келтиришига олиб келди. 120 йиллар илгари пайдо бўлган бу сиёсат, ғоя, афсуски, собиқ Совет ҳукумати даврида ҳам ўз моҳиятини ўзгартирмай қолаверди.

Пахта яккахокимлигининг вужудга келиши большевикларнинг 1917 йилдаги давлат тўнтаришидан олдин ҳам маълум эди ва ўзбек зиёлилари, маърифатпарварлари бу ҳақда ўз фикрларини баён этган эдилар. Адолат, меҳр-мурувват чироғини ёқишни ваъда қилган, кишини киши томонидан эзишни йўқ қилишга сўз берган большевиклар пахта яккахокимлигининг халқни қашшоқланишига олиб келишини билмасликлари мумкин эмас эди. 1917 йил октябрь ойигача чор ҳукумати ва вақтли ҳукумат томонидан олиб борилган бойлик орттириш сиёсати энди большевикларнинг — «янги жамият қурувчи»ларнинг ҳам сиёсатига айланди.

Биз бу билан ўтган 70 йилдан ортиқ вақтни бошдан-оёқ тафтиш қилмоқчи, унга қора бўёқ чапламоқчи эмасмиз. Аксинча, шундай қилганларни ва қилмоқчи бўлганларни сиёсий маданиятсизликда, оқни қорадан ажрата олмасликда айблаймиз. Собиқ совет ҳокимияти йилларида ҳам халқимиз, миллатимиз равнақи тўхтагани йўқ, қўлга киритилган ютуқларимиз ҳам талайгина. Бу ўринда биз таниқли тарихчи олим Ҳамид Зияевнинг қуйидаги фикрларини тамомила қўллаб-қувватлаймиз: «Бизга бир вақтлар асосан қизил империянинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига узлуксиз хизмат қилган, жуда оз бўлса-да, эл-юртимизга ҳам нафи теккан тармоқлар ва мутахассислар қолди. Хусусан, минглаб мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртли, турли соҳа мутахассислари батамом мустақил Ўзбекистон ихтиёрига ўтди. Йиллар мобайнида шаклланган салмоқли ва бақувват зиёлилар қатлами истиқлолга эришишда муҳим бўғин бўлдилар.

Бир вақтлар иттифок вазирликларига қарашли бўлган йирик саноат корхоналарини олишимиз ҳам катта аҳамиятга эгадир. Агарда жамият тараққиётининг асосий негизи

ҳисобланган бундай корхоналар бўлмаганда ҳозир Ўзбекистон жуда ҳам букчайиб қоларди. Шу жиҳатдан қараганда янги ўзлаштирилган ерларнинг, пахтазорларнинг, сув омборлари ва сув иншоотларининг, электр станцияларнинг, транспорт ва алоқа воситаларининг, маъмурий ва жамоат биноларининг, етакчи йўлларнинг ва бошқаларнинг ўзимизга қолиши, ишлаб турган олтин, уран, вольфрам, мис, газ, нефть корхоналарига эга бўлганимиз ҳам беқиёс имкониятдир. Бу моддий ва маънавий бойликларни бунёд этиш осон бўлмаган. Уларнинг аксарияти тарихан жуда қисқа вақтда — 10—15 йил ичида ва «занжирбанд»ликда яратилди»¹.

Бизнингча, масалага шундай ёндошилса, адолатли бўлади. Бундан ташқари, собиқ совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган яна бир қанча тадбирлар борки, улар сўзсиз ўлкамизнинг ҳозирги тараққиёти йўлини белгилаб бермоқда. Шундай тадбирлардан бири қишлоқ хўжалигида амалга оширилган коллективлаштириш жараёнидир. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан коллективлаштириш жараёнида 20—30-йиллардаги иқтисодий қийинчиликни енгиш ва бунинг оқибатида юз минглаб камбағал деҳқонларни даҳшатли очликдан, оммавий қирилиш ҳавфидан сақлаб қолиш имконияти туғилди. Қолхоз, совхозларнинг пайдо бўлиши оқибатида деҳқонлар орасида биргаликда ишлаш, жамоа бўлиб мақсадга эришиш ҳисси туғилди.

Қишлоқ хўжалигида коллектив хўжаликларнинг шаклланиши туфайли юзага келган энг муҳим ўзгаришлардан яна бири — техника ва бошқа қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналаридан фойдаланиш имкониятининг шаклланидир. Ҳаммага маълумки, майда деҳқон хўжалиги қишлоқда йирик техника-машина воситаларини ишлатиш имконини бермас эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлати-

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил 18 сентябрь.

да, унинг экин майдонларида ишлаётган юз минглаб трактор, комбайн, машиналарнинг пайдо бўлиши ҳам айнан коллектив хўжаликларнинг тузилиши билан бевосита боғлиқдир.

Минг-минглаб агрономлар, гидротехниклар, инженерлар, мелиораторлар ва бошқа кишлоқ хўжалиги мутахассисларининг шаклланиши ҳам ўша жараён билан боғлиқдир.

Колхоз, совхозларнинг афзалликлари ҳеч кимга сир бўлмай қолган. Айрим одамларнинг ундан бешининг боиси эса колхоз қурилишида йўл қўйилган хатолар, моддий манфаатдорлик принципларига амал қилмаслик, маҳсулотларга баҳо белгилашда давлат ва колхоз ўртасидаги келишмовчиликлардан иборатдир. Колхоз ва кишлоқ хўжалигининг, бошқа давлат корхоналарининг ҳозирги кундаги ривожланиши, унинг аҳволи юқоридаги келишмовчиликларнинг аста-секин бартараф этилаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам жумҳурият Президенти И. А. Қаримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» номли асарида «кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечиш бизнинг қатъий позиция-миздир», дейиши бежиз эмасдир¹.

Ўзбекистоннинг чўл ва бўз ерларини ўзлаштириш оқибатида, минг-минглаб гектар ерларнинг қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши натижасида бир вақтлар одамзод оёғи етмаган жойларда гўзал боғу роғлар, аҳоли яшайдиган пунктлар, чиройли шаҳар ва посёлкалар вужудга келтирилиши ҳам катта аҳамиятга молик бўлди.

Биз бу билан жумҳуриятимизда кишлоқ хўжалигини юксалтириш борасида олиб борилган ишларни илоҳийлаштирмоқчи эмасмиз, зеро бу адолатдан ҳам эмас. Ваҳоланки, ўтган 75 йил давомида собиқ совет ҳукумати

¹ И. А. Қаримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», 54-бет.

томонидан жуда катта хато ва камчиликларга йўл қўйилди, қишлоқ хўжалигида анъанавий, минг йиллар давомида қўлланиб келинган усуллардан воз кечилди.

Энг аввало, пахта яккаҳокимлигига кенг йўл очилди. Оқибатда Ўзбекистоннинг Москвага қарамлиги тобора ошиб борди, ўлка иқтисодиётининг ривожланиши марказнинг меҳр-мурувватига боғлиқ қилиб қўйилди. Пахта яккаҳокимлиги оқибатида чорвачилик, ғаллачилик соҳаси каттиқ зарар кўрди. Ўзбекистон ўзининг катта-катта майдонлари, мислсиз имкониятлари бўла туриб, ўз қорни тўйдириш учун марказга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Қўлдан берганга қуш тўймас, дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам, ўзбек халқининг қорни ҳар доим ҳам тўқ, усти доим бут бўлмади.

Пахта якка ҳокимлиги оқибатида Ўзбекистон иқтисодиётида ўта марказлашув ҳолати рўй берди, деҳқонларнинг эркинлиги тортиб олинди. Бу 20—30-йиллардан бошланган эди. Деҳқонларни мажбуран колхозларга киритиш, айниқса ўрта ҳол деҳқонга ва қулоқлар деб аталувчи ижтимоий табақага нисбатан ишлатилган сиёсат кенг халқ оммасининг ғазабини кўзғатди. Бу пайтга келиб тадбиркор, миришкор деҳқонларнинг оммавий равишда «камбағаллаштириш» жараёни амалга оширилдики, бу кейинчалик партия ва собиқ совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган «тенглаштириш» сиёсатининг вужудга келишига олиб келди.

Бундай тенглаштириш эса деҳқонлар орасида моддий манфаатдорлик принципининг йўқолишига олиб келди ва «менга нима» қабилдаги хотиржамлик кайфиятини пайдо қилди. Собиқ совет ҳокимияти йилларида йўл қўйилган хатолардан яна бири — пахтачилик соҳасига маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг кенг кириб келиши бўлди. Бу энг аввало, пахта сиёсатида намоён бўлди. Иқтисодий муаммолар ўз ички қонунлари билан эмас, аксинча, маъмурий йўллар билан ҳал қилинди. Хўжаликларнинг иқтисодий-техник имкониятларини эътиборга олмасдан

давлат режаси сиёсатини олиб бориш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги объектив сабабларга эътибор бермаслик, субъектив сабабларга эса керагидан ортиқ «мехр» қўйиш, уларни илоҳийлаштириш — буларнинг барчаси мазкур соҳада секинлаштириш, тўхтатиш механизмнинг шаклланишига олиб келди.

Қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликда йўл қўйилган энг катта хатолардан яна бири бу соҳага партия ташкилотларининг билиб-билмасдан аралашишлари бўлди. КПСС Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, вилоят, туман партия ташкилотлари томонидан минглаб, ўн минглаб қарорлар қабул қилинди. Бироқ, улар пахтачиликни ривожлантириш хусусиятларини яхши билмаганликлари оқибатида ўзлари қабул қилган қарорларни ўзлари амалга ошира олмадилар.

Пахтачиликни ривожлантиришда йўл қўйилган хатолардан яна бири шундаки, партия, давлат томонидан қабул қилинган қарорлар ҳар доим ҳам колхозчиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш билан бирга қўшиб олиб борилмади. Асосий эътиборни иктисодий масалаларга қаратиб, кишиларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилашга иккинчи даражали масала деб қаралиши охиروқибатда кишиларни пахтадан бездирди.

Пахта яккахокимлиги оқибатида Ўзбекистонда бир қанча муаммолар пишиб етилди. Шулардан бири — демографик муаммодир. Ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда яшайди. Аҳоли таркибида 60 фоздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Бироқ миллий даромаднинг 44 фозигина қишлоқ хўжалигидан олинади¹.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, жумхуриятда етиштирилган пахтанинг асосий қисми марказга ташиб кетилди. Ўзбекистон пахтаси Россиянинг саноати

¹ И. А. Қаримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли». 54-бет.

ривожланган ўнлаб шаҳарларидаги одамларни иш билан таъминлади, корхоналар, фабрикалар ишлаб турди.

Аммо фақат хом ашё ўлкаси бўлган Ўзбекистонда ҳозир ҳам ишсиз юрган бир миллиондан зиёд кишиларни иш билан таъминлашнинг имкони бўлмади, унга собик ҳукуматнинг собик сиёсати йўл қўймади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги энди бундай нохуш ҳодисаларни бартараф этади, қишлоқ хўжалигида шаклланган тўхтатиш, секинлаштириш механизмини синдириб ташлайди.

Ўзбекистон ҳукуматининг пахта яккаҳокимлигига чек қўйиш, пахта экин майдонларини камайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирадиган деҳқончилик турларини ривожлантириш, чорвачиликка эътиборни кучайтириш, пахтанинг давлат харид нархларини тартибга солиш каби кейинги йилларда олиб бораётган сиёсати ўзбек пахтакорларининг ҳам кўкрагига шабада тегиши учун имкон яратади.

Тараққиётни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай давлат, ижтимоий-иқтисодий тузум ўз сиёсатининг марказига энг аввало инсонни, унинг талаб ва эҳтиёжларини қўйиши лозим. Зеро, бу жараённи амалга оширмаган давлатнинг сиёсати кенг меҳнаткаш халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланмайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ҳам бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш лозим. Давлат барча мулкчилик шаклларини (ширкат, давлат, хусусий) ҳимоя қилишни ўз зиммасига олмоғи лозим.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида амалга ошириши лозим бўлган энг асосий вазифалардан яна бири — пахта майдонларига яқин жойларда, қишлоқда кўпроқ саноат корхоналарини қуриш, бунинг учун чет эл сармояларидан фойдаланиш,

уларнинг бой тажрибаси билан ўртоқлашишдан иборат. Шу йўл билан ҳозир қишлоқда пайдо бўлган мураккаб ижтимоий ва демографик инқирозни, муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади, аҳолини яхши, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти туғилади. Энг асосийси — деҳқонга эркинлик бериш лозим. 20—30-йилларда деҳқондан тортиб олинган эркинликни унга қайтариш Ўзбекистонни мустақиллик шароитида дунёда энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишини унутмаслик зарур.

Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир, уни унутиш эса гуноҳдир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Ўтмишдан дараклар	10
Пахта — Россия томонидан Ўрта Осиёни босиб олиншининг бош сабаби эканлиги	38
Ер масаласи — аграр сиёсатнинг асоси	40
Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришдан ким манфаатдор эди?	50
Чор ҳукуматининг пахтачилик соҳасида олиб борган сиёсатининг совет ҳокимияти даврида янада ривожланиши	75
Ўлка халқ хўжалигининг аҳволи ва янги ҳукуматнинг пахтачиликни юксалтириш мақсадида амалга оширган тadbирлари	75
Туркистон пахтаси янги шароитда	100
Ўзбекистон пахтасининг марказ сиёсатида тутган ўрни	118
Экин майдонларини кенгайтириш ва сув иншоотларини такомиллаштириш — пахтачиликни ривожлантиришнинг муҳим манбаи	118
Сугориладиган майдонлар ҳажми ошиши ва ҳосилдорликни оширишнинг муҳим шarti	133
Ҳосилдорликни ошириш — пахта етиштиришнинг муҳим шarti	
Мамлакат пахта мустақиллигининг таъминланиши. Деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш: ютуқлар ва камчиликлар	153
Пахтачиликда ташкилотчи кадрлар тайёрлаш	168
Ўзбекистон пахтаси иккинчи жаҳон уруши даврида	187
Пахта яккахокимлигининг шаклланиши	207
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги турғунлик даврида: пахтачиликдаги ютуқ ва камчиликлар	230
Яна ирригация ва мелиорация тўғрисида	230
Қишлоқ хўжалигини техника ва мутахассис кадрлар билан таъминлаш масалани ҳал этишнинг муҳим шarti	252
Пахта фаровонлик манбаими ёки қашшоқлик белгисими?	263
Хулоса	289

Абдумалик Раззоков

ИСТОРИЯ ХЛОПКОВОДСТВА УЗБЕКИСТАНА

На узбекском языке

Издательство «Ўзбекистон» — 1994 — Ташкент, Навои, 30.

Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*
Техник муҳаррир *М. Хўжамқулова*
Мусахҳих *М. Минахмедова*

Гарнига берилди 22.12.93. Босишга рухсат этилди 4.12.94. Формати 84×108¹/32. № 2 босма ко-
лонида «Литературная» гарнитура юқори босма усулида босилди. Шартли бос.л. 15,96. Нашр л.
16,40. Тиражи 3000. Заказ № 499. Баҳоси «Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент,
Цановий кўчаси, 30. Нашр № 82—93. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида
босилди. 700 129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Раззоков Абдумалик.

P 18 Ўзбекистонда пахтачилик тарихи: (Ўтмиш ва ҳозир).— Т.: Ўзбекистон, 1994.— 304 б.

Китобда бой ва қимматли ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда пахтачиликнинг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тараққиёти, пахта — Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиншининг бош сабабларидан бири эканлиги, пахтачилик соҳасида чор ҳукумати сиёсатининг собиқ Совет ҳокимияти даврида янада ривожлантирилиши, пахта яққаҳоқимлиги ўзбек халқи бошига жабру жафолар, азоб-уқубатлар келтирганлиги масалалари таҳлил қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг пахтачилик тарихида янги давр бошланганлигига алоҳида эътибор берилган.

Китоб пахтачилик билан шуғулланувчи мутахассисларга, пахтачилик тарихи билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

ББК 42.16

№ 705—94

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат кутубхонаси.

А. РАЗЗОҚОВ УЗБЕКНИ. ИҶМ ИАХАЧИЛЛИЙ ИАГЛИЙ